МУЗАФФАР МУҲАММАДНАЗАР

ПАРДА ОРТИДАГИ ҲАЁТ

Ҳикоялар

Press Oltin Meros

ТОШКЕНТ
2026 йил

www.ziyouz.com kutubxonasi

УЎК: 821.512.133.32
КБК: 84(5Ў)-44
М – 96
Муҳаммадназар, Музаффар
Парда ортидаги ҳаёт: ҳикоялар / Музаффар Муҳаммадназар. Сўзбоши муаллифлари М. Усмонова, З. Бегимқулова. – Тошкент: “Oltin meros press”, 2026. – 338 б.

ISBN 978-9910-5442-2-4

Парда ортидаги ҳаёт – саҳна ёруғлиги ортида қолган инсон қалби, айтилмаган туйғулар ва умр давомида йиғилган сукутлар ҳақидаги ҳикоялар тўплами.

Унда санъат аҳлининг ижод йўли, юксалиши, қалбидаги оғриқлари ва инсон сифатидаги изланишлари тасвирланади.

Аммо бу ҳикоялар фақат санъаткорлар тақдири ҳақида эмас.

Бу – ҳар бир инсоннинг кўринмайдиган “парда орти” ҳақидаги ҳикоялардир.

Томошабин саҳнадаги ёруғликни кўради.

Лекин у ёруғлик ортидаги тунларни, курашларни, сабрни ва қалб изтиробларини ҳар доим ҳам билмайди.

Парда ортидаги ҳаёт – инсон кетгандан кейин ҳам унинг эзгулиги бошқа қалбларда давом этиши ҳақидаги асардир.

Инсон қалбида ҳам саҳнадаги каби парда очилади, парда ёпилади. Аммо қалб саҳнасида умид чироғи ўчмайди!

УЎК: 821.512.133-32
КБК: 84(5Ў)-44

Сўзбоши муаллифлари:
Мунаввара УСМОНОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими, шоира.
Замира БЕГИМҚУЛОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими, режиссёр.

ISBN 978-9910-5442-2-4
© Музаффар Муҳаммадназар, “Парда ортидаги ҳаёт”. “Oltin meros press”, 2026 йил.

www.ziyouz.com kutubxonasi

СЎЗБОШИ

Парда ортидаги ҳаёт – саҳна ёруғлиги ортида қолган инсон қалби, айтилмаган туйғулар ва умр давомида йиғилган сукутлар ҳақидаги ҳикоялар тўплами.

Унда санъат аҳлининг ижод йўли, юксалиши, қалбидаги оғриқлари ва инсон сифатидаги изланишлари тасвирланади.

Аммо бу ҳикоялар фақат санъаткорлар тақдири ҳақида эмас.

Бу – ҳар бир инсоннинг кўринмайдиган "парда орти" ҳақидаги ҳикоялардир.

Томошабин саҳнадаги ёруғликни кўради.

Лекин у ёруғлик ортидаги тунларни, курашларни, сабрни ва қалб изтиробларини ҳар доим ҳам билмайди.

Қаҳрамонлар тақдири орқали асарда муҳаббат, вафо, фидойилик, устоз-шогирд анъаналари ва инсоннинг бошқалар қалбида қолдирган маънавий изи ҳақида сўз юритилади.

Чунки ҳаётда баъзи инсонлар биз билан умрбод қолмайди. Аммо уларнинг меҳри, ишончи ва бизга берган ёруғлиги қалбимизда яшашда давом этади.

Ҳар бир инсоннинг ҳаётида бир "бўш курси" бор. Аввалига у йўқотиш ва соғинч рамзидек кўринади. Бироқ вақт ўтиб англаймиз: у жой бўш эмас. Унда хотира бор. Унда меҳр бор. Унда бизга қолдирилган ўчмас ёруғлик бор.

Парда ортидаги ҳаёт – инсон кетгандан кейин ҳам унинг эзгулиги бошқа қалбларда давом этиши ҳақидаги асардир.

Инсон қалбида ҳам саҳнадаги каби парда очилади, парда ёпилади. Аммо қалб саҳнасида умид чироғи ўчмайди!

Мунаввара УСМОНОВА – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЮРАК ҲИС ЭТСА, ҚАЛАМ СЎЗЛАЙДИ

Музаффар Муҳаммадназарнинг асарларидаги энг катта ютуқ – унинг самимийлиги. Муаллиф қаҳрамонларни айримлардек зўрма-зўраки "ясамайди", уларни ҳаётдан олганлиги сезилиб туради. Шунинг учун матнда сунъийлик сезилмайди.

Айниқса, оилавий муносабатлар, қариндошлик, виждон ва кечирим мавзулари кучли чиққан. Бу мавзулар ўзбек ўқувчисининг қалбига яқин. Шу сабабли асар ўқувчини тез "ичига тортади".

Муаллифнинг китобини ўқир эканман, менда қуйидаги фикрлар пайдо бўлди: "Музаффар одамларни кузатган, уларнинг оғриғини эшитган ва кейин ёзган."

Бу – катта ютуқ.

Унинг асарларида кучли ҳис-ҳаяжонли лавҳалар бор.

Яна бир хусусият: ҳикояларнинг асосий қиммати ижтимоий-ахлоқий драматизмда.

У қаҳрамонларини фақат шахсий тақдир орқали эмас, авлод, оила, қарз, виждон ва кечикиб келган пушаймон орқали очади. Бу услуб ўзбек адабиёти анъанасига яқин.

Инсон ҳаётидаги энг оғир азоб – кечикиб англанган меҳр.

Муаллифнинг услуби ва ўз овози аллақачон шаклланганини қуйидагилар орқали ҳам кўриш мумкин:

* Содда, халқона нутқ – диалоглар ишонарли.
* Ҳикоянависликдаги одамларга меҳрнинг сези-

www.ziyouz.com kutubxonasi

либ туриши – муаллиф қаҳрамонларини муҳокама қилмайди.

* Публицистик нафас – айрим жойларда ҳикоя ичида мақоланависнинг овози эшитилади.

Асарларда:

* Самимийлик;
* Қариндошлик мавзусининг чуқур очилиши;
* Диалогларнинг табиийлиги;
* Қаҳрамонларининг руҳиятини тасвирлаш маҳорати;
* Миллий муҳитнинг ишонарли тасвири;
* Охирги драматик бурилишларни қуриш қобилияти.

Муаллифнинг тили, услуби ва композициясига тўхталсам.

Унда ўзига хос муаллифлик овози бор

Кўп ёш муаллифларда матн кимники экани билинмайди. Музаффарда эса бу жиҳатларни яққол кўрсатадиган бир нечта белгилар бор:

* воқеани тез бошлаш;
* суҳбат орқали феъл-атворни очиш;
* адолат мавзусини кўтариш;
* виждон, инсоф, фирибгарлик каби ахлоқий қарама-қаршиликларни диққат марказига қўйиш.
* воқеабоплик;
* диалог кучлилиги;
* ахлоқий зиддият;
* “ўқувчини” воқеалар ичига қизиқтириб олиб кира олиш маҳорати.

Энг катта ўсиш нуқтаси эса – психологик чуқурлик ва тилни қисқартириш орқали таъсирни кучайтириш.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу белгилар деярли барча ҳикояларда учрайди. Демак, муаллифлик тембри шаклланган.

Композицияга эътибор қаратадиган бўлсак, композицион бурилишларни яхши ишлаган. У тузган композицияларда – сериал драматургиясидаги reveal усули яққол сезилиб туради.

Ўқувчи олдинги саҳналарни қайта баҳолай бошлайди.

Муаллиф драматургик бурилиш қуришни ҳис қилади – бу жуда катта қобилият.

Унинг энг кучли жиҳати – диалогларнинг ишонарли, самимийлиги ва шунинг баробарида, қаҳрамонларининг ички дунёсини очиб бера олишида.

Бир жумла билан қаҳрамоннинг феъл-атвори очилади.

Муаллиф қаҳрамонни изоҳ билан эмас, ўз гаплари билан "фош қилади".

Китобдаги ўқилган саҳифаларнинг ўзи-ёқ менга бир нарсани аниқ кўрсатди: у воқеаларни шунчаки тўқимайди, балки инсон қалбидаги дарду ҳасратлар, қувончу қайғуларни эшита олади ва ўқувчини ҳам тинглашга ундайди.

Бу жуда нодир қобилият.

Сюжетни ўрганиш мумкин, композицияни сайқаллаш мумкин, лекин инсон дардини ҳис қилиш қобилияти – бу туғма истеъдод. Мен ўқиган ҳикояларда айнан шу истеъдод кўринди.

Асар ўқувчини ўзига тортадими ё зериктириб қўядими?

Жавобим: ҳа, тортади, ўқувчи асарларни ўқиш асносида асло зерикмайди, аксинча, воқеалар ичига "шўнғиб" кетади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Асарларнинг яна бир кучли томони – воқеа билан бошлаш маҳорати.

Муаллиф ўз ҳикояларида ўқувчини дарҳол воқеанинг ўртасига олиб киради.

Бу – классик “динамик кириш” усули. Ўқувчи дарров савол бера бошлайди: бу ким? Нега у шошиляпти? Қаёққа? Мақсади нима?

Яъни муаллиф биринчи саҳифада-ёқ ўқувчида қизиқиш уйғота олади. Бу ҳар қандай ҳикоянавис учун катта ютуқ!

Қаҳрамонлар билан бирга яшаш мумкинми?

Ҳа, айниқса, унинг қаҳрамонлари тимсолида бу яққол сезилади.

Ҳикояларда қаҳрамон аёлларнинг уялиши, ўзини йўқотиши, ижтимоий тенгсизлик ҳисси – ҳаммаси ҳаракат орқали, миллий менталитет акс эттирилган ҳолатда берилган. Ўқувчи уни кўради, фақат эшитмайди. Бу яхши белги.

Асарларда: интрига, пухта ғоя, ахлоқий тўқнашувлар бор. Визуал образлар кучли.

Лўнда қилиб айтадиган бўлсам: муаллифнинг китобларини шунчаки ўқиб бўлмайди... уни ҳис қилиш керак!

Мен бу китобларни ўқимадим, аксинча, унинг ичида асар қаҳрамонлари билан бирга яшадим, биргаликда кулиб, кези келганда, уларга қўшилишиб йиғладим... Юрак ҳис этади. Қалам сўзлайди. Вақт эса ҳақиқий асарнинг қадрини айтади. Музаффар аввалги китобларининг дебочасида “Ушбу китобимни Падари Бузрукворим – Муҳаммадназар Умар ўғли ва муҳтарама Волидам – Малоҳат Мирзомуҳаммад қизининг порлоқ хотиралари-

www.ziyouz.com kutubxonasi

га бағишладим”, “Ушбу китобимни санъатимизнинг дарғалари – Ҳошим Арслонов, Мирза Азизов ва Фатхулла Маъсудовнинг ёрқин хотираларига бағишлайман”, ушбу китобини эса “Санъатимиз дарғалари – Маръям Ихтиёрова ва Доно Бобохонованинг порлоқ хотираларига бағишлайман” деб ёзган сатрлари мени ўйга чўмдирди...

Китоблар дунёда жуда кўп. Аммо инсон китобни ёпгач ҳам, қалбида яшаб қоладиган китоблар унчалик кўп эмас. Лекин мен истардимки: ўқувчилар бу китобни ёпгач, ота-онасига қўнғироқ қилишни ёки улар ҳаётдан ўтган бўлса, уларни бир дуо билан эслашни хоҳласин.

Агар китоб инсонни шу эзгуликка ундай олса, менимча, бу адабиётнинг энг гўзал ютуқларидан бири бўлади.

Замира БЕГИМҚУЛОВА – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, режиссёр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ушбу китобимни санъатимиз дарғалари – Маръям Ихтиёрова ва Доно Бобохонованинг порлоқ хотираларига бағишлайман!

Муаллиф.

ПАРДА ОРТИДАГИ ҲАЁТ

Томошабинлар ҳар галгидек нафасини ичга ютганча саҳнага тикиларди.

Саҳна ёруғида у гўзал эди. Юзида табассум, кўзларида минг хил туйғуни ифодалай олган, ҳар бир ҳаракатида нафосат, ҳар бир сўзида ҳаёт нафаси бор эди. У севги билан севилар, дард билан йиғлар, қаҳрамонлари билан бирга куларди. Залда ўтирганлар эса унинг овозига эргашиб, қалбидаги оламга кириб кетарди.

У – Зебо Назарова эди. Театрнинг юлдузи.

Аммо парда ёпилиб, саҳна чироқлари сўнган заҳоти у яна ўз ҳаётига қайтарди.

Бу ҳаётда эса уни ҳеч ким олқишламасди. Ҳеч ким “Офарин!” деб ҳайқирмасди. Уйига кирганда уни кутиб оладиган иссиқ сўзлар ҳам, соғинган нигоҳлар ҳам йўқ эди.

Онаси бу дунёни эрта тарк этганди. Бир вақтлар юрагини тилка-пора қилган хиёнат эса унда муҳаббатга нисбатан ишончсизлик қолдирганди. Энди унинг уйи – сокинлик ва жимжитлик билан тўлган оддий бир хонадон эди.

Ҳар кеча у ўзи тайёрлаган овқатни хонтахтага қўяр, икки курсидан бирини атайлаб бўш қолдирарди.

Бу – одат эди. Бу – умид эди. Баъзан у ўша бўш

www.ziyouz.com kutubxonasi

курсига қараб, саҳнада айтган сўзларини паст овозда такрорларди. Чунки унинг учун ҳаёт саҳнада бошланар, саҳнада давом этар ва яна саҳнада тугарди.

Унинг гўзаллиги ва машҳурлиги ортидан эргашганлар кўп эди. Аммо Зебо кимнингдир қўлидаги безак ёки қўғирчоқ бўлишни истамасди. Унга унинг шуҳратини эмас, қалбини кўрадиган инсон керак эди. Саҳнасига ҳурмат билан қарайдиган, ижодини тушунадиган, унинг эркинлигини бўғмайдиган, асоссиз рашклар билан юрагини оғритмайдиган вафодор ҳамроҳга эҳтиёж сезарди.

Бир куни театр директори унга:

– Зебо, сен билан фахрланаман. Сен саҳнада шунчаки роль ижро этмайсан, балки ўша қаҳрамонларинг билан бирга яшайсан! – дея эътироф этганди.

У ўша сўзларни эслаб, беихтиёр юзига табассум югурди.

“Ҳа, мен саҳнада яшайман...” – деб ўйлади у. “Аммо ҳаётда фақат кун кечираяпман...”. Инсон баъзан бошқалар учун яшаган ҳаётида ўзини йўқотиб қўяди.

Бир кеча спектаклдан сўнг, у гримини секин артаётиб, кўз ёшларини тўхтатолмади. Бу ёшлар чарчоқдан эмасди.

Бу – айтилмаган дардлардан, берилмаган меҳрдан, узоқ йиллар давомида юракда йиғилиб қолган оғриқлардан оққан ёшлар эди. Энг оғриқлиси эса – минглаб инсонларга қувонч улашадиган аёлнинг саҳнадан тушгач, ўзини ёлғиз ҳис қилиши эди.

Аммо эртаси куни у яна саҳнага чиқади. Яна ўша

www.ziyouz.com kutubxonasi

табассум. Яна ўша ишонч. Яна ўша Зебо. Чунки саҳнада у ўзини топарди.

У саҳнада чинакам малика эди. Саҳна ортида эса оддий бир аёл. Саҳнада у севиларди. Саҳнада – у ҳақиқий Зебо эди.

***

Театрда уни ҳамма танирди.

У саҳнага чиққан заҳоти залдаги нигоҳлар унга қадаларди. У кулганда – томошабинлар ҳам қувонарди. У йиғласа – залда ўтирганлар ҳам унга қўшилишиб кўз ёш тўкишарди. Унинг ҳар бир сўзи, ҳар бир нигоҳида инсон қалбининг яширин дардлари акс этарди.

Саҳнада у юзлаб тақдирларни кўрсатарди. Аммо ҳеч ким унинг ҳақиқий ҳаётини билмасди.

Парда ёпилгач, олқишлар тўхтар, чироқлар сўнар, одамлар эса ўз уйларига тарқаларди. Зебо эса секин қадамлар билан бўш саҳнада бир муддат жим қоларди. Биргина саҳна уни тушунарди. Саҳна ҳеч қачон ундан: “Нега ёлғизсан?”, – деб сўрамасди.

“Нега бахтли эмассан?”, “Нега кўзларингда кулги бўлса-да, қалбингда қайғу бор?”, каби саволларни бермасди. Саҳна уни қандай бўлса, шундайлигича қабул қиларди.

Уйидаги деворларда онасидан қолган эски суратлар, токчаларда эса ўқилган китоблар, хонтахта устида эса икки кишилик идишлар турарди.

Ҳар кеча у икки кишилик дастурхон ёзарди. Нега? Буни ўзи ҳам билмасди. Балким, инсон қалби умиддан воз кечишни истамас. Бўш курси эса унинг ҳаётидаги энг содиқ ҳамроҳи эди. Курси унга ҳеч қачон хиёнат қилмасди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

***

Спектаклларда у яна саҳнага чиқади. Томошабинлар яна олқишлашади. У саҳнада кулади, севади, севилади, яна азоб чекади...

Ҳақиқий санъаткорнинг қисмати шундай: у ўзининг кўз ёшлари эвазига бошқалар учун қувонч бағишлайди.

Парда ёпилганда эса, саҳнада яна оддий аёлга айланиб қолади. Аммо ўша аёлнинг ичида ҳам умид ва ишонч яшайди: баъзан инсоннинг энг катта роли – бошқаларга бахт улашиб, ўз бахтини излаб яшашидир.

***

Спектакль бошланишига бир неча дақиқа қолган. Залдаги томошабинлар паст овозда суҳбатлашар, кимдир дастурномани варақлар, кимдир эса саҳна томонга қизиқиш билан қарарди. Аммо парда ортида бутунлай бошқа бир олам яшарди.

Бу ерда вақт бошқача оқарди. Бу оламда юраклар тезроқ урар, нафаслар қисқароқ олинар, бир неча дақиқадан кейин минглаб инсонлар олдига чиқадиган актёрлар ўз қалбларини яна бир бор синовдан ўтказарди. Парда ортидаги ҳар бир инсон ўз қаҳрамонига айланарди. Кимдир шоҳ бўларди. Кимдир гадо. Кимдир бахтли ошиқ. Кимдир тақдир зарбасидан синган инсон.

Аммо уларнинг барчаси бир нарсани яхши биларди: саҳнага чиққан заҳоти шахсий дардлар унутилади. Саҳна актёрдан фақат истеъдод эмас, қалбини ҳам талаб қилади. Зебо эса бу қонунни яхши биларди. У ойна қаршисида жим ўтирарди.

Гримчи унинг юзига сўнгги бўёқларни суртар,

www.ziyouz.com kutubxonasi

аммо Зебо ўз аксидан кўра хаёлларига кўпроқ тикиларди.

– Тайёрмисиз, Зебо опа? – деди ёш актриса эшикдан бошини суқиб.

Зебо кулимсиради.

– Актриса ҳеч қачон тайёр бўлмайди. У фақат саҳнага чиқади...

Ёш актриса бу сўзларнинг маъносини ҳали тўлиқ англамасди. Унинг учун Зебо – тирик афсона эди. Театрнинг юлдузи. Минглаб томошабинлар севган аёл. Саҳнага чиққан заҳоти бутун зални ўз оламига торта оладиган санъаткор.

Аммо у билмасди... Ҳар бир юлдузнинг ҳам тунлари бўлади. Ҳар бир ёруғликнинг ортида соя бор.

– Бир дақиқа қолди! – деган овоз эшитилди.

Зебо ўрнидан турди. У кўзларини юмди. Бу одат унда йиллар давомида шаклланганди. Ҳар сафар саҳнага чиқишдан олдин у бир неча сония жим турарди. Гўё ўзини эмас, бошқа бир инсонни уйғотаётгандек.

Парда очилди. Ва мўъжиза бошланди. Залда ўтирганлар нафасини ичга ютди. Саҳнага чиққан аёл энди Зебо эмасди. У – муҳаббатдан азоб чекаётган аёл эди. У – ҳаёт зарбаларига қарши курашаётган инсон эди. У – ўз бахтини излаётган қалб эди.

Унинг овози титрарди. Кўзларида ёш қалқирди. Аммо бу актёрлик эмасди. Зебо йиллар давомида йиғилган барча дардларини санъатга айлантиришни ўрганганди. Шунинг учун ҳам томошабин уни ишонарли деб эмас... Ҳақиқий деб қабул қиларди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Спектакль тугади. Залда қарсаклар эшитилди. Олқишлар. Гулдасталар. Ҳайратли нигоҳлар.

– Офарин, Зебо!

– Яшанг!

– Сиз юксак истеъдодли актрисасиз!

У табассум қилди. Бош эгиб, таъзим қилди. Ташаккур билдирди. Томошабинлар унинг кўзларидаги ёшни қаҳрамонининг дарди деб ўйлашди.

Ҳеч ким билмасди... Бу ёшлар саҳна қаҳрамониники эмасди. Бу – Зебонинг ўз кўз ёшлари эди.

Спектакль тугагач, зал бўшай бошлади.

Одамлар ўз яқинлари билан театрдан чиқиб кетишарди. Кимдир спектакль ҳақида гапирар, кимдир Зебонинг ижросини мақтарди.

***

Кеч тушган эди. Шаҳар ҳали ҳам уйғоқ. Кўчаларда машиналар чироқлари оқиб ўтар, кимдир шошилар, кимдир уйига қайтаётган бўларди. Аммо катта шаҳарда жойлашган ўз уйида вақт гўё тўхтаб қолгандек туюларди. У эшикни секин очди. Одатдагидек, уни қарши оладиган ҳеч ким йўқ эди. Фақат хона ичидаги жимжитлик. У баъзан шу сукунатни одамлардан ҳам самимийроқ деб ўйларди. Чунки одамлар кўпинча ярасини тирнайдиган саволларни беришарди.

“Нега ажрашгансиз? Нима учун яна турмуш қурмагансиз?”, “Нега ёлғиз яшайсиз?”, “Шунча мухлисларингиз бўлатуриб, нега ҳалигача бахтингизни топмагансиз?”...

Зебо чой қўйди. Чойнакдан қайнаб чиқаётган овоз уйдаги ягона тириклик белгиси эди. У курсига омонатгина ўтирди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қаршисидаги бўш жойга қаради. Бир лаҳзага унинг кўз олдида кимдир пайдо бўлгандек бўлди.

– Яхши келдингми, болам...

У юрагининг бир чеккасида таниш овозни эшитгандек бўлди.

Онаси...

***

Онаси ҳар доим уни театрдан қайтишини пойлаб ўтирарди.

Ёш Зебо биринчи марта саҳнага чиққанида онаси залда ўтирганди. Ўша куни Зебо жуда қўрққан. Қўллари титраган. Сўзларини унутиб қўйишдан чўчиган. Парда очилган пайтда у залга қараган. Биринчи бўлиб онасининг кўзларини кўрган.

Ўша нигоҳда ишонч бор эди. "Қўрқма, қизим. Сен ролингни қойилмақом ижро этасан...".

Онаси бу сўзларни овоз чиқариб гапирмаган бўлса ҳам, кўзлари билан шу гапларни айтганди. Шундан кейин Зебо ҳар сафар саҳнага чиққанда онасининг ўша нигоҳларини изларди.

Аммо йиллар ўтди. Онаси вафот этди. Ўшанда Зебо биринчи марта саҳнага онасининг дуосисиз чиқди.

Яқин кишиларингиз ҳаётдан кўз юмганда, уйингиз билан бирга қалбингиз ҳам ҳувиллаб қолар экан.

Зебо токчадан эски бир суратни олди. Унда онаси ва ёш Зебо бор эди. Суратдаги қиз ҳали машҳур эмасди. Ҳали унинг исмини кўпчилик билмасди. Ҳали у юрак оғриғини, хиёнатни, ёлғизлик нима эканлигини билмасди. У фақат орзу қиларди.

– Сен жуда бахтли эдинг-а... – деди Зебо суратдаги

www.ziyouz.com kutubxonasi

қизга қараб.

Сўнг жилмайди.

– Ёки шундай деб ўйлаганмидинг?..

***

Инсон ҳаётида шундай даврлар бўладики, у ўзининг ўтмишдаги суратига қараб қолади. Ундаги қиёфа таниш. Аммо ўша даврдаги самимий ва маъсум чеҳраси бегона. Йиллар инсоннинг фақат юзинигина эмас, қалбини ҳам ўзгартиради.

Зебо ҳам ўзгарганди. У бир вақтлар муҳаббатга ишонган қиз эди. Энди эса муҳаббат ҳақида фақат саҳнада гапирадиган актриса эди.

Телефони жиринглади. Зебо бироз чўчиб кетди. Бу пайтда ким қўнғироқ қилиши мумкин? Экранда театр директори номи ёзилганди.

– Алло...

– Зебо, уйга етиб бордингми?

– Ҳа.

– Бугунги ижроинг... жуда кучли бўлди. Томошабинлар роса мақташди.

– Раҳмат.

– Хайрли тун.

Телефонни қўйди. Чироқни ўчирди. Лекин ухлай олмади. Баъзи одамлар тунни ухлаш учун эмас... Ўзлари билан суҳбатлашиш учун қарши олади.

У кўзларини юмди. Узоқ йиллар аввалги бир кунни эслади. Унинг ҳаётидаги биринчи катта жароҳат бошланган кунни...

Тун сокин эди. Аммо Зебонинг хотиралари тинчлик бермас, ором олишига тўсқинлик қиларди. Инсон баъзи кунларни унутишга ҳаракат қилади. Аммо баъзи кунлар инсонни унутмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Улар йиллар ўтса ҳам, кутилмаганда эшик қоқади. Бир ҳид, бир қўшиқ, бир таниш овоз... ва одам яна ўша кунларга хаёлан қайтиб қолади.

Зебонинг ҳаётида ҳам шундай бир кун бор эди. Ўша кунни у "сўнгги бахтли куним" деб аташни истамасди.

***

Улар биринчи марта театрда учрашганди. У пайтда Зебо ҳали катта саҳналарда ўйнамайдиган, аммо улкан орзулари бир олам ёш ва ғўр актриса эди. Унинг кўзларида ишонч бор эди. Овозида ҳаяжон. Қалбида эса бутун дунёга сиғмайдиган муҳаббат бор эди.

У инсонни учратганда, биринчи навбатда унинг кўзларига қararди. Зебо инсоннинг ҳақиқий қиёфаси сўзларида эмас, нигоҳларида акс этишига ишонарди. Унинг кўзларида эса меҳр бордек туюлганди.

– Сен саҳна учун туғилгансан, – деганди у бир куни.

Зебо бу гапни эшитиб кулганди.

– Ҳамма актрисаларга шундай деб хушомад қиласизми?

– Йўқ, – деганди у. – Баъзилар саҳнада кўринади. Баъзилар эса саҳнага ҳаётни олиб чиқади.

Бу сўзлар Зебонинг юрагида қолиб кетганди. Санъаткорга баъзан олқишдан ҳам кўра, бир инсоннинг ишончи қимматроқ бўлади.

***

Улар турмуш қуришди.

Зебо ўша куни ўзини саҳнадаги энг бахтли қаҳрамондан ҳам бахтли ҳис қилди. У энди ҳаётда ҳам ўз ролини топгандек эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бундан буён уни спектаклдан кейин кутадиган инсон бор эди. Эндиликда у уйга қайтганда деворлар эмас, севган инсони қарши оларди.

У биринчи марта саҳнадаги севги билан ҳаётдаги севги бир хил бўлиши мумкинлигига ишонди.

Аммо ҳаёт... Ҳақиқий ҳаёт ҳар доим ҳам муаллиф ёзган сценарий бўйича кечмайди.

***

Вақт ўтди. Зебо машҳур бўла бошлади. Унинг суратлари газета ва журналларда чиқар, спектаклларига чипталар олдиндан сотиларди. Томошабинлар унинг бахтига ҳавас қиларди. Улар саҳнадаги Зебони кўришарди. Аммо уйдаги ҳаётини кўришмасди.

Улар унга тутқазилган гулдасталарни кўришарди. Аммо гуллар каби сўлиб бораётган қалбини эмас.

***

Ўша кунги кўнгилсизликка сабабчи бўлган ажралиш бирор катта жанжал билан бошланмади. На бақириқ бўлди. На синган идишлар. На драматик хайрлашув. Баъзан энг катта фожиалар сокинлик билан содир бўлади...

Зебо ўша кеча йиғламади. Гоҳида оғриқлар кўз ёши билан ташқарига чиқиб кетмайди.

Улар инсоннинг ичида жимгина жойлашиб олади.

***

Ўша куни у театрга борди. Спектакль бор эди. Режиссёр унинг кўзларига қараб:

– Зебо, бугун ўзингизни яхши ҳис қиляпсизми? – деб сўради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У доимгидек жилмайди.

– Ҳа.

Бу унинг энг катта ёлғони эди. Санъаткорлар баъзан бутун дунё олдида ҳам ўзини тутиб туришни ўрганади. Аммо қалб олдида ҳеч қандай саҳна йўқ.

Парда очилди. Зебо саҳнага чиқди. Унинг бугунги роли – юраги парчаланган аёл роли эди. Унинг ҳар бир сўзида алам бор эди. Ҳар бир нигоҳида савол. Ҳар бир ҳаракатида айтилмаган видо. Спектакль тугагач, томошабинлар узоқ вақт чапак чалишди.

Улар актрисанинг энг яхши ижросини эмас... Унинг қалби парчаланган кечани томоша қилишганди.

***

Ўша кундан кейин Зебо ўзгарди. У аввалги Зебо эмасди. Аммо у ўзини йўқотмади. У янги Зебога айланди. Инсон баъзан бахтдан эмас, дарддан ҳам куч олади.

Шундан кейин Зебо ҳар бир ролга бошқача киришди. У энди фақат қаҳрамонларни ўйнамасди. У уларнинг оғриғини ҳис қиларди.

Зебонинг ҳаётидаги ўша оғир кечадан кейин вақт ўтди.

Ташқаридан қараганда, ҳаммаси ўз ўрнига тушгандек эди. У ишга келарди. Репетиция қиларди. Спектаклларда ўйнарди.

Томошабинларга табассум улашарди. Аммо инсон қалбидаги энг катта ўзгаришлар кўпинча бошқаларга кўринмайди.

***

www.ziyouz.com kutubxonasi

Театрда унинг биринчи устози – Камол ака бор эди. У кекса, аммо нигоҳида ҳали ҳам ёшлик оташи сўнмаган режиссёр эди.

Камол ака актёрнинг овозидан олдин унинг қалбини эшитишга ҳаракат қиларди. Бир куни репетиция пайтида у Зебони тўхтатди.

– Шошма, Зебо. Сенда гапим бор.

У ҳайрон бўлиб қаради.

– Нима бўлди, устоз?

– Сен бу сўзларни шунчаки айтяпсан, лекин уларни ҳис қилмаяпсан.

Зебо жим қолди.

– Қаҳрамонинг қайғуга чўмган аёл. Сен эса унинг кўз ёшини кўрсатяпсан, холос. Лекин дардини эмас.

Ўша куни Зебо репетициядан кейин узоқ вақт саҳнада қолди. Театр бўш эди. Томошабинлардан бўшаган ўриндиқлар қатор-қатор жим турарди. Парда қимирламасди. У саҳнанинг ўртасига чиқди. Биринчи марта қаҳрамони эмас, ўзининг дарди билан гаплашди.

– Нега мени ташлаб кетдинг?.. – деди у паст овозда.

Бу спектаклдаги сўз эмасди. Бу унинг қалбидан чиққан савол эди.

Шу лаҳзада у бир нарсани тушунди: санъаткорнинг вазифаси дардини яшириш эмас. Уни маънога айлантириш.

***

Шундан сўнг Зебонинг ҳар бир роли ўзгарди. У аввал ҳам яхши актриса эди. Аммо энди у бошқача эди. Унинг нигоҳида ҳаёт бор эди. Овозида тажриба. Сукутида эса мингта айтилмаган ҳикоя. Томо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шабинлар бу ўзгаришни сезди.
– Зебо энди бошқача ўйнаяпти...

***

Йиллар ўтди. Унинг номи катта саҳналарда янграй бошлади. Янги актёрлар унинг ижросини ўрганарди. Ёшлар унга ҳавас қиларди.

Аммо Зебо ҳеч қачон ўзини юлдуз деб ҳисобламасди. Бир куни ёш актрисалардан бири ундан сўради:
– Зебо опа, сиз қандай қилиб ҳар бир ролни шунчалик ҳақиқий ижро этасиз?

Зебо бироз ўйланди. Сўнг жавоб берди:
– Чунки мен саҳнага қаҳрамонларимни эмас, инсонларни олиб чиқаман.
– Бунинг фарқи нимада?
– Пьесадаги қаҳрамон ролини ўйнаш, сўзларни ёд олиш осон. Аммо ўша инсоннинг қалб кечинмаларини кўриш, ҳис қилиш, тушуниш ва англаш қийин.

***

Зебо энди фақат актриса эмасди. У инсон қалбининг таржимонига айланганди. У севги ҳақида ўйнаганда – севмаганлар ҳам ишонарди. У айрилиқ ҳақида гапирганда – йўқотмаганлар ҳам йиғларди. Негаки, у саҳнада ёлғон ҳисларни эмас, ҳақиқий туйғуларни олиб чиқарди. Унинг энг катта ютуғи шу эди!

Инсоннинг ҳаёти фақат уни кутаётган бир инсон билан эмас... У қолдирган излари билан ҳам ўлчанади. Балким, унинг бахти бошқача шаклда келгандир. Балким, шу туфайли у минглаб қалбларга кириб бориш бахтига эришгандир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Йиллар одамни секин ўзгартиради. Аввал буни инсоннинг ўзи сезмайди. Кўзгуда акс этган юздаги билинар-билинмас ажинлардан ҳам эмас. Сочларга қўнган оқ толалардан ҳам эмас. Инсон ўзгарганини бошқаларнинг нигоҳидан англайди.

Зебо ҳам буни биринчи марта саҳна ортида ҳис қилди.

Илгари ёш актрисалар унинг олдига келиб:

– Зебо опа, сизга ҳавас қиламиз...

– Сиздек актриса бўлишни орзу қиламиз...

– Ролга қандай киришни ўргатинг... – дейишарди.

У уларга меҳр билан қararди. Зебо бу қизларда ўзининг ёшлигини кўрарди. Ўша орзуларга, ишончга тўла, ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотмаган Зебони.

Энди улар унга “Устоз” деб мурожаат қилишарди. Бу сўз чиройли эди. Аммо қалбнинг бир четида оғриқ қолдирарди.

Негаки, Устоз – бир вақтлар саҳнанинг марказида турган, энди кўп йиллик тажрибага эга, ёши катта, бошқаларга йўл кўрсатадиган инсон. Демак, ёшлик даври ўтаяпти...

***

Театр ҳам ўзгариб борарди. Янги овозлар. Янги чеҳралар. Янги орзулар. Пардалар ҳали ҳам очиларди. Чироқлар ҳали ҳам ёнарди.

Аммо Зебо баъзан саҳна четида туриб, ўзини анча йиллар аввалги ёшлик даврини кузатаётгандек ҳис қиларди.

У қиз саҳнага шошиб чиқарди. Қўрқмасди. Ўзига ишонарди. Севгига ҳам, одамларга ҳам, келажакка ҳам.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Энди эса бари бошқача.

Бугун сизга аталган олқишлар эртага бошқаники бўлиши мумкин. Вақт ўтиши билан, мухлисларингиз сизни унутиши мумкин...

***

Ёш актриса Малика ундан сўради:

– Зебо опа, сиз ҳеч қачон ёлғизликдан қўрқмаганмисиз?

Зебо бироз жим қолди.

Бу саволни ундан ҳеч ким сўрамаганди.

Ҳамма унинг муваффақияти ҳақида сўрарди. Роллари ҳақида. Шуҳрати ҳақида. Аммо ёлғизликдан қўрқиши ҳақида эмас.

– Қўрққанман, – деди у ниҳоят. – Аёл қанчалик кучли кўринмасин, у ҳам кимгадир суянишни истайди. Кучли бўлишдан, аниқроғи, ўзини кучлидек қилиб кўрсатишдан чарчайди.

– Лекин сиз ҳамманинг севимли актрисасисиз-ку... Мухлисларингизнинг муҳаббати сизга куч бермайдими?

Зебо ойна томон қаради.

– Мухлисларнинг ўткинчи муҳаббати баъзан бир инсоннинг меҳр-муҳаббати ўрнини босолмайди.

Бу гапдан кейин иккаласи ҳам жим қолишди.

Чунки баъзи ҳақиқатларни эшитгандан кейин жавоб керак бўлмайди.

***

Ўша кунларда Зебога янги бир роль таклиф қилишди. Кўпчилик бу ролни унга муносиб эмас деб ҳисоблади.

– Бу ёш актрисаларга мос роль эмасми?

– Зебо энди бошқа йўналишда ўйнаши керак... Унга

www.ziyouz.com kutubxonasi

энди она роллари мос келади, – деганлар бўлди.

Аммо режиссёр бошқача фикрда эди.

– Йўқ, – деди у. – Бу рольни фақат ҳаётни кўрган аёл ўйнай олади.

Зебо сценарийни ўқиди. Қаҳрамон ҳам ёлғиз аёл эди. Қалбида кўп саволлари бор аёл. У бир неча саҳифани ўқиб-оқ тўхтаб қолди. У асарда қаҳрамонни эмас... Ўзини кўраётганди. Муаллиф худди унинг ҳаёти ҳақида ёзгандек эди...

***

Спектакль премьераси бошланди.

Парда очилди. Зебо саҳнага чиқди. Бу сафар томошабинлар унда ёшликдаги гўзалликни эмас... Ҳаётнинг оғирлиги ва чиғириқларини мардонавор енгиб ўтган аёлнинг буюклигини кўришди.

Унинг ҳар бир сукути сўздан кучли эди. Ҳар бир нигоҳида ўтган йиллар акс этарди.

Спектакль тугаганда гулдурос қарсаклар янгради. Аммо бу оддий олқиш эмасди. Бу – ҳурмат эди. Томошабинлар энди Зебонинг чиройини эмас... Унинг қалбини олқишлаётганди.

***

Ўша кеча уйга қайтгач, Зебо яна икки кишилик хонтахта олдига ўтирди.

Бўш курсига қаради.

Зебо чой қуйди. Бир пиёласини ўзи олди. Иккинчисини эса бўш курси олдига қўйди. Бу энди кутиш эмасди.

Бу – хотирага ҳурмат эди.

***

Куз фасли театрни бошқача қилиб қўярди.

Дарахтлардан тўкилган сарғиш барглар саҳна

www.ziyouz.com kutubxonasi

пардаларини эслатар, ҳавода эса ажиб бир видолашув иси кезарди.

Зебо кузни яхши кўрарди. Негаки куз ҳеч нарсани яширмасди. Сарғайган ва тўкилаётган япроқларини ҳам, кўз ёшлардек томчилаётган ёмғирларни ҳам. У дарахтларга ҳам, одамларга ҳам вақтнинг ҳукмини эслатиб турарди.

У театрга келганида, хизматчи қиз унинг қўлига кичик бир хат тутқазди.

– Зебо опа, бир киши қолдириб кетди.

Хатни очиб ўқиганида, унда фақат икки оғиз сўз бор эди.

"Мен Сизни ўттиз йилдан бери саҳнада кузатаман. Бугун биринчи марта Сизнинг кўзларингиздаги чарчоқни кўрдим."

Имзо йўқ. Фақат битта ҳарф. "М".

Зебо хатни қайта ўқиди. Унда ҳавас ҳам йўқ эди. Ошиқлик ҳам. Мақтов ҳам. Фақат... кузатув бор эди.

Бир инсоннинг иккинчи инсонни ҳақиқатан кўра олганини билдирувчи иқрор бор эди.

***

Орадан бир ҳафта ўтди. Театрда "Санъат ва вақт" мавзусида ижодий учрашув ташкил қилинди. Тадбирга танқидчилар, журналистлар, театршунослар таклиф этилганди. Тадбирдан кейин сочларига оқ тушган, кўзлари ўйчан боқадиган бир киши Зебонинг олдига келди.

– Ассалому алайкум.

– Ваалайкум ассалом.

– Мен Мансур Раҳимовман. Асосан, театр ҳақида ёзаман.

Зебо жилмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Демак, хатни сиз ёзган экансиз-да.
– Ҳа.
– Нега имзо қўймадингиз?
– Ўша куни Сизга танқидчи эмас... Мухлисингиз ёзганди.

Улар театрнинг бўш залида анча вақт суҳбатлашиб ўтиришди. Мансур Зебодан: “Санъатга қандай кириб келгансиз?”, “Нечта мукофот олгансиз?”, “Энг яхши ролингиз қайси?” сингари сийқаси чиққан саволларни сўрамади.

У фақат секингина бир савол берди:
– Сиз қачондан бери чарчоқни ҳам роль ичига яширадиган бўлдингиз?

Зебо жавоб бермади. У ҳали бу саволга тайёр эмасди.

Бироздан кейин Мансур яна сўзида давом этди:
– Одамлар Сизнинг образларингизни яхши билади. Мен эса Зебони билишни истадим.

Зебо узоқ вақт жим қолди. Сўнг биринчи марта юрагидаги оғирлик енгиллашаётганини ҳис қилди. Аёлга кўпинча маслаҳат керак эмас. Уни эшитадиган дардкаш қалб керак.

***

Шу кундан кейин Мансур театрга келиб турадиган бўлди.

Гоҳида беш дақиқалик суҳбатнинг ўзи Зебонинг зулматга чўмган кўнглини ёритиб юборарди.

Мансур унга ҳеч қачон:
– Нега ҳалигача ёлғизсиз... – демасди. У бундай дейишни ҳақорат деб биларди.

Негаки, Зебо ёлғиз эмасди. Унинг саҳнаси бор эди. Миллионлаб мухлислари бор эди. Хотиралари

www.ziyouz.com kutubxonasi

бор эди. Оғриқлари бор эди...

Фақат уларни тушунадиган одам кам эди.

***

Бир куни Зебо Мансурни уйига таклиф қилди.

У қўлида китоб олиб келганди. Зебо чой қуйиш учун ошхонага кирди. Мансурнинг кўзи хонтахта олдидаги иккинчи курсига тушди. У ҳеч нарса сўрамади. Ҳеч нима демади. Таклиф ҳам кутмади. Фақат жимгина ўша бўш курсига ўтирди.

Зебо буни кўриб, чойнакни қўлидан тушириб юборай деди.

Йиллар давомида... Ҳеч ким... Ҳеч ким ўша курсига ўтирмаганди. Ҳеч ким ўтиришга ҳам журъат қилмаганди.

У эса жимгина ўтириб олди. Гўё бу жой азалдан бўш турмаслиги керакдек.

Чой қуйиларкан, Мансур гап бошлади:

– Ижозат сўрамасдан ўтириб олганим учун маъзур тутинг. Менимча, баъзи курсилар кимнидир кутиш учун эмас... Унутилмаслик учун қўйилади.

Зебо унга қаради. Унинг кўзларига ёш келди. Йиллар давомида у бу курсини ўз бахтининг йўқолган рамзи деб ўйлаганди.

Бугун эса илк марта англадики, бўш курсининг маъноси одам эмас, хотира экан. Вафо экан.

Инсоннинг қалбида бўш қолган жойни ҳеч ким эгалламаслиги кераклигининг белгиси экан.

Ўша кеча улар узоқ суҳбатлашишди. Севги ҳақида эмас. Ёлғизлик ҳақида ҳам эмас. Инсоннинг умри ғаниматлиги ҳақида. Санъатнинг нархи ҳақида. Вақт ҳақида.

Баъзан тақдир инсонга кечиккан муҳаббатни

www.ziyouz.com kutubxonasi

эмас... Кечиккан иқрорни юборар экан.

***

Кузнинг ёмғирли куни эди.

Театрнинг баланд деразаларига ёмғир томчилари урилиб, майин шовқин чиқарарди. Репетиция тугаган, саҳна бўшаган, йўлаклардаги қадам товушлари ҳам аста-секин сўниб борарди.

Мансур ҳар доимгидек томошабинлар залига кирди. У охирги қаторга эмас, биринчи қаторга ҳам эмас, балки еттинчи қаторнинг ўрта ўриндиғига бориб ўтирди.

Йиллар давомида у айнан шу жойдан спектакларни кузатарди.

У қўлида қора муқовали эски дафтарни кўтариб келганди.

Дафтарнинг бурчаклари ғижимланган, муқоваси вақтнинг изларини яширмасди.

У дафтарни эҳтиётлик билан Зебога узатди.

– Бу нима?

– Ўттиз икки йиллик суҳбат.

– Ким билан?

– Сиз билан...

Зебо ҳайрон бўлиб унга қаради.

– Мен билан?

Зебо дафтарни очди.

Биринчи саҳифада сана ёзилган эди.

1989 йил. 14 октябрь.

Пастида эса қисқагина қайд:

“Бугун саҳнага янги актриса чиқди. Исмини эслаб қола олмадим. Аммо унинг кўзларида роль эмас, ҳаёт бор эди. Агар тақдир уни синдирмаса, катта санъаткор бўлади. Агар синдирса... эҳтимол,

www.ziyouz.com kutubxonasi

ундан ҳам каттароқ санъаткор бўлар".

Зебонинг бармоқлари титраб кетди.

Бу унинг театрдаги биринчи бош роли ижро этилган кун эди. У бу санани ҳам унутиб юборганди. Аммо кимдир уни эслаб юрибди. Кимдир ўша кунни ўз ҳаётининг бир саҳифасига айлантирибди.

У секин кейинги бетни очди.

1991 йил.

"Бугун у биринчи марта йиғлади. Қизиғи, спектаклда эмас. Парда ёпилгандан кейин. Мен тушундим: яхши актёр саҳнада йиғлайди. Юксак истеъдодли актёр эса саҳнадан кейин ҳам йиғлай олади."

Зебо кўзларини юмди.

Маълум бўлдики, унинг дардини гувоҳи ҳам бўлган экан.

Мансур унинг хаёлларини бузмади.

Театршуноснинг касби баъзан савол бериш эмас, жим туришни билишдан бошланади.

Зебо секин сўради:

– Нега буларнинг ҳаммасини ёздингиз?

Мансур саҳнага қараб турди. Парда ёпиқ эди.

– Чунки бир куни театр ёпилиши мумкин. Бу бинода бошқа одамлар ишлаши мумкин. Бу саҳна бузилиши мумкин. Лекин мен истадимки, бу ерда бир пайтлар юрак билан яшаган одамлар бўлганини кимдир билсин.

Зебо дафтарни бағрига босди. Йиллар давомида у мукофотлар олганди. Гулдасталар олганди. Қарсаклар эшитганди.

Лекин ҳеч бири уни бу дафтарчалик ларзага солмаганди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Чунки мукофот истеъдод учун берилади. Хотира эса инсон учун қолдирилади.

Шу пайт эшик секин очилди. Ёш актриса Малика бош суқди.

– Узр, безовта қилмадимми?

У Мансурни танимасди.

Фақат Зебонинг кўзларида илгари ҳеч кўрмаган бир хотиржамликни кўрди.

– Бемалол, келавер, Малика.

– Қўлингиздаги қанақа дафтар?

– Бу дафтар эмас. Бу инсон умрининг иккинчи нусхаси. Биз яшаган ҳаётнинг қоғозда давом этиши.

Малика ҳали бу сўзларнинг бутун маъносини англамади.

Кейинчалик ўша куни учрашган уч инсоннинг ҳаётидаги энг муҳим саҳналар айнан шу бўш залда ижро этилади.

Фақат... Унда парда очилмайди. Қарсаклар янграмайди.

***

Зебо уйга боргач, дафтарни секин варақлаб, кейинги саҳифани ўқиди.

1997 йил.

“Учинчи қаторнинг чап томонида ўтирган оқ рўмолли кампир бутун спектакль давомида кўзларини саҳнадан узмади. Томоша тугаб, ҳамма қарсак чалаётганда, у жойида ўтирганича ўйланиб қолди. Чиқиб кетаётиб унинг: “Энди марҳум эримни тушундим...”, – деганини эшитдим”.

Кейинги саҳифа.

2001 йил.

“Охирги қаторда ҳарбий кийимда бир йигит

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўтирарди. У бир марта ҳам кулмади. Бир марта ҳам қарсак чалмади. Лекин ҳамма чиқиб кетгач, бўш залга қайтиб келди. Саҳнага узоқ қараб турди. Кейин секин: “Бу актриса севгилимни ёдимга солди...” – деб йиғлади”.

Яна бир саҳифа.

2008 йил.

“Бугун биринчи қаторда бир қиз ўтирарди. Спектакль тугагач, унинг сумкасидан дори қутиси тушиб кетди. Ортидан чиқдим.

У йиғлаганча шундай деди: “Бугун ўз жонимга қасд қилмоқчи эдим. Лекин саҳнада Зебонинг ижро этган ролини кўриб, яшаш учун сабаб борлигини тушундим... Раҳмат унга. Мени ҳаётга қайтарди”. Унинг исмини сўрамадим. Баъзи инсонларнинг номи эмас, қайта туғилган куни муҳим”.

Зебо ўқишдан тўхтади. Дафтар қўлида титрарди. – Нега мен буларни билмаганман? Саҳнада бўлганим учун пайқамаганманми?.. Демак... инсон ўз ҳаётида қанча қалбга таъсир кўрсата олганини билмас экан-да?

***

Зебо ҳаётида биринчи марта ўзини мукофотлар билан эмас, одамлар тақдири билан ўлчай бошлади. Шу пайт унинг хотирасида бир воқеа жонланди.

Бир неча йиллар аввал спектаклдан кейин гул кўтарган болакай унинг олдига келганди.

– Опа, мен ҳам катта бўлсам, театрда ишлайман.

У ўшанда боланинг бошини силаб қўйган, холос. Энди эса ўйлаб қолди. Балким... Ўша бола бугун саҳнададир. Балки актёрдир ёки режиссёрдир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Балки шифокордир. Ёки ўқитувчидир. Аммо театрда кўрган саҳна асари унга бутун умри давомида ҳамроҳ бўлгандир.

***

Зебо яна дафтардаги битикларни ўқишда давом этди.

“Зебо... Сиз билан саҳнадан ташқарида сўзлашишга журъат қила олмайман. Жуда машҳур ва гўзалсиз! Шу сабабли, дил сўзларимни дафтарга битаяпман.

Мен ўттиз йил театр ҳақида ёздим. Одамлар мени танқидчи деб аташди. Аслида эса мен танқидчи эмасдим. Мен санъатнинг инсон ҳаётига таъсирини ўрганаётган изланувчи эдим. Саҳнадаги воқеалар одамларга ибрат бўла олаяптими ёки йўқми, шуни кузатардим. Бир кун келиб, актёр ҳам театрдан кетар. Томошабин ҳам кетади. Мен ҳам кетаман. Лекин санъатдан олинган сабоқ қолиши керак”.

***

Эртаси куни театр яна одатдагидек уйғонди. Декорациялар кўчирилди. Ёритувчилар чироқларни созлашди. Гримхоналарда ойна олдидаги чироқлар бирин-кетин ёнди. Ҳамма ўз иши билан банд эди. Фақат Зебо бугун театрга бошқача қадам ташлади.

Театрнинг баланд деразаларидан тушган қуёш нури бўш саҳнага ёйилди.

Кеча Мансурнинг кундалигида ўқиган ҳар бир сатр унинг қалбида ҳануз акс-садо берарди. У энди ҳар бир инсонга бошқача нигоҳ билан қарай бошлаганди. Ёритувчига. Саҳна ишчисига.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Либослар бўйича рассомга. Ҳатто саҳнани супураётган фаррошга ҳам.

Наҳотки, санъатни спектаклларда роллар ижро этмайдиган инсонлар ҳам яратса?

Демак, ҳар бир ҳақиқий парда, аввало, инсоннинг қалбида очилар экан.

***

Репетиция бошланди.

Бугун Малика илк бор катта драматик саҳнани ижро этиши керак эди. У саҳнага чиқди. Матнни тўғри айтди. Ҳаракатлари ҳам режиссёр айтганидек. Ҳеч қандай хатоси йўқ. Лекин...

Ҳеч кимнинг юраги “жиз” этмади. Томошабинларнинг кўзларида ўзгариш сезилмади. Режиссёр ҳам индамади.

Малика спектакль тугагач, кўзларига ёш олди.

– Қўлимдан келмаяпти... Ролимни уддалай олмаяпман.

Зебо унинг ёнига борди. Ҳеч нарса демади. Фақат қўлидан етаклаб бўш залга олиб чиқди.

– Сен нима қилишга уриндинг?

– Қаҳрамонни ўйнашга...

– Ана шу ерда адашдинг.

Малика ҳайрон бўлиб қаради.

– Актёр қаҳрамонни ўйнамайди. У ўша инсонни тушунишга ҳаракат қилади. Агар тушунсанг, образга кира оласан.

Сўнг Зебо саҳнага ишора қилди.

– Боя анави ерда турган қиз ким эди?

– Менинг қаҳрамоним.

– Йўқ. У сен эдинг. Саҳнага чиққанда қаҳрамонинг ҳаётини ўзимники деб тасаввур қилма, балки уни

www.ziyouz.com kutubxonasi

юракдан ҳис қил.

Саҳнага юрагингни олиб чиқ. Шундагина томошабин сенинг тимсолингда ўзини кўради. Саҳнада ёлғондан йиғлашинг мумкин. Аммо томошабин сохталикни сезади. Томошабинларнинг қалбига ёлғон ижро орқали кириб бўлмайди.

Зебо шу куни яна бир нарсани англади. Устозлик билим ўргатиш эмас экан. Устозлик – қалбдан қалбга ўтган машъалани сўндирмай узатиш экан.

Ҳаёт ҳамиша саҳнага ўхшайди: парда очилади, парда ёпилади. Аммо инсон қалбида айрим пардалар йиллаб очилмай туради.

***

Эртаси куни Малика Зебонинг олдига келди.

– Зебо опа... Кеча ўргатганларингиз туфайли, бугун репетицияда ролимни сиз айтгандек ижро этдим. Режиссёр мени бош рольга тасдиқлади.

Овозида қувонч билан қўрқув аралаш эди.

Зебо ўрнидан туриб, Маликани бағрига босди. Бу қучоқда табрикдан кўра кўпроқ дуо бор эди.

Бир пайтлар ёш Зебо устози Камол аканинг олдида шундай турган. Бугун эса Малика Зебонинг олдида турибди.

Инсонлар алмашади. Лекин машъала қўлдан қўлга ўтаверади.

Зебо ўрнини бошқа биров эгаллашидан биринчи марта қўрқмади. Аввалари ҳар бир янги актриса келганда қалбининг қаеридадир тушунарсиз хавотир уйғонарди. Бу табиий ҳол эди. Ҳар бир санъаткорнинг ичида яширин рақобат бўлади.

Аммо бугун... У Маликанинг муваффақиятидан худди ўзининг илк мукофотидек қувонганди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

***

Ташқарида куз шамоли эсарди. Бир нечта сарғайган барг дераза олдига келиб тушди. Зебо уларга қараб жилмайди. Барг дарахтдан узилади. Лекин дарахтни ташлаб кетмайди. У ўғитга, тупроққа айланади. Илдизни озиқлантиради.

Эҳтимол, инсон ҳам шундайдир. У кетади. Аммо меҳри қолади. У ҳақидаги хотиралар қолади...

***

Премьера куни театрда тайёргарлик қизғин тус олди. Саҳна ортидаги тор йўлакларда қадамлар тезлашган, актёрлар либосларни яна бир марта кўздан кечирар, гримхоналарда ойна атрофидаги чироқлар юлдузлардек милтирарди.

Катта девор соати бонг урди. Унинг оҳангдор зарби бутун театр бўйлаб ёйилди.

Зебо беихтиёр бошини кўтарди. Бу соатни у ўттиз йилдан зиёд вақтдан бери эшитарди. Илгари ҳар бир зарба унга спектакль бошланишига оз қолганини эслатарди.

Бугун эса... бу овоз унга вақтнинг ҳам саҳнаси борлигини англатди.

Малика гримхонада жим ўтирарди. Қўллари енгил титрарди. Ёши йигирма тўртда. Аммо ҳозир ўзини гўё илк бор саҳнага чиқадиган қизчадек ҳис қиларди. Ахир, бугун биринчи маротаба бош ролни ўйнайди!

Эшик секин очилди. Зебо кирди. Ҳеч қандай узундан узоқ насиҳат қилмади. Фақат Маликанинг елкасига қўлини қўйди.

– Қўрқяпсанми?

– Ҳа...

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Жуда яхши.

Малика ҳайрон бўлиб қаради.

– Нега яхши?

– Чунки саҳнага қўрқмай чиқадиган одам, одатда, томошабинни ҳам ҳис қилмай қўяди. Қўрқув сенга ўзингни эмас, масъулиятни эслатади. Ундан қочма. Қўрқув, ҳаяжон – ҳис-туйғуларинг. Ҳис-ҳаяжонларингни ўзинг билан бирга саҳнага олиб чиқ. Шунда ҳиссиётинг томошабинлар қалбига кўчади.

***

Парда очилди. Малика саҳнага чиқди. Зебо аввал қаҳрамонни эмас, қизнинг юришини кузатди. Унинг елкаларидаги енгил таранглиқни. Қўл бармоқларининг билинар-билинмас титрашини.

Бу манзара унга ўттиз йил аввалги ўзининг ёшлигини эслатди. Шу онда Зебо ҳайратланарли бир нарсани англади. Инсон хотираси ҳам театрга ўхшаркан. Айрим саҳналар ҳеч қачон репертуардан чиқмас экан.

Спектакль давом этарди. Биринчи парда. Иккинчи парда...

Малика аста-секин қўрқувини унута бошлади.

Зебо зимдан томошабинларга назар ташлади. Учинчи қаторда оқ сочли бир аёл йиғларди. Охирги қаторда бир йигит олдинга эгилиб ўтирибди. Ён томондаги бир қиз онасининг қўлини маҳкам ушлаб олган.

Спектакль охирида бутун театр қарсакдан ларзага келди.

Малика таъзим қилди. Режиссёр саҳнага чиқди. Актёрлар бирма-бир чиқишди. Зебо эса ўрнидан турмади. Унинг нигоҳи саҳнада эмасди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У қарсак чалаётган одамларни кузатарди. Ҳар бир юзда турлича туйғу. Кимдир жилмайган. Кимдир ўйга толган. Кимдир кўз ёшини яширарди.

Саҳнада томоша тугайди. Аммо инсон қалбида спектакль энди бошланади.

***

Спектакльдан сўнг Малика Зебонинг олдига келди. Қўлида бир талай гулдасталарни ушлаб турарди. Энг чиройлиси – оқ атиргуллардан иборат катта гулдаста эди.

– Зебо опа... Бу гулдасталарни сизга бермоқчиман.

Зебо кулганча, ҳазиллашди:

– Бугун менинг туғилган куним эмас-ку.

– Биламан. Лекин бугун менинг иккинчи туғилган куним. Актриса бўлишни институтда ўргандим. Аммо инсон бўлишни... Сиздан ўргандим.

Зебо у узатган гулдасталар ичидан оқ атиргулларни қўлига олиб, бағрига босди ва кўзларини юмганча, гулларни тўйиб ҳидлади.

***

Кечқурун Мансур Зебога қўнғироқ қилди.

– Мансур ака, кеч бўлганда қўнғироқ қилибсиз... келинойим рашк қилмайдими?

– Келинойингиз... собиқ турмуш ўртоғингиз билан оила қурган. Менга хиёнат қилган... Биз фарзандсиз эдик. Айб менда эканлиги маълум бўлди. Мен уни айбламайман. Фарзанд кўришни истагандир... Бироқ у нега Сиздек аёлни бошқа аёлга алиштирганини сабабини ҳалигача тушунмайман...

Зебо бу сўзларни эшитиб, карахт бўлиб қолди...

– Биласизми, Мансур ака... Сиз доим мени тушунгансиз. Лекин мен Сиз ҳақингизда ҳеч нарса бил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

мас эканман.

– Инсон баъзан ўзининг оғриғини яширгани учун бошқанинг оғриғини яхшироқ сезади. Саҳнадаги чанг заррачалари нур остида кўриниб туришига эътибор берганмисиз? Улар оддий ҳавода кўринмайди. Фақат нур тушганда билинади. Инсон ҳам шундай. Унинг ичидаги кўп нарсалар фақат меҳр нури тушганда кўринади.

Иккиси ҳам жим бўлиб қолишди.

Зебо ҳаёти давомида саҳнада кўп воқеаларни кўрганди. Лекин инсоннинг ҳақиқий ҳаёти саҳнада эмас... айнан парда ортида яшар экан.

– Сизга бу гапларни аввалроқ айтганимда, собиқ рафиқамдан ўч олиш учун Сизга яқинлашгандек бўлиб қолардим. Мен учун Сизнинг танловингиз ва ўз ҳаётингиз муҳим. Шу сабабли ҳамма сўзларимни дафтаримда ёзганман. Яхши дам олинг. Хайрли тун, Зебо.

Зебо чиндан ҳам дафтарни охиригача ўқимаган эди. У кундаликни қўлига олиб, Мансурнинг ёзганларини ўқий бошлади.

““Зебо исми жисмига мос Зебо. Лекин ҳали пардани очиш вақти келмади”.

“Менинг фожиам Зебони севиб қолганимда эмас. Унинг севгиси, хотираларининг ўрнини эгаллаш эмас, асрашга қарор қилганим”.

“Ёшликда инсон ўз тақдирини ўзи танлайман, деб ўйлайди. У режалар тузади. Орзулари бўлади. Йўлини белгилайди. Аммо ҳаёт... ҳаёт баъзан инсонга бошқа бир саҳна тайёрлаб қўяр экан. У саҳнада сен танлаган роль эмас, сенга ишониб топширилган вазифа бўлади”.

www.ziyouz.com kutubxonasi

“Театрда ҳаётдаги каби ўринлар алмашади. Лекин улар қолдирган излар йўқолмайди. Актёрнинг вазифаси саҳнада абадий қолиш эмас. Унинг вазифаси – саҳнадан кетганидан кейин ҳам кимнингдир қалбида бир парча ёруғлик қолдириш”.

“Инсон баъзан севган кишисининг ёнида эмас, унинг қалбида яшайди”.

“Баъзи одамлар ҳаётимизга кириб келиб, бизга бахт беради. Баъзилари эса... бизга ўзимизни танишга ёрдам беради”.

“Мен Зебонинг ҳаётида унга эга бўлган инсон эмас, унинг йўли ҳамиша ёруғ бўлишини истаган одам бўлишни истайман”.

“Инсоннинг энг катта бахти – севган кишисини ўзиники қилиш эмас, унинг бахтини кўриб, қалби тинчланишидир”.

“Айтилмаган ҳақиқатлар ҳам инсон тақдирини ўзгартира олади. Баъзан инсон умридаги энг катта воқеа – айтилган гап эмас, йиллар давомида айтилмай келган бир жумладир. Чунки сукутнинг ҳам икки тури бўлади. Бири – қўрқоқликдан туғилган сукут. Иккинчиси – бировнинг қалбини оғритмаслик учун танланган сукут”.

“Чироқ ҳеч қачон бош ролни ўйнамайди. Уни ҳеч ким олқишламайди. Ҳеч ким унга гул бермайди. Аммо шу ёнмаса... саҳна бутунлай қоронғи бўлиб қолади. Зебонинг ҳаётида унинг йўлини ёритадиган беғараз, эвазига ҳеч нарса талаб қилмайдиган чироқ бўлишни истайман”.

“Бирор инсоннинг ҳаётида ёруғлик бўлиш учун буюк ишлар қилиш шарт эмас. Баъзан бир оғиз ширин сўз. Бир лаҳза ишонч. Бир марта чин дил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан тинглаш. Шуларнинг ўзи инсон умрини ўзгартириши мумкин”.


“Зебо... Сизга ҳеч қачон айтмаган бир гапим бор. Сизнинг ҳаётингизда бош қаҳрамон бўлишни истамадим. Чунки саҳнангизда ўзингизнинг ўрнингиз бор.

Мен фақат парда ортидаги чироқ бўлишни истадим. Чироқлар эса ўзини эмас... йўлни ёритади”...”

Зебо кундаликни секин ёпди.

Баъзи ёруғликлар қуёш нуридан эмас... инсон қалбидан озиқланади. Инсон қалбида ҳам саҳнадаги каби парда очилади, парда ёпилади. Аммо қалб саҳнасида умид чироғи ўчмайди!

www.ziyouz.com kutubxonasi



www.ziyouz.com kutubxonasi

СЎНГГИ ПАРДА

– Беш дақиқа қолди!

Саҳна мудирининг овози йўлак бўйлаб янгради.

Гримхонадаги катта кўзгу атрофида ўтирган актрисалар бир-бирларига ҳазиллашишар, кимдир лаб бўёғини янгилар, яна бири сочини тузатарди. Ҳар галги спектакль олдидан такрорланадиган оддий манзара.

Фақат Нилуфар жим эди.

У кўзгуда ўзини эмас, ўзидан наридаги бир аёлни кўраётгандек тикилиб қолганди.

Кўзгу баъзан ростгўй бўлади.

У инсоннинг юзидагина эмас, қалбидаги чандиқлар ва ёриқларни ҳам кўрсатади.

Нилуфар қўлини стол устига қўйди. Бармоқлари енгил титрарди. У қўлини мушт қилди. Титроқ тўхтамади.

– Ҳаяжонми? – деб сўради ёш актрисалардан бири.

Нилуфар жилмайди.

– Ҳа...

Бу ёлғон эди. У саҳнадан қўрқмай қўйганига анча йиллар бўлганди.

Бугун уни қўрқитаётган нарса парда эмас, парда ёпилгандан кейин бошланадиган ҳаёт эди.

***

У театрга ўн тўққиз ёшида келган.

Илк марта катта саҳнага чиққан куни бутун зал қоронғу денгизга ўхшаб кетганди. Қоронғулик ичида фақат битта нарса кўринарди – нур. У ўша

www.ziyouz.com kutubxonasi

нурга қараб талпинган.

Шу кундан бошлаб саҳна унинг уйига айланганди.

Кейин роллар келди... Олқишлар... Гуллар...Газета ва журналларда у ҳақидаги мақолалар... Интервьюлар... Мукофотлар...

Аммо уларнинг бирортаси ҳам саҳнага биринчи марта қадам қўйганида қалбида туғилган туйғудан устун эмасди. Одам баъзан ўз тақдирини бир лаҳзада топади. Нилуфар ҳам ўз тақдирини шу ердан топганди.

– Эртага никоҳингиз экан-а?

Гримчи аёл меҳр билан сўради.

– Ҳа.

– Бахтли бўл, қизим.

Нилуфар бош ирғади.

"Бахт..." Қандай қизиқ сўз. Ҳамма унинг маъносини ҳар хил тушунади. Ким учундир бахт – бойлик, кимгадир – катта ҳовли, ким учундир – соғлик. Ким учундир – фарзанд. Ким учундир – обрў-эътибор, шон-шуҳрат.

Нилуфар учун эса бахт саҳнага чиққан пайтда биринчи прожектор нури юзига тушган он эди. Шу лаҳзада у яшарди. Қолган вақтларда эса шунчаки умр ўтарди.

***

Бўлажак эри ёмон одам эмасди. Ичкилик ичмасди. Қўпол гапирмасди. Оиласини севарди. Фақат бир гапни қайта-қайта айтарди:

– Аёлнинг ҳақиқий саҳнаси – ўз уйи.

Нилуфар бу гапга қарши баҳслашмасди. Баъзи одамлар туғма кўрлар рангларни кўра олмагани

www.ziyouz.com kutubxonasi

каби, санъатни ҳам ҳис қилолмайдилар. Уларга мусиқа – шунчаки овоз. Театр – иш. Рол – касб. Шу, холос.

Улар учун инсон юрагининг саҳнада қандай уриши номаълум сир бўлиб қолаверади.

– Нилуфар! Навбат сизники!

У чўчиб кетди. Театрдаги хонасида турган кўзгуга охирги марта қаради. У ерда юзига грим суртилган актриса эмас... Орзусини дафн этишга кетаётган аёл ўтирарди.

У секин ўрнидан турди. Қадамлари саҳна томон юрди. Юраги эса ортга... Гримхона томон қайтишни истарди.

***

Парда вазмин шовқин билан икки томонга сурилди. Зал қоронғулик бағрига чўмди. Нур эса одатдагидек уни қидириб топди. Нилуфар саҳнага қадам қўйди.

Негадир бугун тахталарнинг ҳиди ҳам бошқача эди. Йиллар давомида неча юз марта босган саҳнаси унга илк бор бегона туюлди. Худди у ҳам эгасининг кетаётганини сезгандек жим эди.

Спектакль муҳаббат ҳақида эди. Асардаги қаҳрамон – Зулайҳо – севган йигитига:

– Мен сизни деб ҳаммасидан воз кечаман, – дерди.

Бу гапни Нилуфар юзлаб марта айтган. Аммо ҳеч қачон бугунгидек оғир айтмаганди. Негаки, бу сафар Зулайҳо гапираётган бўлса-да, азобни Нилуфар ҳис қилаётганди. У томошабинларга эмас, ўз тақдирига қараб сўзларди. Саҳна билан ҳаёт орасидаги чегара секин-аста йўқолиб борарди. Қайси бири роль, қайси бири қисмат эканини ажратиш

www.ziyouz.com kutubxonasi

қийинлашди.

Навбат энг таъсирли саҳнага келди.

Қаҳрамон севган инсони учун орзусидан воз кечиши керак эди. Залда чуқур сукунат ҳукм сурди.

– Агар муҳаббат қурбонлик талаб қилса, мен розиман... – деди Зулайҳо.

Нилуфар шу жумладан кейин бир лаҳза жим қолди...

Режиссёр бу сукутни асарга қўшмаганди. Лекин томошабинлар уни ҳам роль деб қабул қилишди. Ҳеч ким билмасди... Ўша бир неча сония ичида бир аёл бутун умрини тарози палласига қўйиб турганини. Бир паллада у ўзидан сўради:

“Ростдан ҳам розиманми?..”

Жавоб эса келмади. Фақат кўксининг чап томонида нимадир секин синиб кетгандай бўлди. У жилмайди. Актрисалар йиғлашни эмас, жилмайишни ҳам ўйнай олишади.

Залда эса бирорта ҳам одам бу табассумнинг ортида қандай дард, оғриқ турганини сезмади.

***

Спектакль давом этарди. Саҳнада қаҳрамон бахтли эди. Ҳаётда эса Нилуфар илк марта ўзини етимдек ҳис қилди.

Инсон баъзан одамлардан эмас, ўз орзусидан айрилганда етим қоларкан. Шу лаҳзада унинг нигоҳи биринчи қаторга тушди.

Онаси...

Ҳамон ўша жойда ўтирарди. У қизини томоша қилмаётганди. У қизининг юрагини эшитаётганди. Она юракнинг товушини эшитиш учун эса сўз керак эмас. Нилуфарнинг кўзлари бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

зумга намланди. Аммо шу заҳоти қаҳрамонининг навбатдаги сўзлари янгради. У яна Зулайҳога айланди.

Ёки... Балким, Зулайҳо Нилуфарга айлангандир.

Бу кеча уларнинг тақдири бир-бирига шу қадар қоришиб кетгандики, ҳатто парда ҳам уларни ажрата олмасди.

***

Спектакль тугади...

Сўнгги жумлалар айтилди. Сўнгги мусиқа янгради. Унинг ижросида сўнгги дардли қўшиқ жаранглади...

Зал яна қарсакларга тўлди. Нилуфар бош эгиб таъзим қилди. Одатдагидек. Аммо бу сафар у таъзим қилаётганда саҳнага эмас, умрининг бир қисмига эгилиб тургандай эди.

Мухлислари гулдасталар туҳфа қилишди. Ролини маҳорат билан ижро этганлигини айтиб, табриклашди. Ҳамкасблари уни қучоқлашди.

– Ажойиб ўйнадингиз!

– Бугун спектакль жуда зўр бўлди!

– Сизнинг кўзларингизда бошқача дард бор эди...

Охирги гапни эшитганда Нилуфар бир зумга жим қолди.

"Кўзларимдаги дардни сезишибди...". Аммо ҳеч ким унинг сабабини билмасди. Ҳеч ким бугунги дард саҳна учун эмас, саҳнадан кетиш учун эканини англамасди. У ҳаммага жилмайди.

Актриса бўлиш – нафақат бошқаларнинг ҳисларини кўрсатиш, балки ўз ҳисларингни яшириш санъати ҳам эди.

***

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бироздан кейин у ҳеч кимга билдирмай гримхонага қайтди. Йўлаклар одатдагидан ҳам узун туюларди. Ҳар бир қадам унга таниш овозларни эшиттирарди. Бу деворлар унинг биринчи қўрқувларини кўрган. Биринчи муваффақиятини. Биринчи кўз ёшини. Биринчи олқишини.

У эшикни очди. Гримхонада сукунат ҳукм сурарди. Стол устида унинг буюмлари турарди. Оддий буюмлар.

Бироқ одамлар баъзан энг катта хотираларини оддий нарсаларга яширади. У биринчи бўлиб грим чўткасига қўл узатди. Бу чўтка билан у неча маротаба юз хил қиёфадаги аёлга айланганди. Қайғуга чўмган она бўлди. Ошиқ қиз бўлди. Хиёнатдан куйган аёл бўлди.

Аммо бугун биринчи марта... ўзининг дардини яшириш учун грим суртганди.

У чўткани секин жойига қўйди. Сўнг биринчи маротаба ўзи ёзган сценарийни қўлига олди. Қоғозларнинг четлари эскирганди. Варақлар орасида унинг ёшлиги қолиб кетгандек эди. Бир неча йил олдин у шу сценарийга қараб орзу қилганди: “Бир куни катта саҳналарда ўйнайман...”

Орзулари амалга ошганди. Лекин баъзан инсон эришган орзуси билан ҳам хайрлашишига тўғри келар экан. У сценарийни бағрига босмади. Йиғламади. Фақат узоқ тикилиб турди. Гоҳида баъзи нарсаларни қучоқлаб эмас, жимгина кузатиб хайрлашишади.

***

Энг охирида у саҳнага илк бор кийиб чиққан пойабзалига қаради. У пойабзал билан қанча йўл

www.ziyouz.com kutubxonasi

босганини фақат ўзи биларди. Уни кийиб биринчи марта саҳнага чиққан. Уни кийиб, илк маротаба мухлисларнинг гулдурос қарсакларини ҳаяжон билан эшитган. Уни кийиб ўзини бошқаларга эмас, санъатга бағишлаган.

Нилуфар пойабзални қўлига олди. Бир лаҳза кўзларини юмди. Ташқарида ҳамкасбларининг овозлари эшитиларди.

Ҳаёт давом этарди... Театр яшарди... Фақат унинг ичида бир парда аста-секин ёпилаётганди. У пойабзални жойига қўйди. Кўзгу олдига келди. Гримини артиб ташлади. Саҳнадаги Зулайҳо кетди. Қолгани – Нилуфар эди. Бироқ у бу аёлни ҳам танишга қийналди. Йиллар давомида у кўп қаҳрамонларнинг юзини эслаб қолганди. Аммо ўзининг аслий қиёфасини эмас. У кўзгудаги аксидан паст овозда сўради:

– Энди сен кимсан?..

Жавоб бўлмади. Фақат гримхонадаги эски соатнинг товуши эшитилди.

Тақ... Тақ... Гўё вақт ҳам унинг жавобини кутаётгандек эди.

***

Нилуфар гримхона эшигини очганда, йўлакда ҳеч ким қолмаганди. Театрнинг одатда шовқинли бўладиган йўлаклари ҳам бу кеча чарчагандек жим эди. Гўё деворлар ҳам бир актрисанинг хайрлашувини кузатиб тургандай.

У чиқиш эшиги томон юрди. Бир неча қадамдан кейин тўхтади. У ерда онаси турган эди. Онаси ҳар доимгидек шошмасди. У қизини кутиб туришни биларди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Она меҳрининг энг буюк хусусияти ҳам шу эди – у кутарди. Боласи қайси ёшда бўлмасин, қайси йўлга кирмасин, она қалби эшик олдида кутишдан чарчамасди.

– Ойи...

Нилуфар бошқа ҳеч нарса айта олмади. Онаси ҳам жавоб бермади. Фақат қизининг юзига қарарди. Она баъзан фарзандининг юзидаги табассумга эмас, табассум ортидаги сукутга қарайди.

У ҳаммасини тушунди.

– Спектакль яхши ўтдими, қизим? – деди у.

Оддий савол. Аммо Нилуфар шу биргина саволдан титраб кетди.

Онаси: "Театрдан кетяпсанми?" – деб сўрамади. "Нега бундай қарор қилдинг?" – деб сўрамади.

У фақат спектакль ҳақида сўради. Она юраги қизининг бу кеча саҳнада эмас, ичида қандай курашганини сезганди.

– Ҳа, ойи... Яхши ўтди.

Нилуфар одатдагидек жавоб берди. Бироқ онаси унинг овозидаги бўшлиқни эшитди. У қизининг қўлидан ушлади. Бу қўллар бир вақтлар кичик қизалоқники эди. Кейин қалам ушлади. Кейин сценарий ушлади. Кейин саҳнадаги мухлислари узатган гулдасталарни ушлади.

Энди эса онаси унинг қўлидан ушлаб турарди. Гўё: "Ҳали йиқилма, қизим", – деяётгандек.

– Чарчадингми? – сўради онаси.

Нилуфар бош ирғади. Аммо бу ҳам ёлғон эди. У чарчамаганди. У йўқотиш олдидан турганди. Чарчоқ дам олиш билан ўтади. Аммо баъзи йўқотишлар инсон билан бирга яшайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

***

Улар театр эшиги олдида бироз жим туришди.

Кўчада тунги шамол эсарди. Нилуфар ҳар доимги одатига кўра орқага қаради. Театр биноси одатдагидек салобатли турарди. Юқоридаги ёруғ ойнадан саҳна чироқларининг сўнгги нурлари кўриниб турарди.

У шу нурларга қараб қанча йил яшаганди. Шу нурлар унинг иккинчи қуёши эди.

– Ойи...

– Ҳа, қизим?

Нилуфар бир нарса демоқчи бўлди. "Мен театрдан кетяпман", демоқчи бўлди. "Мен орзумни қолдиряпман", демоқчи бўлди. "Мен ўзимнинг бир қисмим билан хайрлашяпман", демоқчи бўлди. Аммо ҳеч бири тилга чиқмади. Фақат:

– Ҳеч нарса... – деб қўя қолди.

Онаси уни қучоқлади. Узоқ қучоқлади. Лекин бу тасалли қучоғи эмасди. Бу онасининг қизига айтолмаган барча сўзларининг ўрнини босган сукут эди.

Нилуфар биринчи марта ўша кеча йиғлагиси келди. Аммо кўз ёшлари ҳам келмади. У фақат онасининг елкасига бош қўйиб турди. Баъзан инсоннинг кўз ёши ҳам қалби каби чарчайди.

Улар жим кетишди. Театр орқада қолди. Аммо Нилуфар биларди: инсон баъзан қайсидир жойдан кетади. Лекин баъзи жойлар инсон қалбини ҳеч қачон тарк этмайди.

***

Тўй куни ҳамма бахтли эди.

Одамлар кулишар, дуолар қилишар, келиннинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

чиройини мақташарди.
– Нилуфарнинг бахти очилди...
Бу гапни кўпчилик айтди. Нилуфар ҳам жилмайди. Аёллар баъзан бахтли кўринишни ҳам ўрганиб олишади.
Ахир у актриса эди. У саҳнада эмас, ҳаётда ҳам ўзини тутишни биларди. У меҳмонларга табассум қилди. Қайнонасига ҳурмат кўрсатди. Эрининг яқинларига мулойим муносабатда бўлди. Ҳеч ким унинг қалбида кечаётган оғриқни, ички ғалаён борлигини сезмади. Ҳеч ким янги келиннинг юрагидаги бир эшик ёпилиб қолганини билмади.

***

Янги уй. Янги хона. Янги одатлар. Ҳаёт ташқи томондан ўзгарди. Аммо баъзи ўзгаришлар инсоннинг юзида эмас, кўзларида намоён бўлади.
Эрталаб Нилуфар уй ишлари билан банд бўларди.
Кечқурун эри билан суҳбатлашарди.
У ҳамма нарсага улгурарди. Фақат бир нарсадан ташқари... У ўзининг актриса эканлигини, саҳнани унутишга улгурмаётганди.
Бир куни эри ишдан қайтиб:
– Бугун вақтинг борми? – деб сўради.
– Ҳа.
– Унда бирга кино кўрамиз.
Нилуфар бош ирғади. Телевизор ёқилди. Экранда актриса саҳнага чиқди. Унинг юраги бир зумга тўхтаб қолгандек бўлди. Экрандаги саҳна. Чироқлар. Овоз. Қаҳрамоннинг кўзларидаги дард. Улар унга жуда таниш эди.
Нилуфар секингина бошини бурди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эри экранга қараб ўтирарди. У бахтли эди. Нилуфар эса биринчи марта ўзидан қўрқди. У бир нарсани тушунди: инсон баъзан ташлаб кетган нарсасини эмас, у билан бирга қолган бўшлиқни, ширин хотираларни соғинар экан.

***

Кечаси ҳамма ухлаганда, Нилуфар ошхонага чиқди. Ой нури ойнага тушиб турарди. У жим ўтирди. Телефонни олди. Театр гуруҳидаги хабарларни ўқиди. Янги спектакль. Янги роль. Янги қаҳрамон. Унинг қўли телефон устида қотиб қолди.

Бир пайтлар у шундай хабарларни интизорлик билан кутарди. Ҳозир эса улар унга бировнинг ҳаёти ҳақидаги хабарлардек туюларди. У экранни ўчирди. Аммо қалбидаги ёруғлик ўчмади. Ҳақиқий саҳна ташқи жой эмас экан. У инсоннинг ичида бўларкан.

Орадан ойлар ўтди...

Нилуфар яхши рафиқа бўлди. Яхши келин бўлди. Унга ҳеч ким эътироз билдирмади.

Бир куни онаси меҳмонга келди. Она эшикдан кириши билан қизига қаради. Ҳеч нарса сўрамади. Фақат қаради. Она яна ўша сукутни кўрди. Ўша театр эшиги олдидаги жимликни.

– Қизим...

Нилуфар: – Ҳа, ойи?

Она бироз жим турди.

Сўнг: – Сен бахтлимисан? – деб сўради.

Бу савол жуда оддий эди. Аммо Нилуфар учун у бутун бир умрга тенг эди. У жавоб бериш учун оғзини очди. Аммо актриса Нилуфар минглаб жавобларни билса ҳам... уй бекасига айланган Нилу-

www.ziyouz.com kutubxonasi

фар бу саволга жавоб топа олмади.

– Сен бахтлимисан?..

Онаси бу саволни яна бир марта такрорламади. Баъзи саволлар бир марта айтилса ҳам инсон қалбининг энг чуқур жойига етиб боради.

Нилуфар жим қолди. У кўп саволларга жавоб беришни биларди. Саҳнада унга қанча савол беришмасин, у ҳар доим қаҳрамони тилидан жавоб топарди.

Аммо бу саволга қаҳрамоннинг эмас... Нилуфарнинг ўзи жавоб бериши керак эди.

– Ҳа, ойи... – деди у одатдагидек. Аммо овозида ишонч йўқ эди.

Онаси бош ирғади. У қизининг ёлғонини фош қилишга уринмади. Она қалби баъзан ҳақиқатни сўраб эмас, кутиб олади.

***

Ўша кеча онаси кетгач, Нилуфар узоқ вақт ухлай олмади. Уй тинч эди. Эри аллақачон ухлаб қолган. Кўчада шамол дарахт баргларини секин қимирлатарди. Аммо унинг ичида қандайдир эски овоз уйғонганди.

"Сен бахтлимисан?.."

Бу овоз онасиники эмасди энди. Бу ўз қалбининг овози эди. У ўрнидан турди. Ойна олдига келди.

Бир вақтлар театрдаги катта кўзгу қаршисида ҳам худди шундай турганди. Фақат ўшанда юзида грим бор эди. Ҳозир эса йўқ. У кўзгудаги аёлга қаради.

– Сен кимсан? – деди у паст овозда.

Бу саволни у илк марта бермаётганди. Аммо биринчи марта жавоб кутаётганди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

***

Эртаси куни у шаҳар бўйлаб юрди. Ўзи ҳам билмаган ҳолда театр томон йўл олди. Баъзан инсон оёқлари ақлдан олдинроқ қарор қабул қилади. Театр биноси аввалгидек турарди. Ўша эшик. Ўша деворлар. Ўша эълонлар. Фақат Нилуфар ўзгарганди.

У ичкари киришга журъат қилмади. Эшик олдида тўхтаб қолди. Ичкаридан таниш овозлар эшитиларди. Актёрлар репетиция қилишарди. Кимдир кулди. Кимдир матн ўқиди. Бу овозлар унга йўқотган нарсасини эмас... ўзининг бир бўлагини эслатди.

Шу пайт эшик очилди. Ёш актриса чиқиб қолди.

– Нилуфар опа?!

У ҳайрат билан қаради.

– Сиз бу ердамисиз?

Нилуфар жилмайди.

– Ҳа...

Нима дейишни билмади. “Мен қайтдим”, дея олмасди. “Мен кетган эдим”, дейишга эса юраги оғирди. Ёш актриса унинг қўлини ушлади.

– Сизни соғиндик.

Бу икки сўз Нилуфар эшитган энг оғир ва энг ширин сўзлар эди. Инсонни баъзан йўқотган нарсаси эмас... уни ҳали ҳам кутаётган жой оғритади.

***

У уйга қайтди. Ҳамма нарса аввалгидек эди. Аммо энди у аввалгидек эмасди.

У шкафни очди. Эски сумкасининг тубида бир нарса бор эди. Театр чиптаси.

Орадан йиллар ўтган. Қоғози сарғайган. Аммо ундаги сана ҳали ҳам аниқ эди. Унинг биринчи

www.ziyouz.com kutubxonasi

катта роли қўйилган кун.

Нилуфар чиптани қўлига олди. Кўзлари намланди. Бу сафар у йиғлай олди. Бу кўз ёши мағлубият эмасди. Бу кўз ёши – узоқ вақт сукутда яшаган қалбнинг биринчи овози, унсиз фарёди эди.

***

Сардор кейинги кунларда Нилуфардаги ўзгаришни сеза бошлади. Аввалига у буни чарчоқ деб ўйлади.

– Кўп ўйлаяпсанми? – деб сўрарди.

Нилуфар эса одатдагидек жилмайиб:

– Йўқ... – derди.

Бу "йўқ"лар тобора кўпайиб борарди. Инсон баъзан энг катта дардини айнан энг қисқа сўзлар билан яширади.

***

Сардор Нилуфарни яхши кўрарди. Фақат унинг муҳаббати бошқача эди. У Нилуфарнинг овқат тайёрлашини, уйни озода тутишини, уни ишдан келишини табассум қилиб кутиб олишини қадрларди. Аммо бир куни у тушунди: у Нилуфарнинг ҳамма томонини яхши кўрган, фақат энг муҳим жиҳатини кўрмаган экан. Унинг қалбида яшаётган саҳнани.

Бир кеча Сардор уйга келганда, Нилуфар меҳмонхонада ўтирганди. Қўлида эски сценарий. У сценарийга қарар, аммо ўқимасди. Гўё сатрлар орасидан йўқотган йилларини изларди. Сардор эшик олдида бироз туриб қолди. Илгари у бу манзарани тушунмасди. "Яна ўша театрми?", деб ўйларди. Бугун эса биринчи марта бошқача савол туғилди: "Мен унинг нимасини тортиб олиб қўйдим?"

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Нилуфар...

У бошини кўтарди.

– Ҳа?

Сардор бироз жим турди. У биринчи марта ўзини оқлашга эмас, тушунишга ҳаракат қилди.

– Сен бахтлимисан?

Бу савол Нилуфар учун таниш эди. Онаси берган савол. Аммо бу сафар уни бошқа инсон сўраганди. У жавоб бермади. Сардор унинг жимлигидан қўрқди. Гоҳида инсоннинг сукутда қолиши – "ҳа"дан ҳам, "йўқ"дан ҳам кучлироқ жавоб бўлади.

– Мен сенга ёмонлик қилмоқчи эмасдим, – деди у паст овозда.

Нилуфар унга қаради. Унинг кўзларида биринчи марта эътироз эмас, оғриқ бор эди.

– Биламан...

– Мен сени бахтли қилаяпман, деб ўйлагандим.

Нилуфар секин бош чайқади.

– Сиз мени хафа қилмадингиз, бегим.

Бу жавоб унинг учун кутилмаган эди.

– Унда нима бўлди?

Нилуфар бироз ўйланди. Сўнг жуда паст овозда деди:

– Сиз мендан саҳнани тортиб олмадингиз... – деб юборди бехосдан.

У бирдан тўхтаб қолди.

Бу сўз хонада узоқ вақт жаранглаб, акс-садо берганча янграгандек бўлди. Сардор биринчи марта тушунди. У аёлининг ишини эмас, унинг ўзи яшаётган олами, севган касби, орзу-ҳавасларини тортиб олган экан.

Ўша кеча Сардор узоқ ухламади. У Нилуфар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни эмас, ўзини англашга ҳаракат қилди. У бир ҳақиқатни кеч бўлса ҳам тушунди: инсон севган кишисини ўзича бахтли қилишга уринганда, баъзан унинг ҳақиқий бахти нимада эканлигини унутиб қўяр экан.

Эрталаб у Нилуфарга қаради. У одатдагидек чой тайёрлаётганди. Аммо Сардор энди унга бошқача назар билан тикилди. Бу фақат унинг рафиқаси эмасди. Бу бир вақтлар саҳнада минглаб томошабинларнинг қалбини роллари билан ларзага солган, санъат аҳлининг эътирофи ва эътиборига сазовор бўлган санъаткор, эндиликда орзулари чилпарчин бўлган аёл эди...

– Нилуфар...

– Ҳа?

– Агар сен яна саҳнага чиқишни истасанг...

У гапида тўхтаб қолди. Сардор амаллаб, яна сўзини давом эттирди:

– Мен энди сени тўхтатмайман. Шунчаки, фарзанд кутсак, саҳнада қийналасан, дебман. Очиғи, мухлисларингдан қизғаниб, рашк қилибман. Фақат ўзимни ўйлаб, худбинлик қилибман...

Нилуфар жим қолди. У бу сўзларни эшитишни қанча вақт кутганди. Аммо энди у кутган ўша кун келганда... юраги қувониш билан бирга қўрқди ҳам. Баъзида инсон ёпилган эшик қайтадан очилганда ҳам, унга қайта кириш учун жасорат керак бўлади.

***

Нилуфар ўша куни жавоб бермади. Сардор ҳам ундан жавоб талаб қилмади. Баъзи эшикларни очиш мумкин. Аммо инсоннинг қалб эшигига қулф

www.ziyouz.com kutubxonasi

солинган бўлса, уни ичкарига киришга мажбурлаб бўлмайди.

Орадан бир ҳафта ўтди. Театрдан қўнғироқ бўлди.

– Нилуфар опа, сиз билан гаплашмоқчи эдик...

У телефонни ушлаб жим қолди.

Илгарилари у бундай қўнғироқларни интиқиб кутарди. Ҳозир эса қўли титрарди. Қизиқ... Одам баъзан энг кўп истаган нарсаси олдида ҳам қўрқиб қолар экан.

– Янги спектакль тайёрлаяпмиз. Сизнинг бир ролингиз учун сизга мурожаат қилмоқчи эдик.

Нилуфар кўзларини юмди. Бир лаҳзага яна ўша таниш саҳна кўринди. Чироқлар. Парда. Зал.

Аммо шу заҳоти яна бошқа бир манзара ҳам намоён бўлди.

Уй. Оила. Сардор. Келинликда ўтган лаҳзалар. У икки ҳаёт орасида жим туриб қолди.

Кечқурун у Сардорга ҳаммасини айтди.

– Мен қўрқяпман...

Сардор ҳайрон бўлди.

– Нимадан?

Нилуфар узоқ сукут сақлади.

– Саҳнадан эмас.

Унинг овози паст эди.

– Мен ўзимдан қўрқяпман.

– Нега?

– Чунки мен ўша Нилуфар эмасман.

Сардор жим қолди. Нилуфар давом этди:

– Илгари саҳнага чиққанимда фақат орзуларим бор эди. Ҳозир эса хотираларим бор. Йўқотишларим бор. Қўрқувларим бор.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У кўзларини олиб қочди.

– Балки мен энди яхши актриса бўлолмасман...

Сардор секин деди:

– Балки сен энди аввалгидан ҳам кўра яхшироқ актриса бўларсан.

Нилуфар унга саволомуз қаради.

– Нега?

– Чунки илгари сен дардни ўйлардинг, фақат тасаввур қилардинг.

У бироз тўхтади.

– Энди эса сен соғинч, йўқотиш дардини биласан. Ҳис қила оласан.

***

Биринчи репетиция куни Нилуфар театрга кирганда юраги яна ҳаяжон билан урди. Ҳамма нарса таниш эди. Аммо у ўзига бегона эди. Ёш актёрлар унга ҳурмат билан қарашарди. У эса уларнинг кўзларида ўзининг ёшлигини кўрарди.

Режиссёр сценарийни узатди.

– Мана, Нилуфар опа.

У қоғозни олди. Қўллари аввалгидек титрамади. Бу сафар у саҳнага исботлаш учун эмас... ҳис қилиш учун қайтаётганди.

Репетиция бошланди. Унинг қаҳрамони ҳам ҳаётда катта танлов олдида турган аёл эди.

Режиссёр:

– Шу ерда сиз оғриқни кўрсатишингиз керак.

Нилуфар жим турди. Аввал у бу сўзни бошқача тушунарди. Оғриқни кўрсатиш. Энди эса биларди: ҳақиқий оғриқ кўрсатилмайди. У инсоннинг нигоҳида яшайди.

У саҳнага чиқди. Бир неча сатр айтди. Залда

www.ziyouz.com kutubxonasi

жимжитлик. Режиссёр қимирламади. У ҳам тушунди: бу аёл энди роль ўйнамаяпти. У ўз ҳаётидан бир парчани саҳнага олиб чиққан.

Репетиция тугагач, ёш актрисалардан бири унинг олдига келди.

– Нилуфар опа...

– Ҳа?

– Сизнинг кўзларингизда жуда катта дард бор экан.

Нилуфар жилмайди. Бу гапни у бир марта эшитганди. Фақат ўшанда бу сўзнинг маъносини яхши англамаганди. Актриса бўлгач, кўзларимда дарду ҳасратни акс эттиришим – касбим-да, деб ўйлаганди. Энди у дардни чинакамига акс эттиришни билади. У дардни ҳам сохталиксиз, "ниқобсиз" чинакам санъатга айлантиришни ўрганганди.

***

Ўша куни кечқурун у яна ойна олдида туриб, ўзига диққат билан разм солди. Аммо бу сафар кўзгудаги аёл унга бегона эмасди. У ниҳоят ўзини таниди.

У Нилуфар эди. Фақат энди у машҳурликка интилган, томошабинлар қарсагига маҳтал актриса эмасди.

У – яшаган, соғинч ҳиссини бошидан кечирган, ўзлигини йўқотган ва яна ўзини топган инсон эди.

Премьера куни театр олди гавжум эди.

Афишада катта ҳарфлар билан спектакль номи ёзилган.

Унинг тагида эса: "Бош ролда: Нилуфар Раҳимова", деб исми катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. У исми ёзилган афишага бироз ўйчан қараб турди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қизиқ... Бир вақтлар шу ҳарфларни кўриш учун яшаган эди. Бугун эса улар уни негадир ҳаяжонга ҳам солмади.

Инсон бир кун келиб шон-шуҳрат учун эмас, ҳақиқат учун яшашни ўрганар экан.

Гримхонада ҳамма шошиларди. Кимдир матнини такрорлар, кимдир саҳнага чиқишини кутиб, асабий у ёқдан бу ёққа юрарди.

Нилуфар эса кўзгу олдида жим ўтирарди. Бу кўзгу уни яхши танийди.

Аввалларида шу кўзгу қаршисида бир қиз орзу қилиб ўтирарди. Бугун эса шу кўзгу қаршисида ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб кўрган аёл ўтирарди. У юзига грим суртди. Бироқ бу сафар грим уни ўзгартирмади. Инсоннинг ҳақиқий чеҳраси юзида эмас, кўзларида бўлишини англади.

***

Парда очилишидан олдин у саҳна четида тўхтади. Залга қарамади. Кўзларини юмди. Ёшлик йиллари ва театрда кечган ҳаёти бир лаҳзада кўз олдидан ўтди.

Биринчи роль. Биринчи олқиш. Онасининг дуоси. Театр билан хайрлашган кечаси. Тунлари яширинча йиғлаган кунлари...

Сардорнинг: “Мен энди сени тўхтатмайман”, деган гапи. Ҳаммаси бир лаҳзада унинг қалбидан кино тасмасидек ўтиб кетди.

Саҳна мудири секин деди:

– Навбат сизники...

Нилуфар кўзларини очди. Бу сафар у саҳнага чиқмади. У ўз тақдирига пешвоз чиқди.

Биринчи сўз айтилди. Иккинчи. Учинчи. Залда

www.ziyouz.com kutubxonasi

пашша учса эшитиладиган даражада жимжитлик... Бу сукунат уни қўрқитмасди. У томошабин жим қолса, демак, қалби эшитаётганини биларди.

Спектакльнинг энг оғир саҳнаси келди.

Қаҳрамон узоқ йиллик азобидан кейин шундай дерди:

– Инсон баъзан бахтини излаб дунёни айланади.

Охири эса англайдики...

Бахт – ўзингдан воз кечмаслик экан.

Бу сўзлар сценарийда бор эди. Аммо бугун улар қоғоздан эмас... Нилуфарнинг умридан айтилди. Шу лаҳза у биринчи қаторга қаради.

Онаси... Сардор... Иккаласи ҳам жим ўтирарди. Онаси йиғламаётганди. Сардор ҳам. Фақат уларнинг нигоҳида бир хил ўйчанлик бор эди. Онаси ниҳоят қизининг кўзларида яна ўша таниш нурни кўрди. Сардор эса биринчи марта аёлининг кимлигини тўлиқ англади.

У рафиқасини эмас... Унинг қалбини, барча севган актрисани яхши кўриб қолганини ҳис қилди.

Саҳнада сўнгги сўзлар янгради. Нилуфар уни шошилмай айтди. Гўё бу сўзни залга эмас... Ўзига айтаётгандек.

– Инсон ҳеч қачон ўзлигини йўқотмаслиги керак... Аёл фақат итоат қилишга, яқинларининг хоҳиш истаги йўлида ўз орзуларини қурбон қилишга маҳкум эмас!

Парда ёпилди.

Қарсаклар бошланди. Лекин Нилуфар уларни эшитмади.

Унинг ичида йиллар давомида очилмай турган яна бир парда бугун секингина очилганди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

***

Улар уйга жим қайтишди.

Сардор ҳам гапирмади. Нилуфар ҳам.

Баъзи кечалар сукут икки инсонни сўзга қараганда кўпроқ яқинлаштиради.

Уй эшиги очилди. Ҳамма нарса аввалгидек эди. Стол. Китоб жавони. Дераза олдидаги гул.

Ҳеч нарса ўзгармаган. Аммо уйга кирган икки инсон энди аввалгидек эмасди.

Сардор чой қўйиш учун ошхонага кирди. Нилуфар эса секин ётоқхонага ўтди.

Шкаф эшигини очди. Энг пастки токчада бир қути турарди.

Уни йиллар давомида очмаганди. Қутини аста кўтарди. Чанг зарралари ҳавода муаллақ қолди.

Гўё вақтнинг ўзи ҳам бир лаҳза тўхтаб тургандай.

У қутини очди. Ичида саҳна пойабзали ётарди. Қора. Бироз эскирган. Аммо ҳали ҳам мустаҳкам. Нилуфар уни қўлига олди. Кафтлари билан секин силади.

Бу пойабзал унинг энг кўп юрган йўлини биларди. Энг оғир қадамларини ҳам. Энг бахтли дамларини ҳам. Унинг кафтлари титрамади. Чунки бу хайрлашиш эмасди. Бу танишиш эди.

Ўзи билан.

У пойабзални яна қутига солмади. Шкафга ҳам қўймади. Секингина олиб чиқиб.. эшик ёнидаги даҳлизга қўйди.

Сардор эшик олдига келганда, даҳлиздаги пойабзални кўриб, ҳайрон бўлганча хотинига қаради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Нега асраб юрган пойабзалингни эшик олдига қўйдинг? Биринчи марта саҳнага кийиб чиққанман, деб авайлардинг-ку...

Нилуфар синиқ жилмайди. Узоқ йиллардан бери биринчи марта бу табассумда ҳеч қандай оғриқ йўқ эди.

– Чунки эртага яна кияман.

Сардор ҳеч нима демади. У энди тушунтириш талаб қилмайдиган инсонга айланганди. У фақат бош ирғаб қўйиш билан кифояланди.

***

Кечаси Нилуфар дераза олдида узоқ турди. Шаҳар уйқуга кетган. Фақат узоқда, театр томондаги осмон сал ёруғ кўринарди. Балким, кечки репетиция тугаётгандир. Балким, саҳнада кимдир ўзининг биринчи ролини ўйнаётгандир.

Балким...

Унинг хаёлидаги бу "балким"лар энди армон эмасди. Улар ҳаётнинг давоми эди.

Нилуфар секин деразани очди. Тунги ҳаво хонага кирди. У кўзларини юмди.

Йиллар давомида биринчи марта қалбида ҳеч қандай тортишув йўқ эди. На театр билан, на оила билан. На бурч билан, на орзу билан. Кечаги Нилуфар бугунги Нилуфар эмасди. Ҳаммаси бир-бирини ниҳоят аслида қандай бўлса, шундайлигича қабул қилганди.

Инсоннинг энг катта ғалабаси ҳам шу эмасми? Ўзини енгиш эмас... Ўзини борлигича қабул қилиш.

Эртаси тонгда қуёш уйнинг остонасига нур сочди.

Эшик ёнида эса қора рангли, биринчи марта

www.ziyouz.com kutubxonasi

саҳнада кийган қадрдон. ардоқлаган пойабзали турарди. У энди эски хотира эмасди. У кутиш ҳам эмас.


У йўл эди. Нилуфар эшикни очди. Бир лаҳза ортига қаради. Уйига. Сардорга. Ўтган умрига. Сўнг пойабзалини кийди. Ва остонадан ташқарига чиқди.

Бу гал у театр томон кетаётган актриса эмасди.

Бу сафар у ўз ҳаёти сари пешвоз чиқиб, дадил қадамлар билан одимлаб кетаётган Аёл эди.



www.ziyouz.com kutubxonasi



www.ziyouz.com kutubxonasi

МОҲЛАРОЙИМ

I БОБ
БЎШ САҲНА

Томошабинлар аллақачон тарқалиб кетишганди.

Ҳали бироз аввал қаҳқаҳалар, қарсаклар, саҳнага улоқтирилган гуллар ва парда чақириқлари билан тўлиб-тошган театр зали энди ҳувиллаб қолган эди. Бирин-кетин ўчирилаётган қатор чироқлар бўш ўриндиқлар устидан аста сирғанар, худди кимнингдир изидан узоқ вақт қараб турган кўзлардек бирин-сирин сўниб борарди.

Театрнинг ҳам ўзига хос сукунати бўлади.

Бу жимлик ташқаридаги туннинг жимлигига ўхшамайди.

Бу саҳнада айтилган барча сўзлар, тўкилган барча кўз ёшлар, ижро этилган барча қисматлар парда ёпилгач, саҳна тахталари остига кириб қоладиган оғир жимжитлик эди.

Парда ярим очиқ ҳолда осилиб турарди. Саҳна марказига эса фақат битта прожекторнинг хира ёруғи тушиб турарди.

Ўша ёруғлик доираси ичида бир аёл ўтирарди. У театрнинг халқ севган актрисаси – Моҳларойим эди. У ҳеч қаёққа шошилмасди. Гримини ҳам артмаган. Сочларига қўндирилган оқ толалар ҳали ҳам образ талаби билан қўйилганича турарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Юзидаги юпқа упа эса саҳна ҳароратидан енгил кўчиб, уни янада чарчаган кўрсатарди. Қўлида эски китоб. Қора муқовали, четлари сарғайиб кетган китоб.

Нодирабегим девони. Моҳларойим китобни ўқимаётганди. У китобни ушлаб ўтирарди. Баъзан одам китобни мутолаа қилиш учун эмас, ёлғиз қолмаслик учун ҳам қўлига оларкан. Унинг нигоҳи бўш залга қадалган. Гўё ҳозиргина минглаб томошабинлар ўтирган ўриндиқларда ҳамон кимдир бордек... Гўё улар кетмагандай... Гўё парда ҳали ёпилмагандек...

У аста китобнинг биринчи саҳифасини очди. Сарғайган қоғоздан эски китобларга хос ҳид анқиди. Моҳларойим беихтиёр жилмайди.

– Эски китоблар ҳам театрга ўхшайди... – деди у паст овозда. – Ҳар сафар очсанг, ичида бировнинг умри сақланиб ётган бўлади...

У китоб саҳифаларини шошилмай варақларди. Кейин бир жойга келганда қўли тўхтаб қолди. Бармоқлари битта исм устида узоқ турди.

...Моҳларойим...

У исмни овоз чиқармай ўқиди. Сўнг худди ўзини биров чақиргандек елкаси енгил титради.

– Қизиқ... – деди у. – Бир исм икки тақдирга сиғармиди?..

Шу пайт саҳна ортидан оёқ товуши эшитилди. Театрда йиллари ўтган одам қадам товушидан ҳам ким келаётганини танийди.

Моҳларойим ортига қарамади.

– Келинг, Камол ака.

Қадамлар бир лаҳза тўхтади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Мен келаётганимни қаердан билдингиз?
– Режиссёрлар юрганда саҳна ҳам бошқача товуш чиқаради.

Камол Раҳимов майин жилмайди.
– Буни биринчи марта эшитяпман.

У саҳнага чиқди. Қўлида папка. Бўйнига осилган кўзойнак. Юзида кун бўйи репетиция қилган одамларга хос толиқиш. У бироз нарида тўхтаб, бўш залга назар ташлади.
– Бугун яхши ўтди, – деди у.

Моҳларойим жавоб бермади. Камол ҳам унинг жимлигини бузмади. Иккови ҳам бўш залга қараб туришарди. Гўё шу зал ичида ҳали айтилмаган гап бор эди.

Бироздан кейин Моҳларойим китобни ёпди. Унинг муқовасини меҳр билан силади. Сўнг секин ўрнидан турди. Прожектор ёруғи энди унинг бутун қоматини ёритиб турарди. У Камол Раҳимовга юзланди.
– Камол ака...
– Эшитаман.
– Сизга битта илтимосим бор.
– Айтинг.

Моҳларойим бир нафас ўйланиб қолди. Унинг кўзлари саҳнадан узилмасди.
– Мен Нодирабегимни ўйнамоқчиман.

Камол Раҳимов унинг юзига диққат билан қаради. Бу гап ҳазил эмаслигини дарҳол англади.
– Нодирабегимни?..
– Ҳа.
– Тарихий пьеса йўқ-ку.
– Ёздириш мумкин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Яхши тарихий пьеса ёзиш осон эмас.
– Биламан.
– Бу роль нега керак сизга?

Моҳларойим жавоб беришга шошилмади. У яна саҳнага қаради. Саҳна... Унинг учун ер юзидаги энг ростгўй жой эди. Бу ерда ёлғон йиғлаб бўлмасди. Ёлғон севиб бўлмасди. Ёлғон яшаб ҳам бўлмасди.

Унинг овози жуда секин эшитилди.
– Чунки мен ҳали энг муҳим ролимни ўйнаганим йўқ...

Камол Раҳимов енгил бош ирғатди.
– Ҳар бир актёр шундай деб ўйлайди.
– Йўқ...

Моҳларойим бошини аста чайқади.
– Бу бошқача.
– Нимаси бошқача?

Моҳларойим китобни кўксига босди. Унинг нигоҳида тушунтириб бўлмайдиган ҳасрат қалқиди.
– Бу роль менинг ичимда кўп йиллардан бери яшайди...

Камол Раҳимов бироз ўйланди. Сўнг одатий режиссёрлик оҳангида деди:
– Аввал яхши пьеса бўлсин. Пьеса бўлса... Албатта кўрамиз.

Моҳларойим индамади.

Камол яна давом этди:
– Ахир роль сизга керакми ёки театргами?

Бу савол саҳна устида узоқ муаллақ қолди. Моҳларойим дарҳол жавоб бермади. У бўш залга қаради. Бўш ўриндиқлар унга нимадир дегандек туюлди. Ниҳоят у секингина шивирлади:
– Баъзи роллар аввал театрга эмас... инсоннинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзига керак бўлади.

Шу пайт саҳна устидаги ягона прожектор ҳам ўчди. Қоронғилик тушди. Фақат ёпилмай қолган парданинг тирқишидан тушаётган хира нур остида Нодирабегим девонининг муқоваси бир лаҳза ялтираб кўринди. Сўнг у ҳам зимистонга сингиб кетди.

II БОБ
ЎҒИЛНИНГ ХОНАСИ

Театр эшиги ортида тун бошланган эди.

Шаҳарнинг асосий кўчаларидаги тирбандлик ҳам аллақачон тарқаган. Вақти-вақти билан узоқдан ўтган машинанинг чироғи йўлак деворларига бир лаҳза тушиб, яна йўқоларди.

Моҳларойим уйига одатдагидек секин кирди. Ҳеч кимни безовта қилмасликка уринган одамлар эшикни ҳам бошқача очишади. Калит қулфда аста бурилди. Эшик ғичирламади. У бу эшикнинг ғичирламаслиги учун неча марта мойлаганини ўзи ҳам эсламасди.

Даҳлизда чироқ ёқилди. Сариқ нур уй ичига таралди. Жимжитлик. Бу уйда жимлик ҳам йиллар давомида яшаб қолгандай эди.

Моҳларойим сумкасини одатдаги жойига қўйди. Рўмолини ечди. Ойнага қаради. Саҳнадаги образ аста-секин ойнадаги аёлдан ажралиб чиқарди. Юзидаги гримни пахта билан артди. Ҳар бир ҳаракатини шошмасдан бажарарди. Гўё вақт уни кутиб тургандай...

Ошхона томонга ўтди. Чойнакка сув қуйди. Газ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни ёқди. Чой қайнагунча хонама-хона юриб чиқди. Ҳамма нарса ўз ўрнида.

Девордаги соат. Токчадаги китоблар. Тирқишидан шамол кириб турган дераза. Ҳеч нарса ўзгармаган.

Фақат одамлар ўзгарган. У йўлакнинг охиридаги эшик олдига келиб тўхтади. Қўли тутқичга борди. Бир лаҳза шундай турди.

Сўнг эшикни очди.

Хонада ҳеч ким йўқ эди. Аммо йўқлик ҳам баъзан шунчалик жонлидек бўладики, одам ичкарига киришга юраги бетламай қолади.

Бу ўғлининг хонаси эди... Ҳамма нарса худди кечагидек. Стол устида ярим ўқилган китоб. Ёнида кўзойнак. Деворда театр афишаси. Токчада қатор терилган дисклар. Курсининг суянчиғига ташлаб қўйилган кулранг свитер. Моҳларойим секин бориб ўша свитерни қўлига олди. Юзига босди. Унда аллақачон ҳеч қандай ҳид қолмаганди. Лекин она хотираси баъзан ҳиддан ҳам кучли бўларкан.

У кўзларини юмди.

...– Ойи, спектаклингизга кеч қолмайман...

Қулоғида ўғлининг овози жонланди.

...– Бугун биринчи қаторда ўтираман...

...– Парда ёпилганда менга қаранг...

Моҳларойим кўзларини очди. Хона яна жим эди. У аста курсичага ўтирди. Стол устидаги рамкага қўли тегди. Сурат. Кулиб турган йигит. Кўзларида ҳаётга ташналик, қувонч порларди. Ҳали дард нималигини билмайдиган табассум.

Моҳларойим сурат билан гаплашишга ўрганиб қолганига ҳам анча бўлганди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Бугун ҳам яхши ўтди, болам... Сен айтган спектакль ҳам ёқди одамларга... Сен бўлганингда...

Гапи тугалланмай қолди. У ҳеч қачон шу жумлани охиригача айтолмасди.

Чойнакнинг ҳуштаги эшитилди. Аммо у ўрнидан турмади. Нигоҳи китоб токчасига тушди. Энг юқори қаватда қора муқовали китоб турарди.

Нодирабегим девони. У китоб театрдагиси эмасди. Уйдагиси. Кўп ўқилганидан муқоваси юмшаб кетган. Моҳларойим уни эҳтиётлик билан олди. Китоб ичига қуриб қолган оқ атиргул босиб қўйилган экан. Гул барглари вақт таъсиридан қуриб, мўртлашиб кетган.

У китобни очди. Саҳифалар орасидан кичик бир қоғоз тушиб кетди. Эски дастхат. Ўғлининг хати.

“Ойи, Нодира ҳақида ўқиётганингизни кўряпман. Бир кун келиб сиз уни албатта ўйнайсиз. Бу роль сизни кутиб турибди”.

Моҳларойимнинг бармоқлари титраб кетди. У хатни кўкрагига босди. Кўзлари намланди. Аммо ёш тўкилмади. Фақат киприкларида илиниб қолди.

У аста китобни қайта очди. Кўзи Нодирабегимнинг бир ғазалига тушди. Ўқимади. Фақат мисралар устида бармоғини юритди. Сўнг пичирлади:

– Сиз ҳам ўғлингизнинг кўзларига қараб умид қилганмисиз?..

Китоб жавоб бермади. Лекин китобнинг ичида кимнингдир нафаси бордек эди. Дераза пардаси енгил тебранди. Ташқаридан тун шамоли кирди. Китобнинг бир неча саҳифаси ўз-ўзидан варақланиб кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Моҳларойим ҳайрат билан қаради. Китоб очиқ қолган саҳифада битта сатр кўзига ташланди. У уни овоз чиқармай ўқиди.

Сўнг китобни секин ёпди.

– Йўқ... – деди ўзига ўзи. – Мен сизнинг шеърларингизни эмас... қисматингизни ўйнамоқчиман.

У ўрнидан турди. Чироқни ўчириш учун қўлини тугмага узатди. Лекин чиқиб кетишдан олдин яна бир марта хонага назар ташлади. Курсининг орқасидаги свитер. Столдаги китоб. Девордаги афиша. Ва рамка ичидаги табассум.

Эшик секин ёпилди. Хона яна жимлик бағрида қолди. Фақат стол устида очиқ қолган Нодирабегим девонининг саҳифаси тун шамоли таъсирида аста қимирлар, худди кимдир уни ҳали ўқиб тугатмагандек...

III БОБ
БИРИНЧИ ПЬЕСА

Эртаси куни театр ҳали уйғонмасидан анча олдин Моҳларойим эшикдан кириб келди.

Эски театр биноларида тонгнинг ҳам ўзига хос ҳиди бўлади. Кечаги гримнинг енгил ҳиди... Янги бўялган декорацияларнинг бўёғи... Саҳна пардаларига сингган чанг... Ва неча ўн йиллардан буён шу бинода яшаётган сўзларнинг ҳис этилмас нафаси...

Навбатчи аёл уни кўриб ҳайрон бўлди.

– Моҳларойим опа, бугун репетиция кечроқ эмасмиди?

– Ҳа, шундай.

– Унда нега бунча эрта келдингиз?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Моҳларойим жилмайди.

– Баъзи ишлар репетициядан ҳам олдин бошланади.

У тўғри режиссёр хонаси томон йўл олди. Эшик ёпиқ. Ичкаридан ҳеч қандай товуш келмасди. У қўлидаги жилдга яна бир марта қаради. Қалин кўк жилд. Устига оддий қилиб ёзилган: “Нодирабегим”.

Пастроқда эса драматургнинг исми. Таниқли адиба. Тарихий асарлари билан машҳур. Моҳларойим жилдни қўлида айлантирди.

Кечаси билан уни ўқиб чиққан. Айрим жойларига қалам билан белги ҳам қўйган. Айниқса, Нодирабегимнинг ўғли билан хайрлашув саҳнасига. У ерга ҳатто қайд ҳам туширибди: “Бу ерда сукут узоқроқ сақлансин...”.

Шу пайт йўлакнинг нари томонида қадам товуши эшитилди. Камол Раҳимов келаётган эди. У Моҳларойимни кўриб ҳайрон бўлди.

– Сизми?

– Ассалому алайкум, Камол ака.

– Тинчликми?

– Бир нарса олиб келдим.

Камол жилдга қаради.

– Охири... топибсиз-да?

Моҳларойим индамай жилдни узатди. Камол уни қўлига олди. Варақлади. Биринчи бет. Иккинчи бет. Персонажлар рўйхати.

У жилдни ёпди.

– Ўқийман.

– Қачон?

– Бугун.

– Ростданми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Ҳа.

Моҳларойим кўзларида болаларча қувонч билан бош ирғади.

– Раҳмат.

Камол ҳам жилмайди.

– Лекин бир шарт билан.

– Қандай?

– Агар яхши бўлса – яхши дейман. Ёмон бўлса – ёмон.

Моҳларойимнинг жавоби қисқа бўлди.

– Ўзим ҳам шуни истайман.

***

Кун бўйи театр ўз мароми билан яшади. Репетициялар. Декорация кўтарган ишчилар. Костюмерлар. Гримхоналар. Қаҳқаҳалар.

Қайсидир хонанинг ичидан пианино товуши эшитиларди. Аммо Моҳларойим учун вақт юрмай қолганди. У ҳар соатда беихтиёр режиссёр хонаси эшигига қараб қўярди.

Эшик эса ёпиқ.

Кечга яқин котиба келди.

– Моҳларойим опа...

– Лаббай?

– Камол ака чақиряптилар.

У жилмайганча ўрнидан турди. Жилмайиши ичида қанчалик ҳаяжон борлигини ўзи ҳам билмасди.

***

Камол Раҳимов стол ортида ўтирарди. Жилд ёпиқ. Устида кўзойнаги.

Моҳларойим киргач, у ўрнидан турмади. Фақат ўтиришга ишора қилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Ўқидингизми?
– Ўқидим.
– Хўш?..

Камол бироз ўйланди. Жавоб беришга шошилмади. Бу унинг одати эди. Аввал фикрини ичида пишириб оларди.

– Асар ёмон эмас.

Моҳларойим енгил нафас олди.

– Лекин...

Шу биргина сўз хонадаги ҳавони ўзгартирди.

Камол жилдни очди. Бир неча саҳифани белгилаб чиққан экан.

– Биринчи пардада конфликт кеч бошланади. Иккинчи пардада Нодирабегим эмас, Умархон марказга чиқиб кетади. Учинчи парда эса тарихий ҳужжатга ўхшаб қолган. Драма йўқ.

Моҳларойим жим эшитарди.

– Бу камчиликларни тузатса бўладими?
– Баъзиларини.
– Унда...

Камол бошини чайқади.

– Мен спектакль қўйишга тайёр эмасман.

Моҳларойим бир неча сония индамади. Сўнг жилдни қўлига олди. Эҳтиётлик билан. Худди у китоб эмас, тирик бир нарсадай.

– Нима етмади?

Камол жавобни аниқ айтди.

– Нодирабегимнинг ўзи.
– Ахир у бутун асарда бор-ку.
– Бор.
– Унда?
– У ҳақида гап бор. Аммо унинг ўзи йўқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу жумла Моҳларойимни ўйлантириб қўйди.

Камол давом этди.

– Мен тарихни эмас... Тирик одамни кўришни хоҳлайман. Ҳозирги пьесада мен шоирани танийман. Хон аёлини танийман.

Давлат арбобини ҳам кўраяпман. Аммо... онани кўрмаяпман.

Хонага оғир жимлик чўкди.

Моҳларойимнинг бармоқлари жилд муқовасини аста силаётган эди.

Камол эса ҳозир айтган охирги жумла Моҳларойимнинг юрагига ўқдек қаттиқ текканини пайқамади. Чунки у ҳам айнан шу – онани қидираётган эди.

У секин ўрнидан турди.

– Раҳмат.

– Хафа бўлдингизми?

– Йўқ.

– Ростдан?

Моҳларойим Камолга тик қаради. Унинг кўзларида хафалик эмас, ғалати бир қатъият пайдо бўлганди.

– Энди тушундим.

– Нимани?

– Мен нотўғри эшикни тақиллатибман.

– Қайси маънода?

– Мен пьеса қидираётган эканман. Аслида эса... Нодирабегимни... онани қидиришим керак экан.

У жилдни бағрига босди. Сўнг секин эшик томон юрди. Эшик олдига етганда бир лаҳза тўхтаб қолди. Ортига ўгирилмади.

Фақат шивирлабгина деди:

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Камол ака...
– Лаббай.
– Сиз ҳозир менга рад жавобини бермадингиз.
– Сиз шундай деб ўйлайсизми?
– Ҳа. Сиз йўл кўрсатдингиз...

У чиқиб кетди.

Камол Раҳимов эса узоқ вақт ёпилган эшикка қараб қолди. Негаки у илк марта Моҳларойимнинг Нодирабегим ҳақида эмас, ниманидир излаётганини ҳис қилган эди.

Лекин у ҳали бу изланишнинг номи армон эканини билмасди.

IV БОБ
НОДИРАНИ ҚИДИРИБ

Моҳларойим қўлида қоғоз папка билан таҳририят биносига кириб келганда, ҳовлидаги чинор барглари ҳали шабнамдан қуримаган эди. Эски бинога кириши билан китоб ҳиди, қоғоз ҳиди ва йиллар давомида шу ерда ёзилган минглаб сатрларнинг кўринмас нафаси уни қарши олди.

Хонада ўтирган котиба унга мулойим жилмайди.
– Кимни излаётгандингиз?
– Саодат Ҳамидовани.

Котиба телефон кўтарди.
– Бир дақиқа...

Орадан кўп ўтмай, элликлардан ошган, сочларига оқ оралаган, сертабассум аёл чиқиб келди.
– Ассалому алайкум.
– Ваалайкум ассалом.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Сиз... Моҳларойим опамисиз?
– Ҳа.
– Театрдан?
– Ҳа.
Аёлнинг юзи ёришди.
– Мен спектаклларингизни қолдирмай кўраман.
Моҳларойим ҳижолатомуз жилмайди.
– Энди эса мен сизнинг асарларингизни ўқияпман.
Иккови хонага киришди.

***

Хона китобларга тўла эди. Деворлар бўйлаб рафлар. Рафларда тарих акс этарди. Хонлар. Амирлар. Маликалар. Шоиралар. Қўлёзмалар. Манбалар. Қадимий хариталар.

Моҳларойимнинг кўзи бир китоб муқовасига тушди.

"Нодирабегим. Ҳаёти ва ижоди".

У беихтиёр китобга яқинлашди.

– Сиз Нодиранинг асарларини мутолаа қиласизми? – сўради драматург.
– Ҳа.
– Нега?
Моҳларойим дарҳол жавоб беролмади.
– Билмайман...
Бироздан кейин аста қўшимча қилди:
– Балки... мен уни тушунишни истагандирман.
Драматург стол ортига ўтирди.
– Камол Раҳимов биринчи пьесани қабул қилмабдими?
Моҳларойим ҳайрон бўлиб қаради.
– Дарров қаердан била қолдингиз?
– Режиссёрларнинг эътирозлари тез тарқалади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У жилмайди.

– Нима деди? Қайси жиҳатига эътирози бор экан?

– “Нодирабегимнинг ўзи йўқ”, деди.

Драматургнинг юзи жиддийлашди. У ўрнидан туриб, рафдан бир китоб олди. Уни Моҳларойимга узатди.

– Бу китобда Нодира ҳақида кўп маълумот бор. Лекин... агар шу китобга қараб пьеса ёзилса, Камол Раҳимов яна рад этади.

– Нега?

– Чунки тарих билан инсон икки хил нарса.

Моҳларойим китобни варақлади. Саналар. Исмлар. Жанглар. Фармонлар. Мадрасалар. Қатл. Ҳаммаси бор. Лекин...

– Лекин нимадир йўқми?..

– Ҳа. Бу ерда Нодиранинг қалби йўқ.

Моҳларойим секин китобни ёпди.

– Уни қаердан топиш мумкин?

Драматург узоқ жавоб бермади. Дераза томон юрди. Чинорнинг сариқ барглари ерга бирин-кетин тушарди.

– Менимча, Нодирани архивдан эмас... фожиани бошидан кечирган онадан топиш мумкин.

Бу гап Моҳларойимни ларзага солди.

У бир қадам орқага чекинди.

– Нима дедингиз?

– Нодира – фақат ҳукмдорнинг рафиқаси эмас. Фақат шоира ҳам эмас. У фарзандларини йўқотиш хавфи билан яшаган, кейин эса бутун сулоласининг ҳалокатига гувоҳ бўлган она. Унинг шеърларидаги дардни тушуниш учун сарой тарихини эмас... она юрагини билиш керак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Моҳларойимнинг нафаси оғирлашди. Гўё кимдир унинг йиллар давомида яшириб келган дардини овоз чиқариб айтгандек.

– Мен... – деди у қийналиб. – Мен уни ўйнай оламанми?

Драматург диққат билан унга қаради.

– Йўқ.

Моҳларойим ҳайратланди.

– Йўқ? Нега бундай деб ўйлаяпсиз?

– Агар фақат рол ўйнашни истасангиз – йўқ.

У бирпас сукут сақлади. Сўнг мулойим овозда давом этди:

– Лекин... агар сиз унинг дардини ҳис қилиб бўлган бўлсангиз... унда саҳнага чиқишингизнинг ўзи кифоя.

Хонага бироз муддат жимлик чўкди. Бу жимликда гаплардан кўра кўпроқ маъно бор эди.

Моҳларойим қўлидаги китобни маҳкамроқ ушлади.

– Менга пьеса ёзиб берасизми?

Драматург ўйланди.

– Ёзаман.

– Ростданми?

– Бир шарт билан.

– Қандай шарт?

– Мен сиз учун эмас... Нодира учун ёзаман.

Моҳларойим жилмайди.

– Мен ҳам шуни хоҳлайман.

***

Ташқарига чиққан пайтда шамол кучайган эди. Чинорнинг бир барги айланиб-айланиб келиб, Моҳларойимнинг елкасига қўнди. У уни олиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

ташламади. Аксинча, бармоқлари билан эҳтиёткорлик билан силади. Сўнг кўзларини юмди. Негадир унга бу барг оддий куз барги эмас, вақтнинг ўзига ўхшаб туюлди.

Қисқа умр кўради. Аммо ерга тушишидан олдин бутун дарахтнинг қисматини ўзи билан олиб учади.

Моҳларойим аста пичирлади:

– Нодирабегим... Мен сизни излаяпман. Қаердадир... ўзимни ҳам излаяпман.

У йўлда аста юриб кетди.

Ортда эса чинордан яна бир барг узилиб тушди. Бу кузнинг оддий барги эмас эди.

Бу ҳали ёзилмаган пьесанинг биринчи саҳифаси эди.

V БОБ
ИККИНЧИ ПЬЕСА

Орадан икки ой ўтди.

Театрда эса вақт ойлар билан эмас, премьералар билан ўлчанарди.

Бир спектакль саҳнадан тушар, иккинчиси репетицияга киришар, декорациялар алмашар, афишалар янгиланар, аммо Моҳларойимнинг ҳаётида биргина нарса ўзгармасди.

Ҳар кечқурун уйига қайтишидан аввал у кутубхонага кирарди. Нодира ҳақидаги китоблар... Увайсий ҳақидаги тадқиқотлар... Қўқон хонлиги тарихи... Қўлёзмаларнинг фотонусхалари...

Унинг столида энди битта эмас, ўнлаб китоблар йиғилиб қолганди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кутубхоначи аёл бир куни ҳазиллашди:
– Моҳларойим опа, тарих факультетига кирмоқчимисиз?
Моҳларойим жилмайди.
– Йўқ...
– Унда нега тарихни ўрганаяпсиз?
– Бир инсонни қидиряпман.
– Архивданми?
– Йўқ...
У ўз юрагини кўрсатди.
– Шу ердан.

***

Куз қишга айланди.
Бир куни телефон жиринглади.
– Моҳларойим опа?
– Эшитаман.
– Мен Саодат Ҳамидова.
– Ассалому алайкум.
– Ваалейкум ассалом. Пьеса тайёр.
Моҳларойим бир лаҳза гапиролмай қолди.
– Ростданми?
– Ҳа.
– Қачон борай?
– Ҳозир келсангиз ҳам бўлади. Вақтингиз бўлса.

***

Бу сафар драматургнинг хонаси аввалгидан ҳам тартибсиз эди.
Стол устида чой совиб қолган. Қўлёзмалар ҳар томонга сочилган. Дераза ёнида эса янги жилд турарди. Унинг муқовасида биттагина сатр ёзилган эди.
“Нодирабегим”.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Моҳларойим жилдни қўлига оларкан, унинг оғирлигини ҳис қилди. Гўё бу қоғоз эмас, бир умрнинг юки эди.

– Ўқинг, – деди драматург.

– Ҳозирми?

– Ҳа.

Моҳларойим биринчи бетни очди. У ўқирди. Ора-орасида тўхтарди. Баъзи жойларда кўзларини юмарди. Баъзи саҳифаларга қайтиб яна ўқирди.

Бир соат... Икки соат...

Хонада фақат қоғоз варақларининг шивирлаши эшитиларди.

Ниҳоят у жилдни ёпди. Кўзлари қизариб кетганди.

– Раҳмат...

Драматург унга диққат билан қаради.

– Йиғладингизми?

– Йўқ.

– Унда кўзларингиз нега қизарди?

Моҳларойим жилмайди.

– Негаки... Нодира ниҳоят мен билан гаплаша бошлади.

***

Эртаси куни жилд яна Камол Раҳимовнинг столида ётарди.

Бу сафар Моҳларойим ҳаяжонланмаётганди. Гўё у натижани эмас, ҳақиқатни кутаётган эди.

Камол жилдни қўлига олди.

– Ўқийман.

– Биламан.

– Шошилманг.

– Шошилмайман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Мени ҳам шоширманг.
– Хўп.
Моҳларойим чиқиб кетди.

***

Уч кун.
Тўрт кун. Беш кун.
Ниҳоят котиба яна чақирди.
– Камол ака сизни кутяптилар.
Моҳларойим хонага кирганда режиссёр дераза олдида турарди. Бу гал у дарҳол гап бошламади. Ортга ўгирилмай туриб сўради:
– Бу пьесани ўқиб йиғладингизми?
Моҳларойим ҳайрон бўлди.
– Ҳа. Қаердан билдингиз?
Камол секин бурилди.
– Мен ҳам йиғладим.
Бу жавоб Моҳларойим кутмаган эди. Унинг юзи ёришди.
– Демак...
Камол гапини бўлди.
– Аммо...
Бу "аммо" аввалгисидан ҳам оғир эшитилди.
Камол столга келиб жилдни очди.
– Бу асарда Нодира тирик. Ҳақиқий. Оғир. Ишонарли. Мен уни кўрдим.
– Унда муаммо нимада?..
– Бироқ бу... роман.
– Нима?
– Саҳна учун эмас. Ўқиш учун ёзилган.
Моҳларойим индамади. Камол жилднинг бир неча бетини кўрсатди.
– Қаранг. Бу ерда Нодиранинг ички кечинмаси беш

www.ziyouz.com kutubxonasi

саҳифа давом этади. Томошабин уни эшитмайди. Бу ерда тарихий изоҳлар бор. Бу саҳнада ҳаракат йўқ. Бу ерда эса... энг кучли воқеа инсоннинг ичида кечяпти.

Моҳларойим аста ўтириб қолди.

– Ахир... Театр ҳам инсоннинг ичи ҳақида-ку...

Камол бош ирғади.

– Тўғри.

– Унда?

– Театр ички кечинмани ҳаракатга айлантириши керак. Ана шу кўприк ҳали қурилмаган.

Хонага яна жимлик чўкди. Камол жилдни ёпди.

– Ишонинг... Мен буни саҳнага чиқарсам... Нодирага ҳам, сизга ҳам хиёнат қилган бўламан.

Бу гапни айтаётганда унинг овозида қаттиққўл режиссёрнинг эмас, виждони олдида турган ижодкорнинг изтироби сезиларди.

Моҳларойим буни ҳис қилди. У жилдни олди. Бу сафар уни бағрига босмади. Фақат икки қўли билан маҳкам ушлади.

– Камол ака...

– Лаббай.

– Сиз ҳақсиз.

Камол ҳайрон бўлиб қаради.

– Ростданми?

– Ҳа.

– Хафа эмасмисиз?

– Йўқ.

– Унда нега кўзларингиз ва сўзларингиз ғамгин?..

Моҳларойим енгил табассум қилди.

– Чунки... мен яна Нодирага яқинлашдим.

– Рад жавобиданми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Йўқ.
– Унда нимадан?

Унинг жавоби жуда секин эшитилди.

– Армон ҳам одамни тарбияларкан... Сабрли бўлишга ўргатаркан...

***

Кечқурун у яна ўғлининг хонасига кирди.

Бу сафар стол устига иккинчи жилдни қўйди. Биринчи жилд ёнига. Иккиси ёнма-ён ётарди. Икки рад жавоби. Икки умид. Икки йўл.

У рамка ичида табассум қилиб турган ўғлига қараб пичирлади:

– Кўраяпсанми, болажоним... Ҳали топмадим. Лекин... таслим ҳам бўлмадим.

Дераза ортида қор ёға бошлаганди. Оппоқ парчалар сокинлик билан ерга қўнар, худди осмон ҳам шошмасдан бир саҳнани тайёрлаётгандек эди.

Моҳларойим деразага тикилиб турди. Тақдир ҳам худди қорга ўхшаб келаркан. Аввал бир дона тушади. Одам эътибор бермайди.

Кейин иккинчиси. Учинчиси.

Ниҳоят, бир куни қарасанг, бутун олам оқликка кўмилиб бўлган бўлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

VI БОБ
НИГОҲ

Қишнинг энг совуқ кунлари эди.

Театр биноси ташқаридан ҳар доимгидек маҳобатли кўринар, аммо ичида баҳорга тайёргарлик бошланганди. Костюмерлар янги либослар тикишарди. Бутафорлар декорация ясашарди. Ёш актёрлар баланд овозда шеър машқ қилишарди.

Ҳамма келажакдаги спектакллар билан банд.

Фақат Моҳларойимнинг келажаги йўқ эди. Унинг бор-йўғи биргина ушалмаган орзуси бор эди.

***

Ўша куни у репетицияга эртароқ келди. Катта саҳна бўш. Фақат саҳна чироқларини созлаётган ёритувчи ишчи тепадаги темир йўлакда юрарди.

Моҳларойим саҳна марказига чиқди. Саҳна бўш бўлганда унинг ҳажми каттароқ туюларкан. У кўзларини юмди. Бир неча қадам юрди.

Тўхтади. Сўнг паст овозда гапира бошлади.

– Мен... Нодираман...

Ўзи ҳам кулиб юборди.

– Йўқ... Бу овоз Нодираники эмас. Яна бир марта.

– Мен...

Яна тўхтади. Саҳна ҳам уни эшитаётгандек жимиб қолганди. Шу пайт орқадан кимнингдир овози эшитилди.

– Нодира бу гапни айтмасди.

Моҳларойим тез ортига бурилди. Камол Раҳимов. У саҳна четида турибди. Қачон келганини Моҳларойим сезмабди.

– Нима учун?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Камол саҳнага чиқди. Иккови ўртасида анча масофа бор эди.

– Чунки сиз ҳозир Нодирани эмас... ўзингизни ўйнаяпсиз.

Бу гап Моҳларойимга оғир ботди.

– Ахир Нодира ҳам менга ўхшаган она-ку.

– Тўғри.

– Унда...

Камол унинг гапини бўлди.

– Ўхшашлик етарли эмас.

– Унда нима керак?

Камол жавоб беришга шошилмади. У саҳна тахталарига қараб турди. Сўнг аста деди:

– Масофа.

– Тушунмадим.

– Дардингиз билан роль орасида масофа бўлиши керак.

– Нега?

– Акс ҳолда саҳнада яшай олмайсиз. Фақат куйиб кетасиз.

Моҳларойим индамади. Камол давом этди.

– Биласизми, нега истеъдоди юксак актёрлар санъат тарихида узоқ вақт эсланади?

– Нега?

– Чунки улар йиғлаётган пайти ҳам томошабинни кўриб туради.

Моҳларойим бу фикрни қабул қилолмади.

– Демак, ҳақиқий йиғламайдими?

– Йиғлайди. Лекин кўз ёши билан ролни чўктирмайди. У оғриғини бошқаради.

Моҳларойим секин бош чайқади.

– Мен уддалай олмас эканман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Камол унинг юзига қаради.

– Биламан.

– Қаердан биласиз?

– Сиз ҳар сафар Нодира ҳақида гапирсангиз... онага айланиб қоласиз. Актриса йўқолади.

***

Узоқ вақт иккови ҳам гапиришмади. Тепада прожекторлар алмаштириларди. Темирнинг қуруқ товуши саҳна бўйлаб акс-садо берди.

Камол яна сўз бошлади.

– Моҳларойим...

– Лаббай.

– Мен сиздан бир нарсани сўрасам майлими?

– Албатта.

– Нима учун айнан Нодира?

Бу савол биринчи марта шунчалик очиқ берилди. Моҳларойим кўзларини саҳна четига қадади. У ерда бўш биринчи қатор ўриндиқлари кўриниб турарди. Улардан бирига узоқ тикилиб қолди. Гўё кимдир ўтиргандек...

– Илгарилари... ҳар бир премьерамда биринчи қаторда битта йигит ўтирарди.

Камол ҳеч нима демади.

– Парда очилиши билан уни қидирардим. Топардим. У менга бош бармоғини кўтарарди. Шунда қўрқувим кетарди.

Моҳларойимнинг овози титраб чиқди.

– Энди эса... биринчи қатор доим бўш.

Камол кўзини олиб қочди. У бу дард ҳақида биларди. Аммо Моҳларойимнинг оғзидан эшитиш бошқа эди.

– Нодира ҳам... охирги кунларида фарзандлари-

www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг юзига қараб яшаган. Мен унинг шеърларини эмас... нигоҳини тушунмоқчиман.

Камол ҳайрат билан қаради.

– Нигоҳини?

– Ҳа.

– Нима учун?

Моҳларойим жавоб беришдан олдин яна ўша бўш биринчи қаторга қаради.

– Чунки... фарзандини йўқотган оналарнинг нигоҳи бир хил бўлади. Ҳамиша фарзандини излаб яшайди...

***

Шу пайт саҳна ёритилди. Барча прожекторлар бир вақтнинг ўзида ёниб кетди. Ёруғлик Моҳларойимнинг юзига тушди.

Камол беихтиёр унга тикилиб қолди. У актрисанинг юзидаги чуқур чарчоқни эмас... кўзларидаги чексиз соғинчни кўрди. Ва ичидан ўтган фикрдан ўзи ҳам чўчиб кетди.

"Агар у Нодирани ҳеч қачон ўйнай олмаса-чи?.. Агар вақт... кутмаса-чи?".

Бу фикр бир лаҳза пайдо бўлди. Кейин яна йўқолди. У уни жиддий қабул қилмади. Таассуфки, инсон ҳар доим вақтни ўзи томонда деб ўйлайди. Фақат вақтнинг ўзи бу ҳақда ҳеч қачон ваъда бермайди.

Моҳларойим эса ҳали ҳам саҳна марказида турарди. Прожектор нури унинг юзига тушиб турар, аммо унинг нигоҳи ҳамон бўш биринчи қаторда эди. Гўё у ерда ҳеч ким кўрмайдиган бир томошабин ўтирарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

VII БОБ
УЧИНЧИ ПЬЕСА

Баъзан инсон тақдир эшигини тақиллатишдан чарчайди.

Лекин армон чарчамайди. У одамнинг ўрнига ҳам яшайди.

***

Бир ҳафта ўтгач, Моҳларойим яна йўлга чиқди. Бу сафар у ҳеч кимнинг олдига чақирилмаган эди. Ўзи бораётганди. Қўлида яна жилд.

Аммо бу аввалгиларига ўхшамасди. Муқоваси ҳам, ранги ҳам бошқа. Устида эса ҳеч қандай сарлавҳа йўқ. Фақат қалам билан ёзилган биттагина сўз: "Лойиҳа".

Бу пьесани республикада машҳур бўлган яна бир тарихчи драматург ёзганди. У Моҳларойим билан учрашганда шундай деган эди:

– Мен Нодира ҳақида эмас... Нодира бўлиш қанчалик оғир экани ҳақида ёздим.

Бу гап Моҳларойимнинг қалбига дарҳол етиб борганди.

***

Камол Раҳимов жилдни қўлига оларкан, илгаригидек шошилмади. У аввал муқовага узоқ қаради. Кейин Моҳларойимга.

– Бу сафар сиз ўзгаргансиз.

Моҳларойим ҳайрон бўлди.

– Қайси томонга?

– Илгаригидай ҳаяжонланмаяпсиз.

У енгил жилмайди.

– Ҳаяжон ўрнини тушкунлик эгаллаб олган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Камол ҳам жилмайди.

– Тушкунликка тушманг. Ҳали ҳаммаси олдинда...

Аммо вақт кутиб турмаслигини ўйламасди...

***

Бу сафар у пьесани театрда эмас, уйида ўқиди. Кечаси. Ҳеч ким халақит бермайдиган пайтда. Ўқиди. Қайта ўқиди. Қалам билан белгилар қўйди. Айрим жойларига савол белгиси қўйди. Айрим жойларига эса ҳеч нима ёзмади.

Баъзи фикрларга изоҳнинг ўзи ҳам ортиқча бўлади.

Эртаси куни жилд яна столида ётарди. У узоқ вақт унга қараб ўтирди. Гўё қарорни пьеса эмас, виждони қабул қилаётгандек.

***

Моҳларойим яна чақирилди.

Бу сафар у хонага кирганда Камол ўтирмаганди. Дераза олдида турарди. Қўллари орқасида. Ташқарида эса қор эриётганди.

Томдан тушаётган сув томчилари бир маромда ерга урилиб турарди.

– Ўтиринг.

Моҳларойим ўтирмади.

– Аввал жавобни эшитай.

Камол чуқур нафас олди.

– Бу пьеса... энг яхшиси.

Моҳларойимнинг юраги тез ура бошлади.

– Саҳналаштирамизми?

Камол жавоб беришга шошилмади. Бу сукут аввалгиларига қараганда узоқроқ давом этди. Ниҳоят у секин деди:

– Йўқ...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу гал бу биргина сўз эмасди. Бу гап Моҳларойимнинг қалбига оғир ботди. Бироқ у индамади. Фақат жилдга қараб турарди.

Камол овозини пасайтирди.

– Сабаби пьесада эмас.

Моҳларойим аста бош кўтарди.

– Унда кимда?

Камол унга тикилди.

– Менда.

– Тушунмадим.

– Мен бу спектаклни қўя олмайман.

– Нега?

Камол жавобни изламади. У жавобни аллақачон топган эди.

– Мен сизни ҳар куни саҳнада кўраман. Ҳар куни бироз чарчаб келаётганингизни кўраман. Ҳар куни йўталингиз кучайиб бораётганини эшитаман. Ҳар куни парда ёпилгандан кейин ҳам кетмай, бўш саҳнада ўтиришингизни биламан.

У бир лаҳза тўхтади.

– Бу роль... оддий роль эмас. Бу роль инсоннинг бор кучини сўриб олади.

Моҳларойим қаттиқроқ овозда гапирди.

– Менда ўша куч бор.

– Бор. Қалбингизда. Хаёлларингизда. Аммо танангизда йўқ.

Бу гап хонада қаттиқ янгради.

Моҳларойимнинг ранги оқарди.

– Шифокорга ҳам бориб турибман.

– Мен натижаларини ҳам биламан.

У ҳайрат билан қаради.

– Қайси натижаларни?

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Яширманг.

Камолнинг овози жуда мулойим чиқди.

– Театр ҳамма нарсани билади. Бу ерда ҳеч қайси дард узоқ яширинмайди.

Моҳларойим кўзларини олиб қочди. У ўзини ҳимоясиз ҳис қилди.

***

– Камол ака...

– Лаббай.

– Агар бу рольни ўйнамасам...

Унинг гапи ярим йўлда тўхтаб қолди.

Камол давомини ўзи айтди.

– Армон бўлиб қоладими?

Моҳларойим жавоб бермади. Жавоб унинг кўзларида акс этиб турарди.

Камол секин столга яқинлашди. Жилдни қўлига олди. Қўллари енгил титради.

– Биласизми... Мен ҳам бир нарсадан қўрқаман.

– Нимадан?

– Агар спектакль репетицияси тугамай қолса-чи...

Моҳларойим бу гапнинг маъносини дарҳол англади.

– Мен ҳали бери ўлмайман.

Камол бир зум кўзларини юмди.

– Мен ҳам шуни хоҳлардим... Аммо ким қачон кетиши ёлғиз Яратганга аён... балки эртага мен бўлмасман... Режиссёр ва актрисанинг хоҳиши билан тақдирнинг режаси бир хил бўлмайди.

***

Моҳларойим хонадан чиқиб кетди. Бу сафар у ортига қарамади. Йўлак охирида катта ойна бор эди. У беихтиёр ўша ерда тўхтади. Ойнада ўз акси-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни кўрди. Сочлари орасида яна бир нечта оқ тола пайдо бўлганди. Кўзлари тубида эса аввал бўлмаган ҳорғинлик бор эди.

У аста қўлини ойнага қўйди. Гўё ойна ортидаги аёл билан хайрлашаётгандек. Паст овозда шивирлади:

– Йўқ... Ҳали эмас... Ҳали Нодира мени кутаяпти...

Шу пайт йўлакнинг нариги чеккасидаги саҳнага чиқиш эшиги очилди. Ичкаридан репетиция овози эшитилди. Ёш актрисалардан бири баланд овозда шеър ўқирди. Моҳларойим тинглаб турди. Кейин беихтиёр жилмайди.

Театр ҳаёти давом этаётганди. Фақат у юрагида бир ҳақиқатни ҳис қилди.

Вақт энди уни кутмаётганди.

VIII БОБ
РЕЖИССЁРНИНГ ҚАРОРИ

Театрда ҳамма уйига кетган. Парда ёпилган. Чироқлар ўчирилган.

Фақат иккинчи қаватдаги бир хонада нур ёниб турарди. Бу Камол Раҳимовнинг хонаси эди. Стол устида учта жилд ётарди.

Биринчи пьеса. Иккинчи пьеса. Учинчи пьеса. Учта рад жавоби. Ёки... Учта қутқариб қолинган спектакль.

Камол қай бири тўғри эканини билмай қолганди.

***

У биринчи жилдни очди. Бир неча бет ўқиди. Ёпди. Иккинчисини очди. Ундаги белгиларига қа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ради. Ёпди. Учинчисини қўлига олди. Узоқ ушлаб турди. Очилмади. Чунки у бу асарни аллақачон ёддан биларди.

***

Эшик тақиллади.

– Киринг.

Театр директори кирди.

– Ҳали кетмадингизми?

– Йўқ.

– Яна шу пьесами?

Камол бош ирғади. Директор жилдга қаради.

– Ҳали ҳам шу масалами?

– Ҳа.

– Менга қолса, спектакль қўйилаверсин.

– Сизга қолса, қўйишни истарсиз. Менга қолса... қўйилмайди.

Директор ҳайрон бўлиб қаради.

– Нега?

– Чунки мен Моҳларойимни яхши биламан.

– Биз ҳам биламиз.

– Йўқ.

Камол секин бош чайқади.

– Сизлар актрисани танийсизлар. Мен эса... унинг тимсолида фарзандини йўқотган онани ҳам кўраман.

***

Директор унинг қаршисида ўтирди.

– Ростини айтинг. Нимадан қўрқяпсиз?

Камол деразага қаради. Ташқарида кечки қор аста ёғарди.

– Мен спектаклдан қўрқмаяпман.

– Унда нимадан?

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Премьерадан.
– Нега?

У жавобни ичидан зўрға суғуриб олди.

– Менинг қўлимдаги спектакль унинг охирги спектакли бўлиб қолишидан қўрқяпман.

Хона жимиб қолди. Директор ҳам бу фикрни кутмаганди.

– Бунақа деманг.
– Нега демай?
– Балки...

Камол аччиқ жилмайди.

– Театрда энг хавфли сўз шу. Балкимиз кўп. Вақтимиз эса кам. Ҳаммамиз ғаниматмиз...

***

Директор жилдларни варақлади.

– Лекин у сизни тушунмайди. Сиздан қаттиқ ранжийди.
– Биламан.
– Ҳатто хафа ҳам бўляпти.
– Биламан.
– У ҳолда нима қилмоқчисиз?

Камол жавоб бермади. У стол тортмасини очди. Ичидан кичик дафтар чиқарди. Директор уни биринчи марта кўраётганди.

– Бу нима?
– Репетиция кундалиги.

Унинг саҳифаларини варақлади. Биринчи бетлар. Эски спектакллар. Эски актёрлар. Эски премьералар. Кейин бир саҳифада тўхтади. У ерда биттагина жумла бор эди.

“Режиссёрнинг биринчи вазифаси спектакль яратиш эмас. Актёр ва актрисаларни асраб-авай-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лаш”.

Директор ҳайрон бўлиб қаради.

– Бу кимнинг гапи?

Камол секин жилмайди.

– Устозимники.

– Доим амал қиласизми?

– Ҳаракат қиламан.

***

Директор кетгач, хона яна жимиб қолди.

Камол секин ўрнидан турди. Дераза олдига борди. Қоронғу саҳна кўриниб турарди. Унинг нигоҳи пардага қадалди. Кўп йиллик меҳнат давомида у бир ҳақиқатни англаб етганди.

Томошабинлар ҳар доим пардани кўради. Режиссёр эса... парда ортида қолган тақдирларни ҳам кўради.

Унинг кўз олдида Моҳларойим гавдаланди. Бўш саҳнада ўтиргани. Нодира девонини бағрига босгани. Биринчи қаторга тикилиб қолгани.

“Мен ҳали энг муҳим ролимни ўйнаганим йўқ...”.

Бу овоз қулоғида яна жаранглади. Камол кўзларини маҳкам юмди.

– Кечиринг... – деб пичирлади у.

Бироқ у кечиримни кимдан сўраётганди ўзи ҳам билмасди. Моҳларойимданми? Ўзиданми? Ёки театрданми?

***

Шу пайт саҳна томондан енгил йўтал эшитилди. Камол дарҳол эшикка чиқди. Йўлак бўш. Саҳна бўм-бўш. Ҳеч ким йўқ.

Фақат саҳна марказида бир китоб ётарди. Нодирабегим девони. У ерга қандай келиб қолгани-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни ҳеч ким билмасди.

Камол китобни қўлига олди. Ичидан кичик қоғоз чиқиб қолди. Қоғозда биттагина жумла ёзилган эди.

“Армон ҳам баъзан инсонни янада кучлироқ қилади ва яшашга ундайди”.

Ёзувнинг эгаси йўқ. Имзо қўйилмаган. Аммо Камол бу сатр кимнинг қўлидан чиққанини дарҳол таниди. У китобни аста ёпди.

Унинг нигоҳи саҳна марказига қадалди. Бирдан кўнглига оғир бир ҳис келди. Гўё бўш саҳнада ҳали бошланмаган спектакль эмас... аллақачон тугаб бўлган қисмат турарди.

IX БОБ
СЎНГГИ ИЛТИМОС

Баҳорнинг илк кунлари эди.

Театр ҳовлисидаги чинорлар ҳали тўлиқ уйғонмаган. Шохлари яланғоч. Фақат айрим куртаклар ичида ҳаёт пичирларди.

Моҳларойим эрталабдан театрга келди. Бу сафар унинг қўлида жилд йўқ эди. Китоб ҳам йўқ. Қоғоз ҳам. Фақат кичик бир рўмолча.

Унинг ичига нимадир тугилган.

***

Камол Раҳимов эшик тақиллаганда, одатдагидек:

– Киринг, – деди.

Моҳларойим кирди.

Камол уни кўриб бир лаҳза тўхтаб қолди. Актрисанинг юзида ғалати бир хотиржамлик бор

www.ziyouz.com kutubxonasi

эди. Бу хотиржамлик уни чўчитди.

Чунки у умиднинг эмас... қандайдир қарорнинг хотиржамлиги эди.

– Ўтиринг.

– Раҳмат. Ўтиргим йўқ.

– Нега?

– Бу сафар узоқ вақтингизни олмайман.

У қўлидаги тугунчани стол устига қўйди. Эҳтиёткорлик билан ечди. Ичидан эски бир сурат чиқди. Сарғайиб кетган. Бурчаклари ейилган.

Камол суратни қўлига олди.

Унда ёш Моҳларойим саҳна либосида турарди. Ёнида ўн икки-ўн уч ёшлардаги бир бола. Иккаласи ҳам кулиб туришарди.

– Ўғлим.

Камол секин бош ирғади.

– Биламан.

– Бу унинг биринчи марта театрга келган куни.

Моҳларойим суратдан кўзини узмади.

– Ўша куни спектакль тугагач... мендан бир нарса сўраганди.

Унинг овози секинлашди.

– "Ойи, сиз бир куни Нодирани ҳам ўйнайсиз-а? – деб сўраганди. – Мен унга... "Албатта", дегандим.

Камол кўзларини юмиб олди.

– Кейин... у ҳар сафар шуни эслатарди.

– "Қачон ўйнайсиз?"

– "Тез орада."

– "Қачон?"

– "Вақти келганда".

Моҳларойимнинг лаблари титраб кетди.

– Вақт... келмади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

***

У секин ўтирди. Бу унинг режиссёр хонасида биринчи марта ўз ихтиёри билан ўтириши эди.

– Камол ака...

– Лаббай.

– Энди мен сиздан режиссёр сифатида эмас... инсон сифатида бир илтимос қиламан.

Камол индамади.

– Агар мен Нодирани катта спектаклда ўйнай олмасам... ҳеч бўлмаса...

Унинг овози узилиб қолди. Бир неча сониядан кейин зўрға давом этди.

– Театрнинг кичик залида. Бир марта. Фақат бир марта. Декорациясиз. Оркестрсиз. Афишасиз. Томошабинлар ҳам шарт эмас.

Ҳеч бўлмаса сиз ўтиринг. Мен эса... Нодиранинг бир монологини айтай.

Хонада шундай сукунат пайдо бўлдики, ҳатто девор соатининг чиқиллаши ҳам оғир эшитиларди.

Камол қўлларини бир-бирига чирмаштирди. Унинг бармоқлари оқариб кетганди.

– Моҳларойим...

– Ҳа?

– Илтимос... мени ҳам, ўзингизни ҳам қийнаманг.

Бу гап Моҳларойим учун кутилмаган зарба бўлди.

– Мен сизни қийнаяпманми?

– Ҳа.

– Нима билан?

– Танлов билан.

– Қандай танлов?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Камол оғир нафас олди.

– Бир томонда... сизнинг армонингиз. Иккинчи томонда... сиз.

– Нима демоқчилигингизни тушунмадим.

– Агар мен бу монологга ҳам рози бўлсам... сиз эртага яна иккинчи саҳнани хоҳлайсиз. Кейин учинчисини. Кейин бутун спектаклни. Ҳақиқий актёр ярим йўлда тўхтай олмайди.

Моҳларойим бошини қуйи солди. У эътироз билдирмади. Режиссёрнинг бу гапи ростлигини ўзи ҳам биларди.

***

У аста ўрнидан турди. Суратни яна рўмолчага ўради. Тугунчани қўлига олди. Эшикка қараб икки қадам юрди. Сўнг тўхтади.

Ортига ўгирилмади. Фақат паст овозда деди:

– Камол ака...

– Лаббай.

– Агар бир куни... мен бўлмасам...

Камолнинг юраги шув этиб кетди.

– Бундай деманг.

– Йўқ. Эшитинг.

– ...

– Агар мен бўлмасам... Нодирани саҳналаштиринг. Ким ўйнаши муҳим эмас. Фақат... онасини унутманг. Зора, ўғлимнинг кезиб юрган руҳи шод бўлса...

Эшик секин ёпилди.

***

Камол узоқ вақт ўрнидан туролмади. Стол устида ҳалиги сурат қолиб кетганини кейин пайқади. У уни қўлига олди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ёш Моҳларойим. Ёш ўғил. Иккаласининг кўзларида бир хил порларди. Сурат ортига нимадир ёзилган экан. У аста ағдарди.

Орқасида болаларча нотекис ҳарфлар билан битилган эди: “Менинг энг яхши актрисам – ойим”.

Камол суратни маҳкам ушлади...

Шу пайт ташқаридан қўнғироқ чалинди. Кундузги спектакль бошланишидан дарак берувчи биринчи қўнғироқ.

Театр ҳаёти яна одатдагидек давом этаётганди. Аммо Камол Раҳимов биринчи марта шу қўнғироқни чақириқ эмас... огоҳлантириш сифатида эшитди.

Тақдир ҳам ўзининг охирги қўнғироғини чалишга тайёрланаётган эди.

X БОБ
СЎНГГИ ПАРДА ОЛДИДА

Театрда баҳор ҳар йили бир хил келарди.

Аввал ҳовлидаги чинорлар куртак ёзарди. Кейин деразалар очиларди. Охири саҳнага янги спектакллар чиқарди.

Фақат инсон умри фаслларга бўйсунмас экан.

***

Сўнгги вақтларда Моҳларойимнинг йўтали кучайиб, юраги қаттиқ санчийдиган бўлиб қолганди.

Аввалига ҳеч ким аҳамият бермади. Актёрнинг йўтали, ҳориши, овозининг бўғилиши – театр учун янгилик эмас.

Аммо Камол Раҳимов ҳар бир репетицияда битта нарсани пайқай бошлади. Моҳларойим саҳнадан

www.ziyouz.com kutubxonasi

чиққач, ҳаммадан яшириниб деворга суянарди. Кўзларини юмарди. Чуқур нафас оларди. Юрагини чангалларди...

Кейин яна ҳеч нарса бўлмагандек саҳнага қайтарди. Гўё оғриқ билан ўзи ўртасида бир яширин шартнома бордек.

***

Ўша куни янги спектакль қўйилди.

Моҳларойим унда катта роль ўйнамасди. Аммо унинг саҳнага чиқадиган қисқа эпизоди ҳам томошабин томонидан алоҳида кутиб олинарди.

Гримхонада одатдагидек шовқин. Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Кимдир матн такрорлайди. Кимдир грим қиляпти. Кимдир кулмоқда.

Фақат Моҳларойим ойна олдида жим ўтирарди. Қўлида эса яна ўша эски Нодирабегим девони.

Ёш гримёр қиз қизиқиб сўради:

– Опа... Ҳар сафар саҳнага чиқишдан олдин шу китобни нега очасиз?

Моҳларойим жилмайди.

– Мен уни ўқимайман. Китоб ичидаги фарзандидан айрилган онага разм соламан.

Қиз тушунмади.

Аммо бошқа савол бермади.

***

Қўнғироқ чалинди.

Биринчи қўнғироқ. Ҳамма шошилди.

Иккинчи қўнғироқ. Кимдир:

– Ҳамма ўз жойида тайёр бўлиб турсин! – деб бақирди.

Учинчи қўнғироқ.

Парда очилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

***

Камол ҳар галгидек ўз хонасида монитор орқали спектаклни кузатарди.

Ҳаммаси режадагидек кетарди.

Биринчи саҳна. Иккинчи саҳна. Учинчи саҳна...

Навбат Моҳларойим чиқадиган эпизодга келди. У саҳнага чиқди. Зал қоронғу. Прожектор унинг юзига тушди. Камол беихтиёр экранга яқинлашди.

Бугун унинг юзида бошқача ифода бор эди. Бу актёрлик маҳоратидан пайдо бўладиган хотиржамлик эмасди. Бу одам умрининг охирги баҳорида пайдо бўладиган ғалати сокинлик эди.

У икки-уч жумла айтди. Сўнг шериги билан суҳбат қилди. Томошабин ҳеч нарсани сезмасди. Аммо Камол сезди.

Моҳларойим ҳар гал бир марта матнни айтаётиб, бўш биринчи қаторга қараб қоларди. Ҳеч бўлмаганда икки сония. Бу сценарийда йўқ эди.

***

Спектакль тугади. Парда ёпилди. Қарсаклар узоқ давом этди.

Актёрлар таъзим қилиш учун яна саҳнага чиқишди. Моҳларойим ҳам чиқди. Таъзим қилди.

Яна биринчи қаторга қаради. Бу гал юзида енгил табассум пайдо бўлди. Гўё кимдир у ердан яна бош бармоғини кўтаргандай...

***

Парда ортига қайтгач, ёш актёрлар уни қуршаб олишди.

– Опа, бугун жуда яхши ўйнадингиз!

– Овозингиз ҳам бошқача чиқди!

– Томошабинлар жуда қаттиқ қарсак чалишди!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Моҳларойим фақат бош ирғади.

– Раҳмат, болажонларим.

У гримхонага кирди. Эшикни секин ёпди. Ойна олдига ўтирди. Бир муддат ўз аксига қараб қолди. Сўнг Нодирабегим девонини очди.

Китоб ичига қўйилган, қуриб қолган оқ атиргул барги қўлига тушди. У баргни кафтига оҳиста олди. Аста силади. Паст овозда шивирлади:

– Ҳали... мен тайёр эмасман.

Шу пайт қаттиқ йўтал тутди. Бу аввалгиларидан бошқача эди. У оғзини рўмолча билан беркитди. Йўтал тўхтагач, рўмолчани секин очди. Унда қон изи бор эди. Моҳларойим унга узоқ қараб турди. Ҳеч қандай қўрқув йўқ. Ҳеч қандай ҳайрат ҳам. Фақат бир чуқур англаш...

У рўмолчани эҳтиёткорлик билан буклади. Ҳеч ким кўрмаслиги учун сумкасига солди.

Шу пайт эшик тақиллади.

– Киринг.

Камол Раҳимов кирди.

– Табриклайман.

– Раҳмат.

– Бугун ажойиб ўйнадингиз.

– Ростданми?

– Ҳа.

У бир лаҳза Моҳларойимга тикилди. Кейин унинг рангига қараб сўради:

– Тобингиз яхшими?

Моҳларойим одатдагидек жилмайди.

– Актёрнинг тоби саҳнада билинмаслиги керак.

Камол бу гапга жавоб беролмади. Унинг ўзи ҳам бутун умри давомида шу қоида билан яшаган эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Моҳларойим сумкасини олди. Эшик томон юрди. Остонага етганда тўхтади. Ортига ўгирилиб, жуда хотиржам овозда деди:

– Камол ака...

– Лаббай.

– Агар бир куни Нодира саҳнага чиқса... унинг биринчи қадами жимликдан бошлансин.

– Нега?

Моҳларойим енгил табассум қилди.

– Чунки энг катта дард... доим жим келади.

У чиқиб кетди. Камол эса гримхонада ёлғиз қолди. Ойна олдида Моҳларойим ўтирган стул ҳали ҳам илиқ эди. Стол устида эса бир дона оқ атиргул барги қолиб кетганди. Камол уни кафтига олди. Қуриб кетган, мўрт барг бир лаҳзада уваланиб кетди.

У беихтиёр кўзларини юмди. Негадир кўнглидан бир фикр ўтди: Инсоннинг орзуси ҳам баъзан шу баргга ўхшайди. Уни маҳкам ушласанг – синиб кетади. Қўйиб юборсанг – шамол олиб кетади.

У ичидан ўтаётган хавотирни овоз чиқариб айтди:

– Худойим... унга яна бироз вақт бер.

www.ziyouz.com kutubxonasi

XI БОБ
МОҲЛАРОЙИМ

Кун одатдагидек бошланди.

Театр эшиклари эрталабки соат тўққизда очилди. Фойега гуллар қўйилди. Кассир чипталарни санади. Ёритувчилар прожекторларни текширди. Гримхоналарда чироқлар ёқилди.

***

Ўша куни репертуарда кўп йиллардан бери саҳнадан тушмай келаётган спектакль бор эди. Моҳларойимнинг роли катта эмас. Аммо унинг чиқиши томошабин учун ҳамиша алоҳида ҳодиса эди. У гримхонага ҳаммадан аввал келди. Ҳеч ким билан гаплашмади. Ойна олдига ўтирди. Сумкасидан Нодирабегим девонини чиқарди. Эҳтиёткорлик билан очди. Ичидан кичик бир
қоғоз сирғалиб тушди.

Бу унинг ўғлининг қўли билан ёзилган, йиллар давомида китоб орасида сақланган битик эди.

"Ойижон, сиз Нодира бўласиз".

Моҳларойим қоғозни кўксидан босди. Кўзларини юмди.

– Қанийди, қайси ролни ўйнаш ихтиёримда бўлганида эди, болажоним.

***

Учинчи қўнғироқ чалинди. Парда очилди. Спектакль бошланди.

Ҳаммаси аввалги юзлаб намойишлардагидек эди. Лекин инсон қалби доим бир хил бўлиб қолмайди.

***

www.ziyouz.com kutubxonasi

Навбат Моҳларойимга келди. У саҳнага чиқди. Прожектор юзига тушди. Биринчи қаторга қаради. Бу гал у ерда ҳамон бўш ўрин турарди. Аммо Моҳларойимнинг кўзларида илк бор оғриқ эмас... миннатдорлик бор эди. Гўё у бўш жойни эмас, кимнидир кўраётгандек. У матнини айта бошлади. Биринчи жумла. Иккинчи. Учинчи...

Шунда кутилмаган ҳол юз берди. Матнда йўқ бир лаҳза. Бир нафаслик сукут. Зал ҳам жимиб қолди. Моҳларойим кўзларини узоқларга қадади. Ва жуда паст, лекин бутун зал эшитадиган овозда деди:

– Вафо йўқолган жойда ишонч ҳам етим қолур...

Бу спектакль матни эмас эди. Бу Нодира руҳига яқин, унинг бутун ҳаётини ифода этувчи, саҳнага сиғмайдиган бир дарднинг овози эди.

Саҳнадошлар ҳайрон бўлишди. Бир лаҳзага вақт тўхтагандек бўлди. Камол монитор қаршисида қотиб қолди. У дарҳол англади. “У ҳозир роль ижро этмаяпти... У ҳозир ўзининг орзуси билан хайрлашяпти.”

Моҳларойим яна бир қадам ташлади. Қўлини юраги устига қўйди. Нигоҳи яна биринчи қаторга тушди. Юзида табассум пайдо бўлди. Гўё кимдир аввалгидек яна бош бармоғини кўтараётгандек эди.

У жуда аста пичирлади:

– Сени жудаям соғиндим... болажоним...

Бу сўзни томошабин эшитмади. Фақат саҳнага энг яқин турган ҳамкасби эшитди. Шу заҳоти унинг юзи оқарди. Қадами бўшашди. Танаси енгил силкинди. Аммо у йиқилмади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Актриса сифатида охирги марта иродасини жамлади. Спектакль тугамасидан саҳнани тарк этишни истамади. У яна бир жумла айтди. Овози аввалгидан ҳам сокин эди. Сўнг секин орқага чекинди. Парда ёпилишига бир неча қадам қолганда... танаси енгил чайқалди. Ва у саҳна тахталари бағрига аста қулади.

Қарсаклар аввалига тўхтамади. Томошабинлар буни режиссёрлик ечими деб ўйлашди. Сўнг парда ортидан одамлар югуриб чиқишди. Қарсаклар бирин-кетин сустлашди.

Залда оғир жимлик чўкди.

***

Камол биринчи бўлиб саҳнага етиб келди.

Моҳларойимнинг бошини эҳтиёткорлик билан тиззасига қўйди. Унинг лаблари ҳали ҳам енгил жилмаярди. Кўзлари ярим очиқ. Нигоҳи ҳамон биринчи қатор томон қотиб қолган.

Камол унинг совиб бораётган бармоқларини ушлади. Қўлида нимадир бор эди. Кичик бир қоғоз. Уни аста очди. Унда Моҳларойимнинг ўз қўли билан битилган битта сатр бор эди: “Мен Нодирани саҳнада эмас... қалбимда ўйнадим”.

Камолнинг кўзларидан ёш чиқди. У саҳнага қаради. Бу тахталарда юзлаб спектакллар ўтган. Юзлаб қаҳрамонлар яшаб, ўлган.

Аммо бугун... бир актриса ўзининг энг катта ролини афишасиз, эълонсиз ва мукофотсиз ижро этганди.

Шунда театр илк бор тушундики, баъзи роллар саҳнага сиғмайди. Улар фақат инсон юрагида яратилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

XII БОБ
ПАРДА ЁПИЛГАЧ...

Орадан бир йил ўтди.

Театрнинг ҳовлисидаги чинор яна баҳорни қарши олганди. Ўтган йилги барглардан асар ҳам қолмаган. Дарахт эса яна кўкарган.

Инсон кетади.

Фасллар эса қайтиб келаверади.

***

Театр ҳам ўз ҳаётини давом эттирарди.

Янги актёрлар келган. Янги спектакллар саҳнага чиққан. Афишалар алмашган. Гримхоналарда янги овозлар жаранглади. Гўё ҳеч нарса ўзгармагандек.

Аммо театрда ишлайдиган одамлар яхши билишарди: айрим инсонлар кетмайди. Улар бинода эмас... хотирада яшайди.

***

Камол Раҳимов одатдагидек эрта келди.

Унинг сочларига ҳам оқ оралаганди. Столи устида эса ҳали ҳам ўша учта жилд турарди. Биринчи. Иккинчи. Учинчи.

У уларни бир йил давомида ҳеч қаерга олдирмади. Ҳар куни ишни бошлашдан аввал бир дақиқа уларга қараб ўтирарди. Бугун ҳам шундай қилди. Сўнг аста турди. Жилдларни қўлига олди. Театр кутубхонаси томон юрди.

***

Кутубхоначи ҳайрон бўлди.

– Камол ака... Буларни архивга топширасизми?

– Йўқ.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Камол жилдларни эҳтиёткорлик билан рафга қўйди. Уларнинг ён томонига ўз қўли билан кичик қоғоз ёпиштирди. Унда биттагина сатр бор эди. “Саҳналаштирилмаган спектакль”.

Кутубхоначи ҳайрон бўлиб қолди.

– Ахир... Бу спектакль ҳеч қачон қўйилмаган-ку...

Камол енгил жилмайди.

– Қўйилган.

– Қачон?

– Бир кун.

– Қаерда?

Камол жавоб беришдан олдин бир лаҳза ўйланди.

Кейин аста деди:

– Бир аёлнинг юрагида.

***

Шу куни театрга бир гуруҳ талабалар экскурсияга келди. Улар гримхона, саҳна, бутафория цехини айланиб чиқишди. Ниҳоят, катта саҳнага киришди.

Йигитлардан бири сўради:

– Устоз... Шу театрда энг машҳур роль қайси бўлган?

Камол саҳнага қараб қолди. У ер бўм-бўш эди. Фақат саҳна марказига тушган оқ нур турарди.

У бироз жим турди. Сўнг деди:

– Энг машҳур роль... Ҳеч қачон саҳналаштирилмаган.

Талабалар бир-бирига қарашди. Улар бу жавобни тушунишмади. Тушунишлари ҳам мумкин эмасди. Чунки баъзи ҳақиқатлар китобдан эмас... ҳаётдан ўрганилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

***

Талабалар чиқиб кетишгач, Камол саҳнада ёлғиз қолди. У аста саҳна марказига борди. Худди бир йил аввал Моҳларойим турган жойга.

Узоқ турди. Ҳеч нима демади. Шамол қаердандир очиқ эшикдан кириб, саҳна бўйлаб енгил айланди. Қаердандир қуриб қолган бир чинор барги учиб келди. Барг саҳна ўртасига тушди. Камол уни олмади. Фақат қараб турди.

Негадир унга ўша барг саҳна реквизити эмас... кимнингдир саломига ўхшаб туюлди.

***

Кечқурун театр бўшади.

Чироқлар бирин-кетин ўчирилади. Катта саҳна яна қоронғулик қўйнига чўкади. Фақат томдан тушган ой нури саҳна марказини ёритиб туради.

Ўша жойни... Моҳларойим охирги марта турган жойни. Гўё театрнинг ўзи ҳам кимнидир соғиниб тургандай. Шу соғинч ичида, эшитилмас даражада, фақат қалб эшита оладиган бир шивирлаш бордек туюлади:

– Ваъдамни бажардим, болажоним... Мен Нодира бўлдим.

Шамол яна саҳна бўйлаб айланади. Қуриб қолган чинор барги аста ҳаракатланади.

Сўнг тўхтайди.

Гўё кимдир уни эҳтиёткорлик билан жойига қўйгандек.


Театр жим. Саҳна жим. Парда жим.

Аммо шу жимлик ичида битта ҳақиқат абадий қолади: баъзи орзулар амалга ошмаслиги мумкин. Аммо улар инсонни шундай юксалтириб кетади-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ки, орзунинг ўзи асарга айланади.

Парда ортда қолади. Саҳна бўш қолади. Лекин ҳақиқий санъат... ҳеч қачон саҳнани тарк этмайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi



www.ziyouz.com kutubxonasi

ДЎМБОҚ АКТРИСА

Инсонни ойнадаги қиёфаси эмас, ҳаётда қолдирган изи безайди.

I ҚИСМ. ЧИРОҚЛАР ОСТИДА

Театрда чироқлар ёқилганда, Гулжаҳон ўзини бошқа одамдек ҳис қиларди.

Кундузги ҳаётда у оддий бир қиз эди: автобус кутишни, бозордан қайтишда қўлидаги халтани оғирлатиб юбормасликни, ой охиригача маошини етказишни ўйлайдиган, онаси телефон қилса, узоқ гаплашиб ўтирадиган қиз.

Саҳнага чиққанида эса унинг қадамлари ҳам ўзгариб, нигоҳидаги маъно чуқурлашар, овози залнинг энг орқа қаторигача етиб борарди. Унинг саҳнадаги биринчи қадамини режиссёр эмас, томошабинлар эслаб қолганди.

Томоша тугагач, парда ёпилар, залдаги қарсаклар секин-аста тинганча, саҳна ортида актёрлар бир-бирини табриклашарди.

Кимдир гримини ечар, кимдир шошилиб кийимини алмаштирар, яна биров бугунги ижросидаги хатосини эслаб, ўзидан норози бўларди.

Гулжаҳон эса кўпинча саҳна четида бир неча дақиқа туриб қоларди. Бўш залга қararди. Унга одамлар эмас, ана шу бўшлиқ ёқарди.

– Яна қолиб кетдингми?

Ортидан келган овоздан Гулжаҳон чўчиб тушди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нодир Шамсиев.

– Саҳна бўш қолганда бошқача бўлар экан, – деди Гулжаҳон.

Нодир кулди.

– Саҳна бўш эмас. Сендек истеъдодли актриса турибди-ку!

Гулжаҳон бу гапни ҳазил деб ўйлаб, жилмайди. Нодир эса саҳнага чиқиб, парда томон юрди.

Гулжаҳон унинг ортидан миннатдорлик билан қараб қолди.

Қанчалар самимий ва меҳрибон инсон, деб хаёлидан ўтказди у.

***

Гулжаҳон театрга кирганида ҳали йигирма ёшга ҳам тўлмаган эди.

Биринчи спектаклларида у кўпроқ ҳаяжонланарди. Матнни ёддан билса ҳам, саҳнага чиқиш олдидан бармоқлари музлаб кетар, юраги тез урарди.

Бир куни репетициядан кейин Нодир уни чақирди.

– Гулжаҳон.

– Лаббай?

– Сен жуда истеъдодли актриса эканлигингни ўзинг ҳам биласанми? Бунинг устига жуда чиройлисан!

Гулжаҳон кулиб юборди.

– Ҳали жуда кўп нарса ўрганишим керак. Айниқса, сиздан, устоз.

– Албатта.

Нодир бироз жим турди.

– Бу чирой ва истеъдодингни фақат йўқотиб қўй-

www.ziyouz.com kutubxonasi

маслигинг керак.

Бу сафар Гулжаҳон кулмади.

– Сен менинг шогирдимсан. Агар ўзингга ишонсанг, сендан келгусида катта актриса чиқади.

Бу гаплар Гулжаҳон учун бир неча оғиз мақтовдан кўпроқ эди.

У ўша кеча уйига қайтиб, ойна олдида узоқ турди. Ўз аксини актриса кўзи билан кузатди.

"Катта актриса...".

Бу сўзлар унинг ичида узоқ вақт ёруғлик каби ёнди.

***

Йиллар ўтди.

Театрда янги спектакллар пайдо бўлди. Эски афишалар туширилиб, ўрнига бошқалари илинди. Айрим актёрлар кетди, янги чеҳралар келди. Гулжаҳон эса тобора тажрибали бўлиб борарди.

Унинг овози ўзгарди. Қадам ташлаши дадиллашди. Ўзига ишончи ортди. Энг муҳими, у саҳнадан қўрқмай қўйди. Энди саҳнага чиқишдан олдин қўллари титрамасди. Томоша бошланишига бир неча дақиқа қолганда ҳам у осойишта ўтирар, кўзларини юмар ва қаҳрамонининг ҳаётига кириб борарди. Кейин чироқлар ёқиларди. Гулжаҳон йўқоларди. Саҳнада эса бошқа бир аёл пайдо бўларди.

Кейин Гулжаҳон турмушга чиқди. Театрдагилар унга бахт тилашди. Нодир ҳам тўйига борди.

– Энди саҳнадан кетиб қолма, – деди у ҳазиллашиб.

Гулжаҳон кулди.

– Қаерга ҳам кетардим?

– Ҳаёт саҳнаси ҳам бор.

– Унда сиздан қочиб ҳам қутулолмас эканман-да.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нодир кулиб қўйди. Ўша куни уларнинг гаплари оддий ҳазил эди.

***

Орадан кўп ўтмай, Гулжаҳон фарзандли бўлди.

Театрдан туғруқ таътилига чиқди. Аввалига саҳнани жуда соғинди. Кейин эса уйдаги майда-чуйда ташвишлар унинг кунларини тўлдириб борди. Овқат тайёрлаш. Кир ювиш.

Кейин боласининг биринчи қадами. Биринчи сўзи. Кечалари уйқусиз ўтган соатлар. Эрталаб бешик ёнида уйғониш.

Бир вақтлар саҳна чироғи билан бошланган кунлари энди боласининг кулгиси билан бошланарди.

Гулжаҳон бу ўзгаришни йўқотиш деб билмади. Аксинча, ҳаётига бошқа бир саҳна қўшилгандек бўлди. Фақат бу ерда парда йўқ эди. Қарсак ҳам. Унинг ҳар бир ҳаракатини эри ва жажжи фарзанди кузатишарди.

Фарзанди уч ёшга тўлганда, Гулжаҳон бир куни кийим жавонининг эшигини очди. Театрдаги кийимлари ҳали ҳам ўша ерда эди. Улар орасида бир кўйлакни олди. Бир вақтлар саҳнада шу кўйлакни кийиб чиққанди. Елкасига тутиб кўрди. Сўнг ўзини ойнада кузатди. Туғруқдан кейин унинг қомати анча ўзгарганди. Юзи юмалоқлашган, елкалари кенгайган, кийимлари аввалгидек танасига мос тушмасди.

Гулжаҳон кўйлакни яна жойига осди. Ойнага бир қараб қўйди. Бу нигоҳда норозиликдан кўра ҳайрат кўпроқ эди. У ўзгарганини эндигина сезаётганди. Бироқ саҳнага чиқиш истаги ҳали ҳам

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўша эди. У жавон эшигини ёпди-да, бир муддат хона ўртасида туриб қолди.

Шу пайт ичкари хонадан эрининг овози эшитилди:

– Гулжаҳон, чой қўйиб юборасанми?

– Ҳозир, – деди у.

Ошхонага кириб, чойнакка сув қуйди. Эри стол ёнида ўтирар, телефонида ниманидир кўриб чиқарди. Гулжаҳон пиёлаларни тайёрлади. Кейин унинг қаршисидаги курсига ўтирди.

– Сизга бир гап айтсам майлими?

Эри телефондан кўз узди.

– Айт.

Гулжаҳон бир зум иккиланди.

– Ишга чиқсам майлими?

Эрининг қўлидаги телефон секин стол устига қўйилди.

– Қаерга?

– Театрга.

У бу сўзни айтгач, ўзининг ҳам юраги тезроқ ураётганини сезди.

– Театрга қайтмоқчимисан?

Гулжаҳон бош ирғади.

– Ҳа. Боламиз ҳам катта бўлди. Энди уйдан бироз чиқиб, ўз касбимни давом эттирсам, деб ўйлаяпман.

Эри унга бир муддат жим қараб турди.

– Ўзинг хоҳлаяпсанми? Ё пул топиш керак деб ўйлаяпсанми? Агар зарурат бўлмаса, маошим рўзғор тебратишимизга етади.

– Ўзим истаяпман. Театрни соғиндим.

– Унда нега мендан сўраяпсан?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гулжаҳон енгил жилмайди.

– Чунки сиз билан маслаҳатлашмасдан, бундай қарор қабул қилишни тўғри деб ҳисобламайман.

Эрининг нигоҳида илиқлик пайдо бўлди.

– Театрни соғиндим дегин?

– Жуда соғинганман.

Гулжаҳон пиёласини қўлига олди, аммо чойдан ичмади.

– Баъзан уйда болам билан ўтириб ҳам саҳнани ўйлайман. Чироқлар ёқилганини, парда очилганини...

Эри жилмайди.

– Унда борақол.

Гулжаҳон унинг юзига қаради.

– Ростданми?

– Албатта.

– Уй-рўзғор, бола...

– Уй ҳам бизники, бола ҳам. Сенинг касбинг ҳам ўзингники. Боламизни боғчага берамиз.

Гулжаҳон бироз жим қолди.

– Сизга оғир бўлиб қолмайдими?

– Нима?

– Мен ишласам.

– Нега оғир бўлар экан?

– Болани боғчага олиб бориш, олиб келиш...

– Биргалашиб қиламиз.

Гулжаҳоннинг кўзларида табассум пайдо бўлди.

– Спектаклга ёки репетиция вақтига тўғри келиб қолса, боғчага олиб бориш ё олиб келишда муаммо бўлса-чи?

– Бунисини ўйлама.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эри чойдан бир ҳўплам олди. Гулжаҳон кулди.
– Сиз менинг эримсиз. Муҳим ишни сиз билан маслаҳатлашишим шарт. Оиламиз таянчисиз, сизни жудаям ҳурмат қиламан. Борингизга шукур.

Эри бошини қимирлатди. Гулжаҳоннинг кўзи беихтиёр кийим жавони томон кетди. У ерда эски кўйлак осилиб турарди.
– Раҳмат, – деди у.
– Нима учун?
– Менга ишонганингиз учун.

Эри унга қараб:
– Сен уч йил боламизни тарбияладинг. Энди бироз ўзинг учун ҳам яша, – деди.

Гулжаҳоннинг кўнглида қандайдир енгиллик пайдо бўлди. У ўрнидан туриб, пиёлаларни йиғиштира бошлади. Эри ортидан қараб:
– Эртага борасанми? – деб сўради.

Гулжаҳон бурилиб қаради.
– Ҳа. Рухсат берсангиз.
– Унда бугун яхшилаб дам ол. Эртага саҳнага қайтиш осон бўлмайди.

Гулжаҳон жилмайганча ошхонадан чиқар экан, юзида анча вақтдан бери бўлмаган хотиржамлик пайдо бўлди. У яна хонасига кириб, жавон эшигини очди. Эски кўйлакни қўлига олди. Бу сафар унинг танасига қандай тушишига қарамади. Матони бармоқлари орасида бир силлиқлаб, яна жойига осди.

Сўнг ойна олдида тўхтади. Бу сафар у ўзгарган қоматини эмас, саҳнага қайтишни истаган аёлни кўрди.

У телефонни қўлига олди. Театр рақамини те-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ришдан олдин бир неча сония иккиланди. Сўнг қўнғироқ қилди.

– Ассалому алайкум. Мен Гулжаҳонман...

Телефоннинг нариги томонидаги дугонаси уни дарров таниди.

– Вой, Гулжаҳон! Қаерларда юрибсан?

У кулиб жавоб берди:

– Уйда. Энди театрга қайтмоқчиман.

Телефонни қўйгач, Гулжаҳон яна ойнага қаради. Бу сафар у ўз қиёфасини эмас, ортидаги эшикни кўргандек бўлди. У эшикнинг нариги томонида саҳна бор эди. Чироқлар. Парда. Бўш зал. Ва бир пайтлар: "Сендан катта актриса чиқади", деган овоз.

II ҚИСМ. БИР ОҒИЗ ҲУКМ

Театр эшигидан кирган Гулжаҳоннинг димоғига эски парда, бўёқ, грим ва саҳна чанги аралашган таниш ҳид урилди.

Уч йил ичида бино деярли ўзгармаган. Аммо унга қараб турган аёл ўзгарган эди. Йўлакдаги деворларда таниш афишалар осиғлиқ. Айримларининг бурчаклари кўтарилиб, қоғозлари сарғайган. Бир пайтлар ўзи тушган портрети ҳам бор эди.

Гулжаҳон бир лаҳза сурати олдида тўхтаб қолди. Ёш чеҳра. Жозибадор нигоҳлар. Мафтункор табассум.

У суратдаги қизга узоқ тикилмади. Гўё у билан ҳозирги ўзи ўртасида ортиқча саволлар пайдо бўлишидан чўчигандек, нигоҳини тезда четга бурди.

– Гулжаҳонхон?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Овоздан сергак тортди.

– Ҳа.

– Директор сизни кутаяптилар.

“Директор”. Бу сўз унинг қулоғида бироз ғалати жаранглади. Нодир Шамсиев. Бир вақтлар репетициядан кейин ёнига келиб, унга далда берар, насиҳат қиларди. Хатосини кўрса, ҳамманинг олдида эмас, четга чақириб тушунтирарди. Энди у директор.

Гулжаҳон эшикни тақиллатиб кирди.

Нодир стол ортида ўтирарди. Хонада яна саккиз нафар актёр бор эди. Хона кенг эмасди, аммо унинг янги эгаси билан бирга гўё катталашиб кетгандек туюларди. Стол устида ҳужжатлар тахланган, деворда театр режаси, ён томонда бир неча диплом ва расмий суратлар турарди.

Гулжаҳон директорга ва ҳамкасбларига салом берди. Нодир бошини кўтарди. Бир неча сония Гулжаҳонга қараб турди.

– Кел. Ўтир.

Гулжаҳон бўш курсилардан бирига омонатгина ўтирди. Нодир унинг саломига алик ҳам олмади. Гулжаҳон буни пайқади. Аввалги Нодир бундай эмасди.

– Сизларни кўрганимдан хурсандман, – деди Гулжаҳон.

– Яхши.

Нодир ҳужжатлардан бирини қўлига олди.

– Қайтишга қарор қилибсан-да?

– Ҳа, устоз. Фарзандим уч ёшга тўлди. Энди ишлашга тайёрман.

– Ишлаш дегин... Ҳмм... Ишлаш...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нодир бу сўзни худди ўлчаб кўраётгандек такрорлади.
– Театрда ишлаш осон эмас.
– Биламан.
– Уч йил анча вақт.
Гулжаҳон бош ирғади.
– Саҳнадан узоқлашмаганман.
Нодир қоғозларни титкилади.
– Қанақасига узоқлашмаслигинг мумкин?
– Уйда ҳам матн ўқиб турдим. Баъзи спектаклларни кўрдим. Ролларимни эсладим.
Нодир жиддий қиёфада бош ирғади.
– Хотира билан репетиция ўртасида ер билан осмонча фарқ бор, Гулжаҳон.
Гапда на масхара бор эди, на меҳр. Фақат юқоридан пастга қараш сезиларди. Гулжаҳон шу онда бир нарсани англади: Нодирнинг овози ўзгармаган, аммо унинг оҳанги ва муомаласи ўзгарибди.
– Мен рол ижро этишга тайёрман, – деди у хотиржамлик билан.
Нодир оромкурсига суяниб ўтирди.
– Истеъдодинг борлигини биламан.
Бу гап Гулжаҳоннинг кўнглида бир лаҳза илиқлик уйғотди.
– Раҳмат.
– Бир пайтлар ўзим ҳам сенга ишонганман.
"Бир пайтлар". Гулжаҳон бу икки сўзни ичидан такрорлади. Нодир давом этди:
– Лекин театрда истеъдоднинг ўзи камлик қилади. Ижодда истеъдод бир фоиз бўлса, тўқсон тўққиз фоизи меҳнат.
– Албатта.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Энг асосийси, ташқи кўриниш ҳам муҳим.

Гулжаҳоннинг қўллари секин бир-бирига қовушди. У бу гапнинг давомини олдиндан сезгандек бўлди. Нодир унга тик қаради.

– Сен анча ўзгарибсан.

Гулжаҳон индамади.

– Яъни...

У бир оз тўхтади.

– Тўлишиб кетибсан.

Бу сўз хонада бир неча сония осилиб қолгандек бўлди. Гулжаҳоннинг юзидаги табассум сўнди.

– Бу вақтинчалик, – деди у паст овозда.

– Масала вақтинчалик ёки доимийлигида эмас.

Нодир қўлларини стол устига қўйди.

– Саҳнада актрисанинг қиёфаси муҳим.

– Мен ролни ўйнай оламан.

– Саҳнада югуриб чиқадиган ёки рақсга тушадиган саҳналар бўлиши мумкин. Бундай вазиятларда уддалашингга шубҳам бор.

– Рақсга ҳам бемалол...

Нодир унинг гапини шартта бўлди.

– Актриса семиз бўлмаслиги керак! Тамом-вассалом! Ё тушунмадингми?!

Гулжаҳон бир лаҳза бундай кескин муомаладан тамомила гангиб қолди. Аммо Нодирнинг юзида ўзгариш йўқ эди. Шу одам. Ўша овоз. Ўша кўзлар. Бир вақтлар: “Сен менинг шогирдимсан. Жуда истеъдодлисан”, деган одам. Энди эса: “Актриса семиз бўлмаслиги керак”, деб турибди.

Гулжаҳон кўзларини бир лаҳза юмди.

– Менинг саҳнадаги ролларимни ҳам ҳисобга олмайсизми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нодир жавоб беришдан олдин оромкурсида тўғриланди.

– Мен директор сифатида қарор қабул қиламан.

"Директор сифатида". Гулжаҳон бу жумлани эшитиб, унинг олдидаги одамни яна бир марта кўргандек бўлди. Устоз эмас. Директор. Бир вақтлар бирга саҳнада туришган актёр эмас. Лавозим эгаси.

Гулжаҳон секин бош ирғади.

– Тушундим.

Нодир:

– Тушунган бўлсанг, бўшсан. Кетишинг мумкин.

– Узр, вақтингизни олдим.

– Хайр!

Гулжаҳон унга қаради. Эшикдан чиқиш олдидан аввал директорга, кейин ерга қараганча, мум тишлаб ўтирган ҳамкасбларига назар ташлади. Уларнинг ҳеч қайси бири унинг ёнини олмади. Яна бири телефонни қўлига олиб, гўё жуда муҳим хабар келгандек, юзини экранга бурди. Гулжаҳон бу майда ҳаракатларнинг ҳар бирини кўрди. Инсонни баъзан ҳақорат эмас, шундай ўзини олиб қочишлар кўпроқ оғритарди. У ҳеч кимдан катта ёрдам кутмаётганди. Фақат бир оғиз: – Гулжаҳонга имкон беринг, – деган сўзни эшитишни истаганди.

Ҳеч ким айтмади. У театр эшигигача борди. Бир пайтлар шу ердан шошилиб кирганини эслади. Репетицияга кеч қолганида нафаси қисилар, сумкасини бағрига босганча, зинадан югурарди.

Энди эса қадамлари оғир. Эшик тутқичига қўлини қўйди. Гулжаҳон бир лаҳза тўхтади. У ортга қарамади. Эшикни очди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кўча ҳавоси юзига урилди. У бир неча қадам юриб борди. Сўнг тўхтаб, ортига қаради. Театр эшиги ҳали ёпилмаганди. Унинг ортида чироқлар ёниб турарди. Гулжаҳон шу чироқларга қараб, бир нарсани аниқ ҳис қилди: уни театрдан чиқариш мумкин, аммо актрисаликни ундан тортиб олиш ҳали мумкин эмас.

III ҚИСМ. САҲНАДАН ТАШҚАРИ

Гулжаҳон ўша куни уйига одатдагидан эртароқ қайтди.

Йўл бўйи биров билан гаплашмади. Машина ойнасидан кўчалар сирғалиб ўтар, одамлар ўз ташвишлари билан қаергадир шошар, дўкон пештоқларидаги чироқлар бирин-кетин ёқиларди. У эса ҳаммасини кўриб турса-да, ҳеч нарсани илғамасди.

Қулоғида биргина жумла айланарди: "Актриса семиз бўлмаслиги керак".

У уйга киргач, фарзанди югуриб келиб, тиззасидан қучоқлади. Гулжаҳон ўтириб олиб, боласини бағрига босди. Кичик қўллар энди унинг бўйнидан маҳкам қучоқлади. Боласи учун театр дегани онаси баъзан чиройли кийиниб, кечқурун уйга қайтиб келадиган жой эди, холос. У онасининг қоматига ҳам, кийган либосига ҳам, бировнинг унга берган баҳосига ҳам қарамасди. Боланинг наздида Гулжаҳон ҳали ҳам дунёдаги энг чиройли аёл эди.

Гулжаҳон шу кеча фарзандини ухлатиб бўлгач, узоқ вақт унинг ёнида ўтирди. Боланинг киприклари тинч юмилган, нафаси бир маромда

www.ziyouz.com kutubxonasi

эди. У кичик қўлини онасининг кафти устига қўйганча ухлаб қолганди. Гулжаҳон бир неча дақиқа жажжи қўлчаларга меҳр билан тикилди. Кейин секин ўрнидан турди. У ётоқхонадаги катта ойна олдига борди. Бир неча кун аввал ҳам шу ерда турган эди. Аммо бугун ўз аксини бошқача кўрди. Илгари ойнага қараганда сочининг турмаги, кўз атрофидаги чарчоқ, кийимининг ярашиши каби майда нарсаларни пайқарди. Энди эса биринчи бўлиб қоматига назар ташлади.

Нодирнинг нигоҳи ўзидаги ўзгаришларни ўз нигоҳидан олдинроқ сезибди. Бу уни қийнади. У ён томонга ўгирилди. Кейин яна тўғри турди. Кўйлагининг бел қисмини тортиб кўрди. Илгари бемалол кийган либоси энди танасига бошқача ёпишарди.

“Ростдан ҳам жуда тўлишиб кетдимми?”. Саволнинг жавобини у биларди. Лекин унинг оғриғи танасида эмас, шу саволнинг ўзида эди.

У бир вақтлар ўзини актриса деб биларди. Энди эса бировнинг кўзида аввало “семиз аёл”га айланиб қолганини ҳис қилди. Гулжаҳон ойнадан юзини ўгирди.

Бир неча кун театр ҳақида гапирмади. Телефонда ҳамкасбларининг рақамлари турарди. Икки-уч марта бировга қўнғироқ қилмоқчи бўлди. Аммо қўлини узатиб, яна қайтарди. Нима дерди? “Нега мени ҳимоя қилмадинг?” деб сўрайдими? Ёки “Нодир ака нега ўзгариб кетди?” дейдими?

У бу саволларнинг жавобини эшитишдан ҳам қўрқарди.

Бир куни жавонни тартибга солаётганда,

www.ziyouz.com kutubxonasi

эски флешкасини топиб олди. Унда театрдаги спектакларидан бир нечта видеолар бор эди. Гулжаҳон аввал уни четга сурмоқчи бўлди. Кейин негадир телевизорга улади.

Экранда парда очилди. Саҳна чироқлари ёқилди. Ёш Гулжаҳон саҳнага чиқди. У ўзини танимай қолгандек бўлди. Экрандаги аёл озғин эди. Юзи ҳозиргидан ингичкароқ, қадамлари енгил, кийими танасига жипс тушган. Бир қарашда Нодирнинг гапи ҳақдек туюларди.

Гулжаҳон видеони тўхтатмоқчи бўлди. Аммо тўхтатмади. Экрандаги Гулжаҳон бир неча оғиз гапирди. Кейин саҳнада оғир бир ҳолат пайдо бўлди. Унинг кўзлари ўзгарди. Овози пасайди. Томошабинлар жим қолди. Гулжаҳон оромкурсида қимир этмай ўтирарди. У экрандаги қизнинг қоматига эмас, кўзларига қарай бошлади. “Нодир ака шу кўзларни кўрмаганми?”. Бу савол хаёлидан ўтди. Сўнг яна бири туғилди: “Ёки мен ўзим бу кўзларни унутиб қўйганманми?”. У видеони охиригача кўрди.

Парда ёпилди. Залдан қарсак овози эшитилди. Гулжаҳон телевизорни ўчирмади. Қоронғилашган экранда ўзининг бугунги аксини кўрди.

Экрандаги ёш актриса билан ойнадаги бугунги аёл бир-бирига қараб тургандай эди. Гулжаҳон энди икковининг орасидаги фарқни бошқача англади. Танаси ўзгарган. Ҳаёти ўзгарган. Она бўлган. Бутунлай бошқа бир дунёга эга бўлган. Аммо саҳнадаги нигоҳ ҳали ҳам ўша эди. Шунда у Нодирнинг гапидан оғриган жойи қаердалигини аниқ тушунди. Гап унинг тўлишиб кетганида

www.ziyouz.com kutubxonasi

эмасди. Гап шунда эдики, бир одам унинг бутун ҳаётини бир қараш билан ўлчаб қўйганди.

Гулжаҳон телевизорни ўчирди. У боласининг сочини силади. Шу оддий ҳаракат унинг ичида нимани-дир жойига қўйгандек бўлди. У ўзининг кимлигини бировнинг қарори билан эмас, шу уйдаги меҳр, йиллар давомида тўплаган тажрибаси ва саҳнада қолдирган излари билан ўлчаши кераклигини ҳис қилди. Аммо бу англаш ҳали уни театрга қайтаришга етмасди. У саҳнани соғинарди. Лекин саҳна ҳақида ўйлаганда, Нодирнинг қиёфаси ҳам кўз олдига келарди.

Бир эшик ортида икки нарса бир-бирига аралашиб кетган эди: муҳаббат ва оғриқ.

Шу пайт телефон жиринглади. Номаълум рақам.

– Алло?

– Ассалому алайкум. Гулжаҳонмисиз?

– Ваалейкум ассалом. Ҳа.

– Мен бир сериал режиссёрининг ёрдамчисиман. Сизнинг театрдаги ишларингизни кўрган эканмиз. Янги лойиҳамиз бор. Сиз билан учрашиб, бир роль ҳақида гаплашмоқчи эдик.

Гулжаҳон жавоб беришга шошилмади.

– Қандай роль?

– Ҳозирча аниқ айтолмайман. Сценарийни кўрсатамиз. Режиссёр сиз билан шахсан гаплашмоқчи.

– Бироздан кейин телефон қилиб, жавобини айтаман.

Телефонни қўйгач, Гулжаҳон бир неча сония жойидан қимирламади.

Саҳнадан кейин – камера. Театрдан кейин – сериал. Бир пайтлар ўзига берилган ҳукмнинг орти-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан кутилмаган бир таклиф келганди.

У телефонни яна қўлига олди. Рақамга қаради. Сўнг қўнғироқ қилди.

– Мен Гулжаҳонман. Учрашсак бўлади. Манзилни шу рақамдаги телеграмимга ёзинг ва локацияни юборинг.

У телефонни қўйди. Кўзгу олдига борди. Бу сафар у ўз аксини узоқ кузатмади. Фақат сочини тўғрилади.

Сўнг эшик томон юрди.

IV ҚИСМ. ЎЗ САҲНАСИНИ ҚУРГАН АЁЛ

Биринчи суратга олиш куни Гулжаҳон гримхонада узоқ ўтирди.

Театрдагидек ойна олдида юзини кузатар, аммо бу сафар унинг қаршисида режиссёр эмас, камера турарди. Гримчи сочларини тартибга келтириб, юзига енгил упа суртди.

– Тайёрмисиз?

Гулжаҳон бир лаҳза жавоб бермади.

– Ҳа, – деди кейин.

Бу “ҳа”да қатъиятдан кўра ўзини синаб кўриш истаги бор эди. Павильонга чиққан пайт унинг қадамлари бироз оғирлашди. Театрда саҳнага чиқишдан олдин юзлаб марта ҳис қилган ҳаяжон яна қайтганди. Фақат бу ерда парда йўқ, томошабинлар зали ҳам кўринмасди. Бир нечта камера, микрофон, ёритгичлар ва ўз иши билан банд одамлар бор эди.

– Мотор!

– Камера!

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Бошладик!

Гулжаҳон биринчи репликасини айтди.

Биринчи дубль унчалик яхши чиқмади.

– Яна бир марта, – деди режиссёр.

Иккинчи уринишда овози очилди. Учинчи дублда эса Гулжаҳон ўзини топди.

Камера ўчирилганидан кейин режиссёр унга қараб:

– Сизда камера олдида ҳам саҳна бор экан, – деди.

Гулжаҳон беихтиёр жилмайди.

“Саҳна”. Бу сўзни эшитганда юрагида нимадир силкинди. У бу сафар саҳнада эмасди. Аммо ўзини яна актриса деб ҳис қилди.

Шундан кейин таклифлар секин-аста кўпая бошлади. Аввалига кичик роллар, кейин муҳим қаҳрамонлар. Телесериаллардаги образлари томошабинга таниш бўлиб борди. Кўчада уни таниганлар саломлаша бошлади.

Бир куни бозорда бир аёл ортидан чақирди:

– Сиз ўша сериалдаги актрисамисиз?

Гулжаҳон кулиб:

– Ҳа, – деди.

Аёл хурсанд бўлиб, ёнидагиларга қаради:

– Ана, айтмадимми, худди ўзи деб! Қаранглар, шу экан! Сиз билан селфи қилиб, расмга тушсам майлими?

– Майли.

Гулжаҳон уйига қайтаётганда, ўша кичик воқеа ҳақида ўйлади. Бир вақтлар театрда бир оғиз гап билан саҳнага сиғмай қолган эди. Энди эса одамлар уни кўчада ҳам танишарди. Аммо шу қиёсдан қувонч топишга урингани сари, ич-ичидан бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

овоз эшитиларди: “Актриса семиз бўлмаслиги керак!”.

У бу овознинг кимга тегишли эканини биларди. Нодирга.

Гулжаҳон энди унинг исмини кам эсларди, аммо бир пайтлар айтган ҳукми ҳали-ҳануз хотирасининг бир четида турарди.

Бир куни янги сериал режиссёри билан суҳбатдан сўнг Гулжаҳон сценарийни қўлига олиб уйига қайтди. Уйда ҳамма ухлаган эди. Стол чироғини ёқиб, матнни очди. Бир неча саҳифани ўқиб чиқди-да, қалам билан баъзи жойларни белгилай бошлади. Сўнг бир саҳнада тўхтаб қолди.

– Бу ерда қаҳрамоннинг нима учун жим қолиши тушунарсиз, – деди у ўзича.

Эртаси куни бу фикрини режиссёрга айтди. Режиссёр унга бироз ҳайрон бўлгандек қаради.

– Сиз режиссёрликка қизиқасизми?

Гулжаҳон елка қисди.

– Билмадим. Лекин саҳна ичида нимадир нотўғри эканини сезяпман.

Шу суҳбатдан кейин унда аввалдан бор бир қизиқиш яна уйғонди. Актёрлик унинг бир қирраси эди. У эса саҳнанинг нариги томонини ҳам тушунишни истарди.

Кўп ўтмай, эридан рухсат олиб, сиртқи таълимга ҳужжат топширди.

Унинг ҳаёти яна иккига бўлинди: кундузлари тасвирга тушиш, кечалари ўқиш, орада оила, фарзанд ва уй юмушлари.

Баъзан тун ярмида китоб устида ухлаб қоларди. Эрталаб боласининг овози билан уйғонар, бир

www.ziyouz.com kutubxonasi

неча дақиқадан кейин яна бошқа дунёга шошарди.

Чарчоқ кўпайгани сари у бир нарсани англади: бир вақтлар театрдан чиқарилган куни ўзига “Менинг саҳнам тугади”, деб ўйлаган экан. Аслида эса саҳна фақат шаклини ўзгартирганди.

Орадан вақт ўтиб, Гулжаҳон эрининг кўмагида ўз студиясини ташкил қилди. Аввалига кичик лойиҳалар. Кейин сериаллар. Энди қарорларни бошқалар чиқармасди. Кимни рольга олиш, қайси саҳнани қандай қуриш, камера қаерда туриши, актёрнинг нигоҳини қайси нуқтада ушлаш – буларнинг барчасига ўзи жавобгар эди.

Бир куни ёш актриса репетиция пайтида ундан сўради:

– Гулжаҳон опа, бу саҳнада ўзимни қандай тутишим керак?

Гулжаҳон бироз ўйлаб:

– Ўзингизни мажбурламанг. Аввал қаҳрамонингиз нимадан қўрқишини тушунинг, – деди.

Қиз бош ирғади. Гулжаҳон эса бир лаҳза ўйланиб қолди. “Аввал инсонни тушуниш керак”, деган фикр хаёлидан ўтди.

У буни ўз бошидан ўтказиб ўрганган эди.

***

Гулжаҳоннинг номи тобора танила бошлади.

Актриса сифатида ҳам, режиссёр сифатида ҳам унинг ишига қизиқиш ортди. Бироқ машҳурликнинг энг ғалати томони шу эдики, у инсонга йўқотган нарсасини ҳар доим ҳам қайтариб бермасди.

Гулжаҳон баъзан театр олдидан ўтиб қоларди. Машинаси секинлар, у ойна ортидан бинога қарарди. Кириш эшиги. Афишалар. Баланд деразалар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир вақтлар кечқурун чироқлари кўчадан ҳам кўриниб турарди.У бир неча марта машинадан тушиб, ичкари киришни ўйлади. Лекин кирмади.

У саҳнани соғинганди. Аммо артистларни эмас. Ўша куни унинг тарафини олишга, бир оғиз гапиришга арзимаган ҳамкасбларини. Уни бир оғиз гап билан четга сурган Нодирни. Энг оғири эса – ўша пайт ўзини ҳам айблаб қўйганини унута олмасди.

“Балки, ҳақиқатан ҳам энди саҳнага мос эмасдирман?”, деган фикр бир вақтлар унинг ичида илдиз отиб, ўзига бўлган ишончига путур етказган, умидини сўндирган эди. Энди у ўша фикрга ишонмасди. Аммо унинг изи қолганди.

Бир куни кечқурун тасвирга олишдан қайтгач, Гулжаҳон стол устидаги телефонини қўлига олди. Янгиликлар лентасида театр ҳақида хабар кўзига тушди. У бир неча сония сарлавҳани ўқиди.

Нодир Шамсиев директорлик лавозимидан озод этилган эди. Хабарда театрдаги бошқарув билан боғлиқ шикоятлар, ходимлар ўртасидаги норозиликлар, раҳбарнинг ўз атрофига таниш-билишларини тўплаб, гуруҳбозлик муҳити шакллантиргани ҳақида ёзилганди.

Гулжаҳон телефонни столга қўйди. У қувонмади. Ҳатто енгил ҳам тортмади. Бир вақтлар бу хабар унинг қалбида ғалаба ҳиссини уйғотиши мумкин эди. Энди эса фақат чарчоқ сезилди.

У дераза олдига борди. Кўча чироқлари ёниб турарди.

“Демак, кетибди”, деб ўйлади у. Бироқ кейин бошқа бир фикр келди: “Унинг кетиши барибир менинг ўша кунимни ўзгартирмайди”.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лавозимдан тушиш – бировнинг қалбида қолдирилган жароҳат изини ўчирмас экан.

У стол устида турган сценарийни очди. Эрталаб янги сериални тасвирга олиши керак. Янги саҳна. Янги қаҳрамон. Янги одамлар.

Гулжаҳон сценарийнинг биринчи саҳифасини секин варақлади. Ташқарида тун чуқурлашар, шаҳар эса ўз одати билан уйғоқ эди.

У бир пайтлар саҳнадан ҳайдалган эди. Энди эса ўзига саҳна қуриб олганди. Фақат қалбининг бир четида ҳали ҳам эски театрнинг чироқлари ёнарди.

V ҚИСМ. КЕЧИККАН ҚЎНҒИРОҚ

Гулжаҳон телефон жиринглаганида монтаж хонасида ўтирарди.

Экранда нотаниш рақам пайдо бўлди. У аввал қўнғироқни рад этмоқчи бўлди, кейин негадир жавоб берди.

– Алло?

– Ассалому алайкум. Гулжаҳонхонмисиз?

– Ваалайкум ассалом. Ҳа, эшитаман.

– Мен Карим Йўлдошевман. Театрнинг янги директори.

Гулжаҳоннинг бармоқлари стол четида тўхтаб қолди.

“Театр”. Биргина сўз унинг ичида эски эшикни очиб юборди.

– Лаббай, Карим ака.

– Сиз билан бир масалада гаплашмоқчи эдим. Вақтингиз бўлса, театрга бир келиб кетсангиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гулжаҳон жавоб беришга шошилмади.

– Нима масалада?

Карим бир лаҳза тўхтади.

– Телефонда гаплашиб бўлмайдиган масала. Келсангиз, ўзим тушунтираман.

– Хўп.

Телефон узилди. Гулжаҳон қўлидаги қоғозни столга қўйди. Бир неча сония ҳаракатсиз ўтирди. Сўнг монтажчига:

– Бугун шу ерда тўхтатайлик, – деди.

– Яхши, Гулжаҳон опа.

У сумкасини олди. Ташқарига чиққанда, ҳаво салқин эди. Йўл бўйи бир нарса ҳақида ўйлади: нега энди?

У театрни тарк этганига анча бўлган. Ўз студияси бор. Телевидение билан шартномалари бор. Сериаллари, режиссёрлик ишлари, ўқиши, оиласи бор. Унинг ҳаётида театрсиз ҳам кунлар тўлиб кетган. Аммо театр ҳақида ўйлаганда, ичидаги бир жой ҳали ҳам бўш эди.

***

Эртаси куни у театрга борди.

Бинони кўрган заҳоти қадамлари секинлашди. Аввал ҳам шу эшикдан чиққан эди. Ўша куни ҳаво қандай бўлганини эслай олмасди. Аммо эшик тутқичининг совуқлиги ҳали ҳам ёдида эди.

Бугун эса шу тутқичга қўлини қўйганда, бармоқлари беихтиёр титради. У ўзини дарров ўнглаб олди.

“Нима бўлди сенга?” – деди ичида. Эшик очилди. Таниш ҳид яна уни қарши олди. Парда, бўёқ, грим, саҳна чанги. Гўё кечагина шу ердан чиқиб кетган-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дек.

Йўлакдаги афишалар алмашган. Янги спектаклар. Янги чеҳралар. Аммо деворларнинг ўзи эски.

Гулжаҳон бир афиша олдида тўхтади. Унда ўзи йўқ эди. Шунга қарамай, бир неча сония ўша қоғозга қараб турди.

– Гулжаҳонхон?

Ортидан овоз эшитилди. У ўгирилди. Карим Йўлдошев. Қирқлардан ошган, вазмин қиёфали одам. Унинг овозида расмийлик бор, аммо совуқлик йўқ эди.

– Ассалому алайкум.

– Ваалайкум ассалом. Келганингиздан хурсандман.

Карим қўлини узатди.

– Марҳамат.

Улар директор хонаси томон юришди. Гулжаҳон йўлак бўйлаб борар экан, ҳар бир бурилишни эсларди. Бир вақтлар шу ердан шошиб ўтар, саҳнага чиқишдан олдин нафасини ростларди. Энди эса ҳар бир қадам хотирани уйғотарди.

Карим унинг бу ҳолатини пайқади, аммо савол бермади. Хонага киришгач:

– Ўтиринг, – деди.

Гулжаҳон курсига жойлашди. Карим стол ортига ўтирмади. Унинг қаршисидаги курсини танлади. Бу оддий ҳаракат Гулжаҳонга ёқди.

– Мен сиз ҳақингизда анча олдин эшитганман, – деди Карим.

– Мен ҳақимда?

– Ҳа. Вазирликда ишлаган пайтларимда. Сизнинг театрдаги ишларингиз ҳақида гаплар бўлган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гулжаҳон индамади. Карим давом этди:
– Айниқса, Нодир Шамсиев директор бўлган давр ҳақида.

Гулжаҳоннинг нигоҳида жуда сезиларсиз ўзгариш пайдо бўлди.
– Нима ҳақида эшитгансиз?
– Сизга нисбатан ноҳақ муносабатда бўлишгани ҳақида.

Гулжаҳон паст овозда:
– Бу ҳақда гапиришга ҳожат йўқ, – деди.

Карим бош ирғади.
– Лекин баъзи эшиклар ўз вақтида очилмаса, кейин уларни очишнинг ўзи ҳам осон бўлмайди.

Бу гап Гулжаҳонга таъсир қилди. У Каримга диққат билан қаради.
– Мени нима учун чақирдингиз?
– Театрга қайтишингизни истайман.

Гулжаҳон жавоб бермади. Ташқарида кимдир саҳна декорациясини силжитди. Ғилдиракнинг полга ишқаланган овози эшитилди.
– Ҳозир менинг ўз ишим бор, – деди ниҳоят Гулжаҳон. – Студиям бор. Телевидение билан шартномаларим бор.
– Биламан.
– Сериаллар билан бандман.
– Бундан ҳам хабарим бор.
– Унда...
– Мен сизга ҳозироқ бир қарорга келинг демайман. Фақат театрга яна бир марта бошқача назар ташлашингизни истардим.

Гулжаҳон бошини эгди. “Бошқача назар”. Бу сўзлар унинг хотирасида аввалги манзараларни жон-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лантирди.

Карим ўрнидан турди.

– Репетиция кетяпти. Хоҳласангиз, биргаликда бироз томоша қиламиз.

Улар залга чиқишди. Саҳнада ёш актёрлар репетиция қилаётганди. Гулжаҳон бир неча қадам наридан тўхтади. Чироқлар ёниб турган. Парда ярим очиқ. Саҳна тахталари эса ўша-ўша.

Унинг кўзи саҳна четида турган одамга тушди. Нодир. Гулжаҳоннинг нафаси бир лаҳзага бўғилгандек бўлди. Нодир саҳнада роль ижро этаётганди.

Директор эмас. Қарор чиқараётган раҳбар ҳам эмас. Оддий актёр. Унинг сочларига оқ оралаган, юзи аввалгидан сал сўлғинроқ эди. Аммо овози ҳали ҳам таниш.

Гулжаҳон унга бир неча сония қараб турди. Нодир ҳам уни пайқади. Унинг гапи бир лаҳза узилди. Ёш актёр:

– Нима бўлди, устоз?

Нодир:

– Ҳеч нарса.

Репетиция давом этди. Гулжаҳон эса саҳнага қараб қолди. Бир вақтлар шу одамнинг бир оғиз гапи унинг ҳаётини ўзгартирган эди. Энди у саҳнада турибди. Гулжаҳон эса залда. Фақат бу сафар у қарор кутиб турган актриса эмасди. Унинг ҳаёти бошқа жойда давом этаётган эди.

Карим унга қараб:

– Саҳнани соғингансиз, шекилли?

Гулжаҳон жавоб бермади.

Саҳнадаги чироқлар кўзига бироз хира кўринди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У театрни соғинганди. Жуда. Лекин бу соғинчнинг ичида оғриқ ҳам бор эди.

Карим уни шоширмади. Бир неча дақиқадан кейин:

– Гулжаҳонхон, мен сизга яна бир марта таклиф қиламан. Агар хоҳласангиз, театрда актрисалик фаолиятингизни давом эттиришингиз мумкин.

Гулжаҳон саҳнадан кўз узмади.

– Раҳмат, Карим ака.

– Нима учун?

– Мени яна актриса сифатида кўрганингиз учун. Мен ўйлаб кўришим керак. Жавобини кейин айтаман, майлими?

Карим бош ирғади. Гулжаҳон бироздан сўнг ўрнидан турди. Саҳнага яна бир марта қаради. Нодир ҳали ҳам роль ижро этаётганди. Унинг овози зал бўйлаб тарқалар, чироқлар эса саҳна тахталарига узун соялар соларди.

Гулжаҳон эшик томон юрди. Бир неча қадамдан кейин тўхтади. Ортга қарамади. Аммо театрнинг ҳиди, саҳнанинг нури ва узоқдан эшитилаётган овоз унинг ичида бир вақтлар ёпилган эшикни яна қия очгандек эди.

У ҳали қарор қилмаганди. Фақат аввал у бу ердан чиқиб кетганида, уни ҳеч ким чақирмаган эди. Бугун эса саҳна жимгина уни кузатиб қолганди.

***

Ўша кеча Гулжаҳон уйга одатдагидан кечроқ қайтди.

Эри меҳмонхонада телевизор кўриб ўтирар, фарзанди эса хонасида ухлаб қолганди. У эрига салом бериб, сумкасини жавонга қўйди ва ошхонага

www.ziyouz.com kutubxonasi

кирди. Чой қўйди. Аммо хаёлидаги гапни қаердан бошлашни билмай, бир неча дақиқа ошхонада у ёқдан-бу ёққа юрди.

Эри ошхона эшигидан қараб:

– Чарчадингми? – деди.

– Бироз.

– Овқат ейсанми?

– Кейинроқ.

Унинг овозидаги иккиланишни эри сезди.

– Нима бўлди?

Гулжаҳон чойнакни ўчирди.

– Бугун театрга боргандим.

Эри бир лаҳза унга қараб турди.

– Театрга?

– Ҳа.

– Нима учун?

Гулжаҳон курсини суриб ўтирди.

– Янги директор чақирди.

– Нима деди?

– Театрга қайтишимни таклиф қилди.

Эри жавоб бермади. Гулжаҳон унинг юзига қараб турди.

– Мен сиз билан маслаҳатлашмоқчи эдим.

– Нимани?

– Яна театрга қайтиш масаласини ўзим ҳал қилишни истамайман.

Эри телевизорни ўчириб, унга тўлиқ юзланди.

– Ўзинг нима деб ўйлаяпсан?

Гулжаҳон бир муддат жавоб бермади.

– Билмайман. Театрга қайтишни хоҳлаяпман, лекин...

У бир оз тўхтади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Лекин театрда бўлган ўша воқеаларни ҳеч ҳам унута олмаяпман.
– Нодирнинг гапини айтяпсанми?
Гулжаҳон бош ирғади.
– Ҳа. Ўша кунни сира унутолмаяпман.
Эри унинг кафтлари устига кафтини қўйди.
– Сен ўша гапдан кейин ҳам тўхтаб қолмадинг-ку.
– Тўхтамадим.
– Актриса бўлдинг. Режиссёр бўлдинг. Студия очдинг.
Гулжаҳон кулимсиради.
– Лекин театр бошқа.
– Нима учун?
– Чунки мен биринчи марта ўша ерда актриса бўлганман.
Бу гапдан кейин хонада бир неча сония тин олган бир вазият ҳукм сурди.
– Яна қайтишни хоҳлаяпсанми? – деб сўради эри.
Гулжаҳон кўзларини пастга туширди.
– Хоҳлаяпман.
Сўнг қўшиб қўйди:
– Лекин сизнинг фикрингиз мен учун муҳим.
Эри оромкурсига суяниб ўтирди.
– Агар мен “борма” десам-чи?
Гулжаҳон унга қаради.
– Унда бормайман. Сизнинг хоҳишингизга қарши бормайман.
Эри мамнун кулимсиради.
– Мен ҳам шуни айтмоқчиман. Сен мендан ижозат сўраяпсан. Лекин мен сенинг қарорингга хўжайин эмасман.
Гулжаҳоннинг кўзларида енгил ҳайрат пайдо

www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлди.
– Сен тўғри қарор қабул қилишингга ишонаман. Агар қайтишни истасанг, боришинг мумкин.

Гулжаҳон бир лаҳза жавоб бермади.
– Ростданми?
– Ростдан.
– Унда сиз хафа бўлмайсизми?
– Нимадан?
– Уй, бола, ишлар... ўзингизнинг зиммангизга қолиб кетишидан.
– Буларнинг ҳаммаси бизнинг ҳаётимиз. Сенинг ишинг ҳам ҳаётимизнинг бир қисми.

Гулжаҳон кўзларини четга олди. Шу оддий гап унинг кўнглидаги тугунни бироз бўшатди.
– Раҳмат.
– Лекин бир шартим бор.

Гулжаҳон кулиб:
– Қандай шарт?
– Агар яна ўша театрда кимдир сени ташқи кўринишинг билан баҳолай бошласа, бу сафар уйга келиб ўзингни айблама. Кўз ёш тўкмасликка сўз бер!

У бир зум кулимсиради.
– Аслида, менга дўмбоқлигинг ҳам ёқади. Ўзимнинг соҳибжамол дўмбоқчам!

Гулжаҳоннинг кўзлари намланди. Эри эса буни кўрмагандай, чойидан бир ҳўплам олди.
– Қачон бормоқчисан?
– Эртага.
– Унда эртароқ ухла. Саҳнага қайтиш осон эмас.

Гулжаҳон ўрнидан турди. Эрининг елкасига қўлини қўйди.
– Сиздан айнан шу гапларни эшитишни истаган-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дим.
– Қайси гапни?
У бир лаҳза тўхтади.
– “Сен тўғри қарор қабул қилишингга ишонаман”, деган гапингизни.
– Мен сенга доим ишонганман. Сен оқила аёлсан.
Гулжаҳон ошхонадан чиқар экан, ётоқхона эшиги олдида бир зум тўхтади. Боласи тинч ухларди. У шу кеча театрга қайтиш қарорини ёлғиз қабул қилмаганидан, эри уни қўллаганидан хурсанд бўлди. Бу қарорда унинг орзуси ҳам бор эди.
Эрининг ишончи ҳам.

VI ҚИСМ. ЎЗИНГНИ ОЙНАГА ҚАРАБ БАҲОЛАМА

Карим Йўлдошевнинг таклифи Гулжаҳонни машинада ҳам, уйда ҳам, эрталаб ишга отланганида ҳам хаёлидан кетмади.
“Театрга қайтинг”, деган икки оғиз гап унинг ичида аввал ёпилган эшикни қайта очган, аммо ўша эшик ортида қолган оғриқлар ҳам бирга уйғонган эди.
У қайтишни истарди. Саҳнани соғинганини энди ўзидан яшира олмасди. Бироқ саҳна дегани фақат чироқ, парда ва томошабин эмаслигини ҳам яхши биларди. Унинг учун саҳнада бир одамнинг юзи, бир оғиз гапи, бир неча қадамлик йўлак ва ҳатто бошқаларнинг ўзини четга олиши ҳам бор эди.
Шунинг учун у Каримнинг таклифини рад этмаган, лекин қабул ҳам қилмаганди.

***

www.ziyouz.com kutubxonasi

Кейинги ҳафтада Гулжаҳон яна театрга борди.

Бу сафар у репетиция жараёнини кузатиш учун келган эди. Залда актёрлар бор, саҳнада декорациялар алмаштирилаётган, режиссёр эса бир саҳнани қайта-қайта тўхтатиб, ёш бош роль ижрочисига ниманидир тушунтирарди.

Қиз жуда ёш эди. Чиройли, келишган, юзи саҳна чироқларида янада ёрқин кўринарди. Аммо ҳар гал муҳим жойга келганда овози пасайиб, нигоҳидаги ишонч сўнарди.

– Яна бир марта, – деди режиссёр.

Қиз саҳнага чиқди. Бир неча қадам юрди. Сўнг тўхтади. Матнни унутмаганди. Аммо қаҳрамонининг ҳиссини тополмаётгани кўриниб турарди.

– Нимадир етишмаяпти, – деди режиссёр.

Қиз бошини эгди.

– Мен ҳам ҳис қиляпман.

Карим Гулжаҳонга қаради.

– Сиз нима деб ўйлайсиз?

Гулжаҳон жавоб беришдан олдин саҳнага диққат билан тикилди. Қизга қараб туриб, бир вақтлардаги ўзининг ёшлигини кўргандек бўлди. Фақат унинг муаммоси бошқа эди. У ўзини ташқи кўриниш билан эмас, саҳнадаги қўрқуви билан чеклаб қўйган.

Гулжаҳон саҳнага яқинлашди.

– Исминг нима?

– Дурдона.

– Дурдона, сен ҳозир қаҳрамонингни эмас, ўзингни ўйлаяпсан.

Қиз ҳайрон бўлиб қаради.

– Ҳар бир ҳаракатингдан кейин “тўғри қилдим-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ми?” деб ўзингни кузатяпсан.

Дурдона жим қолди. Гулжаҳон унинг ёнига борди.

– Саҳнага чиққанингда ўзингни кўришга ҳаракат қилма.

– Нимани кўрай?

– Қаҳрамонингни.

Қиз бош ирғади. Гулжаҳон бир қадам орқага чекинди.

– Яна бир марта такрорла-чи. Ишонч билан, қатъият билан. Ўзингни унут. Қаҳрамонинг ҳаётини, хаёлини, руҳиятини ўзингга сингдир. Қалбинг, бутун борлиғинг билан уни ҳис қил.

Дурдона яна саҳнага қайтди. Бу сафар Гулжаҳон унга халақит бермади. Қиз аввалгидан эркинроқ ҳаракат қилди. Овози ҳам ўзгарди. Бир жойда нафасини ушлаб қолди, кейин уни қаҳрамоннинг истиробига айлантирди.

Режиссёр:

– Мана. Шу! – деди.

Дурдона кўзлари ёниб Гулжаҳонга қаради.

– Нима ўзгарди?

– Мен ўзимдаги хавотирни унутдим.

Шу пайт унинг кўзи саҳна четида турган катта кўзгуга тушди.

Кўзгу. Бир вақтлар у ҳам ўзини шу ойнада ўлчаган. Нодирнинг нигоҳи уни ўз нигоҳидан олдинроқ сезган. Тана. Юз. Қомат.

Энди эса саҳнадаги ёш қизга қараб, ўша кунларнинг маъносини бошқача англарди.

У Дурдонага яна бир бор қаради.

– Яна бир нарсани яхшилаб эслаб қол.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қиз диққат билан қулоқ солди.

– Ўзингни ойнага қараб эмас, саҳнага қараб баҳолашни ўрган.

Залда ҳеч ким гапирмади. Бу гап оддий маслаҳатдек янграган эди. Фақат бир одам учун эмас. Нодир Шамсиев учун эса бу гап бошқача эшитилди. У саҳнанинг нариги томонида турганди. Қўлидаги сценарийни секин туширди.

Бир неча йил аввал ўз кабинетига кирган Гулжаҳон кўз олдига келди. Унинг илтимос билан эмас, ишонч билан айтган: "Мен ролни ижро эта оламан", деган гапи.

Нодирнинг ўша пайтдаги жавоби ҳам ёдига тушди: "Актриса семиз бўлмаслиги керак".

У бир лаҳза кўзини четга олди. Гулжаҳон унга қарамади. Шунинг учун бу гапнинг оғирлиги янада кучли эди. Агар у Нодирга қараб айтганида, буни таъна деб қабул қилиш мумкин эди. Аммо у ёш актрисага қараб гапирганди. Гулжаҳон Нодирни эмас, ўзининг ўтмишини ортда қолдиришга ҳаракат қилаётганди.

Нодир эса ўша ўтмишнинг ичида бир неча сония ёлғиз қолди.

***

Карим репетиция тугагач, Гулжаҳон билан залда қолди.

– Сизга бир гап айтайми?

– Қулоғим сизда.

– Сиз бу ерда ҳали ҳам кераксиз. Ёшларга маслаҳат беришга жуда ҳам уста экансиз. Барибир профессионалсиз!

Гулжаҳон саҳнага қараб турарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Балки.
– Мен таклифимни ўзгартирганим йўқ.
Гулжаҳон унга қаради.
– Карим ака, мен театрни соғинганман.
– Сезилиб турибди.
– Аммо...
У гапини давом эттирмади.
Карим кутди.
– Аммо бу ерга қайтиш мен учун оддий ишга қайтиш эмас.
– Нима учун?
Гулжаҳон саҳна томон ишора қилди.
– Чунки мен бу ерда фақат спектаклларни эмас, ўзимнинг эски ҳолатимни ҳам кўраман.
– Ўша кунларни унута олмаяпсизми?
Гулжаҳон жилмайишга уринди.
– Унутиш осон бўлганида, одамлар кечиришни ҳам бошқача тушунарди.
Карим бироз жим турди.
– Мен сиздан ҳозир бир тўхтамга келишингизни сўрамаяпман.
– Мени тўғри тушунганингиз учун раҳмат.
– Фақат шуни билинг: бу театрда энди сизга кимнингдир рухсати керак эмас.

Бу гап Гулжаҳонни ўйлантириб қўйди. У залдан чиқиш олдидан саҳнага яна бир бор қаради. Бир вақтлар бу ерда унинг ўрнини бошқалар белгилаган. Кейин у ўз саҳнасини ўзи қурган. Энди эса унинг олдида яна ўша эски саҳна турарди.

Гулжаҳон театрга қайтишдан эмас, ўша кунлардаги ўзини яна учратиб қолишдан қўрқаётганини англади. У эшик томон юрди. Ортидан саҳна чи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

роқлари ёниб турарди. У ташқарига чиқар экан, бир нарсани сезди: саҳна ҳали ҳам уни чақиряпти.

Аммо бу сафар у саҳнага жавоб беришдан олдин ўз қалбининг овозини эшитиши керак эди.

VII ҚИСМ. КЕЧИККАН ТАКЛИФ

Гулжаҳон театрдан қайтган куни кечқурун ишхонасида ёлғиз қолди.

Стол устида эртанги сериал учун тайёрланган сценарий, ён томонда режиссёрлик дафтари, компьютер экранида эса монтажи тугалланмаган саҳна очиқ турарди.

Ҳамма нарса ўз жойида эди. Фақат унинг хаёли ҳали театрда қолганди. У Карим Йўлдошевнинг гапларини эслади: “Бу театрда энди сизга кимнингдир рухсати керак эмас”.

Гап оддий туюларди. Аммо Гулжаҳон уни кечаси билан ўйлаб чиқди. Ҳақиқатдан ҳам, энди унга ҳеч кимнинг рухсати керак эмас эди. Бироқ бу жавобнинг бошқа томони ҳам бор эди. У театрга қайтса, буни ким учун қиларди? Саҳна учунми? Ўзининг йўқотган йилларини қоплаш учунми? Ёки бир вақтлар уни рад этган одамлар олдида ўзининг кимлигини исботлаш учунми?

У шу саволларнинг учаласидан ҳам чўчиди.

Эрталаб Карим қўнғироқ қилди.

– Гулжаҳонхон, бир қарорга келдингизми?

– Ҳа.

– Мен сизни шоширмаяпман.

– Раҳмат.

Гулжаҳон бироз жим турди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Карим ака, таклифингиз учун чин дилдан раҳмат. Бироқ мен театрга қайтолмайман. Минг бор узр!

Телефоннинг нариги томонида қисқа танаффус бўлди.

– Муаммо нимада? Вақт масаласидами?

– Вақт ҳам. Студиям бор. Телевидение билан шартномаларим бор. Режиссёрлик ишларим кўпайиб кетган. Театрдаги масъулиятни зиммамга олиб, кейин ишни ярим йўлда қолдиришни истамайман.

– Тушундим.

– Бироқ...

Гулжаҳон гапини бир лаҳза давом эттирмади.

– Таклифингиз мен учун жуда қадрли бўлди. Узоқ вақтдан бери биринчи марта кимдир мени театрга иш учун эмас, актриса сифатида қайтишга чақирганини ҳис қилдим.

– Демак, театр сиздан бутунлай айрилмаган экан.

– Йўқ, – деди Гулжаҳон. – Аксинча, мен ундан ҳали ҳам айрилмаганман.

Телефон узилди. Гулжаҳон бир муддат қўлидаги телефонга қараб турди. Кейин уни столга қўйди.

У ўша куни театрга яна бир бор боришга қарор қилди. Нега бораётганини ўзи ҳам аниқ билмасди. Балки хайрлашиш учун. Ёки хайрлашиб бўлганини англаш учун.

***

Театрга кирганида Карим уни кутиб олди.

– Қароringиз қатъийми?

– Ҳа.

– Афсусдаман.

– Мен ҳам.

– Лекин бу саҳнадан бутунлай воз кечдим дегани

www.ziyouz.com kutubxonasi

эмас.
– Тушунарли.

Карим унга йўлак бўйлаб ҳамроҳлик қилди.

Саҳнада репетиция бошланганди. Ёш актёрлардан бири матн айтар, бошқаси унинг атрофида ҳаракат қиларди. Гулжаҳон зал четида тўхтаб, бир неча дақиқа томоша қилди. Унинг нигоҳида аллақандай таниш илиқлик пайдо бўлди.

Саҳна ҳали ҳам ўша эди. Тахталари. Чироқлари. Пардаси. Фақат Гулжаҳон энди ўша кунлардаги аёл эмасди.

Нодир саҳна ортида костюмини алмаштириб, кўзойнагини артиб ўтирарди. Гулжаҳонни кўриб, ўрнидан турди.
– Келдингизми?

Илгари сенсираб мурожаат қиладиган бу одамнинг дабдурустдан сизлаши Гулжаҳонга бироз эриш туюлди.
– Ҳа.

Бир неча сония иккови ҳам нима дейишни билмай турди. Нодир аввал гап бошлади:
– Театрга қайтаяпсизми?
– Йўқ.
– Афсус.

Гулжаҳон унга қараб турди.
– Нега афсусланяпсиз?

Нодир жавоб беришга қийналди.
– Саҳнага муносиб актриса эдингиз.

Гулжаҳоннинг юзида жуда енгил табассум пайдо бўлди.
– Эдингиз?..

У бир лаҳза тўхтади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Ҳозир ҳам муносибман.

Нодир бошини эгди. Унинг чеҳрасида бир лаҳза аввалги Нодирнинг изи кўринди. Бир пайтлар репетициядан кейин ёш актрисага ишонч билан қараб, “Сендан катта актриса чиқади”, деган ўша одамнинг сояси.

– Гулжаҳон...

– Ҳа?

Нодир гап бошламоқчи бўлди, аммо сўзлари оғзида қолди.

– Ўша кунлар...

Гулжаҳон уни тўхтатди.

– Ўтди. Эслатманг, илтимос.

– Мен...

– Ҳеч нарса деманг. Бас.

Нодир унга қаради.

Гулжаҳон давом этди:

– Сиз менга саҳнада ютуқларга эришишимга ишонишингизни биринчи бўлиб айтгансиз. Кейин ўша сўзларингизни ўзингиз биринчи бўлиб инкор қилдингиз.

Нодирнинг кўзлари пастга қаради. Гулжаҳон эса ундан юз ўгирмади.

– Лекин барибир ўзимга бўлган ишончим йўқолмади.

У бироз тўхтади.

– Мен ҳали ҳам актрисаман, Нодир ака.

Бу гапда таъна йўқ эди. Шунинг учун у янада оғир туюлди. Нодир бир неча сония жим турди.

– Истеъдодингизни инкор қилмайман, – деди у ниҳоят.

Гулжаҳон бош ирғади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Шунисига ҳам раҳмат.

Улар бошқа гаплашишмади. Гулжаҳон эшикдан чиқди. Йўлакда Карим ва Дурдона турганди. Дурдона Гулжаҳонни кўриши билан ёнига келди.

– Гулжаҳон опа, кетяпсизми?

– Ҳа.

Қизнинг кўзида хафалик сезилди.

– Энди театрга қайтмайсизми?

– Йўқ.

– Нега?

Гулжаҳон унинг юзига қаради.

– Чунки баъзи ўйналган саҳналарни такрорлаш шарт эмас.

Қиз тушунмагандай тикилиб турди. Гулжаҳон унинг елкасига қўлини қўйди.

– Сен ўз саҳнангни топишга астойдил интил. Буни албатта уддалайсан. Лекин ҳеч қачон ўзингни ойнага қараб баҳолама.

– Хўп.

Гулжаҳон Каримга қаради.

– Сизга ҳаммаси учун катта раҳмат, Карим ака.

– Сизга ҳам раҳмат.

– Менга нима учун?

– Театрга яна бир бор кириб, бизга ўзингизни эслатганингиз учун. Тажрибаларингиздан келиб чиқиб, маслаҳатлар берганингиз учун.

Гулжаҳон эшик томон юрди. Ташқарига чиқиш олдидан бир лаҳза тўхтади. Ортига қаради. Саҳна чироқлари очиқ эшик орасидан кўриниб турарди. Бир вақтлар шу чироқлар унинг орзуси эди. Кейин улар унинг оғриғига айланган. Бугун эса иккаласи ҳам эмасди. Улар шунчаки чироқ эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Гулжаҳон саҳнага узоқ тикилиб турди. У ерда ёш актёрлар репетиция қилар, кимдир матн такрорлар, кимдир парда четини тўғрилар, кимдир саҳна чироғининг йўналишини ўзгартирарди.

Ҳаёт давом этаётганди. Унинг ҳаёти ҳам.

Гулжаҳон кўчага чиқди. Бир неча қадам юриб, театр биносига яна бир марта қаради. Энди у бу бинода ўзининг йўқотган ёшлигини эмас, босиб ўтган йўлини кўрарди.

Телефони жиринглади. Дурдона экан.

– Алло?

– Гулжаҳон опа, бир нарса сўрасам майлими?

– Сўра.

– Сиз тасвирга олаётган сериалингизда менга муносиб роль борми? Кичкина роль бўлса ҳам майли.

Гулжаҳон кулиб юборди.

– Нега бош роль эмас?

– Мен ҳам камера олдида ўзимни синаб кўрсам дегандим-да.

Гулжаҳон театр томон қаради.

– Албатта.

– Ростданми?

– Эртага студияга кел. Сенга мос роль топамиз!

– Вой, раҳмат, опажоним!

Қиз телефонни қўйди. Гулжаҳон бир неча сония экранга қараб турди. Унинг юзида табассум пайдо бўлди.

Бир вақтлар театрнинг эшиги унинг олдида ёпилган эди. Энди эса у бошқа бир қиз учун янги эшик очаётганди.


У секин юриб кетди. Қадамлари енгил эди. У саҳнани соғинарди. Бу ҳақиқатни энди яширмас-

www.ziyouz.com kutubxonasi


ди. Аммо инсон баъзан соғинган жойига қайтмасдан ҳам унга содиқ қолиши мумкинлигини у ҳис қилди.

Гулжаҳон бурилишдан олдин яна бир марта ортига қаради. Театр чироқлари ҳали ҳам ёниб турарди. Улар энди уни чақирмаётганди. Гулжаҳон ҳам улардан жавоб кутмаётганди.

Лекин эндиликда у театрдан чиқиб кетаётганида, қалбининг бир парчасини ташлаб кетмаётган эди.



www.ziyouz.com kutubxonasi



www.ziyouz.com kutubxonasi

ЎН ИККИНЧИ БАҲОР

I ҚИСМ
Саҳна ортидаги она

Театр қўнғироғи жаранглади.

Саҳна ортидаги одатий шошилинч яна бошланди. Кимдир либосининг тугмасини излар, яна бири қўлидаги матнни такрор кўздан кечирар, гримхона эшиклари бир очилиб, бир ёпиларди. Прожекторлардан таралган иссиқлик ҳавога ўзига хос ҳид аралаштирар, эски пардаларнинг матоси эса йиллардан бери саҳнага сингиб кетган хотиралардек жим турарди.

Соҳибжамол кўзгу қаршисида ўтирарди. Грим устаси унинг юзига сўнгги чизиқларни туширар экан, қўлидаги мўйқалам баъзан тўхтаб қоларди.

– Тайёр, – деди у жилмайиб. – Бугун ҳам томошабинларни йиғлатасиз.

Соҳибжамол ҳам жилмайди. Аммо кўзларига бу табассум етиб бормади.

Иккинчи қўнғироқ эшитилди. Гримхонадаги суҳбатлар бирдан пасайди. Ҳар ким ўз хаёли билан қолди.

Соҳибжамол лабларини секин қимирлатиб, роль матнининг охирги жумлаларини ичида такрорлади.

Бугун у она ролини ижро этади. Бу ролни у илгари ҳам неча бор ўйнаган. Ҳар сафар бошқача. Ҳар сафар янгидан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фақат... Парда ёпилгач, саҳнада қолган она образи ҳам либос билан бирга ечилиб қоларди.

Учинчи қўнғироқ чалинди. Парда аста сурилди. Ёруғлик саҳнани қучди.

Соҳибжамол биринчи қадамини ташлади. Томошабинлар уни қарсак билан қарши олди. У эса уларни эмас, биринчи қаторда ўтирган кичик қизчани кўрди. Қизча онасининг қўлини маҳкам ушлаб олган, кўзларини саҳнадан узмасди.

Спектакль давом этди. Саҳнадаги она фарзандини бағрига босди. Унинг сочларини силади. Пешонасидан ўпди.

– Сен бор экансан, мен ҳеч нарсадан қўрқмайман...

Бу жумла сценарийда ёзилган эди. Лекин Соҳибжамол уни айтганда, ўз овозини танимай қолди.

Залда чуқур жимлик ҳукм сурди.

Бир неча лаҳзадан кейин кимнингдир ҳиққиси эшитилди.

Спектакль ниҳоясига етди.

Парда ёпилди. Олқишлар узоқ давом этди. Гулдасталар бирин-кетин саҳнага узатилди.

Соҳибжамол таъзим қилди. Яна бир бор. Яна.

Ниҳоят, прожекторлар ўчди. У саҳна ортига қайтди. Гулларни ёрдамчи қизга тутқазди.

– Гримингизни ечмайсизми? – деди у.

– Кейинроқ.

Овози жуда паст чиқди.

У гримхонага эмас, узун йўлак бўйлаб фойе томон юрди. Бу пайт театрда мактаб ўқувчилари учун экскурсия тугаётган экан. Эшик олдида ўнлаб болалар бир-бирини қувиб кулар, кимдир қўлидаги шарни юқорига отар, яна бири онасини

www.ziyouz.com kutubxonasi

чақириб, ниманидир кўрсатарди.

Бу оддий манзара эди. Ҳар куни учраши мумкин бўлган оддий манзара. Соҳибжамол беихтиёр тўхтаб қолди. Болалардан бири югуриб келиб, онасининг этагидан маҳкам ушлади. Аёл эгилиб, унинг сочини тузатди. Кейин қўлидан етаклаб кетди.

Соҳибжамол нигоҳини узолмади. Нимадир томоғига қадалгандек бўлди. У ортига бурилди. Ҳеч кимга сездирмасдан гримхонага қайтди. Эшикни секин ёпди. Кўзгу қаршисига келиб ўтирди. Ҳали ҳам юзида саҳнадаги онанинг грими турарди. У пахтани қўлига олди. Лекин юзига тегизмади.

Шу пайт эшик секин тақиллади.

– Соҳибжамол, кетамизми?

Бу эрининг овози эди. У пахтани столга қўйди.

– Ҳа... кетдик.

У ўрнидан турди.

Аммо кўзгуда қолиб кетган она образи ҳали ҳам ўтиргандай эди.

II ҚИСМ
Жавобсиз жавоб

Клиника ҳовлисидаги чинорлар аллақачон соя ташлаган эди.

Кузнинг енгил шамоли дарахт баргларини ерга аста қўндирар, йўлакда эса одамлар бир-бирини ортда қолдиришга шошилмасди. Бу ерда ҳар кимнинг ўз дарди, ўз умиди бор эди.

Соҳибжамол шифокор хонасидан биринчи бўлиб чиқди. Ортидан эри чиқди. Эшик секин ёпилди. Иккаласи ҳам бир неча қадам индамай юрди. Қўл-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ларидаги оқ конверт шамолда енгил тебранарди.

Шифокорнинг овози ҳали ҳам қулоқларида жаранглаб турарди:

– Текширув натижалари яхши. Иккалангиз ҳам соғломсиз.

Қандайдир тасалли берувчи жумла. Лекин улар учун у яна бир жумбоққа айланганди.

Эри машина эшигини очиб турди. Соҳибжамол ўтирди. Эшик ёпилди. Мотор ишга тушди. Йўлга чиқишди.

Шаҳар ўз одатий ҳаёти билан яшарди. Светофорлар ёнар-ўчар, бекатларда одамлар автобус кутар, йўлак бўйлаб мактаб формасидаги болалар кулганча уйларига қайтарди.

Соҳибжамол ойна ортидан уларга қararди. Бир бола чопиб кетаркан, сумкаси елкасида сакраб бораrди. Ортидан онаси чақирди:

– Аста юр!

Бола ортга бурилиб кулиб қўйди. Машина олдинга силжиди. Бу манзара ҳам орқада қолди. Эри рулдан кўз узмай сўради:

– Аҳволинг яхшими?

Соҳибжамол бошини енгил қимирлатди.

– Раҳмат, яхши.

Яна жимлик. Бу жимлик ноқулай эмасди. Улар унга ўрганиб қолишган эди. Баъзан икки инсон бир-бирини айнан гапирмай турганида жуда яхши тушунишади.

Чорраҳада қизил чироқ ёниб, машина тўхтади. Йўлакдан қўлида чақалоғини кўтарган ёш аёл ўтди. Бола нимадандир кулиб юборди. Она ҳам беихтиёр жилмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Соҳибжамол нигоҳини дарров бошқа томонга бурди. Қизил чироқ яшилга алмашди. Машина яна ҳаракатланди. Эри радиони ёқди. Қандайдир куй бошланди. Бир неча сония ўтмай уни ўчирди.

Сукунат бу куйдан кўра яхшироқ эди.

***

Уй эшиги очилиши билан таом ҳиди димоғга урилди.

Қайнона ошхонадан чиқди. Юзида одатий меҳрибонлик.

– Келдингларми, болаларим?

У аввал келинига, кейин ўғлига қаради. Ҳеч нарса сўрамади.

– Чой дамлаб қўйдим. Қўлларингни ювиб чиқинглар.

Соҳибжамол унинг кўзларига қаради. Гўё қайнона ҳаммасини тушунгандек эди. Чой устида кундалик гаплар айтилди. Театр. Янги спектакль. Қўшнининг тўйи. Бозордаги нарх-наво. Ҳеч ким шифохона ҳақида оғиз очмади. Бу мавзу стол атрофида ўтирган учала инсонга ҳам маълум эди. Шунинг учун уни тилга олишга ҳожат йўқ эди.

Кечқурун Соҳибжамол хонасига кирди. Либосини алмаштирди.

“Иккалангиз ҳам соғломсиз...”. Жумла яна хотирасида такрорланди.

Эшик аста очилди. Эри кирди. У Соҳибжамолнинг ёнига келиб, елкасига қўлини қўйди. Икки инсон. Бир савол.

Жавоб эса ҳали ҳам йўқ эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

III ҚИСМ
Олқишлар орасида

Театр саҳнасида машқ кетарди.

Режиссёр саҳна чеккасида туриб, актёрларни диққат билан кузатар, баъзан қўлидаги қалам билан сценарий четларига нималарнидир белгиларди.

– Йўқ... бу ерда шошилманг, – деди у. – Она боласига қараганда аввал сўз эмас, нигоҳ муҳим.

Саҳнада турган Соҳибжамол бош ирғади. У яна бир бор юрди. Яна бир бор тўхтади. Бу сафар бир оғиз ҳам гапирмади.

Фақат қаршисида ҳеч ким бўлмаган ҳолда икки қўлини олдинга узатди. Режиссёр ўрнидан жилмайиб турди.

– Ана энди ишондим.

Машқ тугади. Ҳамма гримхона томон тарқалди. Шу пайт театр маъмуриятидан бир қиз катта қути кўтариб кирди.

– Ҳамма бир дақиқа тўхтасин!

Актёрлар ҳайрон бўлиб унга қарашди. У қувончини яширолмай деди:

– Дилором она бўларкан!

Бир зумлик сокинликдан кейин хонани қарсак ва табрик овозлари тўлдирди. Ёш актриса қизариб кетди. Ҳамкасблари уни қучоқлаб, эзгу тилаклар билдиришарди.

Соҳибжамол ҳам олдинга чиқди. Дилоромнинг икки қўлини кафтлари орасига олди.

– Табриклайман...

Унинг овози жуда табиий эшитилди. Ҳеч ким

www.ziyouz.com kutubxonasi

ундаги титроқни сезмади.
– Раҳмат, опажон, – деди Дилором. – Аввал сизга айтишни истагандим...
Соҳибжамол жилмайди.
– Бахтинг бутун бўлсин.
Шу пайт кимдир ҳазил қилди:
– Энди машқларда чақалоқ йиғисига ҳам ўрганамиз.
Ҳамма кулди. Соҳибжамол ҳам кулди. Фақат унинг кулгуси ичида оғир юк бордек эди.

***

Кечки пайт спектакль бошланди. Бу гал зал тўла эди.
Парда очилди. Олқишлар яна янгради. Саҳнадаги она яна яшай бошлади. Томошабинлар яна ишондилар.
Ниҳоят, спектакль тугади. Гуллар. Таъзим. Қарсаклар. Ҳаммаси аввалгидек.
Фақат Соҳибжамол бугун саҳнадан тушар экан, кўнглида тушунтириб бўлмайдиган чарчоқни ҳис қилди.

***

Ташқарида майин ёмғир ёғарди.
Эри ҳар доимгидек театр олдида кутарди. У машинага ўтиргач, эри жилмайиб сўради:
– Машқлар толиқтириб қўймаяптими?
– Йўқ.
Шундан кейин йўлнинг ярмигача ҳеч ким гапирмади. Ойнани майда ёмғир томчилари қоплаб олганди. Кўча чироқлари уларнинг орасида парчаланиб кўринарди. Эри рулдан кўз узмай деди:
– Ҳаво анча салқин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Ҳа...

***

Уйга қайтишганда қайнона ҳали ухламаган экан. У дастурхон устига иссиқ шўрва қўйди.

– Совуқда қорин оч қолмасин, – деди.

Кейин Соҳибжамолга қараб қўшимча қилди:

– Дилоромни табриклабсанми?

Соҳибжамол ҳайрон бўлиб бош кўтарди.

– Қаердан билдингиз?

Қайнона енгил жилмайди.

– Театрда ҳам одамлар бор, болам.

Сўнг ҳеч нарса демади. Бир коса шўрвани унинг олдига сурди. Бу гапда ҳеч қандай ишора йўқ эди. Фақат меҳр бор эди.

***

Кечаси Соҳибжамол ухлай олмади.

Дераза олдига келди. Ёмғир тинган. Ҳовлидаги ток баргларидан томчилар ҳали ҳам ерга бирин-кетин тушарди.

У кафтларини дераза ойнасига қўйди. Бирдан ортидан эрининг овози эшитилди:

– Совқотасан.

У хотинининг елкасига рўмол ташлаб қўйди. Ҳеч қандай савол бермади. Ҳеч қандай тасалли айтмади. Фақат ёнида турди.

Шу лаҳзада Соҳибжамол елкасидаги оғирликни ёлғиз ўзи кўтариб юрмаганини ҳис қилди.

У ортига бурилди. Эрининг сочлари орасида кўринган бир нечта оқ толага кўзи тушди. Бу оқ толаларни у аввал пайқамаган эди.

Йиллар фақат ўзини эмас... эрини ҳам ўзгартираётганини энди англади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

IV ҚИСМ
Бир лаҳзалик оғирлик

Қиш ўтиб, яна баҳор келди.

Театрнинг олд ҳовлисидаги бодом гуллаганди. Оқ гулбарглар шамолда учиб, зиналарга тўшалар, эрталаб келган артистлар уларни босмасликка ҳаракат қилардилар.

Ҳаёт яна навбатдаги мавсумни бошлаган эди.

Театр ҳам.

***

Бу йил Соҳибжамолга бошқа роль берилди.

У энди чақалоқли ёш онани эмас, вояга етган қизини узатаётган аёлни ижро этарди. Кечагина саҳнада боласини аллалаган қаҳрамон бугун уни оқ йўл тилаб кузатмоқда.

Режиссёр ҳазил аралаш деди:

– Қаранглар, бир актриса бутун бир умрни саҳнада яшаб қўйди.

Ҳамма кулди. Соҳибжамол ҳам кулди. Ичидаги йиғини эса ҳеч ким кўрмади.

***

Спектакль яна муваффақиятли ўтди.

Парда ёпилди. Гуллар. Таъзим. Одатий ташвишлар.

Фойеда мухлислар навбат билан актёрлар билан суратга тушишарди. Соҳибжамол ҳам эшик олдида тўхтаб, келганларга миннатдорчилик билдириб турарди.

Шу пайт ёшгина аёл қўлидан уч-тўрт ёшлар чамасидаги қизчасини етаклаб келди. Қизнинг қўлида рангли қоғозга ўралган бир тутам бойчечак

www.ziyouz.com kutubxonasi

бор эди. У иккиланиб турди. Онаси елкасидан енгил туртди. Қизча секин олдинга чиқди.

– Бу... сизга...

У бойчечакни узатди. Соҳибжамол тиз чўкди.

– Раҳмат, қизалоғим.

– Мен ҳам катта бўлсам, сизга ўхшаган актриса бўламан.

Соҳибжамолнинг лабида жилмайиш пайдо бўлди.

– Албатта бўласан.

Қизча қувонч билан ортига қайтди. Онаси унинг елкасига пальтосини кийдириб қўйди. Кетишаркан, қизча яна ортига бурилди. Қўлини силкитди. Соҳибжамол ҳам қўлини кўтарди.

Улар кўздан ғойиб бўлгунча жойидан қимирламади. Қўлидаги бойчечакдан баҳорнинг нам ҳиди келарди. У бир неча сония гулларга қараб турди. Сўнг уларни бағрига босди. Гўё гулларни эмас... кимнидир авайлаётгандек.

***

Кечки пайт уйга қайтишди.

Қайнона бойчечакларни кўриб қувонди.

– Бойчечакнинг умри қисқа бўлади, – деди. – Лекин ҳиди узоқ қолади.

Қайнонаси гулларни авайлаб, гулдонга солиб қўйди.

***

Тунда ҳамма ухлагач, Соҳибжамол меҳмонхонага чиқди.

Гулдондаги бойчечаклар ой нурида янада оқариб кўринарди. У биттасини қўлига олди. Бармоқлари орасида авайлаб айлантирди. Бир неча

www.ziyouz.com kutubxonasi

барги тўкилиб тушди. У ерга эгилди. Тўкилган баргларни кафтига териб олди. Негадир уларни ташлагиси келмади.

Шу пайт орқасидан оҳиста қадам товуши эшитилди. Эри. У Соҳибжамолнинг кафтидаги оқ гулбаргларга бир қаради.

– Эрта-индин қуриб қолади, – деди Соҳибжамол.

Эрининг жавоби қисқа бўлди:

– Ҳиди қолади.

Гулдондаги бойчечаклар майин тебранди. Уларнинг ҳиди бутун хонани аста-секин тўлдириб борарди.

V ҚИСМ
Таваккал

Театр мавсуми якунланди.

Одатда спектакллардан сўнг бир неча кун давом этадиган шовқин ҳам бу йил эртароқ босилди. Афишалар ечилди. Прожекторлар ўчирилди. Саҳнадаги декорациялар омборга кўчирилди.

Бўш саҳна кенгроқ кўринарди.

Соҳибжамол чиқиб, биринчи қатордаги ўриндиқлар томон қаради. Зал бўм-бўш. Бир пайтлар қарсакларга тўлган макон энди уйқуга чўмгандек эди.

У секин саҳна четидан ўтди. Пардага яқинлашди. Қўлини унинг қиррасига тегизди. Қалин мато йиллар давомида қанча марта очилиб, яна ёпилганини фақат ўзи биларди.

***

Ташқарида ёзнинг иссиғи бошланган.

Шаҳар ҳавоси чангу қуёш ҳидини олиб юрар,

www.ziyouz.com kutubxonasi

дарахтлар сояси ҳам тушлик пайти қисқариб қоларди.

Соҳибжамол бугун театрга шошилмасди. Уйга эртароқ қайтди.

Қайнона айвонда ипак рўмолга чок солиб ўтирарди.

– Бугун эрта келибсанми, болам?

– Машқ йўқ экан.

Қайнона ипини узди. Игнани матога қадаб қўйди.

– Яхши бўпти. Бироз дам ол.

Шу билан гап тугади. Иккаласи айвонда ёнма-ён ўтиришди. Кўча томондан болаларнинг велосипед ҳайдаётган овози келарди. Қайнона бошини кўтармай сўради:

– Чой дамлайми?

– Йўғ-е, ойижон, ўзим дамлайман.

Соҳибжамол ўрнидан турди. Ошхонага кириб, чойнакка сув қуйди. Газ ёқилди. У сув қайнашини кутар экан, негадир шошилмасди.

Ҳаёт ҳам шундай эмасми? Баъзи неъматлар қайнаб пишиши учун вақт керак. Бу фикр қаердан келганини ўзи ҳам англамади.

***

Кечқурун.

Ҳовлига шом тушди. Қайнона жойнамозини ёйди.

Намозини ўқиб бўлгач, қўлларини дуога очди. Соҳибжамол эшик олдида тўхтаб қолди. У дуони эшитиш учун эмас, қайнонасига қараш учун келганди.

Қария аёлнинг лаблари секин қимирлар, юзида

www.ziyouz.com kutubxonasi

эса ажиб бир хотиржамлик бор эди.

Дуо тугади. У қўлларини юзига тортди. Ортига бурилиб, келинини кўрди.

– Келдингми?

– Ҳа...

– Сен ҳам дуо қил.

Соҳибжамол бош ирғади. Жойнамоз устига ўтирди. Қўлларини дуога кўтарди. Унинг лаблари оҳиста қимирлаганча, аллақандай дуоларни пичирларди.

– Эй Парвардигор...

У бир неча лаҳза жим қолди. Кейин яна пичирлади:

– Агар берсанг... шукр. Бермаган тақдирингда ҳам... мени ношукр қилма.

Қўллари секин юзига тушди. Кўзлари юмилганича бир муддат ўтирди. Негадир кўнгли енгил тортганини ҳис қилди. Бу енгиллик орзунинг амалга ошганидан эмасди.

Орзуни Яратганнинг ҳукмига топширганидан эди.

***

Орадан бир неча ҳафта ўтди.

Тонгда Соҳибжамол одатдагидан эртароқ уйғонди. Ошхонага чиқди. Чой ҳидини сезиши билан беихтиёр тўхтаб қолди. Юзида ғалати бир ҳолат пайдо бўлди.

У деразани очди. Тоза ҳаводан чуқур нафас олди. Бироқ кўнглидаги ғалати ҳис кетмади.

Шу пайт қайнонаси кириб келди. Бир қарашдаёқ келинининг рангини пайқади.

– Тобинг яхшими, болам?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Соҳибжамол елка қисди.

– Билмадим... Шунчаки... негадир ўзимни бошқачароқ ҳис қиляпман.

Қайнона унинг юзига бир муддат тикилиб турди. Кейин меҳрибонлик билан жилмайди.

– Эрталабки чойни кейин ичарсан. Аввал шифокорга бориб учраш-чи.

Бу жумла оддий айтилди. Аммо Соҳибжамолнинг қалбида нимадир жуда секин... жуда эҳтиёткорлик билан уйғонгандек бўлди.

У бу туйғуга ҳали ном бермади.

VI ҚИСМ
Икки юрак

Эри рўйхатхонада ҳужжатларни расмийлаштирар экан, у дераза ёнидаги курсилардан бирига ўтирди.

Ҳовлида кузги офтоб нуридан дарахтларнинг сариқ барглари янада товланиб, олтиндек кўринарди. Бир аёл чақалоғини аравачада секин тебратиб ўтирарди.

– Соҳибжамол Раҳимова...

Ҳамширанинг овози эшитилди.

У аста ўрнидан турди. Эри ҳам ортидан кирди.

Шифокор уларни кўриб, ўрнидан жилмайиб турди. Бу жилмайишда умид бор эди.

– Марҳамат.

Ўтиришди. Аввал одатий саволлар. Ҳол-аҳвол. Таҳлиллар. Қон босими.

Шифокор бирор марта ҳам шошмади.

Сўнг:

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Келинг, текшириб кўрамиз.

Хона ярим қоронғи эди. Экран ёнди. Соҳибжамол кўзларини шифтга қадади. У ҳар сафар шундай қиларди. Экранга қарашга юраги дов бермасди.

Шифокор жим. Қўли секин ҳаракатланарди. Бир лаҳза... Икки лаҳза... Уч лаҳза...

У кутилмаганда табассум қилди. Аммо лом-мим демади. Экранга яқинроқ эгилди.

Эри беихтиёр ўрнидан сал олдинга силжиди. Сукунат яна бир неча сония чўзилди.

Ниҳоят, шифокор бошини кўтарди. Аввал эрига қаради. Кейин Соҳибжамолга. Жуда хотиржам овозда деди:

– Табриклайман.

Шифокор экран томон ишора қилди.

– Бу ерга диққат қилинг.

Соҳибжамол секин бошини бурди. Экранда майда милтиллаган нуқта кўринарди. Йўқ... Битта эмас. Иккита.

Шифокор оҳиста кулимсиради.

– Икки юрак ураяпти.

Соҳибжамол экрандан кўз узолмади. Гўё эшитган гапи ҳали маънога айланмаганди. Эрининг қўли унинг қўлини топди. Қаттиқ ҳам эмас. Бўш ҳам эмас. Фақат ушлади.

Шифокор яна нималарнидир тушунтира бошлади. Ҳафталар ҳақида. Эҳтиёт чоралари ҳақида. Текширувлар ҳақида.

Аммо уларнинг қулоғига фақат битта жумла қайта-қайта эшитиларди: “Икки юрак...”.

***

www.ziyouz.com kutubxonasi

Клиникадан чиқишганда осмон тиниқ эди.

Ҳавода кузнинг енгил салқини сезиларди. Эри машина эшигини очди. Бу сафар Соҳибжамол ўтирмади.

У бир неча қадам юриб, осмонга қаради. Чуқур нафас олди. Сўнг ортига бурилди. Эри ҳамон уни кузатиб турарди.

– Нега тўхтаб қолдинг? – деди у.

Соҳибжамол жавоб беришга шошилмади. Кейин жуда секин овозда:

– Мен... Ҳали ҳам ишонолмаяпман.

Эри унга яқинлашди.

– Мен ҳам.

Иккаласи ҳам жилмайишди.

Бу жилмайиш қувончдан кўра шукрга ўхшарди.

***

Уй эшиги очилиши билан қайнона уларнинг юзига қаради.

Соҳибжамол индамасдан унга яқинлашиб, қўлларини тутди. Қайнона келинининг кўзларига қаради. Бир лаҳза...

Шунинг ўзи етарли эди. У келинини бағрига босди ва пешонасидан меҳр билан ўпди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

VII ҚИСМ
Ўн иккинчи баҳор

Қиш бу йил узоқ чўзилмади.

Февралнинг охирларида-ёқ ҳовлидаги бодом яна ғунча боғлади.

Қайнона ҳар куни эрталаб айвонга чиқиб, дарахтга бир қараб қўярди.

– Бу йил эрта очиларкан, – дерди ўзига ўзи.

Соҳибжамол ҳам дераза ортидан уни кузатарди. Унинг қорни анча билиниб қолган, юриши ҳам эҳтиёткорлашган эди.

Театр раҳбарияти уни таътилга чиқарган.

Уйда вақт секинроқ ўтарди. Унинг вужудида ўзининг юрагидан ташқари икки жажжи юрак уриб турарди.

***

Эри ҳар куни ишдан қайтишда бир хил одатни чиқарди.

Аввал ҳовлига кириб, бодом дарахтига қарарди. Кейин уй эшигини очарди.

Соҳибжамол бир куни кулиб сўради:

– Нега аввал менга эмас, дарахтга қарайсиз? Сизни дарахтдан ҳам қизғанаяпман энди!

Эри хотинининг ҳазилига жавобан жилмайди.

– Иккалангиз ҳам баҳорни кутаяпсизлар.

Соҳибжамол илк бор овоз чиқариб, астойдил кулди.

Бу кулгида ўн икки йиллик ҳасратнинг сояси деярли қолмаган эди.

***

Тун.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шаҳар ҳали уйқуда. Эшик олдида машина товуши. Шошилган қадамлар. Қайнонанинг дуоси.

Шифохона. Оқ либосли одамлар. Ёруғ чироқлар. Ҳаммаси тушдек тез алмашиб кетди.

Эри йўлакда ёлғиз қолди. Деворга суянди. Қўлларини бир-бирига маҳкам қисди.

Бир неча соат ўтди. Соатнинг миллари ҳам бугун оғирроқ юраётгандек эди.

Ниҳоят, эшик очилди. Шифокор чиқди. Юзида чарчоқ. Аммо кўзларида табассум бор эди.

– Табриклайман...

У бир нафас тўхтади.

– Она ҳам, чақалоқлар ҳам соғ.

Гўё шу биргина жумла унинг елкасидаги ўн икки йиллик оғир юкдан халос қилгандек эди.

У чуқур нафас олди.

***

Палатада ҳаво илиқ эди.

Дераза орқали эрталабки қуёш нури тушиб турарди.

Соҳибжамол ҳали ҳолсиз. Лекин кўзлари уйғоқ. Ҳамшира икки чақалоқни аста унинг бағрига қўйди.

У аввал бирига қаради. Кейин иккинчисига. Қўллари беихтиёр уларни авайлаб қуршаб олди.

Она фарзандларига қаради. Фарзандлар эса илк бор онасининг юрак уришини эшитишди.

Бу юрак уларни ўн икки йил интиқиб кутганди.

***

Орадан бир неча ой ўтди.

Баҳор яна театр остонасига етиб келди. Соҳибжамол ишга қайтди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ҳамкасблари уни гуллар билан қарши олди. Режиссёр одатдагидек жилмайди.

– Саҳна сизни соғинибди.

У ҳам жилмайди. Гримхона эшиги секин очилди. Қўнғироқ уч марта чалинди.

Парда очилди. Соҳибжамол саҳнага чиқди. Зал жимиб қолди. У бугун ҳам она ролини ижро этаётган эди.

Лекин бу сафар у рол ўйнамаётганини фақат ўзи биларди.

Спектакль тугади. Олқишлар яна узоқ давом этди. У таъзим қилди. Сўнг саҳна ортига қайтди. Гримхона эшиги ярим очиқ эди.

Эри эшик олдида турар, қўлида эса эгизаклар учун мўлжалланган икки кичик аравача бор эди.

Улар уйқу қучоғида эди. Соҳибжамол яқинлашди. Аввал бирига эгилди. Кейин иккинчисига.

Эри секин сўради:

– Толиқиб қолмадингми?


Соҳибжамол бошини енгил чайқади.

– Йўқ.

Ташқарида бодом гуллари шамолда аста тебранарди. Улар худди ўн икки йил олдингидай оппоқ эди.

Фақат энди Соҳибжамол баҳорни кутиб турмасди. Баҳор унинг бағрида ухлаб ётарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi



www.ziyouz.com kutubxonasi

АКТРИСАНИНГ ЎЛИМИГА КИМ АЙБДОР?

I ҚИСМ. ҚАРСАКЛАР

Парда ёпилиши билан залдаги қарсаклар янада авж олди.

Саҳна ортида турган Соҳиба бир неча сония жойидан қимирламай, қўлларини кўкрагига босганча турди. У ҳали ҳам саҳнадаги қаҳрамон эди: кўзларида изтироб, лабларида енгил табассум, елкаларида эса ўзи ижро этган аёлнинг оғир тақдири бор эди.

Режиссёр унинг ёнига келиб, елкасига қоқди.

– Бугун зални ўзингизга қаратиб олдингиз.

Соҳиба жавоб ўрнига жилмайди. Бу табассум саҳнада жуда ишонарли чиққан бўлса-да, ҳозир унинг юзида бир лаҳза ҳам туриб беролмади. У гримхонасига кириб, эшикни секин ёпди. Ташқаридаги қарсаклар ҳали эшитилар, саҳнадаги овозлар, техник ходимларнинг қадам товушлари, кимнингдир шошилиб айтган гаплари деворлар ортидан аралаш-қуралаш келарди.

Соҳиба курсисига ўтирди. Олдидаги столда соч тараш учун қўйилган тароқ, лаб бўёғи, упа қутиси ва саҳнадан кейин ичиш учун тегилмай турган бир пиёла сув турарди. У қўлини узатиб, сувни олди. Бир ҳўплам ичди. Кейин пиёлани яна жойига қўйди.

Шу пайт эшик тақиллади.

– Соҳиба, чиқасизми?

– Ҳозир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эшик ортидаги одам кетди. Соҳиба яна бироз ўтирди. Ҳеч қаерга шошилмасди. Уйига бориш учун ҳам, ким биландир гаплашиш учун ҳам, ўзини кутаётган одамга етиб бориш учун ҳам шошилиш шарт эмас эди. Шуни ўйлаганида, юзида тушунарсиз бир ифода пайдо бўлди.

Кейин ўрнидан туриб, саҳна либосини еча бошлади. Бир неча дақиқадан сўнг у оддий кийимда кўчага чиқди. Театр эшиги олдида ҳали ҳам бир гуруҳ мухлислар турарди. Айримлари уни таниб, саломлашди. Бир қиз телефонда суратга тушишни сўради. Соҳиба унга меҳр билан ёндашиб, елкасига қўлини қўйди.

– Бугун жуда таъсирли ўйнадингиз, – деди қиз.

– Раҳмат.

– Сизнинг қаҳрамонингиз охирида йиғлаганда мен ҳам йиғладим.

Соҳиба яна жилмайди.

– Актриса ҳам баъзан йиғлаши керак.

Қиз бу гапни ҳазил деб ўйлаб кулиб юборди.

Соҳиба эса машинаси томон юрди. Йўлда унинг қулоғида ҳали ҳам ҳалиги қиз айтган гап жаранглади: “Мен ҳам йиғладим”. У ўйлаб қолди: одамлар саҳнадаги кўз ёшини ҳам ҳақиқий деб қабул қилишарди. Аслида эса баъзан инсоннинг ҳақиқий кўз ёши ҳам саҳнадагидан фарқ қилмасди – иккаласида ҳам унинг ортида нима борлигини ҳеч ким билмасди.

Машина ойнаси ортида Тошкентнинг кечки чироқлари бир-бирини қувиб ўтарди. Дўконлар ёруғ, кўчалар гавжум, бекатларда одамлар шошиб юрарди. Соҳиба эса орқа ўриндиқда бошини суяб,

www.ziyouz.com kutubxonasi

телефон экранига тикилиб қолганди. Бир нечта хабар бор эди. Ишга доир. Томоша вақти ҳақида. Эртанги суратга олиш жараёни ҳақида. Аммо у бир нарсани кутарди. Телефонни ўчириб, яна ёқди.

Кейин яна текширди. Ҳеч қандай қўнғироқ йўқ. Унинг бармоғи экран устида бироз туриб қолди. Телефон китобчасини очди. Бир нечта исмлар чиқди. Ҳар бири унга ниманидир эслатарди: ҳамкасб, режиссёр, таниш, журналист, дугона... У бир рақамни танлади. Бир неча сония ўтиб, қўнғироқни бекор қилди. Нима демоқчи эканини билмасди.

“Салом, ишларингиз яхшими?”, деган гапни айтиш учун одамга қўнғироқ қилишнинг ҳожати йўқдек туюлди. У телефонни тиззаси устига қўйди.

Машина уйи олдида тўхтаганда соат ўн бирдан ошган эди. Соҳиба эшикни очди. Йўлакдаги чироқ хира ёниб турарди. У зиналардан кўтарилар экан, қўлидаги сумкасининг оғирлигини ҳис қилди. Аслида сумка оғир эмасди. Унинг ичида бир нечта шахсий буюм, грим воситалари ва саҳнадан олиб келган кичик дафтар бор эди. Шунга қарамай, бу кеча сумка унга жуда оғир туюлди.

Уйга киргач, биринчи қилган иши телевизорни ёқиш бўлди. Экранда бошқа бир сериал кетарди. У унга қарамади. Оёқ кийимини ечиб, диванга ўтирди. Бироздан кейин телевизорда реклама бошланди. Соҳиба пультни қидириб топди ва овозни пасайтирди.

Уйдаги жимжитлик яна қайтиб келди. Ошхонага кириб, музлаткични очди. Ичида бир неча идиш, мева ва кечадан қолган таом бор эди. Нима-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дир ейишни истамади. Музлаткич эшигини ёпди. Бир лаҳза ошхона ўртасида туриб қолди. Кейин хонасига кирди.

Кўзгу олдида тўхтади. Юзида саҳна грими ҳали ҳам қолганини энди пайқади. У пахтага тозалагич суюқлик сепиб, лабларидаги бўёқни артиб ташлади. Кейин ёнбошларидаги қора чизиқларни кетказди. Саҳнадаги қаҳрамон аста-секин юзидан кўчиб борарди. Аммо кўзлари ҳали ҳам ўша аёлникидек эди. Соҳиба кўзгуга яна бир қараб қўйди-да, юзини четга бурди.

Шу пайт телефон жиринглади. У шошилиб қўлига олди.

– Алло?

Бир неча сония жавоб кутди.

– Соҳибами?

– Ҳа.

– Менман. Эртага соат тўққизда театрда бўлишингиз керак.

Соҳиба бир лаҳза жим турди.

– Ҳа, биламан.

– Яхши. Унда хайр.

– Хайр.

Қўнғироқ узилди. Соҳиба телефонни столга қўйди. Бироздан кейин яна қўлига олди. Экранда ҳеч нарса ўзгармаганди. У телефонни тескари ағдариб қўйди. Сўнг чироқни ўчирди. Хона қоронғилашди. Кўчадан тушаётган нур парда орасидан полга ингичка чизиқ солганди.

Соҳиба ётоққа ётди. Аммо кўзига уйқу келмади. Театрдаги қарсаклар ҳали ҳам қулоғида эди. У кўзларини юмди. Бир неча сониядан кейин ўша

www.ziyouz.com kutubxonasi

қарсаклар яна эшитилгандек бўлди. Соҳиба ўзича жилмайди. Бутун шаҳар унинг бугунги ролини яхши кўрганди. Аммо унинг бугунги кечасини ким яхши кўрарди? У бу саволни овоз чиқармай берди.

II ҚИСМ. БИР УЙ, ИККИ АКТЁР

Соҳиба Жаҳонгирни биринчи марта саҳнада эмас, саҳна ортида пайқаган эди.

Ўша куни спектакль бошланишига ўн беш дақиқа қолган, режиссёр бир саҳнадаги ҳаракатни яна бир бор тушунтираётган, актёрлар эса ўз навбатини кутиб, ҳар ким ўз хаёли билан банд эди. Жаҳонгир эса бир четда ўтириб, қўлидаги матнни қайта-қайта ўқирди. У овоз чиқармас, баъзи жойларда лабларини қимирлатиб, гўё ҳали айтилмаган сўзларни ичида синаб кўрарди.

Соҳиба уни аввал ҳам кўрган, аммо ўша куни биринчи марта унга қизиқиб қаради.

– Нега бу қадар кўп ўқийсиз? – деди у ёнгинасига келиб.

Жаҳонгир бошини кўтарди.

– Матнни эмас, одамни топишга ҳаракат қилаяпман.

Соҳиба кулди.

– Одам матнда бўладими?

– Бўлмаса, актёр саҳнада нимани ўйнайди?

Бу жавоб унга ёқди. Балки, Соҳиба ўша лаҳзада-ёқ Жаҳонгирнинг бошқалардан фарқини сезгандир. У спектакль бошланганида бу гапни эсидан чиқарди, аммо саҳнада Жаҳонгир ўз ролини ижро этаётганда, унинг ҳар бир ҳаракати ортида

www.ziyouz.com kutubxonasi

айтилмаган бир дард борлигини сезиб турди.

Спектакль тугагач, актёрлар кийиниш хонасида йиғилишди. Кимдир чой ичди, кимдир бугунги томошани муҳокама қилди, яна кимдир эртанги суратга олиш ҳақида гапирди.

Жаҳонгир эса Соҳибага қараб:

– Бугунги саҳнада кўзингиз бошқача эди, – деди.

– Қандай?

– Ўзингиз ҳам билмайсиз.

Соҳиба бир зум унга тикилиб қолди.

– Актёрни одамлар саҳнада кўради. Сиз эса унинг кўзига қараб ниманидир топишга уринасиз.

– Балки, ўзимни топаётгандирман.

Бу сафар иккови ҳам кулди. Кейинги кунларда уларнинг суҳбатлари кўпайди. Аввалига театрда, кейин спектаклдан сўнг йўл-йўлакай, сўнг телефонда. Уларнинг гаплари ҳам бошқаларникидан фарқ қиларди. Улар фақат кино, театр ёки роллар ҳақида эмас, саҳнага чиқишдан олдин инсон нима учун қўрқиши, олқишдан кейин нега баъзан ўзини бўш ҳис қилиши, бир оғиз гапнинг одам тақдирини қай даражада ўзгартириши ҳақида ҳам гаплашишарди.

Соҳиба Жаҳонгир билан бирга бўлганда ўзини актриса эканини унутарди. Бу унинг учун кам учрайдиган ҳол эди. Чунки кўпчилик уни саҳнада кўрган қиёфаси билан қабул қилар, Жаҳонгир эса унинг чарчаган пайтини ҳам, ҳеч кимга кўрсатмайдиган инжиқлигини ҳам, баъзан сабабсиз хафа бўлиб қолишини ҳам оддий қабул қиларди.

Бир куни спектаклдан кейин улар театр олдида анча вақт туриб қолишди. Кеч куз эди. Дарахтлар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

дан узилган барглар йўлакка сочилиб ётар, кўча чироқлари нам асфальтда хира акс этарди.

– Совуқ тушяпти, – деди Жаҳонгир. – Уйга кетайлик.

Соҳиба унга қаради.

– Қайси уйга?

Жаҳонгир бироз кутди.

– Бизникига.

Соҳиба бу гапга дарҳол жавоб бермади. “Бизники” деган биргина сўз унинг хаёлида узоқ вақт қолди. Одам баъзан бутун умри давомида излаган нарсасини бировнинг оғзидан чиққан битта сўзда топиб қолар экан.

Улар оила қуришди. Тўй катта шов-шув билан эмас, яқин одамлар даврасида ўтди. Икки актёрнинг оила қургани санъат муҳитида кўпчиликни қувонтирди. Бир-бирига мос жуфтлик, дейишди. Иккови ҳам чиройли, истеъдодли, келажакда яна кўп ролларни бирга ижро этишлари мумкинлигини айтишди. Аммо уларнинг ўзи учун энг муҳим саҳна театрда эмас, уйда бошланган эди. Уйда уларга режиссёр ҳам, томошабин ҳам керак эмасди.

Эрталаб ким биринчи уйғонса, иккинчисига чой қўяр, кечқурун спектаклдан чарчаб қайтган одамни иккинчиси гапга тутмай, овқатини илиқлаб қўярди. Баъзан иккови бир хонада туриб, бир-бири билан гаплашмасдан ҳам ўтирарди. Бу оғир жимлик эмас, яқин одамларнинг ортиқча сўзга эҳтиёжи қолмаган пайти эди. Соҳиба ана шу йилларда бахтнинг катта воқеалардан эмас, кичик одатлардан тузилишини англади. Жаҳонгирнинг

www.ziyouz.com kutubxonasi

саҳар уйқусираб чой ичиши, спектаклдан кейин биринчи бўлиб пойабзалини ечиши, китоб ўқиётганда қошларини чимириши – буларнинг барчаси унга қадрли эди.

Бир куни Соҳиба ошхонада идиш ювaётганида Жаҳонгир орқасидан келиб, елкасига бош қўйди.

– Нима бўлди? – деди Соҳиба.

– Ҳеч нима. Шунчаки.

– Шунчаки бир одам бошқасининг елкасига бош қўядими?

– Бизда қоида бошқача.

Соҳиба кулди. Унинг кулгиси ошхона деворларига урилиб, хона бўйлаб тарқалди. Улар ҳали фарзанд ҳақида жиддий ўйламаган эдилар. Ёки ўйлашган бўлса ҳам, бу масала улар учун узоқда турган бир қувончдек эди. Бир куни албатта бола туғилади, унинг исмини танлаймиз, қайси хонада ухлатамиз, кимга ўхшайди, деган гаплар баъзан кечки овқат устида айтиларди. Соҳиба ҳатто бир марта ҳомиладор аёлни кўриб, йўл четида тўхтаб қолганини эсларди. Аёлнинг қўлида кичик халта, иккинчи қўли эса қорнида эди. Соҳиба унинг ортидан анча вақт қараб турди.

Жаҳонгир: – Нима бўлди? – деб сўради.

– Ҳеч нима.

– Нимагадир қараб қолдингиз.

– Бизнинг ҳам фарзандимиз бўлади.

Жаҳонгир унинг қўлини ушлади.

– Албатта.

Бу “албатта” Соҳибага етарли эди.

Биринчи йил ўтди. Кейин иккинчи йил. Ҳар сафар бирор таниши фарзандли бўлганида Соҳиба

www.ziyouz.com kutubxonasi

чин дилдан қувонар, табриклар, совға олиб борарди. У ҳали ўзининг қалбида пайдо бўлаётган безовталикларка ном қўймаган эди. Фақат баъзан чақалоқ овозини эшитса, бир лаҳзага гапидан тўхтаб қоларди.

Жаҳонгир эса бунга эътибор бермас ёки эътибор берган бўлса ҳам билдирмасди. Унингча, ҳали вақт бор эди.

Бир кеча Соҳиба стол устига иккита пиёла қўйиб, чой қуйди.

– Жаҳонгир ака.

– Ҳа?

– Биз... – У гапини давом эттирмай қолди.

– Нима бўлди?

– Ҳеч нима.

Жаҳонгир унинг юзига қаради.

– Айтинг.

Соҳиба бироз иккиланди.

– Бизда ҳаммаси жойидами?

Жаҳонгир саволнинг маъносини дарҳол тушунди. У пиёлани столга қўйди.

– Нимани назарда тутяпсиз?

– Биласиз.

Жаҳонгир елкасини қисди.

– Вақти келса бўлади.

– Икки йил бўлди.

– Икки йил дегани нима?

– Ҳеч нима.

– Мен соғломман.

Бу гап жуда ишончли айтилди. Гўё шунинг ўзи барча саволларга жавоб эди. Соҳиба бошини қимирлатди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Биламан.
– Сиз ҳам соғломсиз.
– Ҳа.
– Унда нимага шошиламиз?

Соҳиба жавоб бермади. У Жаҳонгирнинг гапида мантиқ борлигини биларди. Аммо инсон қалби баъзан мантиқ билан тинчимайди. Ўша кеча улар яна бошқа мавзуда гаплашишди. Спектакль, режиссёрнинг янги режаси, эртанги суратга олиш жараёни...

Ҳаёт одатдагидек давом этди. Фақат Соҳибанинг ичида бир савол биринчи марта ўз ўрнини топиб олган эди. У савол ҳали оғриқ эмасди. Ҳали қўрқув ҳам эмасди. Аммо у энди жим турмасди.

III ҚИСМ. ТАШХИС

Соҳиба ўша кечадан кейин бир неча кун бу ҳақда гап очмади. Жаҳонгир ҳам савол бермади.

Аммо айтилмай қолган гаплар баъзан айтилганларидан кўра узоқроқ яшар экан. Уларнинг уйида ҳамма нарса аввалгидек эди: эрталаб чой, шошилиб кийиниш, театрга кетиш, кечқурун қайтиш, баъзан бирга овқатланиш, баъзан икковининг ҳам иши туфайли дастурхоннинг бир томонида ёлғиз қолиш.

Ташқаридан қараганда, ҳеч нарса ўзгармаган. Фақат Соҳиба тақвимдаги саналарга аввалгидан кўпроқ эътибор бера бошлади. Бир кунни белгилаб қўяр, кейин ўша сана яқинлашганда ич-ичидан ҳаяжонланарди. Умид қилар, кейин ўзига: “Ҳали эрта”, derди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Сўнг яна бир неча кун ўтар, умид яна сўнарди. Бу ҳолат бир неча марта такрорланди. Ниҳоят, бир куни у саҳнадан кейин гримхонада ўтириб, телефонда шифокорнинг рақамини излади. Бармоғи экранда бир неча сония туриб қолди. Кейин қўнғироқ қилди.

– Ассалому алайкум, қабулга ёзилмоқчи эдим.

Телефонни қўйгач, у бироз енгил тортгандек бўлди. Гўё бирор ишни бошлагани билан муаммонинг ярми ҳал бўлиб қолгандек эди.

Кечқурун Жаҳонгирга бу ҳақда айтди.

– Шифокорга ёзилдим.

Жаҳонгир овқатдан кўз узмай: – Нима учун? – деди.

– Ўзингиз биласиз-ку негалигини.

– Ҳали вақт бор-ку.

– Қанча вақт?

Жаҳонгир қошларини бироз чимирди.

– Нега бу масалани катта муаммога айлантиряпсиз?

Соҳиба унинг овозидаги ўзгаришни сезди. Аммо тортишмади.

– Муаммо деб айтмадим. Фақат билиб қўйишни истаяпман.

– Нимани?

– Ҳаммаси жойидами-йўқми.

Жаҳонгир бироз жим қолди.

– Боринг. Кейин кўрамиз.

Соҳиба унинг "боринг" деган сўзига урғу берилганини пайқади. Бироқ бу гапни унчалик кўнглига яқин олмади.

Эртаси куни қабулга борди. Шифокор саволлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

берди, таҳлиллар белгилади, кейин яна бир неча текширувдан ўтишни тавсия қилди. Соҳиба клиникадан чиқиб, қўлидаги қоғозларга қараб анча вақт турди. Қоғозлардаги атамалар унга нотаниш, рақамлар эса ҳеч қандай ҳиссиёт уйғотмасди. У фақат бир нарсани ўйларди: “Натижа яхши чиқса бўлди”.

Бир неча кундан кейин текширувлар тугади. Соҳиба шифокорнинг олдида ўтирганда юраги тез ураётганини сезди.

– Ҳаммаси жойида, – деди шифокор.

Соҳиба бир зум тушунмай қолди.

– Нима?

– Соғлиғингизда фарзанд кўришга тўсқинлик қиладиган жиддий муаммо кўринмаяпти.

Соҳиба беихтиёр жилмайди.

– Демак...

– Ҳа, ҳозирча сиз томондан хавотирли ҳолат йўқ. У шифокорга яна бир неча савол берди. Жавобларни диққат билан эшитди. Кейин ўрнидан турди. Кўчага чиққанда ҳаво очиқ эди. У телефонни қўлига олиб, Жаҳонгирга қўнғироқ қилди.

– Натижалар яхши чиқди.

Телефоннинг нариги томонида бир неча сония жимлик бўлди.

– Яхши-да, – деди Жаҳонгир. – Мен айтгандим-ку, сиз соғломсиз.

– Ҳа.

Соҳиба унинг овозидан қувонч излади. Аммо топа олмади.

– Энди сиз ҳам ўзингизни текширтирсангиз... – деди у эҳтиёткорлик билан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жаҳонгирнинг нафаси ўзгаргандек бўлди.
– Мен нимага текширилишим керак?
– Икковимиз ҳам билиб олсак, яхши эмасми?
– Мен соғломман, дедим-ку.
– Биламан. Лекин шифокорлар...
– Шифокорлар ҳамма нарсага таҳлил, текширув ёзаверади. Пул ишлаш керак-да уларга.

Соҳиба жавоб бермади. Унинг тилига "балки" деган сўз келди. Балки, Жаҳонгир ҳақдир. Балки, ҳали вақт бордир. Балки, улар шунчаки ортиқча хавотир олаётгандир.

Шу куни кечқурун у эридан яна бир бор сўради.
– Бирга борсак бўлмайдими?

Жаҳонгир кийимини алмаштираётган эди.
– Менинг ишим кўп.
– Бир кун вақт тополмайсизми?
– Соҳиба, нима учун ўзингизни қийнаяпсиз? Мен соғломман.

Бу сафар у "соғломман" деган гапни баландроқ овозда айтди. Соҳиба индамади. Жаҳонгир хонадан чиқиб кетди. У бироз вақт кийим алмаштириш хонасида ёлғиз қолди. Кейин курсига ўтирди. Унинг кўнглида гумон пайдо бўлмаган эди. Ҳали йўқ. Аксинча, у Жаҳонгирни ҳимоя қилишга ҳаракат қиларди. "Эркак киши ҳам шундай гапни эшитишни истамаслиги мумкин", деб ўйлади. "Балким, уни хафа қилиб қўйдиммикан". Шу фикр билан ўзига маломат қилди. Аммо инсон қалбидаги биринчи дараз кўпинча катта жанжалдан эмас, оддий бир жавобдан пайдо бўлади.

"Мен соғломман". Соҳиба бу гапни аввал ишонч деб қабул қилган эди. Энди эса у гапнинг остида

www.ziyouz.com kutubxonasi

нимадир бордек туюла бошлади. Бироқ у бу “нимадир”га ном қўйишни истамади.

Эрталаб Жаҳонгир ишга кетгач, Соҳиба ошхонада икки пиёла чой, нонушта тайёрлади. Кейин бир пиёлани жойига қайтарди. У бир лаҳза иккинчи пиёлага қараб турди. Сўнг уни ҳам ювиб, идишлар жавонига қўйди. Бу оддий ҳаракат эди. Аммо ўша куни Соҳиба илк бор уйдаги баъзи нарсалар икки киши учун эмас, бир киши учун ҳам етарли бўлиб қолиши мумкинлигини ўйлаб қўрқди.

IV ҚИСМ. БОШҚА АЁЛ

Жаҳонгирнинг уйга кеч қайтиши аввал Соҳибани безовта қилмасди. Актёрнинг иши шундай эди: репетиция, суратга олиш, кечки спектакль, баъзан режиссёр билан узоқ давом этган суҳбатлар. У ҳам бу касбнинг тартибини билар, шунинг учун эшик очилмай турган соатларга унчалик эътибор бермасди.

Аммо кейинчалик кечикишлар одатга айлана бошлади. Жаҳонгир уйга кирганида Соҳиба баъзан ухлаб ётган бўлар, баъзан китоб ўқиётган кўринарди. Илгарилари у эшик очилганини эшитиши билан хонадан чиқар, “Яхши келдингизми?” деб сўрар, иссиқ овқатни дастурхонга қўярди.

Энди эса бу одатлар ҳам аста-секин йўқолди.

Бир куни Жаҳонгир ярим кечаси кириб келди. Соҳиба диванда ўтириб, китоб варақлаётган эди.

– Нега ухламадингиз? – деди у.

– Сизни кутдим.

Жаҳонгир кўйлагини ечиб, диванга ташлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Кутиш шарт эмас.

Соҳиба китобини ёпди.

– Илгари шарт эди-ку.

Жаҳонгир унга қараб турди, кейин кўзини олиб қочди.

– Одам ўзгаради.

Бу гап Соҳибага тушунарсиз оғир туюлди.

– Бу нима деганингиз?

– Ҳеч нима.

У ётоқхонага кириб кетди. Соҳиба эса дивандa қолди. У "одам ўзгаради" деган гапни бир неча марта ичида такрорлади. Жаҳонгир нимани назарда тутганини сўрамоқчи бўлди, аммо сўрамади. Чунки баъзан одам қўрққан саволини ўзи ҳам эшитишни истамайди.

Уларнинг биргаликдаги режалари ҳам йўқола бошлади. Илгари янги уй олиш, таътилга чиқиш, бошқа шаҳарларга саёҳатга бориш, бир спектаклда бирга қатнашиш ҳақида гаплашишарди. Энди Жаҳонгир "кейин кўрамиз" деган сўзни кўп ишлатадиган бўлди. Кейин эса келмасди.

Бир куни Соҳиба унинг ёнига ўтириб: – Бизга нима бўляпти? – деб сўради.

Жаҳонгир телефондан бош кўтармади.

– Ҳеч нима бўлаётгани йўқ.

– Унда нега сиз мен билан аввалгидек гаплашмай қўйдингиз?

– Ишим кўп.

– Фақат ишми?

Жаҳонгир бу сафар телефонни четга қўйди.

– Соҳиба, ҳамма нарсадан муаммо излайверманг.

– Мен муаммо излаётганим йўқ. Сиз тобора узоқла-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шиб бораётганингизни сезяпман.

Жаҳонгир жавоб бермади. Соҳиба унинг юзига қаради. У ерда аввал таниш бўлган чеҳра бор эди, аммо ўша чеҳранинг ортида унга ёпиқ бўлиб қолган бир дунё пайдо бўлганди.

– Агар менда бирор айб бўлса ёки мендан қандайдир хатолик ўтган бўлса, айтинг, – деди Соҳиба паст овозда. – Мен ниманидир нотўғри қилдимми?

– Йўқ.

– Унда нега ўзингизни бундай тутаяпсиз?

– Билмадим.

"Билмадим" деган жавоб баъзан "айтолмайман"дан ҳам оғир бўларди. Соҳиба шу кеча узоқ вақт ухлай олмади. У ўзини сўроқ қила бошлади. Балки, фарзанд масаласини кўп гапиргандир? Балки, Жаҳонгирни шифокорга боришга мажбур қилгани оғир ботгандир? Балки, унинг ишига етарлича тушунча билан қарамаётгандир? У ўзидан айб қидирди.

Эрталаб туриб, кечаги гапларни хаёлидан ўтказди. Ҳар бир жумласини ўлчади. Ҳар бир нигоҳини эслади. Бирор жойдан ўз хатосини топишга уринди. Аммо топа олмади.

Бир неча ҳафтадан кейин Жаҳонгир уйга одатдагидан эртароқ келди. Унинг қиёфасида ғалати вазминлик бор эди. Соҳиба ошхонада чой қуяётганди. Жаҳонгир кириб келганини эшитиб, одатдагидек икки пиёлани қўлига олди.

– Ўтиринг, сизга жиддий гапим бор – деди у.

Соҳиба унинг овозидаги жиддийликни сезди. Пиёлаларни хонтахтага қўйиб, қарши томонга ўтирди. Жаҳонгир бир муддат жим қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Мен сиз билан бир масалани гаплашиб олишим керак.

Соҳибанинг қўлидаги қошиқ пиёла четига тегиб, енгил жаранглади.

– Гапиринг.

– Биз... – Жаҳонгир бироз тўхтади. – Биз бирга яшашни давом эттира олмаймиз.

Соҳиба унга тикилиб қолди. Биринчи лаҳзада гапнинг маъносини тушунмади. Ёки тушунган бўлса ҳам, мияси уни қабул қилишдан бош тортди.

– Нега?

Жаҳонгир кўзини дастурхондан узмади.

– Мен бошқа аёлни севиб қолдим.

Соҳибанинг қўлидаги қошиқ секин хонтахтага қўйилди. Хонада ҳеч қандай кескин овоз янграмади. На идиш синди, на кимдир бақирди. Фақат девордаги соатнинг чиқиллаши аниқроқ эшитила бошлади.

– Қачондан бери? – деди Соҳиба.

– Бир муддат бўлди.

– Мен-чи?

Жаҳонгир бошини кўтарди.

– Сизни аввалгидек ҳурмат қиламан.

– Ҳурмат?

– Ҳа.

– Мен сизнинг қонуний хотинингизман.

– Биламан.

– Унда менинг айбим нима? Нега менга бундай жазо?

Жаҳонгир жавоб беролмади. Соҳиба унинг юзига қараб, бир вақтлар шу инсоннинг елкасига бош қўйиб, “бизники” деган сўздан бахт топгани-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни эслади. Энди ўша сўзнинг ўзи ҳам унга бегона эшитиларди.

– У ким? – деди у ниҳоят.

Жаҳонгир у аёлнинг исмини айтди. Соҳиба уни танирди. У ҳам актриса эди. Бир неча марта бир тадбирда кўрган, саломлашган, ҳатто бир спектакл ҳақида гаплашган эди. Унинг юзидаги табассум ҳам, овози ҳам Соҳибага таниш эди. Лекин энди ўша танишликнинг маъноси ўзгариб кетганди.

Соҳиба бошини эгди.

– Демак, ҳаммаси шунинг учун экан-да...

– Нимани назарда тутаяпсиз?

– Сўнгги пайтлардаги барча нарсани. Кеч қолишларингиз...

Жаҳонгир лом-мим демади. Унга қараб туриш Соҳиба учун оғирлашди.

– Қачон кетасиз? – деди у.

– Хоҳласангиз, бугун-оқ.

Соҳиба бир зум кўзларини юмди. “Бугун” деган сўзнинг ортида бир неча йиллик ҳаёт турганини ўйлади. Бир уй, икки актёр, кечки чойлар, саҳнадан кейинги суҳбатлар, келажак ҳақидаги режалар, ҳали дунёга келмаган боланинг исми ҳақида айтилган ҳазиллар... Буларнинг ҳаммаси бир оғиз гапдан кейин ҳеч нарсага айланиб қолиши мумкин экан.

– Йўқ, – деди у. – Бугун кетманг.

Жаҳонгир унга қаради.

– Нима учун?

Соҳиба бу саволга жавоб тополмади. “Чунки сизни севаман”, дейиши мумкин эди. Аммо бу гап унинг ўзини ожиз қилиб кўрсатиб қўйиши мум-

www.ziyouz.com kutubxonasi

киндек туюлди.

“Чунки пойтахтда менинг сиздан бошқа ҳеч кимим йўқ”, деса, ундан ҳам оғир.

У фақат: – Шунча йилдан кейин одам бир кунда кетиб қолмайди, – деди.

Жаҳонгир бошини қимирлатди. Аммо у бари-бир кетди.

Эшик ёпилганда Соҳиба унинг ортидан бормади. Уйдаги ҳар бир буюм ўз жойида эди. Жаҳонгирнинг китоблари, кийимлари, саҳна учун олинган эски сумкаси, ётоқхонадаги оромкурси...

Бир неча соат олдин булар оддий буюмлар эди. Энди ҳар бири унга эри билан бирга ўтказган дамларини эслатарди. Соҳиба ошхонага кирди. Хонтахта устида иккита пиёла турарди. У улардан бирини олди. Кейин иккинчисини ҳам. Икковини ювиб, идиш жавонига жойлади. Уй яна бир кишига мослашгандек бўлди. Аммо Соҳиба ҳали ҳам икки кишига мўлжалланган ҳаётнинг ичида қолган эди. Кечаси у ётоқда ёлғиз ётди. Ухлашдан олдин Жаҳонгирнинг бир неча йил аввал айтган гапи ёдига тушди: “Мен соғломман”.

Ўшанда бу гап унга ишончдек туюлган эди. Энди эса ўша жумланинг бошқа бир маъноси бордек эди. Соҳиба кўзларини юмди. У эридан нафратланишга уринди. Қўлидан келмади. Ўзини айблашга уринди. Бунга ҳам асос топа олмади. Фақат битта савол тинмай ичини кемирарди: “Менинг ундан қаерим кам эди?”.

www.ziyouz.com kutubxonasi

V ҚИСМ. ОҒРИҚНИ УХЛАТГАН ДОРИ

Жаҳонгир кетганидан кейин ҳаёт дарҳол ўзгариб қолмади. Эрталаб қуёш одатдагидек чиқди, театрда спектакллар давом этди, режиссёрлар янги саҳналарни тушунтиришди, гримчилар актёрларнинг юзларига ранг суртишди.

Одамлар Соҳибани ҳамон танишар, кўчада кўриб қолганлар саломлашар, баъзилар суратга тушишни сўрашарди. У эса аввалгидек жилмайиб, уларнинг илтимосини рад этмасди. Ҳатто саҳнадаги ижроси янада таъсирчан бўлиб қолганини айтишарди. Ҳеч ким унинг уйига қайтганда қандай инсонга айланишини билмасди.

Спектакль тугагач, Соҳиба кийиниш хонасида ёлғиз қоларди. Илгари бу пайтда Жаҳонгирдан хабар келар, "Қаердасиз?" деган қисқа савол ҳам унинг кўнглини илитарди. Энди телефон экрани узоқ вақт ёруғланмасди.

Бир куни у телефонни қўлига олиб, Жаҳонгирнинг рақамини очди. Қўнғироқ тугмасини босмади. Рақамга анча вақт қараб турди-да, экранни ўчирди.

Кечалари оғирлашди. Соҳиба ётоққа ётар, аммо уйқу келмасди. Соатнинг ҳар бир чиқиллаши хонада алоҳида эшитилар, кўчадан ўтган машинанинг шовқини эса унинг хаёлини бўлиб юборарди. Бир пайт кўзлари илинар, бир неча дақиқадан кейин яна уйғониб кетарди.

Тушларида театрни кўрарди. Саҳнада турар, зал тўла одамлар унга қараб ўтирар, аммо биринчи қаторда Жаҳонгир бўлмасди. У қанча изласа ҳам, уни

www.ziyouz.com kutubxonasi

тополмасди.

Эрталаб у юзини ювиб, одатдагидек гримхонага борарди. Кўз остидаги чарчоқни упа билан беркитар, лабига ранг суртар, сочини турмакларди. Кўзлари эса ҳаммасини яшира олмасди.

Бир куни гримчи қиз унга қараб: “Яхши ухламадингизми?” деб сўради. Соҳиба кулди. “Ролга тайёргарлик қилдим”, деди. Қиз ишонди. Соҳиба эса бу ёлғоннинг қанчалик осон айтилганидан ўзи ҳайрон бўлди.

Орадан вақт ўтди. Унинг асаби тез қўзийдиган бўлди. Кимдир оддий гап айтса ҳам, ортиқча таъсирланар, асабийлашар, жаҳли чиқар, кейин ўзидан уялиб қоларди.

Бир куни саҳна ортида режиссёр унга овозини бироз пасайтиришни сўради. Соҳиба эса кутилмаганда кескин жавоб қайтарди. Бир неча сониядан кейин ўзи бориб узр сўради. “Мен ўзимни тушунмай қоляпман”, деди у.

Режиссёр бош ирғаб қўйди. “Бироз дам олинг”, деди.

Аммо Соҳиба дам олиш нималигини унутган эди. Дам олса, уйга қайтарди. Уйга қайтса, хаёллари билан ёлғиз қоларди.

Ниҳоят, у шифокорга борди. Узоқ гаплашди. Уйқусизлик, асабийлик, ҳеч нарсага қизиқмаслик, доимий безовталик ҳақида айтди. Шифокор уни диққат билан тинглаб, даволаш режасини белгилади ва дори қабул қилиш тартибини тушунтирди. Соҳиба дориларни олган куни уларга катта умид билан қарамади. У фақат бир кеча тинч ухлашни истарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Биринчи кечаси дори таъсир қила бошлаганда, унинг танаси аста-секин бўшашди. Хаёлларидаги шовқин пасайди. Жаҳонгирнинг овози, унинг кетиш пайтидаги қиёфаси, “мен бошқа одамни севиб қолдим” деган жумланинг оғирлиги гўё узоқлашди. Соҳиба кўзларини юмди.

Эрталаб уйғонганда бир неча сония қаердалигини англамай ётди. Кейин хонасига қаради. Ҳамма нарса жойида эди. Фақат ичидаги оғриқ аввалгидек қаттиқ сезилмасди.

У шуни енгиллик деб қабул қилди.

Кейинги кунларда дори унинг учун шифокор айтган воситадан кўра кўпроқ нарсага айлана бошлади. Кечаси ухлаш қийин бўлса, қўли биринчи бўлиб дори турган жойга борарди. Кундузи асаби таранглашса, яна ўша қути ёдига тушарди. У дорини “оғриқни даволайди” деб эмас, “оғриқни бироз узоқроққа суриб туради” деб ҳис қила бошлади.

Бу фарқни у ҳали тушунмасди.

Бир куни театрдан чиқиб, яқиндаги кичик дўконга кирди. Пештахта олдида туриб, бир шиша ичимликка кўзи тушди. Илгари у бундай нарсаларга деярли қўл урмасди. Жаҳонгир баъзан меҳмончиликда ичар, Соҳиба эса бир-икки қултумдан ортиққа ўтмасди.

Шу куни эса шишани қўлига олди. “Бугун бироз тинчлансам бўлди”, деб ўйлади.

Уйга қайтиб, пиёлага озгина қуйди. Биринчи қултумдан кейин юзи буришди. Иккинчисини ичганда танасида иссиқлик пайдо бўлди. У оромкурсига чўкди. Бир неча дақиқадан сўнг телефонга

www.ziyouz.com kutubxonasi

қаради.

Жаҳонгирдан хабар йўқ.

Аммо бу сафар бу хабарсизлик унга аввалгидек қаттиқ ботмади.

Соҳиба шу лаҳзада бир нарсани англамай қабул қилди: инсон оғриқдан қутулиш йўлини топдим, деб ўйлаганда, баъзан ўша йўл унинг ўзига олиб борадиган йўл эмаслигини кеч англайди.

Шундан кейин дори билан ичимлик унинг кундалик ҳаётига аста-секин аралаша бошлади. Бири уни ухлатар, иккинчиси бошидаги оғирликни тарқатгандек бўларди. Уларнинг қай бири кўпроқ таъсир қилаётганини Соҳиба ажрата олмай қолди. Энг ёмони, у ўзининг аввалги ҳолатини соғинишни ҳам тўхтатди.

Театрда эса унинг шуҳрати давом этарди.

Бир куни спектакль охирида Соҳиба саҳна марказига чиқди. Залда чироқлар ёниб, одамлар ўринларидан туришди. Қарсаклар яна авж олди. У таъзим қилди. Биринчи марта эмас, юзинчи марта ҳам эмас – минг марта бўлганидек.

Бироқ шу куни қарсаклар унга бошқача эшитилди. Гўё бутун зал ундан бир нарсани талаб қилаётгандек эди. Яна жилмай! Яна таъзим қил! Яна Соҳиба бўл!

У эса саҳна марказида туриб, ичида ўзига бошқа бир саволни берди: “Қачон парда тушади? Қачон сенлардан қутуламан?!”.

Қарсаклар давом этарди. Соҳиба ноилож жилмайиб, таъзим қилди. Унинг юзида актриса бор эди. Ичида эса аста-секин бошқа бир аёл уйғонаётганди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

VI ҚИСМ. БЕГОНА УЙ

Соҳибанинг театрдаги ўрни аста-секин ўзгара бошлади. Илгари режиссёрлар унинг фикрини сўрашар, янги роль таклиф қилинса, аввал у билан маслаҳатлашишарди. Энди эса баъзи суҳбатлар унинг иштирокисиз ўтар, бир вақтлар унга тегишли бўлган роллар бошқа актрисаларга бериларди. Бунинг сабабини ҳар ким ҳар хил тушунтирарди: янги қиёфа керак, режиссёр бошқача тасаввур қилган, роль ёшига тўғри келмайди...

Соҳиба эса ҳар бир изоҳ ортидан ўзини қидирарди. "Менда нима ўзгарди?" деб ўйларди. У ҳали ҳам саҳнага чиққанда олқиш оларди, аммо олқишнинг орасида энди аввалги ишонч сезилмасди.

У баъзи кунлари спектакльдан олдин ўзини жуда яхши ҳис қилар, баъзи кунлари эса оддий бир гапдан асабийлашиб, тутақиб кетарди. Ҳамкасбларининг кўзидаги шубҳани ҳамма вақт ҳам ҳақиқатдан ажрата олмасди. Кимдир унга қараб қўйса, "Мен ҳақимда гаплашяпти", деб ўйлар, икки киши четда суҳбатлашса, гапнинг ўзига алоқадор эканини тахмин қиларди. Бора-бора одамлар ҳам унга қандай муомала қилишни билмай қолишди. Соҳиба эса буни "ҳамма мендан юз ўгиряпти" деб қабул қилди.

Бир куни у чет элда ишлаш имконияти борлигини эшитди. Бу хабар унга бирдан умид берди. Янги жой, янги муҳит, ҳеч ким танимайдиган шаҳар, бошқача ҳаёт... Балки, ўзи ҳам бошқача одамга айланар. Уйидаги буюмларнинг бир қисмини қолдирди, керакли нарсаларини жомадонга

www.ziyouz.com kutubxonasi

жойлади. Йўлкира ва мусофирликда иш топгунича кун кечириш учун зарур бўлади деган ўйда уйини ва машинасини сотди. Хорижда ишлаб, катта пул топсам, бундан яхши, данғиллама уй, машина оламан, деб ўйлади. Кетиш олдидан театрга бир марта борди. Саҳна бўш эди. У залда ёлғиз ўтириб, пардага анча вақт қараб турди. Кейин ўрнидан туриб чиқиб кетди.

Чет элда кутгани бўлмади. Иш топиш осон кечмади. Бир нечта учрашувдан натижа чиқмади. Таниш-билишлар орқали умид қилинган имкониятлар ҳам амалга ошмади. Илгариги шуҳрат бу ерда унга эшик очмади. Бир пайтлар унинг исмини билган одамлар бу шаҳарда уни мутлақо танимасди. У шунда машҳурликнинг ҳам чегараси борлигини ҳис қилди.

Иш тополмади. Бир икки жойда ишлаб, ишни уддалай олмади. Ўзи билан олиб келган пули ҳам тугай деб қолганди. Фақат қайтишига етарли пули қолганди, холос.

Қайтиш қарори осон бўлмади. У жомадонини ёпиб, бир муддат каравот четида ўтирди. “Қаерга бораман?” деган савол хаёлидан ўтди. Бу саволнинг жавоби бор эди, аммо унга жавоб берувчи одам йўқ эди.

Тошкентга қайтгач, бир неча кун турли танишларига қўнғироқ қилди. Айримлари телефонни кўтармади. Айримлари “кейин гаплашамиз” деди. Кимдир меҳмонхонада бир-икки кун қолишини таклиф қилди, аммо узоққа эмас. Соҳиба буни ҳам тушунарди. Инсоннинг бировникига меҳмон бўлиб бориши билан бошқа

www.ziyouz.com kutubxonasi

бировнинг ҳаётига юк бўлиб қолиши ўртасида баъзан сезилмайдиган, аммо жуда қисқа масофа бўлади.

Ниҳоят, у Севарани эслади. Севара ҳам актриса эди. Улар бир неча йилдан бери таниш, бир вақтлар бир саҳнада ҳам ишлашган, турли давраларда бирга бўлишган. Улар ҳар куни гаплашмасди, аммо Соҳиба унинг рақамини ўчирмаганди. Қўнғироқ қилишдан олдин анча вақт иккиланди. Кейин барибир терди.

– Севара...

Нариги томонда таниш овоз эшитилди.

– Соҳиба? Қаердасан?

Соҳиба жавоб беришдан олдин бир неча сония кутди.

– Уйдаман.

Аммо унинг уйи йўқ эди. У илгари "уй" деган сўзни шу қадар кўп ишлатган эдики, унинг ҳақиқий маъносини ўзи ҳам унутиб қўйганди. Балки, ватанимга қайтдим, ўз юртимдаман, демоқчи бўлгандир...

Севара бир лаҳза жим қолди.

– Нима бўлди?

– Бир неча кун сеникида турсам бўладими?

Саволдан кўра овозда илтимос бор эди.

Севара дарҳол "ҳа" демади. Унинг ҳам уйи, оиласи, фарзанди бор эди. Аммо телефоннинг нариги томонидаги одамни тасаввур қилгач, "келавер", деди.

Соҳиба ўша куни кичик жомадони билан Севаранинг эшиги олдида пайдо бўлди. Севара эшикни очиб, уни қучоқлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Кир.

Соҳиба бир лаҳза остонада туриб қолди. Кейин жомадонини ичкари сурди.

Уйда боланинг овози эшитилар, телевизордан мультфильм қаҳрамонларининг овози эшитиларди. Соҳиба атрофга қаради. Бу уйда ҳаёт бор эди. Стол устида мактаб дафтарлари, диван ёнида болалар китоби, дераза токчасида кичик машинача турарди.

– Ўғлинг қани?

– Хонасида. Дарс қилаяпти.

Севара Соҳибага бир хона ажратиб берди.

– Ҳозирча шу ерда тур. Қолганини кейин ўйлаймиз.

Соҳиба бош ирғади.

– Раҳмат.

Аввалги кунлар тинч ўтди. Севара унга овқат тайёрлар, Соҳиба баъзан ёрдам беришга уринар, баъзан соатлаб хонасида қоларди. Унинг кайфияти бир текис эмасди, лекин Севара буни чарчоқ ва бошидан кечирган оғир кунлар билан изоҳлади.

Бир куни Севаранинг ўғли хонага кириб қолди.

– Сиз актриса экансиз-а?

Соҳиба жилмайди.

– Ҳа.

– Телевизорда кўрганман.

– Қайси ролимни?

Бола бироз ўйлади.

– Эсимда йўқ. Лекин сиз уришқоқ аёлни ўйнаганингиз эсимда.

Соҳиба кулди.

– Мен уришқоқ эмасман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бола ҳам кулди. Шу оддий суҳбат Соҳибага ёқди. У болага яқинлашиб, сочини силади.

– Сен ҳеч қўрқасанми?

– Нимадан?

Соҳиба жавоб бермади. Бир неча сония боланинг юзига тикилиб турди.

– Баъзи нарсаларни олдиндан сезиш мумкин.

Бола қизиқиб қолди.

– Нимани?

Соҳиба паст овозда:

– Масалан, одамнинг қачон ўлишини.

Бола кулмай қўйди.

– Ким ўлади?

Соҳиба эшик томон қаради.

– Ҳамма ўлади. Онанг ҳам, отанг ҳам, сен ҳам... мен ҳам...

Бу гапни эшик олдида турган Севара ҳам эшитди.

– Соҳиба...

Унинг овозида огоҳлантириш бор эди. Соҳиба бирданига бошқа мавзуда гапира бошлади.

– Сенга бир сир айтайми?

Бола бош ирғади.

– Сен кечаси ёлғиз юрма.

– Нега?

– Чунки... болаларни ўғирлаб, ички аъзоларини сотишаркан.

Соҳиба хонага Севаранинг кириб қолганини кўриб, гапини давом эттирмади.

– Бор, онангга ёрдам бер.

Бола чиқиб кетди. Севара унинг ортидан қараб турди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Нимага болага бундай гапларни айтяпсан?

Соҳиба ҳайрон бўлди.

– Қандай гапларни?

– Болани қўрқитма.

– Мен қўрқитмадим.

– Ўзинг нималар деганингни тушундингми?

Соҳиба жавоб бермади. Кейин жилмайди.

– Сен ҳаммадан шубҳаланадиган бўлиб қолибсан. Умр ғанимат. Ҳаммамиз бир кун келиб, барибир ўламиз. Бор гапни айтдим. Ё сен дунёга устун бўласанми? Уйимдан жой бердим деб, энди гапирадиган гапларимга ҳам хўжайинмисан?

Севара унинг юзига қаради. Соҳибанинг кўзлари ғалати чарақлар эди. Гапираётганда овози тинч, ҳатто ишончли чиқарди. Аммо айтилаётган сўзлар билан унинг хотиржам қиёфаси ўртасида қандайдир тушунарсиз зиддият бор эди.

Шу кеча Севара ўғлини ётоққа ётқизар экан, бола:

– Ойи, биз ўламизми? Соҳиба опа ҳам ўладими? – деб сўради. Унинг овозида қўрқув бор эди.

Севара бир зум қотиб қолди.

– Нега бундай деяпсан?

– Соҳиба холам шундай дедилар-ку.

– Нималар деди?

– "Ҳамманг ўласан. Мен ҳам узоқ яшамайман", деди.

Севара боласининг бошини силади.

– Холанг шунчаки ҳазиллашган. Ялмоғиз ролидаги сўзларини такрорлаган, холос. Сен сира ҳам қўрқма. Хўпми?

– Ялмоғиз ёмонми?

Севара жавоб беришга шошилмади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Ялмоғизни билмадиму холангни тоби йўқ. У касал.

Бола “касал” деган сўзни эшитиб, жим қолди.

Севара хонадан чиқиб, йўлакда бир муддат ўйланиб турди. Ичкарида Соҳибанинг қадам товуши эшитилди. Кейин эшик ёпилди.

Шу лаҳзада Севара Соҳибадан эмас, вазиятнинг ўзидан қўрқди. Унинг уйида меҳмон бўлиб турган аёл бир вақтлар минглаб одамларнинг олқишига сазовор бўлган машҳур актриса эди.

Аммо энди у боланинг қалбига қўрқув солаётганини ўзи ҳам англамаётган эди.

Севара ўғлининг хонасига яна бир бор кирди ва бошини силаганча, пешонасидан ўпди ва эшикни секин ёпганча, чиқиб кетди.

VII ҚИСМ. ЁПИЛГАН ЭШИК

Севара ўша кечадан кейин узоқ вақт ухлай олмади. Ётоқхонасида эри ва ўғли аллақачон уйқуда эди. У эса шифтга тикилиб ётар, йўлакдаги ҳар бир товушга қулоқ тутарди. Соҳибанинг хонаси томондан ҳеч нарса эшитилмасди. Аммо бу осойишталик унга хотиржамлик бермади. Аксинча, эшик ортида нима бўлаётганини билмаслик уни янада безовта қилди.

Эрталаб у биринчи бўлиб ўғлининг хонасига кирди. Бола уйқусираб ётарди. Севара унинг пешонасидан ўпиб, бир муддат ёнида ўтирди.

Ўғли уйғониб, қўрқинчли тушлар кўрганини айтди.

Кейин паст овозда: – Соҳиба холам тушимда

www.ziyouz.com kutubxonasi

ажинага айланиб, мени ва сизларни емоқчи бўлди. Биз қочдик. Холам бизни қувлади. Сочлари тўзғиган, кўзлари олайган эди – деди дабдурустдан.

Севаранинг юраги сиқилди. Севара боланинг сочини силади.

– Сен тушлардан қўрқма. Мен, даданг бормиз. Доим ёнингдамиз. Сени ҳимоячингмиз. Ўғил бола жасур бўлиши керак, – деди. Бу гапни айтганда унинг ўзи ҳам ўзини ишонтиришга уринарди.

Нонушта пайтида Соҳиба одатдагидан хотиржам кўринди. У чой ичиб, кечаги воқеа ҳақида ҳеч нарса бўлмагандек гапира бошлади.

– Ўғлингиз жуда ақлли экан.

– Ҳа.

– Унинг кўзлари жуда тиниқ.

Севара қошини чимирди.

– Соҳиба...

– Нима?

– Кеча айтган гапларингни эслайсанми?

Соҳиба пиёлани лабига яқинлаштириб, бир ҳўплам ичди.

– Қайси гапни?

– Боламга айтганларингни.

– Мен нима дедим?

– "Ҳаммамиз ўламиз", дединг.

Соҳиба елкасини қисди.

– Шунга нима қилибди? Ростдан ҳам вақти-соати келганда ўламиз-ку.

– У бола. Бундай гапларни тушунмайди.

– Балки тушунар. Нима боланг ахмоқми тушунмайдиган?

Севара унинг юзига қараб қолди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Гапларингни ўйлаб гапираяпсанми? Жуда ўзгарибсан.
– Одамлар катта бўлгач тушунишга ҳаракат қиладиган нарсаларни болалар баъзан олдинроқ сезади.

Севара бир лаҳза кўзларини юмди. У Соҳиба билан тортишишдан фойда йўқлигини тушуна бошлаганди.
– Сенга шифокор керак, – деди у ниҳоят.

Соҳиба дарҳол бошини кўтарди. – Менгами?
– Ҳа.
– Нега?
– Даволанишинг керак. Аввалги Соҳиба эмассан.

Соҳибанинг чеҳрасида кулги пайдо бўлди. Аммо бу сафар унинг кулгисида илиқлик йўқ эди.
– Сен ҳам уларга ўхшаб қолдинг.
– Кимларга?
– Мени касал деб ўйлайдиганларга.
– Мен сени касал деб айтмадим.
– Айтмасанг ҳам кўзингда кўриниб турибди.

Севара жавоб бермади. Соҳиба ўрнидан туриб, хонасига кириб кетди. Эшикни қаттиқ ёпмади. Аммо унинг қадамларида ранжиш бор эди. Шу кундан бошлаб Севара эҳтиёткорроқ бўлиб қолди. Дори қутилари қаерда турганини пайқади. Соҳиба баъзи кечалар ичимлик ичиб, кейин узоқ гапирар, бир фикрдан иккинчисига сакрар, ўзининг ҳақидаги ғалати хулосаларни мутлақ ҳақиқатдек баён қиларди.

Бир куни у телевизордаги бир дастурни кўриб:
– Улар мени атайлаб кўрсатмаяпти, – деди.
– Ким?

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Ҳаммаси.
– Нима учун?
– Чунки мен ҳақиқатни биламан.

Севара телевизорга қаради.

– Қандай ҳақиқатни?

Соҳиба жавоб бермади. Бироздан кейин: – Сенга айтсам, сен ҳам қўрқасан, – деди.

Севаранинг тоқати тугаб бораётган эди. Аммо у ҳали ҳам дугонасини ҳайдаш ҳақида ўйлашни истамасди.

Бир кеча у Соҳибанинг ёнига кириб, диван четида ўтирди.

– Соҳиба, мен сенга ёрдам беришни хоҳлайман.
– Менга ёрдам керак эмас.
– Керак.
– Менга тинчлик керак! Нега одамлар нуқул ҳаётимга аралашиб, бурнини суқаверишади?
– Ҳеч ким ҳаётингга аралашаётгани йўқ? Фақат дориларга ва ичкиликка қарам бўлиб қолаяпсан. Фикрларинг чалкаш. Борган сари жиззаки бўлиб қолаяпсан.

Соҳиба бироз ўйлаб турди.

– Ҳа. Ниятингни тушундим. Уйингдан ҳайдаш учун баҳона излаяпсан, а, топдимми? Мен ёмон, сен оппоқ, фариштасан. Мен ёвуз ва иблисман, шунақами?

Соҳиба асабийлашиб кула бошлади.

Севара унинг қўлини ушламоқчи бўлди. Соҳиба қўлини тортиб олди. – Мени жиннига чиқаришга уринма. Овора бўласан!
– Сени ҳеч ким касал демаяпти. Аксинча, сенга ёрдам бермоқчиман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Ёрдам беришнинг номи бошқача бўлади.
– Қандай?
– Мени тушуниш.

Бу гап Севаранинг юрагига тегди. Чунки у ҳақиқатан ҳам Соҳибани тўлиқ тушунмаётганини биларди. Аммо тушуниш билан бирга боласини асраш ҳам унинг зиммасида эди.

У икки кун қарор қабул қила олмай юрди. Бир томонда йиллар давомидаги дўстлик, бир томонда фарзандининг қўрқуви турарди. У ўзини ёмон инсондай ҳис қилди.

"Ҳайдасам, нима бўлади?" деган савол хаёлидан кетмасди. "Қолса, боламга нима бўлади?" деган иккинчи савол эса ундан ҳам оғир эди. Ниҳоят, бир куни кечқурун Севара қарорини айтди.
– Соҳиба, сен бошқа жойга чиқишинг керак.

Соҳиба унга қараб турди. – Нима дединг?
– Сен бу ерда қололмайсан.
– Нега?
– Менинг болам бор.
– Мен унга нима қилдим? Ҳа, сен болам йўқлигини юзимга солаяпсанми? Энди сен ҳам таъна қил! Мени айбла!
– Сени айбламаяпман. Балки сен ҳаракатларингни атайлаб қилмаётгандирсан. Сўзларингни ўйламай айтаётгандирсан.
– Унда мендан нима хоҳлаяпсан? Иш топай, ижара ҳақим ва еган ичганларимни пулини тўлайман!

Севара кўзларини олиб қочди.
– Соҳиба, сенга еган ичганингни гапирмаяпман. Лекин сен ўз хулқинг билан бизни хавотирга солаяпсан. Ичкилик таъсиридами, дори таъсиридами,

www.ziyouz.com kutubxonasi

билмадим, ярим кечалари баланд овозда монолог ўқиш нимаси? Қўшниларнинг ҳам тинчини бузаётганинг, кўп қаватли уйда туришимизни ўйламаяпсан. Энг ёмони, бу монологларингни барчаси ўлим ҳақида.

Соҳиба бир муддат жим қолди. Кейин паст овозда: – Демак, сен ҳам мендан қўрқяпсан.

– Мен сендан эмас...

– Унда нимадан? Кимдан?

Севара жавоб бермади.

Соҳиба ўрнидан турди.

– Тушундим. Сенларга ортиқчалик қилиб қолдим.

У хонасига кириб кетди. Жомадонини очди. Бир вақтлар бошқа шаҳарга кетиш учун йиғган ўша жомадон яна унинг олдида турарди. У кийимларини тахлади. Бир жуфт пойабзал, бир неча кўйлак, дорилар, косметика воситалари. Сўнг стол устида турган эски театр чиптасини кўриб қолди. Уни қўлига олиб, бир неча сония тикилиб турди. Кейин чиптани ҳам жомадонга солди.

Севара эшик олдида туриб, унинг ҳаракатларини кузатарди.

– Менга аччиқ қилма, – деди у.

Соҳиба бошини кўтармади.

– Мен аччиқ қилмаяпман.

– Сенга бошқа жой топишга ҳаракат қиламан.

– Керак эмас.

– Нега?

– Сен эрингни тортиб олишимдан қўрқаяпсан. Мен сендан чиройли эканлигимга ҳасад қилаяпсан. Мендан қўрқаяпсан.

Соҳиба кутилмаганда бор овози билан ҳахолаб

www.ziyouz.com kutubxonasi

кула бошлади.

– Нега буни аввалроқ тушунмадим?

Севара бу гаплардан қаттиқ ранжиди, аммо жавоб бермади. Ноҳақсан, нотўғри ўйлаяпсан, дейишдан наф йўқ эди.

Соҳиба жомадонини ёпди. У эшик томон юрди. Остонада бир лаҳза тўхтади. Севара билан кўзлари тўқнашди. Икковининг ҳам тилида айтиладиган гап кўп эди. Аммо ҳеч бири уларни сўзга айлантира олмади. Соҳиба жомадонининг тутқичини маҳкам ушлади.

– Мендан қўрқасан, а? Тўғрисини айт, тан ол!

Севаранинг лаблари қимирлади, аммо овози чиқмади. Соҳиба жавоб кутди. Кейин бошини бироз эгиб, эшикдан чиқди. Севара ортидан қараб қолди. Йўлакда жомадон ғилдиракларининг товуши аста-секин узоқлашди. Кейин лифт эшиги очилди. Бироздан сўнг ёпилди. Уй яна жимиб қолди. Севара эшик олдида анча вақт турди. Кейин уни ёпди. Қўлини тутқичдан узмай, бир неча сония қимирламай қолди. У ўзини ҳимоя қилганини биларди. Боласини ҳам асраганини биларди. Аммо шу билан бирга, эшикнинг нариги томонида қолган аёлни ҳайдаб юборишга мажбур бўлганини ҳам биларди. Бу икки ҳақиқат бир-бирини инкор қилмасди. Шунинг учун ҳам оғир эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

VIII ҚИСМ. ЙЎЛГА ЧИҚҚАН АЁЛ

Севаранинг уйидан чиққан куни Соҳиба қаерга боришини билмасди. Жомадони қўлида, телефони эса сумкасининг ён чўнтагида эди. У бир неча марта танишларининг рақамларини очди, аммо қўнғироқ қилишдан олдин тўхтади. Бир вақтлар унинг телефон китобчасида одамлар кўп эди. Энди эса ҳар бир исм ортида "уларга нима дейман?" деган савол турарди.

У бир кечани арзон меҳмонхонада ўтказди. Эрталаб уйғонганда биринчи бўлиб қаердалигини англамай қолди. Одатдаги хонаси эмас. Деворлар нотаниш. Шифтдаги чироқ бошқача. Ётоқ ёнидаги столда эса унинг буюмлари эмас, меҳмонхонага тегишли кичик соат турарди.

Соҳиба бир муддат жим ётди. Кейин жомадонини очди. Унинг ичида саҳна либослари, оддий кийимлар, косметика воситалари ва бир нечта дори бор эди. Бир четда эса Севаранинг уйидан чиққанда шошиб солиб олган эски театр чиптаси турарди. Соҳиба уни қўлига олиб, орқа томонини айлантириб кўрди. Чиптадаги сана анча олдин ўтиб кетган эди. У чиптани қайта жойига қўйди.

– Ҳали ҳам актрисаман, – деди ўзига.

Бу гапни баланд овозда айтди.

– Мен машҳур актрисаман! Ҳамманг менга ҳасад қиласан, чиройли эканлигимни кўра олмайсанлар! Ўлиб кет ҳамманг!

Хонада унга жавоб берадиган одам йўқ эди.

Шу куни у кўчага чиқиб, шаҳар бўйлаб анча юрди. Бир неча танишларига қўнғироқ қилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Баъзилари билан гаплашди, баъзилари телефонни кўтармади. Кимдир “ҳозир бандман” деди. Ҳеч ким унга иш ё бошпана топиб бера олмади. Соҳиба эса ҳар бир суҳбатдан кейин ўзини яна бир поғона пастга тушгандек ҳис қилди.

Кечқурун меҳмонхонага қайтганда қабулхонадаги ходим унга:

– Эртага хонани бўшатасиз, – деди.

Соҳиба бош ирғади. У бу гапни оддий хабар сифатида қабул қилди. Аммо хонага киргач, жомадонига узоқ қараб ўтирди. Яна йўл. Қаерга? Шу саволнинг жавоби ҳали ҳам йўқ эди.

Бир неча кундан кейин унга вилоятдаги таниши қўнғироқ қилди.

– Соҳиба, бу ҳафта тўйимиз бор. Келсангиз, жуда яхши бўларди.

– Тўйингиздами?

– Ҳа. Келинг. Одамлар ҳам сизни кўришни хоҳлайди.

“Одамлар ҳам сизни кўришни хоҳлайди”. Бу гап Соҳибанинг кўнглига тегди.

– Бораман, – деди у.

Телефонни қўйгач, анча вақт жилмайиб ўтирди. У бу сафар меҳмон бўлиш учун эмас, гўё ҳаётга қайтаётгандек йўлга чиқди.

Тўй бўладиган куни эрталаб кийинишга анча вақт сарфлади. Узоқ вақтдан бери биринчи марта сочини синчиклаб турмаклади, юзига енгил грим қилди. Кейин жавон олдида туриб, бир неча либосни алмаштириб кўрди.

Охирида бир вақтлар саҳнага кийган, аммо деярли ишлатилмай қолган кўйлакларидан бирини

www.ziyouz.com kutubxonasi

танлади.

У кўчага чиққанда ўзини бироз бошқача ҳис қилди. Ҳатто қадамлари ҳам аввалгидек ишончлироқ эди. Тўйхонага кирганида бир неча одам уни дарҳол таниди.

– Соҳиба опа!

У бурилиб қаради.

– Келганингиздан хурсандмиз.

Унинг атрофида одамлар тўплана бошлади. Кимдир суратга тушишни сўради. Кимдир эски ролларини эслади. Яна биров:

– Сизнинг ўша ролингизни ҳали ҳам эслайман, – деди.

Соҳиба кулди.

– Ростданми?

– Албатта.

Шу бир оғиз гап унга кутилмаган даражада таъсир қилди. У яна танилган эди. Яна кимдир унинг исмини айтарди. Яна кимдир унинг ролларини эсларди.

Бир неча соат давомида у ўзини аввалги Соҳибадек тутди. Кулди, ҳазиллашди, одамлар билан суратга тушди. Бир пайт ҳатто қўшиққа қўшилиб, даврага кирди.

Тўйдаги одамлар унинг кўнглидаги оғирликни билишмасди. Балким, билган тақдирда ҳам, ўша кеча бу ҳақда сўрашни исташмасди.

Соҳиба ҳам уларга ўз дардини айтмади. Унинг учун бу кеча бир неча соатлик бошпана эди. Бир неча соатлик аввалги ҳаёт. Бир неча соатлик “мен ҳали ҳам керакман” деган ишонч.

Тўй охирлаб, одамлар тарқала бошлаганда,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Соҳиба ҳам жомадонини олди. У шаҳарга қайтиши керак эди.

– Сизни ким олиб кетади? – деб сўради тўй эгаси.

– Машина топаман.

– Кеч бўлди-ку.

– Топаман.

Тўй эгаси унга йўлкира ва хизмат ҳақингиз деб қўлига пул тутқазди.

У йўл ёқасига чиқди. Кеча салқин эди. Тўйхона ортидаги чироқлар аста-секин узоқлашар, кўчада эса машина камайиб борарди.

Соҳиба бир неча марта қўл кўтарди. Машиналар ўтиб кетди.

Бир юк машинаси узоқдан кўринди. У қўлини баланд кўтарди.

Машина секинлашди. Ҳайдовчи ойнадан бош чиқарди.

– Қаерга?

Соҳиба манзилни айтди.

– Тошкентга кетмоқчиман.

– Чиқинг.

У машинага ўтирди. Жомадонини оёқлари ёнига қўйди.

Машина йўлга тушди. Бир неча дақиқа уларнинг орасида гап бўлмади. Йўл икки томондан қоронғу далалар орасида чўзилиб кетар, баъзан қарши томондан келган машиналарнинг ёруғи салонни бир лаҳза ёритиб, яна зулматга ташларди.

Соҳиба бошини ўриндиққа суяб, кўзларини юмди. Бугунги тўйдаги қарсаклар ҳали ҳам қулоғида эди.

“Соҳиба опа!”. “Суратга тушамиз!”. “Сизнинг ўша

www.ziyouz.com kutubxonasi

ролингизни эслайман...”.

Унинг лабларида майин табассум пайдо бўлди. Кейин табассум сўнди. Чунки йўлдаги ҳар бир чироқ ортида яна бир чироқ, ҳар бир бурилиш ортида яна бир бурилиш пайдо бўларди.

У орқага қаради. Тўйхона аллақачон кўринмасди. Бир неча дақиқа аввал уни ўраб турган одамлар ҳам йўқ.

Фақат йўл. Фақат қоронғулик. Фақат олдинга ҳаракат қилаётган машина.

Соҳиба жомадонига қаради. Унда унинг бутун ҳаёти бордек эди. Бир неча кийим. Дори. Косметика. Эски театр чиптаси. Ва ҳеч қаерга сиғмайдиган хотиралар.

Ҳайдовчи унга қараб:

– Артистмисиз? – деб сўради.

Соҳиба бошини кўтарди.

– Ҳа.

– Телевизорда чиққанмисиз?

– Чиққанман.

– Танишга ўхшайсиз.

Соҳиба кулди.

– Кўпчилик шундай дейди.

Ҳайдовчи ҳам кулди.

Машина тезлигини оширди. Соҳиба яна йўлга қаради. У ҳали бу йўлнинг қаерда тугашини билмасди.

Аммо ҳаётидаги барча йўллар сингари, бу йўл ҳам уни бир жойга олиб бораётган эди.

Фақат бу сафар қайтиш йўли бўлмаслигини у ҳали билмасди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

IX ҚИСМ. ТЎХТАМАГАН МАШИНА

Машина анча вақтдан бери бир маромда йўл босиб келарди. Салон ичида дизел ҳаракатлантиргичининг бир текис ғувиллаши эшитилар, ғилдираклар асфальтда узлуксиз шовқин соларди. Ташқарида эса қоронғулик тобора қуюқлашиб, йўлнинг икки томонидаги далалар бир-биридан ажралмай қолганди. Баъзан қарши томондан келаётган машина чироғи салонни ёритар, ҳайдовчининг юзи бир лаҳза равшан кўриниб, яна қоронғиликка сингиб кетарди.

– Исмингиз нима? – деб сўради ҳайдовчи.

– Соҳиба.

Ҳайдовчи исмни бир неча марта такрорлаб кўрди.

– Соҳиба... Соҳиба... Таниқли одам экансиз-да. Тилвизир кўришга унча вақтим бўлмайди, доим йўлдаман, аммо кўзим тушгандек.

Соҳиба жавоб бермади.

Унинг учун "таниқли" деган сўз энди аввалгидек қувончли эшитилмасди. Бир вақтлар бу сўз меҳнатининг, истеъдодининг натижаси эди. Энди эса одамлар уни таниши билан ҳаёти осонлашиб қолмаслигини биларди.

– Қайси фильмларда ўйнагансиз?

Соҳиба бир нечта номни айтди.

Ҳайдовчи қизиқиб тинглади.

– Ҳа-а... Эсимга тушди. Сизни бир сериалда кўргандим. Бетгачопар, шартаки аёлни ўйнагандингиз. Унга анча бўлган. Демак, ёшингиз катта. Ёш кўринаркансиз. Артистлар ўзига қараб юришади-да.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Айниқса, қоматингиз офатижон!

Соҳиба унга қарамади.

– Ёш кўриниш билан ёш бўлишнинг фарқи бор.

Ҳайдовчи кулди.

– Гапиришингиз ҳам артистларга ўхшайди.

Соҳиба жавоб ўрнига йўлга қаради.

Тўйдаги одамлар, мусиқа, кулишлар, суратлар – ҳаммаси энди узоқда қолган эди. Бир неча соат аввал унинг атрофида одамлар бор эди. Ҳозир эса у қоронғу йўлда нотаниш эркакнинг машинасида кетарди.

У телефонини чиқариб, экранга қаради. Қуввати кам қолган. Бир нечта хабар бор эди. Уларни очмади. Телефонни сумкасига солди.

– Тошкентга боргандан кейин қаерга борасиз? Уйингиз борми?– деб сўради ҳайдовчи.

Соҳиба ўзини эшитмагандек тутди.

– Ёлғиз яшайсизми?

Соҳиба бир зум ўйланди.

– Ҳа.

Бу сафар у жавобини атайлаб қисқа қилди. Ҳайдовчи бош ирғади. Бироздан кейин яна гап бошлади.

– Эриңгиз йўқ шекилли? Бўлмаса ярим кечаси тўйдан ёлғиз қайтмасдингиз.

Соҳиба бу саволни кутмаган эди.

– Ҳа. Эрим йўқ.

– Ажрашганмисиз?

– Ҳа.

– Нега?

Соҳиба унга қаради.

– Бу саволга жавоб беришга мажбур эмасман. Сиз-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни нима ишингиз бор шахсий ҳаётим билан?

Ҳайдовчи елкасини қисди.

– Шунчаки сўрадим-да.

Машина яна бир неча дақиқа жим кетди. Соҳиба ўзини ноқулай ҳис қила бошлади. Ҳайдовчининг овозидаги қизиқиш оддий суҳбатдан бошқача тус олганини сезди. У жомадонини оёқлари орасига яқинроқ сурди. Сумкасини эса қучоғига олди.

Йўл бўйида бирор аҳоли пункти кўринмасди.

– Тўхтатиб қўйсангиз, – деди Соҳиба.

– Нега?

– Бироз ҳаво оламан.

Ҳайдовчи кулиб қўйди.

– Ҳали улгурасиз.

Бир неча дақиқадан сўнг ҳайдовчи қўлини унинг белига узатди. Аввалига Соҳиба бу ҳаракатни тасодиф деб ўйлади. Аммо қўл яна унга теккан заҳоти, у дарҳол четга сурилди.

– Илтимос, қўлингизни тортинг.

– Нима бўлди?

– Ҳеч нима. Фақат тегманг.

Ҳайдовчи бироз кулди.

– Қўрқманг. Еб қўймайман.

Соҳибанинг юзидаги табассум йўқолди.

– Мен қўрқмаяпман. Сизга тегманг, дедим.

Ҳайдовчи бу сафар жавоб бермади. Машина эса йўлда давом этарди. Соҳиба эшик тутқичига қаради. Эшик ёпиқ эди. У унинг қулфини текширди. Қулфланган.

Юраги тезроқ ура бошлади.

– Машинани тўхтатинг.

– Ҳозир тўхтатаман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Ҳозир тўхтатинг.
– Қаерга шошяпсиз?
– Тўхтатинг!

Ҳайдовчи жавоб бермади. Соҳиба телефонни қўлига олди. Экранга қаради. Қувват жуда кам эди. У кимгадир қўнғироқ қилиш ҳақида ўйлади. Аммо кимга?

Севара? Унинг рақамини теришга қўли бормади. Бошқа бир таниш? Нима дерди?

"Мен юк машинасидаман. Ҳайдовчи менга тегажоқлик қиляпти", дермиди? У ҳатто машинанинг рақамига ҳам қарамаганди.

Бу жумлани хаёлида айтганида, вазиятнинг ҳақиқий хавфи унинг ўзига ҳам равшанроқ бўлди.
– Машинани тўхтатинг дедим, – деди у яна.

Бу сафар овози титради.

Ҳайдовчи унга қараб қўйди.
– Ҳеч нима қилмаяпман-ку.
– Сизга айтдим.
– Нима қилдим?

Соҳиба жавоб бермади.

Ҳайдовчи яна уни бир қўли билан қучоқлашга уринди. Иккинчи қўли машинанинг бошқарув чамбарагида эди.

Соҳиба орқага тисарилди.
– Тегманг!
– Нега бақирасан? Нимангга ноз қиласан? Ичингда жон деб турибсан-ку. Тузук аёл бўлсанг, ярим кечаси сандироқлаб юрармидинг? Артист!
– Машинани тўхтатинг!

Ҳайдовчи кулди.

Бу кулги Соҳибага қаттиқ таъсир қилди. Чунки

www.ziyouz.com kutubxonasi

у энди унинг гаплари жиддий қабул қилинмаётганини тушунди.

У эшикка яна қаради.

Қулф. Қоронғу йўл. Атрофда одам йўқ.

Телефоннинг қуввати тугаб борарди. Соҳиба бир лаҳза кўзларини юмди.

Унинг хаёлидан ҳаётининг турли манзаралари бир-бирини қувиб ўтди.

Театр. Қарсаклар. Жаҳонгир. Иккита пиёла. Шифокор хонаси. "Мен соғломман". Севаранинг эшиги. Жомадон.

Бугунги тўй. "Соҳиба опа!" деган сўзлар...

У кўзларини очди.

– Яна қўл теккизсангиз, ўзимни машинадан ташлайман.

Ҳайдовчи унга қараб қолди.

– Қаерга ташлайсан?

Соҳиба эшик томон сурилди.

– Машинадан.

– Жуда ишондим... Артистлигингни бошқа жойда қиласан. Жимгина ўтир, тушундингми?

– Жиддий айтаяпман.

Ҳайдовчи унинг гапини пўписа деб қабул қилди. У бу аёл шунчаки қўрқитяпти, холос, деб ўйлади.

У Севарага яна қўлини узатди. Бу сафар белига эмас, оёқларига.

Шунда Соҳиба эшик тутқичини ушлади. Бир лаҳза унинг бармоқлари қимирламай қолди.

Эшикнинг нариги томонида тун бор эди.

Бу томонда эса унинг қўрқуви.

У яна бир марта ҳайдовчига қаради.

Унинг нигоҳида илтимос эмас, қарор бор эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Соҳиба эшикни очди.

Совуқ ҳаво салонга урилди.

– Ёп эшикни! – деди ҳайдовчи.

Соҳиба жавоб бермади.

У фақат бир лаҳза йўлга қаради. Шу йўлда унинг ортида қолган барча нарса – театр, уй, муҳаббат, дўстлик, шуҳрат, одамлар, эшиклар – бир-биридан узоқлашиб бораётган эди.

Унинг олдида эса фақат қоронғулик бор эди. Соҳиба қўлидаги тутқични бўшатди...

Кейин танаси ҳаракатланаётган машинадан узилди...

Йўл четида қаттиқ зарба садоси эшитилди.

Машина бир неча ўн метрдан кейин тўхтади.

Ҳайдовчи бир муддат қимирламай ўтирди.

У эндигина ўзининг "пўписа" деб қабул қилган гапи ҳақиқат бўлганини англаган эди.

X ҚИСМ. СЎНГГИ САҲНА

Машина йўл четида тўхтаганида ҳайдовчи саноқли сониялар ичида нима қилишини билмай, каловланиб қолди. У моторни ўчирмади. Қўллари рулда, кўзлари эса олдинда қотиб қолганди. Бир неча лаҳзадан кейин эшикни очиб, пастга тушди. Совуқ ҳаво юзига урилди. У йўл четида қонга беланиб ётган Соҳибага қараб югурди.

– Ҳой...

Жавоб бўлмади.

У яна чақирди.

– Соҳиба! Кўзингизни очинг!

Бу исмни биринчи марта айтганда унга оддий

www.ziyouz.com kutubxonasi

туюлган эди. Энди эса исмнинг ўзи оғирлашиб қолганди.

Ҳайдовчи телефон чиқариб, ёрдам чақирди. Гапираётганда овози титрарди. У манзилни тушунтиришга уринар, қаерда турганини айтар, кейин яна йўлга қараб қўярди. Гўё кимдир келиб, ҳозиргина содир бўлган нарсани бошқа бир воқеага айлантириб қўядигандек эди.

Аммо ҳеч ким вақтни ортга қайтаролмасди.

Кейинги воқеалар тез кечди. Тез ёрдам, ички ишлар ходимлари, саволлар, баённомалар. Ҳайдовчи қилган ишини тушунтиришга уринди. Унинг айтишича, Соҳиба машинадан ўз хоҳиши билан сакраган. Ақли жойида бўлмаган. Аммо унинг олдинги хатти-ҳаракатлари, йўлдаги вазият ва айтган гаплари ҳам текширилди.

Тергов бошланди. Ҳайдовчи жавобгарликка тортилди.

Унинг учун энди ҳар бир йўл, ҳар бир юк машинаси ва ҳар бир тун ўша кечани эслатадиган бўлди.

Санъат муҳитида эса хабар бир неча соат ичида тарқалди.

“Актриса Соҳиба фожиали тарзда вафот этди”.

Бу хабар телефондан телефонга ўтди.

Кимдир ишонмади. Кимдир “ахир кечагина кўрган эдим”, деди. Кимдир унинг ролларидан бирини эслади. Кимдир унинг эски суратини жойлади.

Кимдир: “Жуда яхши актриса эди”, деб ёзди.

Соҳибанинг ижодий фаолияти ҳақида мақолалар пайдо бўлди. Архивлардан унинг суратлари топилди. Бир вақтлар зални ларзага келтирган саҳна лавҳалари яна ижтимоий тармоқларга чиқ-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди.

Унинг ҳаёти энди одамларнинг хотирасида бошланарди. Қизиғи, тириклигида унга телефон қилмаганлар, ёрдам беришдан бош тортганлар ҳам уни “Қадрдоним эди”, дея эслай бошлашди.

У билан йиллар давомида бирга ишлаганлар унинг қандай истеъдодли бўлганини айтишди. Айримлар унинг меҳрибонлигини эслади. Яна кимдир биринчи марта учрашган кунини ҳикоя қилди.

Соҳиба ҳақида яхши гаплар кўпайди. Ҳамма уни яхши кўргандай эди.

Аммо Севара бу гапларни эшитган сари ўзини янада оғир ҳис қила бошлади. У хабарни телевизордан эшитди.

Дастур бошловчиси Соҳибанинг ижодий йўлини қисқача ёритиб, унинг фожиали ўлими ҳақида хабар берди. Экранда Соҳибанинг саҳнадаги эски суратлари намойиш этилди.

Севара экранга қараб турди. Соҳиба жилмаяётган эди. Севара эса ўша табассум ортида нималар яширинганини энди кўпроқ англарди.

Телевизорда:

– Яқинлари ва мухлислари марҳумани катта ҳурмат билан ёдга олмоқда... – деган гап янгради.

Севара телевизор овозини пасайтирди.

Унинг кўзи эшик томон тушди. Ўша эшик. Соҳиба жомадонини кўтариб турган эди.

“Мендан қўрқяпсанми?”

Севара ўша лаҳзани яна бир бор эслади.

У жавоб бермаганди. Нега жавоб бермаганини энди ҳам билмасди. Балким, “йўқ” дейиши керак

www.ziyouz.com kutubxonasi

эди. Балким, “ҳа” дейиши керакмиди. Балким, бошқа гап айтиши керак эди.

Аммо ўша пайтда ҳеч бир сўз вазиятни ўзгартиришга қодир эмасдек туюлган.

Севара кўзларини юмди.

– Мендан қўрқяпсанми?

Орадан вақт ўтса ҳам бу савол унинг хотирасидан кетмаётганди.

У фақат битта нарсани ҳис қилди: Соҳиба эшикдан чиққан куни у дугонасини уйидан чиқарган эди. Энди эса унинг ҳаётидан чиқариб юборилганини қайтаришнинг иложи йўқ эди.

Севара телевизорни ўчирди.

Хона қоронғилашди.

Бир неча дақиқадан кейин у боласининг хонасига кирди. Бола ухлаб ётарди. Севара унинг ёнига ўтириб, сочларини силади.

Бола кўзини очмади.

– Она...

– Ҳа?

– Соҳиба хола қаерда?

Севара жавоб беролмади.

Бола яна ухлаб қолди.

Севара эса унинг ёнида ўтириб қолди.

Тириклик билан ўлим ўртасида баъзан бир неча дақиқагина бор. Аммо инсон бу масофанинг қанчалик қисқа эканини фақат кеч бўлганда англайди.

Санъат дунёсида эса Соҳибанинг ўрни энди бошқа актриса билан тўлдирилиши мумкин эди.

Саҳна яна очиларди. Парда яна кўтариларди. Қарсаклар яна янграрди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фақат Соҳиба энди саҳнага қайтмасди.

Унинг сўнгги саҳнаси эса театрда эмас, одамлардан узоқ бир йўлда тугаганди.

XI ҚИСМ. АЙБДОР КИМ?

Соҳибанинг дафн маросими ўтиб кетганидан кейин ҳам унинг номи одамлар тилидан тушмади.

Аввалига ҳамма бир нарса ҳақида гапирди: юк машинаси ҳайдовчиси. Кимдир уни шафқатсизликда айблади, кимдир қаттиқроқ жазо бериш кераклигини айтди.

"Агар у ўшанда машинасини тўхтатганида, ҳаммаси бошқача бўларди", деган гаплар ҳам эшитилди. Бу фикрда ҳақиқат бор эди. Аммо вақт ўтиши билан бошқа бир савол ҳам пайдо бўлди: "Соҳиба нега ўша машинага чиқиб қолди?". Шу савол билан бирга одамларнинг нигоҳлари бошқа томонга бурилди.

Кимдир Севарани тилга олди. Аввалига бу гаплар шивирлаб айтилди. Кейин ижтимоий тармоқларда очиқ ёзила бошлади.

"Дугонаси уйидан чиқармаганида, тирик қоларди".

"Ахир бошқа жой топиб берса бўларди".

"Бечора аёлни кўчага ҳайдаб юборибди".

"Шундан кейин ўлган".

Севара бу гапларни биринчи марта ўқиганда телефонни қўлидан тушириб юборишига сал қолди. У экранга узоқ тикилиб турди. Бирор кимса унинг эшигида туриб, ўша кечани бошидан охиригача кўриб тургандай гапирарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аммо ҳеч ким ўша уйда бўлмаганди. Ҳеч ким боланинг кечалари уйқусираб: “Ойи, Соҳиба хола ўладими? Биз ҳам ўламизми?” – деб сўраганини эшитмаганди.

Ҳеч ким Севаранинг икки кун давомида қарор қабул қила олмай, ўзини ўзи еб қўйганини билмасди.

Ҳеч ким унинг “Мен сенга ёрдам бермоқчиман” деган гапига “Менга ёрдам керак эмас!” деган жавобни эшитмаганди.

Ҳеч ким эшик олдидаги ўша саволни ҳам эшитмаганди: “Мендан қўрқяпсанми?”.

Севара телефонни ўчирди.

Аммо экран ўчиши билан гаплар ҳам ўчиб кетмади.

Улар энди унинг ичида давом этарди.

Тунда Севара ётоқда узоқ вақт уйқуга кетолмади. Эри ёнбошида тинч ухлар, боласи эса бошқа хонада ётарди. У шифтга қараб, бир саволни қайта-қайта хаёлидан ўтказарди: “Агар ўша куни уни чиқармаганимда-чи?”.

Бу саволга жавоб топиш мумкин эмас эди. Чунки ҳаётдаги энг оғир саволларнинг баъзиларига далил билан жавоб бериб бўлмайди.

Балким, Соҳиба унинг уйида қолганида, бу фожиа содир бўлмасди.

Балким, бир неча кундан кейин бошқа жойга кетарди.

Балким, ўша куни бошқа машинага чиқарди.

Балким...

Севара “балким” деган сўздан нафратлана бошлади. Чунки “балким” ўтмишни ўзгартирмас,

www.ziyouz.com kutubxonasi

фақат тирик одамни айблаш учун янги йўл очарди.

Бир куни у Соҳибанинг эски суратларини кўриб ўтирган эди. Саҳнадаги Соҳиба. Кулиб турган Соҳиба. Томошабинларга таъзим қилаётган Соҳиба. Ҳар бир суратда унинг юзида ишонч бор эди.

Севара суратларнинг бирини қўлига олди.

– Сенга ёрдам беришим керак эди, – деди у.

Кейин яна бир фикр пайдо бўлди.

"Қандай ёрдам?"

У шу ерда тўхтаб қолди. Чунки инсон бошқадан ёрдам талаб қилиш осонлигини, аммо ўша ёрдамнинг аниқ шаклини айтиш қийинлигини энди англарди.

"Даволатишинг керак эди".

Ким даволатади?

"Бошпана беришинг керак эди".

Қанча вақтга?

"Иш топиб беришинг керак эди".

Қайси ишга? Ҳеч ким ишга олмади-ку.

"Ёнида бўлишинг керак эди".

Қандай қилиб?

Севара кўзларини юмди. Унинг олдида бир эмас, ўнлаб саволлар пайдо бўлди.

Аммо бу саволларни берганлардан ҳеч бири Соҳиба тириклигида уларнинг жавобини излаб кўрмаган эди.

Ўлимдан кейин эса ҳаммада ечим пайдо бўлди. Кимдир унинг учун шифокор топди.

Кимдир уй топиш мумкинлигини айтди.

Кимдир иш бериши мумкинлигини ёзди.

Кимдир "Мен билганимда, албатта ёрдам берардим", – деди ўзини ҳожатбарор кўрсатиб.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Севара шу гапларни ўқиб, аччиқ жилмайди.

“Билганингизда...”

Соҳибанинг тириклигида унинг аҳволи ҳеч кимга сир эмас эди.

Унинг тушкунлиги ҳақида гаплар чиққан.

Унинг одамлар билан муносабати ўзгарганини яқинлари кўрган.

Унинг ишсиз қолганини билганлар бўлган.

Унинг бошпанасига эҳтиёж сезганини эшитганлар ҳам бор эди.

Аммо тирик одамга ёрдам бериш учун “билганимда” деган шарт керак эмасди.

Кўришнинг ўзи етарли эди.

Бироқ кўпчилик томошабин бўлиб, шунчаки қараб туришни “кўргандай бўлиш” деб ўйлайди.

Шу кунларда Севарага бир неча одам қўнғироқ қилди. Айримлари тасалли билдирди. Айримлари эса билвосита таъна қилди.

– Сиз ҳам қаттиқ қарор қилибсиз-да...

Севара жавоб бермади.

– Ахир дугонангиз эди.

– Ҳа.

– Уйингизда қолса бўлмасмиди?

Севара бир неча сония жим турди.

– Сиз унинг ўша пайтдаги ҳолатини кўрганмисиз?

Нариги томон жавоб бермади.

– Йўқ.

– Унда мендан кўра яхшироқ қарор чиқаришингизга нима асос бўлди?

Телефоннинг нариги томонида яна жимлик.

Севара қўнғироқни тугатди.

Аммо бу савол энди унинг ўзига ҳам тегишли

www.ziyouz.com kutubxonasi

эди.

Мен ўшанда тўғри қарор қабул қилдимми?

У бу саволдан қоча олмасди.

Бир кеча Севара ёлғиз қолиб, Соҳибанинг жомадонини эслади. Уйидан чиқиб кетаётганида Соҳиба жомадонини маҳкам ушлаб олганди. Унинг ичида кийимлар, дорилар, косметика ва театрнинг эски чиптаси бор эди.

У жомадонни кўтариб кетган. Аммо аслида ўзи билан нимани олиб кетганини ҳеч ким билмаган.

Балким, унинг ичидаги энг оғир нарса – одамлардан узоқлашиб бораётганини англаш эди.

Севара бошини эгди. У Соҳибанинг ўлимига сабабчи бўлганми? Бу саволга "ҳа" дейиш ҳам, "йўқ" дейиш ҳам осон эмасди.

Чунки ўлимдан кейин одамлар кўпинча битта сабаб қидиради.

Битта одам. Битта хатолик. Бир дақиқа. Битта қарор.

Гўё инсон тақдири биргина нуқтада синадигандек.

Аслида эса баъзи фожиаларнинг йўли узоқ бўлади.

Улар бир кунда бошланмайди.

Соҳибанинг ҳалокати ҳам ўша қоронғу йўлда бошланмаган эди.

Балким, у Жаҳонгирнинг уйидан чиққан куни бошланган.

Балким, ундан ҳам олдин.

Балким, ўзини биринчи марта кераксиз ҳис қилган куни.

Балким, саҳнада минглаб одамлар олқишлаёт-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ганда, уйига қайтиб ҳеч кимни тополмаган кечалардан бирида.

Балким...

Севара бу фикрлардан чарчади.

У стол устидаги газетани олди.

Биринчи саҳифада Соҳибанинг сурати бор эди.

Сарлавҳа йирик ҳарфларда ёзилган: “Актрисанинг ўлимига ким айбдор?”

Севара шу сарлавҳага узоқ қараб турди.

Кейин газетани ёпди.

Аммо савол ёпилмади.

У энди фақат Севаранинг саволи эмасди.

Бу саволни ҳар бир ўқувчи, ҳар бир томошабин, ҳар бир инсон ўзига бериши керак эди.

Негаки, Соҳиба бир кечада ҳалок бўлган бўлса-да, унинг ёлғизлиги бир кечада пайдо бўлмаганди.

Актрисанинг ўлимига ким айбдор?

Ҳайдовчими?

Севарами?

Уни ташлаб кетган эрими?

Фарзандсизликми?

Ёрдам бермаган одамларми?

Уни фақат саҳнадаги қиёфаси билан таниб, инсон сифатида кўришга уринмаганларми?

Ёки...

Севара шу саволнинг охиригача боришдан қўрқди. Баъзан энг оғир айбдорни бошқалардан қидириш осон.

Унинг номи эса инсоннинг ўз қалбида ёзилган бўлиши мумкин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

XII ҚИСМ. ҲУКМСИЗ ҲУКМ

Севара ўша газетани бир неча кундан кейин яна қўлига олди.

Сарлавҳа ҳамон ўша эди: “Актрисанинг ўлимига ким айбдор?”

Газета буришиб кетган, саҳифаларининг четлари титилиб қолганди. У сарлавҳа остидаги мақолани ўқимади. Ўқиса ҳам, ундан янги бир ҳақиқат топа олмаслигини биларди. Одамлар ўз ҳукмини аллақачон чиқариб бўлган эди.

Кимдир ҳайдовчини айбларди. Кимдир Севарани. Кимдир Жаҳонгирни. Яна кимдир “унинг ўзида айб бор эди”, деб қўярди.

Ҳар кимнинг гапида қандайдир ҳақиқат бордек туюларди. Аммо ҳар бир ҳақиқатнинг ортида айтилмай қолган яна бир ҳақиқат турарди.

Севара газетани буклаб, стол устига қўйди.

Шу пайт кўзи диван ортида турган ёндафтарга тушди. Соҳибаники.

У уни уйдан чиқиб кетаётганда жомадонига солмаган экан. Ё унутиб қолдирган ё лаш-лушларини йиғиштираётган пайти тушиб қолган.

Севара ёндафтарни қўлига олди.

Бир неча сония очишга журъат қилмади.

Гўё ёндафтарнинг ичида тирик одамнинг нафаси қолгандек эди.

Ниҳоят, уни очди.

Дафтарнинг муқоваси эскириб кетган.

Севара уни очди. Биринчи саҳифаларда роль номлари, саҳна кўринишлари, айрим режиссёрларнинг қайдлари бор эди. Баъзи жойларда Соҳи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

банинг қўли билан ёзилган қисқа гаплар учрарди.

“Бу саҳнада йиғлаш шарт эмас”.

“Оғриқни кўз билан акс эттириш”.

“Қаҳрамон жавоб бермайди, чунки жавоби йўқ”.

Севара саҳифаларни секин варақлади. Сўнг бир жойда қўли тўхтади. Саҳнадаги бир образ ҳақидаги қайдлар орасида битта жумла ёзилган эди:

“Одам ҳамма нарсага чидаши мумкин. Аммо ўзини кераксиз ҳис қилса, бунга асло чидаб бўлмайди ва яшашдан маъно қолмайди”.

Севара дафтарга тикилиб қолди.

Бу саҳна учун ёзилган фикрмиди?

Ёки Соҳиба уни ўзи учун ёзганмиди?

Бу саволга энди ҳеч ким жавоб бера олмасди.

Севара дафтарни ёпди.

Бироқ қўлини унинг муқовасидан узмади.

Шу лаҳзада у Соҳибага ёрдам бериш деганда нимани тушунганини эслади.

Уй бериш. Овқат бериш. Шифокор топиш. Иш қидириш. Дори олиб бериш. Буларнинг барчаси муҳим эди.

Аммо инсон баъзан улардан ҳам олдинроқ бошқа нарсага муҳтож бўлади.

Унинг борлигини биров тан олишига.

“Сен ҳали кераксан”, дейишига.

“Сенинг ҳаётингга бефарқ эмасман”, деган оддий гапга.

Севара бошини эгди.

У Соҳибага бу гапларни айтганмиди?

Эслай олмади.

Балким, айтгандир.

Аммо энди қайси гап қачон айтилгани ҳам аҳа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

миятини йўқотганди.

Соҳиба кетган. Унинг ўрнида эса жавобсиз саволлар қолган.

Севара дафтарни кўксига босди.

Шу пайт боласи хонага кирди.

– Ойи, бу нима?

– Соҳиба холангнинг дафтари.

Бола унга яқинлашди.

– У киши ёзганми?

– Ҳа.

– Менга кўрсатинг.

Севара дафтарни болага узатмади.

– Кейин.

Бола унга қараб турди.

– Ойи...

– Ҳа?

– Сиз Соҳиба холадан қўрққанмидингиз?

Севара бир лаҳза жавоб бермади.

Бу саволни бир вақтлар Соҳибанинг ўзи берган эди.

Энди эса уни боласи беряпти.

Севара унинг кўзига қаради.

– Ҳа, – деди у ниҳоят.

Бола ҳайрон бўлди.

– Нега?

Севара унинг елкасидан қучди.

– Баъзида одамнинг ўзидан эмас, унга нима бўлаётганидан қўрқиш керак.

Бола бу жавобни тушунмади.

Балким, ҳали тушунмаслиги ҳам керак эди.

Севара чиндан ҳам Соҳибадан қўрққанини англади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Аммо Соҳибани ташлаб қўйишдан ҳам қўрққанди. Икки қўрқувнинг ўртасида қолган одам баъзан қарор қабул қилади.

Кейин эса ўша қарорнинг оқибати билан яшайди.

Севара шуни тушунди.

У ўзини оқламади. Ўзини айбламади ҳам. Энди бунинг иккаласи ҳам осон йўл эканини тушунарди.

“Мен айбдор эмасман”, дейиш – қалбни енгиллаштиради.

“Ҳаммаси менинг айбим”, дейиш ҳам – баъзан одамга ўзини муҳим ҳис қилиш имконини беради.

Гўё бутун бир инсон тақдири унинг битта қарорига боғлиқ бўлгандай.

Аслида эса Соҳибанинг ҳаёти Севаранинг эшигидан анча олдин бошланган ва унинг эшигидан чиққанидан кейин ҳам давом этган.

Унинг болалиги бор эди.

Орзулари бор эди.

Истеъдоди бор эди.

Муҳаббати бор эди.

Йўқотишлари бор эди.

Ёлғиз кечалари бор эди.

Уйқусиз тонглари бор эди.

Дорилар бор эди.

Ичимлик бор эди.

Уни тушунмаганлар бор эди.

Тушунишга уринмаганлар бор эди.

Ёрдам беришга қодир бўлиб, четда турганлар бор эди.

Ва охирида бир қоронғу йўл бор эди...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Соҳиба шу йўлда ҳаётидан айрилди. Аммо уни ўша йўлга олиб борган йўллар битта эмасди.

Севара ўрнидан турди.

Дераза олдига борди. Ташқарида оддий ҳаёт давом этарди. Машиналар ўтарди. Одамлар ишга шошарди. Қўшни ҳовлида болалар кулгиси эшитиларди.

Дунё эса Соҳиба вафот этган куни тўхтаб қолмаганди.

Саҳналар яна очилди. Актёрлар яна гримхонага киришди. Режиссёрлар янги спектакллар тайёрлашди. Томошабинлар яна қарсак чалишди.

Соҳибанинг ўрни ҳам бир куни бошқа актриса билан тўлдирилди.

Бу ҳаётнинг шафқатсиз, аммо ўзгармас қонуни эди.

Инсон кетади. Саҳна қолади. Парда яна кўтарилади. Севара стол устидаги дафтарга қайтиб қаради.

Ундаги охирги жумла ҳали ҳам ёпилмаган саволдек турарди.

“Одам ҳамма нарсага чидаши мумкин. Аммо ўзини кераксиз ҳис қилса, бунга асло чидаб бўлмайди ва яшашдан маъно қолмайди”.

Севара дафтарни ёпди.

Шу куни у Соҳибанинг дафтарини ҳеч кимга кўрсатмади.

На журналистларга. На танишларга. На унинг ўлими ҳақида баланд овозда гапираётганларга.

Марҳумларнинг ҳаёти ҳақида ҳукм чиқариш тирик одамлар учун жуда осон.

Ўлган одам эса эътироз билдиролмайди. Ўзи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни ҳимоя қилолмайди. “Мен бундай эмасдим”, деб айта олмайди. “Менга ёрдам керак эди”, деб қўлидан ушлай олмайди. “Мендан қўрқманг”, деб эшик олдида туролмайди.

Севара эшик томон қаради.

Ўша эшик.

Бир вақтлар Соҳиба жомадонини кўтариб, кириб келган ва чиқиб кетган эшик.

Унинг хаёлида ўша манзара яна жонланди.

Соҳиба остонада турарди.

Кўзларида ранжиш ҳам, ҳайрат ҳам, қандайдир болаларча ишонч ҳам бор.

“Мендан қўрқяпсанми?”

Севара ўша куни жавоб бермаганди.

Энди эса у жавобни билади.

– Ҳа, – деди у бўш хонага қараб.

– Лекин сендан эмас.

Унинг овози титради.

– Сенинг ёлғизлигингдан қўрққан эканман.

Севара эшикни очди.

Йўлак бўм-бўш эди.

У бир муддат остонада турди.

Кейин эшикни ёпмади. Шу ҳолда қолдирди. Гўё кимдир яна келиши мумкиндай. Гўё кечиккан меҳмон учун эшик очиқ туриши керакдай.

Гўё баъзи эшиклар одамни уйга киритиш учун эмас, инсоннинг қайтиб келиш имкониятини сақлаб қолиш учун очиқ қолиши керакдай.

У стол ёнига қайтиб келди.

Газетани яна қўлига олди.

Сарлавҳа ҳамон ўша эди: “Актрисанинг ўлимига ким айбдор?”.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Севара бу сафар унга жавоб қидирмади. Газетани буклади. Дераза ёнига қўйди.

Ташқарида кун ёришиб борарди.

Соҳибанинг ўлимига ҳукм чиқариш осон эди.

Унинг ёлғизлигига ҳукм чиқариш эса – ҳар биримиз ўзимиздан бошлашимиз керак бўлган иш эди.

Баъзан инсоннинг ҳаётини катта бир иш эмас, вақтида айтилган оддий бир гап сақлаб қолиши мумкин:

“Боринга шукур!”.

“Яхшиям ҳаётимда Сен борсан!”.


“Сен менга кераксан!”.

“Сени яхши кўраман!!!”...

Ва баъзида, жуда кеч бўлса-да, инсон энг оғир эшик – ёпилган эшик эмас, тирик одамнинг қалбига очилмай қолган эшик эканлигини англайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi



www.ziyouz.com kutubxonasi

“САҲНА ОРТИДАГИ СОЯ”

I-ҚИСМ
ПАРДА

Қарсаклар тўлқини зални зир титратди. Бу шунчаки олқиш эмас, юзлаб одамларнинг бир инсонга – саҳна марказида таъзим қилаётган Анварга йўллаган эҳтироми эди. У бошини эгди, қаддини ростлади, яна бир бор таъзим қилди. Юзида самимий, бахтиёр, ҳатто бироз мағрур табассум порлар, кўзларида саҳна чироқларининг ёруғлиги жилваланарди.

У бу лаҳзаларни яхши биларди. Қайси пайтда бош эгишни, қачон бир қадам орқага чекинишни, табассумни қанча ушлаб туришни йиллар давомида ўрганган эди. Қарсаклар кучайди. Залнинг қаеридадир кимдир унинг исмини чақирди.

– Анвар! Анвар!

У қўлини кўтариб, томошабинларга миннатдорлик билдирди.

Бугунги спектакль ҳам муваффақиятли ўтганди. У одамларни кулдирди, ўйлантирди, кимнингдир кўзига ёш келтирди. Яна бир бор саҳна унинг овозига, нигоҳларига, ҳаракатларига бўйсунганди.

Сўнг оғир бахмал парда секин пастлай бошлади.

Аввал залнинг юқори қаторлари кўздан ғойиб бўлди. Кейин биринчи қатордаги юзлар, гулдасталар, қимирлаётган қўллар, телефонларнинг хира шуъласи беркинди. Қарсаклар ҳам парда ортида

www.ziyouz.com kutubxonasi

қолиб бораётгандек эди.

Парда Анвар билан томошабин ўртасига тушди. Ва унинг юзидаги табассум ҳам шу заҳоти сўнди. Ўзгариш шу қадар тез юз бердики, ёнида турган ҳамкасби буни пайқамади.

– Офарин, Анвар ака! – деди кимдир орқасидан. – Бугун яна томошабинлар эътиборини ўзингизга қаратиб қўйдингиз.

– Табриклайман!

– Спектакль жуда зўр ўтди!

Елкасига қўллар тегди, қўллар сиқилди, кимдир қучоқлади. Анвар ҳаммасига бир хил жавоб қайтарди:

– Раҳмат.

У бу сўзни шу қадар кўп айтган эдики, энди унинг маъносини ўйламасдан ҳам талаффуз қила оларди.

Йўлак бўйлаб гримхонаси томон юрди. Қадамлари оғир эмасди, лекин ҳар бир одими гўё ўзидан узоқлашиб бораётган одамникидай эди. Гримхона эшиги олдига келгач, тўхтади. Қўлини тутқичга қўйди. Ичкари кирди. Эшикни ёпди. Сўнг занжирни солди. Темирнинг қисқа жаранглаши хонада эшитилиб, деворларга урилиб қайтди.

Анвар бир неча сония эшикка қараб турди. Нариги томонда театр ҳаёти ҳали ҳам давом этаётган эди. Қадам товушлари, кулги, телефон қўнғироқлари, саҳна анжомларининг сурилиши эшитилиб турарди. Аммо эшик ёпилиши билан уларнинг барчаси гўё узоқлашди.

Гримхона кичик эди: стол, кресло, илгакларга осилган либослар, грим қутичалари, сув солинган

www.ziyouz.com kutubxonasi

пиёла ва уларнинг қаршисида катта кўзгу. Кўзгу атрофида тизилган сариқ лампалар Анварнинг юзига тик нур сочарди.

У оромкурсига ўтирди. Қўлларини тиззасига қўйди. Бир неча лаҳза қимирламади.

Саҳна қаҳрамони ҳали ҳам унинг юзида эди: қошлари тартибга келтирилган, кўз атрофига қора чизиқлар тортилган, лабларига саҳна учун мос ранг берилган. Чироқлар унинг чеҳрасидаги чарчоқни яшириб турарди.

Анвар қўлини кўтарди. Бармоқлари билан юзининг ён томонига тегди. Сўнг столдан пахта олди. Тозаловчи суюқликка ботириб, пешонасига босди. Оқ пахтада бўёқ изи қолди. Яна бир ҳаракат. Яна бири.

Театр қаҳрамони қатлам-қатлам йўқола бошлади. Унинг ўрнида оддий одам пайдо бўлди. Кўз остидаги кўкаришлар. Пешонадаги майда ажинлар. Уйқусизликдан оғирлашган нигоҳ.

Анвар тозалашни тўхтатди. Қўли ҳавода муаллақ қолди. У кўзгуда ўз кўзларига қаради. Шу пайт ўнг қўлининг енгил титраётганини сезди. Қўлини стол устига қўйди. Титроқ бироз босилди. Аммо бутунлай йўқолмади.

У яна пахта олди ва юзидаги сўнгги бўёқ изини артиб ташлади. Сўнг кўзларини юмди.

Ташқарида кимдир баланд овозда кулди. Анвар кўзини очди. Чироқлардан бири пирпиради. Бир марта. Иккинчи марта. Сўнг ўчди. Хона ярим қоронғу бўлиб қолди. Шу қисқа фурсатда Анвар ўзини қоронғиликнинг ичида тургандай ҳис қилди.

Чироқ яна ёнди. Хона ҳам аввалгидай ёришди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Анварнинг нигоҳлари столнинг бир четида ётган эски чарм муқовали дафтарга тушган эди. Дафтарнинг бурчаклари ейилган, муқоваси бир неча жойидан тирналган. Унга йиллар тегиб ўтгани кўриниб турарди. Анвар қўлини узатди. Бармоқлари муқовага тегди. Дарҳол қўлини тортиб олди. Гўё иссиқ нарсага теккандек. Дафтарни яна бир бор кўздан кечирди. Бу оддий дафтар эмаслигини унинг ўзи биларди. Унда саҳна матнлари йўқ эди. Мукофотлар рўйхати ҳам. Роллар ҳақида қайдлар ҳам. Бу дафтарда Анвар актёр эмасди.

Анвар дафтарни олди. Муқовасини кафтлари орасида маҳкамлади. У дафтарни секин очди.

Биринчи саҳифа. Сарғайган қоғоз. Қора сиёҳда ёзилган сана. 15 январ.

Анварнинг бармоқлари саҳифа четида қотиб қолди. У бир лаҳза нафас олишни ҳам унутди. Сўнг дафтарни шошмасдан ёпди. Юзида қўрқув эмас, йиллар давомида бир жойга йиғилиб қолган оғриқнинг оғир сояси пайдо бўлди.

Ташқарида яна қарсаклар эшитилди. Кимдир театр фойесида Анвар ҳақида гапирарди. У эса эшик ортида, сариқ чироқлар остида, ўзининг энг катта ролига ҳали кирмаган эди. У роль саҳнада эмасди.

Бу роль – унинг ўзи эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

II-ҚИСМ
СОЯ

Анвар дафтарни қўлида ушлаб, бир неча дақиқа очмай ўтирди. Стол устидаги сариқ чироқ унинг муқовасига хира нур сочар, ейилган бурчаклар эса йиллар давомида неча марта ушланганини билдириб турарди. Бу дафтарни у ёзган. Ўзи. Аммо баъзи саҳифалар бор эдики, уларни одам ўз қўли билан битган бўлса ҳам, кейинчалик ўзининг ёзувидек қабул қилолмас экан.

Анвар бармоғини муқова бўйлаб юргизди. Сўнг дафтарни яна очди.

“15 январ”. У икки сўзни яна бир бор ўқиди. Бу сана унинг хотирасида ҳеч қачон оддий сана бўлмаган. Лекин йиллар ўтган сари у уни бошқача номлашга уринган: “Премьера куни”, “Театрдаги катта кеча”, “Ҳаётимдаги бурилиш”. Нима деса ҳам, сана ўз маъносини ўзгартирмасди.

Анвар кейинги саҳифани очди. Қора сиёҳда қисқа қайдлар.

“10:00 – репетиция”.

“14:30 – грим”.

“19:00 – премьера”.

Сўнг пастроқда:

“Онам – шифохонада”.

Анварнинг кўзи шу икки сўзда қотди. Қалам билан ёзилган оддий қайд. Гўё онаси ҳам ўша кунги бошқа ишлар қаторида қайд этилган бир вазифа эди. Анвар лабларини қаттиқ тишлади.

– Йўқ...

Бу сўз ўз-ўзидан чиқиб кетди. У дафтарни ёп-

www.ziyouz.com kutubxonasi

моқчи бўлди. Аммо қўли ҳаракат қилмади. Хотира баъзан эшикни тақиллатиб кирмайди. Унинг ўз калити бўлади. Анвар кўзларини юмди. Ва бир йил аввалги қиш яна бошланди.

***

Ўша кун эрталаб шаҳарни совуқ қамраб олганди.

Театр ҳовлисида қор кечаси ёғиб, йўлак четларида музлаб қолган. Анвар саҳна эшигидан киргани-да қўлида сценарий, чўнтагида телефон бор эди. Телефонни чиқариб, экранга қаради.

Синглисидан хабар келган. "Эрталаб шифокор билан гаплашдим. Онамизнинг аҳволлари ўзгармаган".

Анвар хабарни ўқиди. Бир неча сония экранга тикилиб турди. Сўнг телефонни ўчирди.

"Премьерадан кейин бораман". У бу қарорни ичида такрорлади. Гўё бир марта эмас, бир неча бор айтса, қарор тўғрига айланадигандек.

Театрнинг ичкарисида ҳаёт аллақачон қизиб кетганди. Декорациялар текширилар, саҳна анжомлари жойига қўйилар, актёрлар матнларини такрорларди.

Режиссёр уни кўриб:

– Бугун биз учун муҳим кун, – деди.

Анвар бош ирғади.

– Бу роль сиз учун катта имконият.

– Раҳмат.

Режиссёр унинг елкасига қўл қўйди.

– Бугун ўзингизни аяманг.

Анвар жилмайди.

– Аямайман.

У бу сўзни айтганда, нима учундир онасининг

www.ziyouz.com kutubxonasi

юзи кўз олдига келди. Кўзларини бир лаҳза юмди. Сўнг яна ишга қайтди.

Унинг учун бу икки дунё ўша куни ёнма-ён мавжуд эди: бири – шифохонанинг оқ деворлари, иккинчиси – саҳнанинг ёрқин чироқлари. Улар ўртасида эса Анвар турарди.

***

Тушга яқин телефон жиринглади.

Анвар репетицияда эди. Телефон чўнтагида титради. У қўлини чўнтагига солди, экранга қаради.

Синглиси. Биринчи қўнғироқ. У қабул қилмади. Телефон тўхтади.

Анвар саҳнага қайтди.

– Яна бир марта, – деди режиссёр.

Анвар шериги билан саҳнадаги парчани такрорлай бошлади.

Телефон яна титради. Бу сафар Анварнинг қошлари бироз чимирилди. У экранга қарамади. Қўнғироқ тўхтади.

– Нимадандир безовталанаяпсизми? – деб сўради шериги.

– Йўқ.

– Аниқми?

– Ҳа.

У шу “ҳа” билан ўзини ҳам ишонтирмоқчи бўлди.

Телефон учинчи марта жиринглади. Анвар саҳна четида туриб қолди.

Режиссёр асабийлашди.

– Телефонни ўчириб қўйинг.

Анвар телефонни чиқарди. Экранда яна сингли-

www.ziyouz.com kutubxonasi

синининг исми. Бармоғи қабул қилиш тугмаси устида турди.

Шу лаҳзада у қўнғироқни олса, саҳнадан чиқиши кераклигини англади. Агар чиқса, репетиция тўхтайди.

Бугун премьера. Режиссёрнинг ишончи. Актёрларнинг тайёргарлиги. Залнинг чипталари. Унинг номи.

Шу фикрлар бир зумда миясидан ўтди. Сўнг яна бир фикр келди: "Онам кутаётган бўлса-чи?".

Анвар қўнғироқни қабул қилди.

– Алло?

Нариги томонда синглисининг нафаси эшитилди.

– Анвар ака...

Овоздаги титроқ унинг юрагини сиқиб юборди.

– Нима бўлди?

– Ҳозир гаплаша оласизми?

Анвар атрофига қаради. Режиссёр унга тикилиб турарди.

– Айтавер.

– Шифокор...

Синглиси тўхтади.

– Нима деди?

– Онамизнинг аҳволлари оғирлашибди.

Анварнинг кўзлари юмилди.

– Кечқурун албатта бораман.

– Анвар ака...

– Бораман дедим-ку.

– Эртароқ борсангиз...

У синглисининг гапини бўлди.

– Бугун премьера. Тушунаяпсанми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Нариги томонда жимлик. Анвар шу жимликдан ўзини айбдор сезди. Аммо айбдорлик ҳисси ҳали унда кучли эмасди. У уни бир четга суришга улгурди.

– Мен спектаклдан кейин дарров бораман.

– Хўп...

Синглисининг овози жуда паст чиқди. Қўнғироқ узилди. Анвар телефонни секин чўнтагига солди.

Режиссёр унга қараб:

– Ҳаммаси жойидами? – деди.

Анвар бош ирғади.

– Ҳа.

– Унда бошлаймиз.

У саҳнага қайтди.

***

Кечқурун театр одамларга тўлди.

Фойеда гулдасталар, парфюм ҳиди, паст овоздаги суҳбатлар, журналистларнинг саволлари аралашиб кетганди.

Анвар гримхонасида ўтирарди. Гримчи унинг юзига упа суртиб:

– Бугун чарчаган кўринаяпсиз, – деди.

– Премьера.

Телефони стол устида ётарди. Экран қоронғи. Анвар унга қараб турди. Сўнг телефонни қўлига олди. Синглисининг рақамини топди. Қўнғироқ қилишга уринди. Биринчи товушдан кейин қўлини тўхтатди.

"Спектаклдан кейин". Телефонни яна столга қўйди.

У шу пайт онаси уни кутиб турганини тасаввур қилди. Оқ чойшаб. Ёстиқ. Кўзлари юмилган она.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У ўзига: “Бораман”, деди. Бу сафар овоз чиқармади.

***

Спектакль бошланди.

Анвар саҳнага чиқди. Қарсаклар. Ёруғлик. Мусиқа. Матн. У ўз ролини мукаммал ижро қилди.

Бир саҳнада зал кулди. Бошқа бир саҳнада одамлар нафасини ичга ютди. Анвар эса ҳаммасини ҳис қилиб турарди.

Парда тушди. Томошабинлар ўрнидан турди. Қарсаклар яна янгради. Анвар таъзим қилди. Унинг кўзлари зални айланиб чиқди. Сўнг саҳна ортига қайтди. Телефонни қўлига олди. Экранда ўнлаб жавобсиз қўнғироқ. Ҳаммаси синглисидан. Анварнинг юраги бир марта қаттиқ урди.

Телефон яна жиринглади. У дарҳол қабул қилди.

– Алло?

Нариги томонда бир неча сония йиғидан бошқа ҳеч нарса эшитилмади.

– Анвар ака...

Бу овоздаги бир сўзнинг ўзи етарли эди.

– Нима бўлди?

Синглиси йиғидан ўзини тўхтата олмасди.

– Онамиздан айрилиб қолдик.

Анвар деворга суянди. Оёқлари бўшашиб кетди.

– Қачон?

– Сиз саҳнага чиқишингиздан олдин...

Анвар кўзларини юмди. Қарсаклар ҳали ҳам залдан эшитиларди. Бироқ энди ҳар бир қарсак унинг қулоғида бошқача янграрди.

У бир неча сония гапира олмади.

– Мен...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Овози чиқмади.

Синглиси тинмай йиғларди.

– Онам сизни роса кутдилар.

Анварнинг қўлидаги телефон титрай бошлади.

Синглиси йиғи орасида гапирди:

– Фақат "Анвар келдими?" деб қайта-қайта сўрадилар.

Анварнинг кўзларидан ёш чиқди. У деворга пешонасини қўйди.

***

Анвар кўзларини очди.

Гримхона. Сариқ чироқ. Кўзгу. Дафтар. Унинг қўли ҳали ҳам ўша саҳифа устида эди. Ташқарида театрнинг овозлари эшитиларди. Аммо энди у уларни аввалгидек узоқдан эшитмасди.

У дафтарни яна очди. Бир саҳифанинг пастида ўз қўли билан ёзилган яна бир жумла бор эди: "Мен бораман дедим. Аммо боролмадим".

Анвар бу сатрга узоқ қараб турди. Фақат паст овозда:

– Мен бормоқчи эдим... – деди.

Сўнг бир лаҳза тўхтаб:

– Лекин боришга улгуролмадим.

Бу гап билан у яна ўзини оқлашга уринганини ўзи ҳам сезди. Унинг ичида йиллар давомида яшаб келган овоз яна бош кўтарди: "Сен айбдор эмассан. Сен ишингни қилдинг. Томошабинлар сени кутган. Премьерани бекор қилиб бўлмасди".

Аммо унга қарши бошқа бир савол пайдо бўлди: "Премьера тугашини кутмай, олдинроқ бориш мумкин эмасмиди? Томоша онангдан азизмиди?".

Айрим саволларга инсон йиллар давомида жа-

www.ziyouz.com kutubxonasi

воб топа олмайди. Ёки жавобни билади-ю, уни айтишга журъати етмайди.

У дафтарни ёпди. у энди актёр эмасди. У фақат бир ўғил эди.

Кеч қолган.

III-ҚИСМ
СИНОВ

15 январь.

Анвар бу санани энди тақвимдан эмас, ўз танасидан ҳис қиларди.

Эрталаб театрга келганида ҳаво совуқ эди. Кечаси ёққан қор ҳовли четларида оқ қатлам ҳосил қилиб, одамлар босган жойларда майда қора изларга айланган. Саҳна эшиги олдидаги чироқ ҳали ўчирилмаган, унинг хира шуъласи нам асфальтда титраб турарди.

Анвар бир лаҳза эшик олдида тўхтаб қолди. Бугун яна 15 январ.

У бир йилдан бери бу санани унута олмасди. Кимдир туғилган кунини, кимдир тўй санасини эслаб юрганидек, Анвар ҳам бу кунни эсларди. Фақат унинг хотирасида бу сана байрам эмасди.

У эшикни очиб, ичкари кирди.

Театр ҳали уйғонмаган эди. Йўлакларда ярим қоронғулик. Декорацияларнинг узун соялари деворларга тушган. Қаердадир темир нарса сурилди. Кейин яна тинчиди.

Анвар гримхонасига кирди. Стол устидаги дафтар кўзига ташланди. У кеча уни уйига олиб кетишни ўйлаган, аммо олмаган эди. Балки атайлаб

www.ziyouz.com kutubxonasi

қолдиргандир. Балки ўзининг бир қисми шу ерда қолишини истагандир.

Эшик тақиллади.

– Анвар ака?

– Киринг.

Ёрдамчи режиссёр бошини ичкари суқди.

– Режиссёр саҳнага чақиряпти.

– Ҳозир.

Йигит чиқиб кетди. Анвар ўрнидан турди. Саҳна томон юрар экан, театрнинг таниш ҳидлари – бўёқ, ёғоч, мато ва чанг аралаш ҳид – унга болалигидан бери таниш бўлган бир дунёдек туюлди.

Саҳнада режиссёр сценарийни қўлида ушлаб турарди.

– Келинг, Анвар ака.

– Ассалому алайкум.

– Бугун охирги репетиция.

Анвар бош ирғади. Режиссёр декорация томон ишора қилди.

– Шу саҳнани яна бир марта такрорлаймиз.

Саҳнада катта стол, иккита курси ва орқа фонда ярим очиқ эшик тасвири бор эди. Спектакль онасидан айрилган фарзанд ҳақида эди. У фожиа ортида синмай, ҳаётни давом эттириши керак.

Режиссёр Анварга қаради.

– Сизнинг қаҳрамонингиз бу ерда ҳамма нарсани йўқотганини тушунади. Лекин у таслим бўлмайди.

Анвар сценарийга қаради.

– Тушундим.

– Йўқ, – деди режиссёр. – Тушуниш бошқа, ҳис қилиш бошқа.

Анвар унга қаради.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Нимани хоҳлаяпсиз?
– Унинг оғриғи саҳнада ўлиб қолмасин. У оғриқдан ўтиб, ҳаётга қайтиши керак. Мусибатларни мардонавор енгиб ўтиши лозим.

Анвар бироз жим турди.
– Тушунарли.
– Бор маҳоратингизни ишга солинг.

Бу гап Анварга кечаги дафтардаги сатрдан ҳам қаттиқроқ таъсир қилди. У режиссёрга қаради.
– Ҳар доим ҳам бор маҳоратини ишга солган одам кучли бўлиб қолавермайди.

Режиссёр бир лаҳза ҳайрон қолди.
– Буни спектакльдан кейин гаплашармиз.
– Хўп.

Репетиция бошланди. Анвар саҳна марказига чиқди.

Шериги унга қараб матнни бошлади:
– Энди нима қиласиз?

Анвар сценарийдаги жавобни айтди:
– Яшашда давом этаман.
– Қандай?
– Билмайман. Аммо яшайман.

Режиссёр:
– Тўхтанг!

Ҳамма қотиб қолди.
– Нима бўлди? – деди Анвар.
– "Яшайман" деган сўзни сиз ҳозир жуда осон айтдингиз.
– Матнда шундай.
– Матнни эмас, одамни ўйланг.

Анвар жим қолди. Режиссёр унга яқинлашди.
– Агар сиз чиндан ҳам яқин инсонингизни йўқот-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ган бўлсангиз, “яшайман” деган сўзни осон айтолмайсиз.

Анварнинг нигоҳлари бир нуқтада қотди. Режиссёр билмасдан унинг энг оғриқли жойига тегиб кетган эди.

– Яна бир марта, – деди у.

Анвар саҳнага қайтди. Бу сафар жавоб беришдан олдин узоқроқ турди.

– Энди нима қиласиз?

Анвар бошини кўтарди.

– Яшашда давом этаман. Ҳаёт тўхтаб қолмайди. Ўтмишни ортда қолдириб, бугун билан яшайман.

Овози паст эди. Аммо бу сафар залдаги ҳаво ўзгаргандек бўлди.

Режиссёр қўлини туширди.

– Мана. Энди ўхшади.

Анвар бошини эгди. У бу “мана”нинг нимани англатганини биларди. Унинг ичида эса бошқа бир савол уйғонди: “Мен-чи? Мен қачон яшайман?”.

***

Тушдан кейин театр гавжумлаша бошлади.

Кийимчилар либосларни тайёрлар, саҳна ишчилари декорацияларни текширар, гримчилар қутичаларини очиб қўярди. Йўлакларда одамларнинг қадамлари кўпайди.

Анвар залга кирди. Томошабинлар ҳали йўқ. У биринчи қаторгача тушди. Ўриндиқлар бир-бирига яқин тизилган.

Улардан бири бўш эди. Албатта, бошқалари ҳам бўш. Аммо Анварнинг кўзи айнан биттасига қадалди. У секин бориб, ўша ўриндиқ олдида тўхтади. Қўлини суянчиққа қўйди. Унда ҳеч қандай сир

www.ziyouz.com kutubxonasi

йўқ. Оддий ёғоч ва мато. Шунчаки ўриндиқ.

Аммо Анвар учун у йиллардан бери беркилмаган эшик эди. У ўша кунни эслади.

Премьерадан олдин онаси шифохонада ётарди. Синглиси қўнғироқ қилган. "Эртароқ келсангиз яхши бўларди".

У эса: "Спектаклдан кейин бораман", деган.

Онаси уни сўнгги бор кўришни истаган, илҳақ бўлиб кутган. Онаси нимани истаган? Келишинимми? Қўлини ушлашинимми? Ёки шунчаки овозини эшитишними? Ўлим ёқасига келган одам ҳеч нарса талаб қилмайди. Фақат яқин инсонининг ёнида борлигини ҳис қилишни истайди.

Анвар қўлини ўриндиқдан олди. Унинг бармоқлари совуқ эди.

***

Кечга яқин режиссёр яна саҳнага чақирди.

– Бугунги премьерада шу монолог сиз учун ҳал қилувчи вазифани бажаради.

Анвар сценарийни олди. Матннинг охирги қисмида шундай ёзилган эди: "Мен ўтмишни ўзгартиролмайман. Аммо эртанги кунни танлаш ҳуқуқи ҳали ҳам менда".

Анвар сатрни ўқиди.

– Бу жумла қоладими?

– Албатта.

– Нега?

Режиссёр ҳайрон қаради.

– Нимага нега?

– Одам ўтмишини ўзгартиролмаса, эртанги кунни танлаш ҳуқуқидан нима наф?

Режиссёр бироз ўйлади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Бу савол спектаклнинг вазифаси эмас.
– Мен учун эса шу савол муҳим.

Режиссёр унга тикилиб турди.

– Сиз вазифангизни бажаринг, бўлди. Нимани ёзиш ё ёзмаслик – драматургнинг вазифаси.

***

Кечки соат еттига яқин гримхона яна сариқ чироқлар билан тўлди.

Анвар оромкурсига ўтирди. Гримчи юзига упа суртаркан:

– Бугун жуда жиддийсиз, – деди.

Анвар жилмайди.

– Бугун мен учун унутилмас сана.
– Қандай сана?

Анвар жавоб бермади. Гримчи саволни қайтармади. Телефон стол устида ётарди. Анвар унга қаради. Синглисининг рақамига кирди. Бир неча сония экранга тикилди. Сўнг қўнғироқ қилди.

– Алло?
– Менман.

Нариги томонда синглисининг овози эшитилди.

– Ассалому алайкум, ака. Яхшимисиз?

Анвар гап бошлашга қийналди.

– Ваалейкум ассалом. Раҳмат. Ўзинг, куёвим, жиянлар яхши юришибдими?
– Раҳмат, ака. Зарур гапингиз бормиди? Овқат тайёрлаётгандим.
– Йўқ. Шунчаки ўзим. Овозингни соғиндим. Онамизнинг овозини эшитгандек бўламан овозингни эшитсам.

Нариги томонда оғир нафас эшитилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Синглиси овоз чиқармади.

Анвар давом этди:

– Нега мени ҳеч қачон айбламадинг?

– Энди бундан нима наф? Бўлиб ўтган воқеаларни ортга қайтара олмаймиз. Аммо онамиз ўшанда сўнгги нафаслари чиққунча сизни кутиб ўтирдилар.

Анварнинг лаблари титради.

– Соғ бўл, – деди у.

– Сиз ҳам ўзингизни эҳтиёт қилинг.

– Бугунги спектаклим премьерасига келмайсизларми?

– Узр, ака, вақтимиз йўқ. Хайр.

Қўнғироқ тугади. Анвар телефонни секин столга қўйди.

***

Биринчи қўнғироқ янгради.

Томошабинлар залга кириб бўлган. Анвар саҳна ортида туриб, пардага қаради. Қўли бахмалга тегди. У пардани сиқмади. Фақат ушлаб турди.

Саҳна бошқарувчиси:

– Тайёрланинг.

Анвар бош ирғади. Парда очилди. Чироқлар ёқилди.

У саҳнага чиқди. Биринчи саҳна ўтди. Иккинчи. Учинчи.

Ҳаммаси режадагидек. Анвар ўз ролини ижро қиларди. Аммо спектакль унинг ичига аста-секин кириб борарди.

Ниҳоят ҳал қилувчи саҳна келди. Унинг қаҳрамони онасидан айрилган, аммо ҳаётни танлашга мажбур инсон эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шериги унга қараб:

– Энди нима қиласиз? – деди.

Анварнинг кўзлари зални айланиб чиқди. У биринчи қаторга қаради. Бўш ўриндиқ. У яна ўша жойни кўрди.

Бу сафар у ерда онасининг қиёфасини эмас, ўзининг ўша кунги қиёфасини кўргандек бўлди.

Телефонни ушлаб турган қўл. "Премьерадан кейин бораман", деган овоз. Қарсаклар. Шифохона. Кеч қолиш. Армонга айланган лаҳзалар.

Анварнинг лаблари қимирлади.

– Энди нима қиласиз?

Шериги матнни такрорлади.

Анвар жавоб бериши керак эди. Унинг хотирасида эса онасининг овози эшитилгандек бўлди: "Анвар келдими?".

Анварнинг нафаси оғирлашди. Сценарийдаги сўзлар бир лаҳзага кўз олдида хиралашди. Саҳнадаги чироқлар одатдагидан ҳам ёркин туюлди. Унинг пешонасида иссиқ тер пайдо бўлди. Анвар бир марта кўзини юмди. Сўнг очди.

Биринчи қатордаги ўриндиқда онасининг кулиб ўтирган сиймоси гавдаланди.

Шу лаҳзада у саҳнадаги матн билан ўз ҳаёти ўртасидаги парда ҳам кўтарилганини ҳис қилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

IV-ҚИСМ
ГРИМНИНГ ЁРИЛИШИ

Анвар саҳна марказида турарди.

Чироқлар юзига тушиб, кўзларини қамаштирарди. Зал қоронғу. Биринчи қатордаги одамларнинг юзлари хира кўринар, фақат айрим нигоҳлар ёруғликка илиниб қоларди.

Шериги унга яқинлашди.

– Энди нима қиласиз?

Бу спектаклдаги навбатдаги жумласи эди. Шериги бу жумлани учинчи маротаба такрорлаб, ундан жавоб кутаётганди.

Қаҳрамон онасидан айрилган. Унинг олдида икки йўл қолган: ўтмишга қамалиб қолиш ёки оғриғи билан бирга ҳаётни давом эттириш.

Сценарийда жавоб тайёр. Анвар ўша сўзларни айтиши керак.

У лабларини очди.

– Мен...

Овоз чиқмади. Шериги унга қаради. Залда ҳеч ким қимирламади. Анвар яна уринди.

– Мен...

Шу пайт унинг кўзи биринчи қаторга тушди. Охирги марта онаси ўтирган ўриндиқ. Оддий ўриндиқ. Бироқ у бирданига шифохонаги онаси ётган каравотга айланди. Оқ чойшабга ўранган она. Ёнига қўйилган дори идишлари. Озиб кетган қўл. Ва телефон. Телефон экранида синглисининг исми. Анварнинг нафаси қисилди.

“Премьерадан кейин бораман”. Бу жумла хотирасида яна янгради. Сўнг яна.

www.ziyouz.com kutubxonasi

“Премьерадан кейин бораман”. У шу қарорни ўша куни қанча марта ўзича оқлаганини энди англади.

Спектакль бекор бўлмасди. Режиссёр унга ишонган. Томошабинлар чипта олган. У саҳнага чиқиши керак эди. Ҳаммаси тўғри. Ҳаммаси асосли.

Фақат битта нарса бундан устун турганини у ўшанда тан олмаган: онасининг дийдори мингта томошадан устун эди.

Анварнинг пешонасида тер пайдо бўлди. Упаси намланди. Қоши устидаги бўёқ майда чизиқ бўлиб ёйилди.

Шериги пичирлади:

– Анвар ака...

Анвар унга қарамади. Унинг нигоҳлари бўш ўриндиқда эди. Бир пайт ўша ўриндиқда онасининг эмас, ўзининг қиёфасини кўрди. Қўлида телефон. Юзида саҳнага чиқишга тайёрланган табассум. Ичида эса “кейин” деган битта сўз. Кейин бораман. Кейин қўнғироқ қиламан. Кейин гаплашаман. Кейин...

Инсон баъзида “кейин” деган сўз билан бутун умрини йўқотиб қўяди.

Анварнинг лаблари қимирлади.

– Мен...

Бу сафар овози эшитилди. Аммо матндаги сўз эмасди.

– Мен онамни кўргани бормаганман.

Шериги қотиб қолди. Анвар бошини кўтарди. У томошабинларга актёр сифатида эмас, одам сифатида қаради.

– Мен онамнинг олдига бормаганман, – деди у яна.

Овози баланд эмасди. Лекин ҳар бир сўзи аниқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

эшитиларди.
– Онам мени илҳақ бўлиб кутаётганда, жони узилаётганда мен саҳнада эдим.

Саҳна ортида режиссёрнинг овози эшитилди:
– Анвар!

У тўхтамади.
– Мен унинг ёнига боришим мумкин эди.

Нигоҳлари яна бўш ўриндиққа қайтди.
– Лекин бормаганман.

Анварнинг кўзларидан ёш чиқди. У қўли билан артмади. Грим намланган жойлардан оқа бошлади. Оқ упа ёноғидан пастга силжиди. Қора чизиқлар ҳам бузилди. Саҳнадаги мукаммал чеҳра ўз қиёфасини йўқотаётган эди.
– Йиллар давомида ўзимга сабаб топдим, – деди Анвар. – "Ишим бор эди", дедим. "Премьера эди", дедим. "Одамлар мени кутаётганди", дедим.

У бир лаҳза нафас ростлади.
– Ҳаммаси рост эди.

Шериги унга тикилиб турарди. Анварнинг овози яна пастлади:
– Лекин шу ҳақиқатларнинг ҳеч бири менинг ўғил эканимни бекор қилмасди.

Бу жумлада залнинг ҳеч қаерида театрий оҳанг йўқ эди. Фақат инсоннинг кечиккан иқрори бор эди.

Анвар тиз чўкмади. Қўлларини юзига ҳам беркитмади. У саҳнада тик турган ҳолда йиғлади. Гўё узоқ вақт давомида ичида қамалиб қолган одам энди чиқиш учун эшик топгандек эди.
– Синглим ўша куни менга қайта-қайта қўнғироқ қилган, – деди у. – Бир марта эмас. Бир неча марта.

www.ziyouz.com kutubxonasi

У телефонни ушлаётгандек бармоқларига қаради.

– Мен кўрдим.

Томоғи қирилди.

– Лекин олмадим.

Бир неча сония ўтди.

– Чунки “кейин” бор эди.

У кўзларини юмди.

– Мен кейин боришимга ишонгандим.

Анварнинг овози бўғиқ чиқди.

– Аммо кейин келмади.

Зал ҳали ҳам жим.

Саҳна ортида кимдир ҳаракатланмоқчи бўлди, аммо режиссёр қўли билан тўхтатди. У ҳам энди нима қилишни билмасди.

Анвар биринчи қаторга қаради.

– Онам мени нега охирги марта кутганларини билмайман.

Кўзларида ёш қалқиди.

– Балки қўлимни ушлашни. Эҳтимол овозимни эшитишни. ёки шунчаки ёнларида эканлигимни ҳис қилиш учундир...

У бошини қуйи солди.

– Мен эса бормаганман.

Шу жумла саҳнадаги барча безаклардан, мусиқадан, чироқлардан кучлироқ янгради.

Анвар кўзларини кўтарди.

– Мен бахтли одамни ўйнадим.

У ўз юзига ишора қилди.

– Ҳар куни. Ҳатто ичимда ўзимни кечира олмаган пайтларимда ҳам.

Бир томчи ёш ёноғидан оқиб тушди. Грим уни

www.ziyouz.com kutubxonasi

тўсиб қолмади.

– Қарсаклар менга ҳар сафар битта нарсани эслатарди...

У тўхтади.

– Мен онамнинг охирги дақиқаларида унинг ёнида эмасдим.

Анварнинг кўзи яна бўш ўриндиққа тушди. Бу сафар у ерда ҳеч кимни кўрмади. Фақат бўш жой. Ва шу бўш жойнинг ичида ўзининг кечиккан армонлари бор эди.

У бир қадам олдинга чиқди.

– Мен ўзимни жазолаб келдим.

Овози энди хотиржамроқ эди.

– Лекин жазо онамни қайтармади.

Бу сўзни айтгач, Анвар бир лаҳза жим турди.

– Мен кеч қолдим.

Шу билан у бошини эгди. Бошқа ҳеч нарса демади.

Саҳна чироқлари остида Анварнинг грими бутунлай бузилган, юзида эса актёрга тегишли ҳеч қандай безак қолмаган эди.

Режиссёр саҳна ортида қотиб турарди. У ниҳоят қўлини кўтарди.

– Чироқни...

Овози узилиб қолди. Сўнг пастроқ деди:

– Чироқни ўчиринг.

Биринчи қатордаги бўш ўриндиқ қоронғуликка сингди. Саҳна ҳам. Анвар ҳам.

Парда тушди.

Аммо бу сафар парда ҳам уни яшира олмади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

V-ҚИСМ
СОЯ БИЛАН ЁЛҒИЗ

Театр орқа эшигининг оғир қаноти ёпилганда, Анвар ортига қарамади.

У ерда ҳали ҳам шовқин бор эди. Кимдир унинг исмини айтар, кимдир кечаги воқеани муҳокама қилар, кимдир режиссёрдан нима бўлганини сўрарди. Аммо буларнинг барчаси эшик ортида қолди.

Анварнинг қулоғида эса ҳали ҳам саҳнада айтган битта жумла янграрди:

– Мен бормаганман.

У бу гапни биринчи марта одамлар олдида айтган эди. Қизиғи, у бундан қўрқмади.

Анвар йўлак бўйлаб юраверди. Театрнинг орқа эшиги очилди. Қиш ҳавоси уни қарши олди. Изғирин юзига урилди. Унинг нам кўзлари совуқда тезда муздек ачишди. Анвар қўлини юзига олиб борди. Бармоқларида гримнинг оқ ва қора излари қолган эди.

У бир муддат уларга қараб турди. Сўнг қор устига артди. Оқ бўёқ оқ қорга сингиб кетди. Қора из ҳам.

Анвар йўлга тушди. Қаерга бораётганини билмасди. Унга ҳозир бирор манзил керак эмасди. Фақат театрдан узоқлашишни истарди.

Кўчалар гавжум эди. Машиналар шошилар, бекатларда одамлар автобус кутар, дўконлар олдида ёруғликлар ёниб турарди.

Ҳеч ким Анварга қарамасди. Бу унга ғалати даражада енгил туюлди. Саҳнада унинг ҳар бир ҳара-

www.ziyouz.com kutubxonasi

катига юзлаб кўз қадаларди. Бу ерда эса у ҳеч ким эди.

Шунинг ўзи бир таскин эди. У юраверди. Бир кўча. Яна бири.

Қор майдалаб ёғарди. Одамларнинг оёқ излари қор устида бир-бирига аралашиб кетар, Анварнинг излари ҳам улар орасида йўқоларди.

У онасини эслади. Бу сафар шифохонадаги оқ чойшабни эмас. Уйдаги оддий бир кечани. Ошхонадаги чойнакни. Дастурхон четида турган нонни. Онасининг: "Ишдан кеч қолма, болам", деган овозини.

Анвар қадамларини секинлатди. У онасининг охирги кунини эслашга ўрганган эди.

Энди эса унинг тирик пайтларини эслашни бошлаётганини сезди.

Бу хотиралар энди оғриқли эди. У онасининг кулганини эслади. Онаси тандирда ёпган нонларни ёдига олди. Қўлидаги иссиқ нон хотирасида жонланди. Уйга кирганда эшик олдида кутиб олганларини эслади.

Анвар хиёбонга бурилди. Бу ерда одамлар кам эди. Қор дарахт шохларига илиниб, тунги чироқлар атрофида майда зарралардек айланарди.

Хиёбоннинг бир четида эски ўриндиқ бор эди. Анвар унга яқинлашди. Қорни қўли билан сидириб ташлади. Ўтирди.

Бир муддат бошини эгиб турди. Сўнг юқорига қаради.

Тунги чироқ унинг рўпарасида эмас, бироз ён томонда эди. Шунинг учун қор устида унинг сояси узун ва ингичка бўлиб ётарди. Анвар унга тикил-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ди.

У соядан шу вақтлар давомида қочган эди. Саҳнага чиққанда уни чироқлар орасига кўмиб юборган. Олқишлар билан босиб ташлаган. Янги роллар билан устини ёпган. Кулги билан беркитган.

Аммо соя ҳар сафар қайтиб келган. Гримхонада. Кўзгу олдида. Ёлғиз қолган кечаларида. Ҳар бир муваффақиятдан кейин. Ҳар бир қарсакдан сўнг.

Анвар паст овозда деди:

– Сендан қочиб бўлмас экан.

Соя янада қуюқлашгандек бўлди. Соя унинг гуноҳи эмасди. У унинг жазоси ҳам эмасди. У фақат унинг ёруғлик билан бирга туғиладиган иккинчи томони эди.

"Онажон... Сизга айта олмаган гапларим кўп экан. Мен сиздан кечирим сўрайман".

Кечирим сўраш осон эди. Ўзини кечириш эса бошқа нарса.

У онасининг ўлимига сабабчи эмасди. Аммо онаси жон бераётганида ёнида бўлмаган эди.

Ўтмишни ўзгартириш мумкин эмас. Унинг олдида фақат икки йўл бор эди: шу фикрлар билан умрбод ўзини жазолаш ёки уни қабул қилиб, хотира билан яшашни ўрганиш.

"Мен кеч қолдим. Буни ўзгартиролмайман"

Онасининг қиёфаси хаёлига келди. Бу сафар у шифохонадаги бемор эмасди. Уйдаги она эди. Қўлидаги нон. Кўзларидаги меҳр. Овозидаги оддий илиқлик.

"Чарчамадингми, болам?"

Анварнинг лаблари титради.

– Чарчадим, она... жудаям чарчадим...

www.ziyouz.com kutubxonasi

У бу сўзни жуда паст айтди. Аммо шу икки оғиз сўз унинг ичида қолиб кетган оғир тошни силжитиб юборгандек бўлди.

Қор ёғишда давом этарди. Бир парча қор ёноқларида эриб, юзини нам қилди. Сўнг осмонга қаради.

У онасини қайтаролмасди. Ўша кунни ҳам қайтариш имкони йўқ эди. Синглисининг қўнғироқларини ортга қайтариб бўлмасди. “Премьерадан кейин бораман”, деган қарор ҳам ўтмишда қолган.


Унинг ҳеч бирини ўзгартириш қўлидан келмасди. Аммо инсоннинг қўлидан келмайдиган нарсалар борлиги унинг бутун умрини жазога айлантириши шарт эмасди.

Анвар ўрнидан турди. Қор остидаги сояси яна унинг оёқлари олдида пайдо бўлди. У бир қадам ташлади. Соя ҳам силжиди. Яна бир қадам. У ҳам.

Анвар бир лаҳза тўхтаб, унга қаради. У хиёбондан чиқиб, шаҳарнинг ёруғ кўчалари томон юрди. Сояси ортидан эмас, ёнидан эргашиб борарди.

Шу кеча Анвар ўз соясидан қутулмади. У фақат унинг ҳам ўзига тегишли эканини тан олди.

www.ziyouz.com kutubxonasi



www.ziyouz.com kutubxonasi

ЭКРАНДАГИ ТАБАССУМ

I ҚИСМ
Чироқ ёқилганда

Телестудияда чироқлар ёқилганида, одамларнинг юзи ҳам ўзгариб кетарди. Кимдир елкасини тўғрилар, кимдир сочини силар, яна кимдир камера томон қарашини машқ қиларди. Саодат эса бу чироқларга кўп йиллардан бери ўрганиб қолганди. У учун улар саҳнага чиқишдан олдинги қўрқув эмас, балки бошқа бир ҳаётнинг эшиги эди. Чироқ ёқилди дегунча, унинг юзида табассум пайдо бўлар, кўзларида қандайдир болаларча шўхлик уйғонарди.

– Тайёрмисиз? – деди режиссёр аппарат ёнидан.

Саодат бош ирғади.

– Тайёрман.

У бу сўзни ҳар сафар бир хил айтмасди. Баъзан шўхлик билан, баъзан ишонч билан, баъзан эса овозининг титроғини билдирмаслик учун жуда оддий оҳангда такрорларди. Бугун ҳам шундай бўлди.

Камера ишга тушди.

Бир неча сониядан кейин студиядаги ҳаво ўзгаргандек туюлди. Саодатнинг овози енгиллашди, қадамлари эркинлашди. Унинг ҳар бир ҳаракати олдиндан ўйланган бўлса-да, томошабинга табиий, ўз-ўзидан пайдо бўлаётгандек кўринарди. У бир қараш билан шеригини кулдирар, бир оғиз

www.ziyouz.com kutubxonasi

гап билан вазиятни бутунлай бошқа тусга киритар, юзидаги ифода билан эса айтилмаган гапни ҳам етказарди.

Студиянинг нариги томонида кимдир кулиб юборди.

Саодат шу кулгини эшитиб, бир зумга янада жонланди.

У томошабинни кўрмасди. Лекин унинг кулгисини эшитарди. Ана шу овоз Саодат учун ҳар қандай олқишдан қадрли эди.

Чунки у кулгининг сохтасини ҳам, чиндан туғилганини ҳам ажрата оларди.

– Бўлди! – деди режиссёр.

Чироқлар ҳали ўчмаган эди. Аммо Саодатнинг юзидаги табассум секин сўна бошлади.

У шеригига қараб:

– Яхши чиқдими? – деди.

– Зўр, – деди у.

Саодат кулди.

– Унда яна бир марта кўрамиз.

– Нима учун?

– Билмадим. Кўнглим тўлмади.

Бу гапни айтиб, у камера турган томонга яна қаради. Ҳозиргина кулдириб турган аёлнинг кўзларида бир зумлик жиддийлик пайдо бўлди. Лекин уни ҳеч ким пайқамади. Саодатнинг ўзи ҳам бу ҳолатга аҳамият бермади. Ёки аҳамият бермасликка уринди.

Унинг касби шундай эди: ўзини эмас, бошқаларни кўрсатиш.

Камера ёнидаги техник ходим тасмани текшириб турган пайтда Саодат стол устида қолган

www.ziyouz.com kutubxonasi

қоғозларни йиғиштирди. Бир варақни буклаб қўйди, иккинчисини текислади. Сценарийдаги айрим жумлаларга қалам билан белгилар қўйилган эди. У шу белгиларга қараб, кечаси уйда яна неча марта машқ қилганини эслади.

Кеча ҳам улар уйда анчагача ўтиришган эди.

Эри столнинг бир томонида, Саодат иккинчи томонида. Ораларида сценарий. Бир неча бор ўқилган жумлалар. Қайта-қайта синаб кўрилган интонациялар. Баъзи жойларда иккаласи ҳам кулиб юборишар, баъзи саҳналарда эса бир-бирининг гапини бўлмай, охиригача эшитишарди.

Улар бирга ишлашни яхши кўришарди. Бу фақат бир идорада елкадош бўлиб юриш эмасди. Икки инсоннинг бир мақсадга ишониши эди. Кимдир ташқаридан қараса, уларга ҳавас қилиши мумкин эди. Аммо бу ҳамкорликнинг ортида қанча тунлар, қанча чарчоқ ва қанча қайта-қайта айтилган жумлалар борлигини ҳамма ҳам билавермасди.

Саодат баъзан кечқурун болалари ухлаб қолганидан кейин сценарийни яна қўлига оларди. Кўзлари чарчаган бўлса ҳам, бирор жойини тўғриламагунча, кўнгли тўлмасди.

Эри:

– Эртага ҳам ишлайсан, бироз дам ол, – дерди.

Саодат бошини кўтармай:

– Шу жойига кўнглим тўлмаяпти, – дерди.

– Эртага кўрамиз.

– Эртага кеч бўлади.

Эри унга қараб жилмаярди.

Саодат ҳам кулиб қўярди.

Шундай кечаларда у ўзини бахтли ҳис қиларди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Ижод бор эди. Оила бор эди. Болаларининг овози бор эди. Уйда чой ҳиди, столда очиқ қолган сценарий, бир бурчакда сочилиб ётган китоблар бор эди. Ҳаётнинг оддий, аммо қадрли нарсалари.

Телестудияда эса ҳаёт бошқача эди.

Бу ерда одамлар бир-бирини кўпинча юзига қараб эмас, ортидан гапириб баҳолашарди.

Саодат буни аввалари унчалик сезмасди. Иш билан банд эди. Янги роллар, янги кўрсатувлар, янги матнлар унинг вақтини олиб қўярди. Унинг учун ишхона – саҳнадан олдинги тайёргарлик жойи эди, холос.

Кейин у одамларнинг қарашидаги кичик ўзгаришларни пайқай бошлади.

Кимдир у кирганда гапини тўхтатарди.

Кимдир уни кўриб, юзига табассум чиқарар, Саодат ўтиб кетгач, лабининг бурчагини бошқача бурарди.

Яна кимдир:

– Саодат, бугун жуда яхши чиқдингиз, – дерди.

Овозида мақтов бордек туюларди. Аммо кўзларида бошқа маъно ётарди.

Саодат бундай ишораларни илгари ҳам кўрган бўлиши мумкин. Фақат уларни бир-бирига улашга уринмасди. Чунки одамнинг кўнглида гумон пайдо бўлса, у кейин ҳар бир қарашдан маъно қидира бошлайди. Саодат эса бундай яшашни истамасди.

У ўзини меҳнат билан ҳимоя қилиш мумкин, деб ўйларди. Агар ишингни яхши қилсанг, ҳеч ким сенга тегмайди.Бу ишонч унинг энг катта таянчи эди.

Аммо ҳаёт гоҳида бошқа жиҳатни кўрсатади:

www.ziyouz.com kutubxonasi

баъзан одамнинг айби ишни ёмон бажарганида эмас, ишини яхши бажариб, кимнингдир кўзига кўринмай қолганида бўлади.

Ўша куни эфирдан кейин Саодат сумкасини елкасига осиб, студиядан чиқмоқчи бўлганида, эшик олдида бир ходим уни тўхтатди.

– Саодат опа...

– Ҳа?

– Сизни раҳбарият чақиряпти.

Саодат унинг юзига қаради.

– Ҳозирми?

– Ҳа.

– Нима гап экан?

Ҳалиги одам елкасини қисди.

– Билмадим.

Саодат бир зум жим турди. Қўлидаги сценарийни сумкасига солди. Кейин эшик томон бир қадам ташлади.

Йўлак одатдагидан узунроқ туюлди.

У юрар экан, орқасидан студиядаги чироқлар бирма-бир ўчирилаётганини эшитди. Ҳар бир "чирт" этган товуш гўё ортида қолган бир саҳнани ёпиб борарди.

Саодат раҳбарият хонаси олдига келиб тўхтади. Қўлини эшик тутқичига узатди. Бир лаҳза тортинди. Нима ҳақида гап бўлиши мумкин? У ўзининг ҳеч қандай айби йўқлигини биларди. Шунинг учун эшикни ишонч билан очди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

II ҚИСМ
Касал бўлишга ҳаққи йўқ аёл

Саодатнинг касаллиги бир кунда бошланмаганди. Аввалига у ошқозони атрофидаги оғриқни одатдагидек ишдан кейинги чарчоққа йўйди. Кун бўйи студияда тик туриш, репетициялар, эфирга тайёргарлик, кечқурун уйда матн ёдлаш – буларнинг бари унинг учун оддий ҳаёт тарзига айланганди. Оғриқ кучайганида ҳам ишини ташлаб қўйишни ўйламади. Бир куни эфир олдидан гримхонада ўтириб, лабларига ранг суртар экан, кўзлари бир лаҳза юмилди. Ҳамкасби унинг елкасидан ушлади.

– Саодат опа, тинчликми?

У кўзини очди.

– Тинчлик. Бироз бошим айланиб кетди, холос.

– Рангингиз оқариб кетибди.

– Чироқдан.

У шундай деди-ю, одатдагидек жилмайди. Ўзининг оғриғини ҳам ҳазилга айлантиришни ўрганиб олганди. Аммо ўша куни эфирдан чиққач, йўлакда бир неча қадам юриб, деворга суяниб қолди. Ичида нимадир қаттиқ эзилар, нафас олганида оғриқ янада зўраярди. У кўзини юмди. Бир неча сониядан кейин ўзини қўлга олди.

– Уйга кетамиз, – деди эри.

– Йўқ. Эртага иш бор.

– Эртанги ишни ҳозир ўйлама.

– Матн тайёр эмас.

Эри унинг қўлидаги қоғозларга қаради.

– Сенга ҳозир матндан кўра шифокор керак.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Саодат жавоб бермади.

Кейинги кунларда оғриқ қайталанаверди. Ниҳоят, шифокор кўригидан кейин уни касалхонага ётқизишга тўғри келди. Ташхис аниқлангач, Саодат бир муддат ишдан узилишига мажбур бўлди. Унга дам олиш, даволаниш, овқатланиш тартибига риоя қилиш тайинланди.

Касалхона палатасида вақт бошқача ўтарди. Телестудиядаги чироқлар, камералар, режиссёрнинг "бошладик" деган овози, шеригининг саҳнадаги ҳаракатлари – ҳаммаси бирданига узоқлашиб кетгандек эди. У ёстиғи ёнида турган сценарийни бир неча марта қўлига олди, кейин яна четга қўйди.

Эри келганида, Саодат биринчи бўлиб:

– Ишлар қалай? – деб сўрарди.

– Ишлар турибди.

– Нима бўлди?

– Ҳеч нима.

Саодат унинг кўзига қararди.

– "Ҳеч нима" деганингизда доим нимадир бўлади.

Эри жилмайишга уринарди.

– Сен аввал тузалиб ол.

У хотинига ишхонадаги гапларни айтмасликка ҳаракат қиларди. Аммо гаплар эшикдан сўралмай кириб келади.

Саодат касалхонада ётган кунларнинг бирида унинг ҳамкасбларидан бири келди. Бироз ўтириб, аҳвол сўради. Кейин гап орасида:

– Тезроқ тузалиб, ишга чиқинг, – деди.

– Нега?

Ҳалиги аёл кўзини олиб қочди.

– Ишхонада гап-сўз кўпайиб кетди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Саодатнинг қоши сал кўтарилди.
– Қанақа гап?
– Билмадим... Одамлар ҳар хил гап қилади.
– Масалан?
Ҳалиги аёл жавоб беришга шошмади.
– Сизни вилоятдаги хизмат сафарига бормаганингиз учун...
Саодатнинг юзи ўзгарди.
– Мен касалхонадаман-ку.
Ҳалиги аёл чуқур нафас олди.
– Баъзилар касалликни баҳона қилган, деб ўйлаяпти.
Палатадаги ҳаво бирданига оғирлашгандек бўлди.
Саодат бир неча сония гапирмади. Кейин бошини буриб, дераза томон қаради. Ташқарида одамлар одатдагидек шошиб юришар, машиналар ўтар, кимдир қўлида нон кўтариб кетарди. Дунё ўзгармаганди. Фақат унинг ичида нимадир силжиб кетган эди.
– Демак, касал бўлиш ҳам айб экан-да, – деди у охири.
Ҳалиги аёл:
– Мен ундай демоқчи эмасдим...
– Сиздан ранжимаяпман. Касаллигимни баҳонага йўйганлардан хафа бўлаяпман.
Саодат бошқа гап айтмади.
Ўша кечаси у узоқ вақт ухлай олмади. Танасидаги оғриқ бир тарафда, ичини тирнаётган алам бир тарафда эди. Одам касал бўлганда унга дори беришади. Аммо ишонч йўқолса, уни қайси дори тузатиши мумкин?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бир пайт хаёлига телестудия келди. Чироқлар ёқилган. Камера тайёр. Режиссёр ишора қиляпти. У эса кулиши керак.

Нега улар унга ишонишмади? Нега бировнинг оғриғига шубҳа билан қараш осон? Нега инсонни тушунишдан олдин ундан ҳисоб сўрашади?

Эртаси куни шифокорлардан бири палатага кириб, аҳволини сўради. Саодат дори-дармонларини қабул қилиб, кўрсатмаларга амал қилди. Аммо бир неча кундан кейин унинг ишхонасидан яна одам келди. Бу сафар гап жиддийроқ эди.

– Саодат, сизга бир нарсани айтиб қўяй, – деди у.

– Айтинг.

– Раҳбариятда сизнинг масалангиз кўтариляпти.

– Қандай масала?

– Лавозимингиз.

Саодат қўлидаги пиёлани секин столга қўйди.

– Нима бўлибди лавозимимга?

– Сизни вазифангиздан олишмоқчи.

У бу гапни эшитиб, аввал ишонмади.

– Нима учун?

Ҳалиги одам елкасини қисди.

– Турли сабаблар айтилаяпти.

– Қанақа сабаб?

– Гўё ишингизнинг бир қисмини бажариб, бошқа вазифаларга эътибор бермас эмишсиз.

Саодат бирдан кулгиси келганини сезди. Лекин кулишга куч топмади.

У касалхонада ётибди. Қорнидаги оғриқ ҳали босилмаган. Шифокорлар уни эҳтиёт қилишяпти. Ишхонадагилар эса унинг ишламай қолган кунларини санаб, лавозими ҳақида мажлис ўтказмоқчи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Менинг ишимдан камчилик топишибдими? – деди у.
– Билмадим.
– Огоҳлантириш беришганми?
– Йўқ.
– Танбеҳ?
– Йўқ.
– Унда нимага асосланишяпти?

Жавоб бўлмади.

Саодат деворга суяниб қолди. Бир неча сониядан кейин паст овозда:
– Мен касал бўлганман, холос, – деди.

Бу гапни айтар экан, у ўзининг касаллигига эмас, ишхонасидаги муносабатларга жиддийроқ қаради.

Касалхонада ётган кунлар унинг учун нафақат даволаниш даври, балки одамларни таниш даврига ҳам айланиб қолди.

Кимдир ҳолидан хабар олди. Кимдир бир марта телефон қилди. Кимдир эшитган гапларини етказди. Кимдир эса умуман келмади.

Саодат одамларнинг кимлигига эмас, оғир пайтда қайси томонда турганига қараб баҳолай бошлади.

Етти кун ўтди.

Бир ҳафта давомида унинг танаси секин тикланди. Аммо кўнглида пайдо бўлган дарднинг битиши учун дори йўқ эди.

Касалхонадан чиқиш куни эри уни олиб кетиш учун келди. Саодат кийиниб, ҳужжатларини йиғиштирди. Палатадаги темир каравотга бир лаҳза қараб турди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эри унинг хаёлларини сезгандек:
– Кетдик, – деди.
Саодат сумкасини олди.
– Ишга ҳам бораман.
– Аввал уйга.
– Йўқ. Ишхонага.
Эри бироз қараб турди.
– Нима қилмоқчисан?
Саодат эшик тутқичини ушлади.
– Билмайман. Лекин ўзим ҳақимда бошқаларнинг айтганини эшитиб ўтирмайман.
Улар йўлакдан чиқишди.
Ташқарида ҳаво тиниқ эди. Саодат бир неча қадам юриб, осмонга қаради. Қуёш кўзини қамаштирди.

III ҚИСМ
Бир ишхонадаги икки инсон

Саодат ишхонага қайтган куни унинг столи устида қоғозлар аввалгидек тахланиб турар, қаламдоннинг қопқоғи очиқ, бурчакдаги телефон эса гўё уни кутиб тургандай жим ётарди. Фақат одамларнинг нигоҳида нимадир ўзгарганди. У буни эшикдан кириши билан сезди.
– Тузалибсизми? – деди кимдир.
– Шукр.
– Яхши бўлиб қолибсиз.
Саодат жилмайди.
– Кўриб турганингиздек.
У ўз жойига ўтирди. Қўли қоғозларга борди, аммо фикри жамланмади. Касалхонадан чиққани-

www.ziyouz.com kutubxonasi

га ҳали кўп бўлмаган, танаси ҳам тўлиқ тикланмаган эди. Лекин унинг олдида турган масала саломатликдан ҳам оғирроқ эди.

Тушга яқин чақирув келди.

– Раҳбарият мажлис қилади.

Саодат бошини кўтарди.

– Мен ҳам бораманми?

– Албатта. Сизнинг масалангиз кўриб чиқиларкан.

У қоғозларини йиғиштириб, ўрнидан турди.

Мажлис хонасида бир неча киши ўтирганди. Стол устида папкалар, қоғозлар. Ҳамма нарса одатдагидек расмий кўринарди.

Саодат кириб келгач, унга ўтириш учун жой кўрсатишди.

Бир киши қоғозни очди.

– Саодат, сизнинг иш фаолиятингиз бўйича айрим эътирозлар бор.

– Қандай эътирозлар?

– Сиз ўз лавозимингиздан фойдаланиб, асосан эфирдаги ролларга кўпроқ эътибор беряпсиз, деган фикр бор.

Саодат бир лаҳза қоғозга қараб турди.

– Кимда шундай фикр бор?

Ҳеч ким жавоб бермади.

– Менинг ишимдан аниқ камчилик топилганми?

Яна жимлик.

– Огоҳлантириш олганманми?

– Йўқ.

– Танбеҳ-чи?

– Йўқ.

Саодатнинг овози баланд эмасди. Аммо ҳар бир саволи хонадаги оғир ҳавони бир оздан кесиб

www.ziyouz.com kutubxonasi

борарди.
– Унда менинг вазифамдан озод этилишимга асос нима?

Столнинг нариги томонида ўтирган киши папкасини ёпди.
– Бу масала ҳали муҳокама қилиняпти.
– Мен ҳақимда қарор қабул қилиняпти, ўзим эса "муҳокама"нинг ичида йўқманми?

Унинг овози титради. Бироқ Саодат ўзини тутиб олди.
– Мен бир неча кун касалхонада ётдим. Буни ҳамма билади. Энди шу касаллигимни ишимга қарши далилга айлантиришмоқчими?

Ҳеч ким унинг кўзига қарамади. Ҳамма ундан кўзларини олиб қочди.

Шунда Саодат ўзининг ҳақлигидан кўра, одамларнинг қўрқоқлигини яққолроқ кўрди. Улар орасида унинг айбига ишонганлар борми ёки йўқми – буни билмасди. Аммо ҳеч ким овоз чиқариб, у ўз вазифасини уддалаётганини айтмади.

У мажлисдан чиққач, йўлакда бироз туриб қолди. Эшик ортидаги гаплар яна давом этди. Саодат эшитмасликка уринди.

Лекин инсон ўз ҳақидаги гапларни эшитмасликка қанча уринмасин, қулоқ уларни ўзига тортади.

У секин юриб, иш столига қайтди. Шу куни кечгача биров билан гаплашмади.

Уйга қайтганида эри унинг юзига қараб, нимадир бўлганини англади.
– Нима бўлди?
– Ҳеч нима.
– Яна шу "ҳеч нима"ми?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Саодат пальтосини ечиб, курсининг суянчиғига илиб қўйди.

– Мени ишдан олишмоқчи.

Эри бир зум жим қолди.

– Нима учун?

– Айтишларича, ўз вазифамдан фойдаланиб, ролларга кўп чиқар эмишман.

Эри унга тикилиб қаради.

– Ролга чиқиш ҳам айб бўлиб қолдими?

Саодат аччиқ кулди.

– Мен ҳам шуни тушунмаяпман.

Эри бироздан кейин:

– Сен ўз ишингни биласанми?

– Биламан.

– Ўзингга ишонасанми?

Саодат жавоб беришга шошмади.

– Ишонардим.

– Энди-чи?

У бошини эгди.

– Энди одамларнинг гапи орага киряпти.

Эри стол ёнига ўтирди.

– Одамларнинг гапи сенинг меҳнатингдан устун бўлмасин.

Саодат унга қаради.

Бу гап унга тасалли бергани йўқ. Аммо кўнглини бироз тинчлантиргандек бўлди.

Кечқурун улар яна матн устида ишлашди.

Эр-хотиннинг уйида иш билан дам олишнинг чегараси аллақачон йўқолиб кетганди. Стол устида кечки чой, икки-уч варақ сценарий, қалам ва кўзга ташланмайдиган майда-чуйда буюмлар ётарди. Болаларининг хонасидан баъзан овоз

www.ziyouz.com kutubxonasi

эшитилар, кейин яна уй ичини одатий осойишталик қопларди.

– Бу жойини бироз секинроқ айт, – деди эри.

Саодат матнга қаради.

– Нега?

– Гапнинг оғирлиги шунда.

У яна бир марта ўқиди.

– Мана шундайми?

– Ҳа.

Саодат жилмайди.

– Режиссёр бўлиб кетяпсиз.

– Мен аввал ҳам режиссёр эдим.

Саодат кулиб юборди. Унинг кулгиси уйга тарқалди.

Шу лаҳзада ишхонадаги гаплар, мажлис, лавозим, гумонлар бир четда қолгандек бўлди. У эри билан бирга ишлаганда ўзини бошқача ҳис қиларди. Уларнинг ижоди кимнингдир рухсатига муҳтож эмасди. Улар бирор саҳнани яхши чиқариш учун бир-бирини танқид қиларди ҳам, баъзан тортишарди ҳам.

Аммо тортишувнинг охирида яна матнга қайтишарди. Чунки уларнинг ўртасида рақобат эмас, бир-бирини тўлдириш эҳтиёжи устун эди.

Телевидениеда эса буни ҳамма ҳам шундай қабул қилмасди.

Бир куни Саодат йўлакдан ўтаётганида икки кишининг паст овозда гаплашганини эшитиб қолди.

– Буларга осон-да...

– Нима осон?

– Эр-хотин бирга ишлайди. Ким кимни чиқаришини ўзлари ҳал қилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Саодат қадам ташлашдан тўхтади. Бир неча сония уларнинг гапини эшитиб турди. Кейин бурилиб кетди. Унинг ортидан ҳеч ким қарамади.

Ўша куни у уйга қайтгач, эрига бу гапни айтмади. Айтишни истади. Лекин айтиб, унинг ҳам кўнглини оғритгиси келмади.

Эр-хотиннинг ўртасида баъзи гаплар айтилмайди. Улар яширилгани учун эмас, бир-бирининг елкасига ортиқча юк ортилмаслиги учун.

Орадан бир неча кун ўтиб, уларга янги кўрсатув учун матн берилди. Бу сафар ҳам Саодат ва эри бирга рол ижро этишлари керак эди.

Ҳажвий кўрсатувларда уларнинг бирга чиқишлари томошабинларга ёқарди. Саодат буни хатлардан, телефон қўнғироқларидан, баъзан кўчада учратган одамларнинг самимий саломидан биларди.

Бироқ студияда ҳамма ҳам бундан хурсанд эмасди. Репетиция вақтида бир актриса четдан туриб:
– Бошқа актрисалар ҳам бор-ку, – деди.

Саодат эшитди. Эри ҳам эшитди. Аммо у ҳеч нарса демади. Саодат эса матнни ўқишда давом этди.
– Яна бир марта бошлаймизми? – деди у.

Режиссёр бош ирғади. У яна саҳнага чиқди. Камера ёқилди. Саодатнинг юзида табассум пайдо бўлди. Ҳамкасбларидан бири унга қараб турди.
– Бўл, бўл, режиссёрнинг хотини бўл экан-да...

Саодат бу гапни эшитмади. Ёки эшитса ҳам, эшитмаганга олди. Чунки у аста-секин бир нарсани тушунаётганди: агар ҳар бир гапга жавоб қайтарса, ўзининг энг қимматли вақтини бошқаларга совға қилиб қўярди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Унинг жавоби бошқача бўлиши керак эди. Яхши ишлаш.

Камера қаршисида яна кулди. Ролини ижро этди. Саҳна тугагач, режиссёр:

– Бўлди, – деди.

Студияда кимдир қарсак чалди. Саодат эрига қаради. У ҳам жилмайди.

Шу табассумда кўп нарса бор эди: “чидадик”, “яна чидаймиз”, “уларнинг гапи ўтиб кетади”, “биз эса ишлайверамиз” деган маъноларнинг барчаси бир нигоҳга сиғиб кетганди.

Аммо Саодатнинг ичида бошқа бир савол пайдо бўлганди.

Одам ўз меҳнатини ҳимоя қилиши керакми ёки ўз қадрини?

У ҳали бу иккисининг бир-биридан ажралмаслигини англаб етмаганди.

Эрталаб ишга келганда яна бир хабар уни кутиб турарди. Бу сафар гап фақат унинг лавозими ҳақида эмас эди. Энди унинг эри билан бир ишхонада бирга ишлаши ҳам “асосий масала”га айланаётганди.

Саодат қоғозни қўлига олди. Ўқиди. Кейин яна бир марта ўқиди. Қоғозда бир неча оддий жумла бор эди. Аммо баъзи жумлалар инсонга қоғоздагидан оғирроқ тегади. Саодат варақни буклаб, сумкасига солди. Унинг кўзлари намланмади. Бу гал у йиғлашни ҳам истамади.

Фақат ичидан бир фикр ўтди: “Демак, энди бирга ишлашимизнинг ўзи ҳам айб экан...”.

У бошини кўтарди. Йўлакда одамлар одатдагидек шошиб юрарди. Кимдир салом берди. Саодат

www.ziyouz.com kutubxonasi

алик олди. Юзида яна ўша таниш табассум бор эди. Фақат бу сафар табассумнинг ортида алам эмас, қарор туғилаётганди.

IV ҚИСМ
Кулгининг нархи

Саодатнинг экрандаги ҳар бир чиқиши томошабин учун бир неча дақиқалик қувонч эди. У учун эса ўша дақиқалар ортида узоқ тайёргарлик, ёдланган матнлар, қайта-қайта қилинган репетициялар ва баъзан уйқусиз тунлар турарди.

У саҳнага чиққанда бунинг бирортаси сезилмаслиги керак эди. Томошабин унинг чарчаганини эмас, образни кўриши лозим.

Шунинг учун Саодат камера ёқилиши билан кун давомидаги ташвишларини бир четга суриб, юзига ўзига хос табассумни жойларди.

У эри билан бирга ҳажвий кўрсатувларда рол ижро қилган пайтларда уларнинг ижодий ҳамкорлиги янада яққол кўринарди.

Икковининг саҳнадаги ҳаракатлари бир-бирига мос, гаплари табиий, бирининг нигоҳидан иккинчиси кейинги лаҳзани сезиб турарди. Улар бир-бирининг камчилигини яширишдан кўра, тўлдиришга одатланган эдилар. Саодат баъзан эрининг бир оғиз гапидан кейин саҳнадаги вазиятни ўзгартирар, у эса хотинининг нигоҳидан нимани давом эттириш кераклигини англарди.

Кўрсатувлардаги уларнинг бирга ижро этган роллари томошабинларга манзур бўларди.

Эфирдан кейин студияга хатлар келар, те-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лефонлар жавобсиз қолмас, баъзан кўчада таниш-билишлар эмас, мутлақо нотаниш одамлар ҳам Саодатни тўхтатиб, экрандаги чиқишини эслаб кулганча гаплашиб кетишарди. Бундай пайтларда у ўзини машҳур санъаткордек эмас, кимнингдир уйига бир лаҳзалик қувонч олиб кирган оддий инсондай ҳис қиларди. Томошабиннинг самимий муносабати унга барча машаққатларнинг ўрнини босадиган бир куч бераради.

Аммо ишхонада ҳамма ҳам бу қувончни бирдек қабул қилмасди.

Бир куни Саодат иш столи ёнида матн кўриб ўтирар экан, орқа томондаги икки ходимнинг паст овозда гаплашганини эшитиб қолди.

– Яна Саодат чиқармиш.

– Ундан бошқаси йўқми?

– Бошқалар ҳам бор.

– Бор бўлса, нега кўринмайди?

Саодат қаламини қоғоз устида тўхтатди. Бир неча сония қимирламай ўтирди. Кейин матнни яна ўқий бошлади. У бу гапларга аралашишни истамади. Аммо одамнинг қулоғи эшитган нарсани ақл баъзан юз марта қайта эшиттиради.

Ўша куни кечқурун эри билан уйда матн тайёрлаётганда, Саодат бир неча бор гап бошламоқчи бўлди-ю, ҳар сафар фикридан қайтди.

– Нима бўлди? – деди эри ниҳоят.

– Ҳеч нима.

– Бугун сенда “ҳеч нима” кўпайиб кетди.

Саодат жилмайди.

– Ишхонадагилар яна гап қилишаётган экан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Эри қаламини столга қўйди.
– Нима ҳақида?
– Нима ҳақида бўларди? Ҳар сафар бирга чиқишимиз ҳақида.
У бироз жим турди.
– Менга алам қиладиган жиҳати бошқа нарса.
– Нима?
– Улар ишимни эмас, менинг ким билан ишлашимни муҳокама қилишяпти.
Эри унинг гапини бўлмади.
– Бугун яна бир нарса дейишди, – деди Саодат. – Гўё мен вазифамдан фойдаланиб, эфирга чиқар эмишман.
– Сен эфирга чиқасан, чунки сенга рол беришяпти.
– Шуни тушунишмайди.
– Тушунишни исташмайди.
Саодат унга қаради.
– Нега одамлар бировнинг меҳнатини тан олишни исташмайди?
Эри елкасини қисди.
– Балки тан олишса, ўзларининг камчиликлари кўриниб қолишидан қўрқишар.
Саодат жавоб бермади.
Бу гап унга ёқди, аммо кўнглини ҳам оғритди. Чунки у энди ишхонадаги баъзи қарашларнинг сабабини тушуна бошлаётганди.
Орадан бир неча кун ўтди. Саодатга янги матн берилди. У рольга тайёрланди. Уйда кечгача машқ қилди. Эри баъзи жойларини ўзгартиришни таклиф қилди. Саодат эътироз билдирди. Иккови бир неча дақиқа тортишиб қолишди. Кейин яна матнга қайтишди. Улар учун ижоднинг ўзидаги

www.ziyouz.com kutubxonasi

тортишув шахсий муносабатларига аралашмасди. Бир саҳна яхши чиқса, иккаласи ҳам хурсанд бўлар, омадсиз жойи бўлса, биргаликда яна изланишарди.

Эртаси студияда репетиция бошланди. Саодат саҳнага чиқди. Режиссёр:

– Яхши. Энди иккинчи вариантни кўрамиз, – деди.

У яна ижро этди. Бу сафар студиянинг ўзида кулги кўтарилди.

– Тасвирга олинди! Жуда яхши! – деди режиссёр.

Саодат бош ирғади. Унинг кўнглида бир лаҳзалик қувонч пайдо бўлди.

Шу пайт четда турган бир ҳамкасби:

– Албатта, Саодат бўлгандан кейин, яхши чиқади-да, – деди. Оҳангида мақтов бордек эди. Аммо сўзнинг тагида бошқа маъно сезиларди. Пичинг.

Саодат унга қарамади. Камера ёқилди.

У яна кулди. Бу сафар томошабин унинг кўз олдида йўқ эди, аммо Саодат экран ортида ўтирган одамларни тасаввур қилди.

Балки ҳозир кимдир уйида чой қуйиб ўтирар, кимдир фарзанди билан бирга томоша қилар, яна кимдир кун бўйи йиғилган чарчоғини бир неча дақиқалик кулги билан унутар.

Саодат учун санъатнинг маъноси шу эди. У эфирдан тушганидан кейин гримини ечар экан, ойнадаги ўз қиёфасига узоқ қарамади. У сўнгги вақтларда ўзини томоша қилишдан кўра, бошқаларнинг уни қандай кўраётганини кўпроқ ўйлай бошлаганини сезди. Бу эса унинг ўзига ёқмасди.

Грим хонасидан чиққанда йўлакда уни раҳбариятдан бир ходим кутиб турарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Саодат, сизни чақиришяпти.
– Янами?
– Ҳа.
– Нима гап?
– Билмайман. Лекин бу сафар жиддийроққа ўхшайди.

Саодатнинг қадамлари секинлашди.
– Қачон?
– Ҳозир.

У бир лаҳза чироқлар ёниб турган студия томон қаради. Ичкарида ҳали ҳам одамлар бор эди. Кимдир декорацияни йиғиштирар, кимдир қоғозларни тахлар, кимдир эртанги эфир ҳақида гаплашарди.

Саодат ўша ердан кетишни истамади. Унинг бутун меҳнати шу хонада қолиб кетгандек эди. Аммо йўлак охиридаги эшик уни кутиб турарди.

У эшик томон юрди. Бу гал унинг юзида табассум йўқ эди.

Раҳбарият хонасида унинг лавозими, иши ва эфирдаги роллари яна муҳокама қилинди. Бир киши:
– Сизга бир гапни очиқ айтишим керак, – деди. – Бу ерда тартиб бор. Ҳар ким ўз вазифасини билиши керак.

Саодат унга қаради.
– Мен ўз вазифамни билмайманми?
– Масала фақат шунда эмас.
– Унда нимада?

Жавоб бироз кечикди.
– Сизнинг эфирда жуда кўп кўринишингиз эътирозларга сабаб бўлмоқда.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Саодатнинг юзида аччиқ табассум пайдо бўлди.
– Демак, менинг айбим – томошабин мени кўришни хоҳлаётганидами?

Хонада ҳеч ким кулмади. Саодат ҳам кулмади.
– Мен эфирга ўзимни ўзим чиқармайман, – деди у.
– Режиссёр чақирса, бораман. Рол берилса, тайёрланаман. Кўрсатувга керак бўлсам, ижро этаман. Бундан ортиқ қандай айб қидиряпсизлар?
– Сиз гапни бошқа томонга бурманг.
– Мен ҳеч қаёққа бурмаяпман. Фақат тушунишга ҳаракат қиляпман.

Унинг овози баландлашмади. Аммо ичида йиллар давомида йиғилган аламлар сўзга айланишга шайланганди.

У хонадан чиққач, йўлакда бир неча қадам юрди. Кейин тўхтади. Кўзи студияга тушди. Чироқлар ҳали ҳам ёниб турарди. У ерда кимдир яна кулдирувчи саҳнани машқ қилаётган эди.

Саодат эшик олдида туриб қолди. Бир лаҳза унинг хаёлидан: "Кетсам-чи? Шуларнинг ҳаммасидан қутулардим!", деган фикр ўтди. Шу фикр бу сафар уни қўрқитмади. Аксинча, енгил тортгандек бўлди.

У бир қадам ортга чекинди. Шу пайт ичкаридан томошабинлар кулгиси ёзилган овоз эшитилди. Саодат беихтиёр эшик томон бурилди.

Қаҳ-қаҳа. Самимий, беғубор, жонли кулги.

Унинг кўзлари намланди. У бу кулгини танирди. Бу кулги унинг меҳнатига берилган энг оддий, аммо энг ҳаққоний баҳо эди.

"Кетаман", деган фикр яна қайтди. Аммо бу сафар унинг ортидан бошқа бир овоз келди: "Ким

www.ziyouz.com kutubxonasi

учун?”.

Саодат ичкарига кирди.

V ҚИСМ
Сизга ким рухсат берди?

Мажлис куни Саодат ишхонага одатдагидан эртароқ келди. Ҳали йўлакларда одам кам, деразалардан тушган хира ёруғлик полга узун чизиқлар солиб турарди. У столи ёнига ўтириб, сумкасидан бир неча қоғоз чиқарди. Касалхонадан берилган ҳужжатлар, ишлаган кўрсатувлари рўйхати, эфир саналарини белгилаб қўйган қайдлар... Ҳар бир варақни бирма-бир кўздан кечирди. Гўё ўзининг ҳақлигини аввал ўзига исботлаб олиши керакдек эди.

Аммо унинг қўлидаги қоғозлардан ҳам оғирроқ нарса бор эди – одамнинг ўз меҳнатига ишонган ҳолда, бошқалар олдида ўзини оқлашга мажбур бўлиши.

Мажлис бошланганида хонада таниш чеҳралар кўринди. Саодат уларнинг кўзларига қараб чиқди. Кимдир қоғоз титкилар, кимдир столга қараб ўтирар, яна кимдир қаламини бармоқлари орасида айлантирарди.

Уни вазифасидан озод қилиш масаласи муҳокамага қўйилди.

– Саодат ўз вазифасидан фойдаланиб, эфирдаги ролларга ортиқча вақт ажратган, – деди кимдир.

Саодат бошини кўтарди.

– Ортиқча деганингиз нимани англатади?

– Асосий ишга етарлича эътибор берилмаган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Қайси ишга?
– Умуман ишга.

Саодат бир лаҳза ҳайрон бўлиб қаради.

– Менинг ишимдан аниқ бир камчилик кўрсатиб беринг.

Жавоб ўрнига қоғоз шитирлади.

– Гап фақат битта камчилик ҳақида эмас.
– Унда нималар ҳақида?

Ҳеч ким шошмади. Саодат олдидаги ҳужжатларнинг бирини кўтарди.

– Мен касалхонада ётган пайтимда ҳам ишдан қочган, дейишди. Касаллигимга шубҳа қилишди. Энди эса вазифамни бажармаган, дейишяпти. Менга айтинглар, қайси ишни бажармаган эканман?

Унинг овози титрамасди. Аммо қўллари совиб кетганини ўзи сезиб турарди.

– Сизнинг эфирда кўп кўринишингиз ҳам гап бўляпти, – деди бир киши.

Саодат аччиқ жилмайди.

– Мен экранга ўзимни ўзим чиқармайман.
– Лекин сиз кўп чиқяпсиз.
– Демак, томошабин кўраётган одамнинг айби шуми?

Хонада яна оғир жимлик пайдо бўлди. Саодат бу жимликни аввал ҳам кўп бор учратганди. Аммо бугун у бошқача эди. Илгари у жимликни сабр билан енгишга уринарди. Энди эса бу жимликнинг ортида турган қўрқувни сезаётганди.

Кимдир бировга қарши гапиришдан қўрқарди. Кимдир лавозимидан айрилишдан. Кимдир эса шунчаки ўзини четга олиб, кейин “мен ҳеч нарса билмасдим” дейишни маъқул кўрарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Саодат папкани ёпди.

– Менга бир нарса аниқ бўлса бўлди. Менинг ишимдан нима камчилик топилди?

– Буни раҳбарият ҳал қилади.

– Мен ҳам раҳбариятга савол беряпман.

Унинг овози кескин ва қаттиқроқ чиқди.

Мажлис тугади. Қарор аниқ айтилмади, аммо Саодат нима кутишини тушунди. У хонадан чиқиб, йўлакда бироз турди. Кўзлари олдида ҳамма нарса равшан эди, лекин ичида ғира-шира бир ҳолат бор эди.

У бош муҳаррирнинг хонасига киришга қарор қилди. Эшикни тақиллатди.

– Киринг.

Саодат ичкарига кирди.

– Мен сиз билан гаплашмоқчи эдим.

Бош муҳаррир қоғозларидан бош кўтарди.

– Қани, ўтиринг.

Саодат ўтирмади.

– Мени ишдан олишмоқчи экан.

– Ҳа, эшитдим.

– Нима учун?

– Бу масалани мажлис ҳал қилади.

– Мажлисда менинг ишим ҳақида гапиришди. Мен эса сиздан бир оғиз адолатли гап эшитишни истадим.

Бош муҳаррир елкасини қисди.

– Нима дей?

Саодатнинг кўзлари намланди.

– Нимани дейсиз? Мен сиздан сабабини айтинг, дедим.

У бир қадам олдинга юрди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Мен касалхонада ётдим. Буни ҳамма билди. Мен атайин касал бўлмадим. Менинг танам оғриётган бир пайтда, “сафарга бормаслик учун касал бўлиб ётиб олди”, деган гап тарқалди. Кейин касаллигимни текширишди. Менга ҳатто ишончсиз одамдек қарашди. Энди тузалганимдан кейин, “ишламайди”, деб ишдан олишмоқчи бўлишяпти. Мен нима қилдим?

Бош муҳаррир яна қоғозларига қаради.

– Саодат, ўзингизни босинг.

– Мен неча марта ўзимни босишим керак?

Унинг овози титради.

– Ҳар сафар кимдир менга туҳмат қилади. Ҳар сафар “чида”, дейишади. Нега мен ҳадеб чидашим, сабр қилишим керак? Мен ҳам одамман-ку.

Бош муҳаррир унга қаради, аммо юзидаги ифода ўзгармади.

Саодат давом этди:

– Менга бирор марта танбеҳ берилганми? Бирор кўрсатувни бузиб қўйганманми? Вазифамни бажармаганманми? Агар камчилигим бўлса, айтинг. Мен тузатаман. Лекин одамнинг шаънига тегиб, кейин унинг ишини баҳона қилиш – адолатдан, инсофдан эмас!

Бош муҳаррир бироздан кейин:

– Мен бу масалада нима қила оламан?

Саодат унга тик қаради.

– Сиз раҳбарсиз.

– Хўш.

– Демак, бу масалани ҳал қила оласиз.

Бош муҳаррир елкасини қисди.

– Билганингизни қилинг. Қўлингиздан келганини

www.ziyouz.com kutubxonasi

қилинг.

Шу гап Саодатга қаттиқ тегди.

У бир неча сония қимирламай турди. Кўзларидаги ёшни артмади. Энди уни яширишнинг ҳам ҳожати йўқ эди.

– Демак, мен ёлғиз эканман, – деди у паст овозда.

Бош муҳаррир жавоб бермади. Саодат эшик томон юрди. Қўли тутқичга етганда тўхтади. У ортига ўгирилмади.

– Мен сиздан кўп нарса сўрамадим, – деди у. – Фақат бир марта одам ўрнида кўришингизни истагандим. Афсус...

У эшикни очиб чиқди. Йўлакда одамлар бор эди. Кимдир унга қаради, кимдир кўрмаганга олди. Саодат уларнинг орасидан ўтиб борар экан, ўзини жуда ёлғиз ҳис қилди.

Лифт олдига келди. Тугмачани босди. Эшик очилди. У ичкари кириб, деворга суянди. Лифт пастга туша бошлади.

Саодат кўзларини юмди. Шу лаҳзада кўз олдига телестудиядаги чироқлар келди. Камера. Эфир. Эри. Уйдаги сценарийлар.

Фарзандларининг овози. Томошабиннинг кулгиси. Унинг юраги яна бир бор эзилди.

Аммо бу гал кўз ёши ортида бошқа бир туйғу бор эди.

Қатъият.

Лифт эшиги очилди. Саодат ташқарига чиқди. У ишхонадан чиқар экан, қадамлари аввалгидек оғир эмасди. Аксинча, гўё кўнглидаги бир тугун узилгандек эди.

Ташқарида шамол эсарди. У йўлакда бир неча

www.ziyouz.com kutubxonasi

қадам юриб, тўхтади. Сумкасини очиб, ҳужжатларини яна бир бор кўздан кечирди. Кейин бир варақни алоҳида ажратиб олди. Қоғозни текислади. Қаламини чиқарди. Унда юқори раҳбариятга мурожаат қилиш ниятини ёзиб қўйди.

Бир неча сония қалам ҳаракатсиз турди. Саодат ўзининг бу қадами қандай оқибатларга олиб келишини билмасди. Балки яна гап-сўзлар кўпаяр. Балки уни янада ёмон кўришар. Балки иши бутунлай хавф остида қолар.

Аммо энди у ўз шаънини ҳимоя қилмаса, бир кун келиб ўзига бўлган ишончи ҳам сўнади.

У биринчи сўзни ёзди. Кейин иккинчисини. Қўли титрамади. Шу пайт унинг телефони жиринглади.

– Алло?

Эрининг овози эшитилди.

– Қаердасан?

Саодат бир лаҳза жавоб бермади.

– Ишхонадан чиқдим.

– Ҳаммаси жойидами?

– Йўқ. Жойида эмас!

Телефоннинг нариги томонида бир неча сония ҳеч нарса эшитилмади.

– Унда уйга кел. Гаплашамиз.

– Мен юқори раҳбариятга шикоят қиламан.

Эрининг жавоби қисқа бўлди.

– Қил.

Саодат телефонни қўлида ушлаб турди. Бу бир оғиз сўз унга бутун бир таянчдек туюлди. У қоғозга яна қаради.

Шамол унинг сочларини елпирди. Қўлидаги варақнинг бир чеккаси титради. Аммо Саодат уни

www.ziyouz.com kutubxonasi

маҳкам ушлаб турди.

У энди йиғламасди.

VI ҚИСМ
Қизимга айтилган гап

Орадан йиллар ўтди. Саодатнинг сочларига оқ орала бошлаган, экран қаршисидаги табассуми эса аввалгидек таниш эди.

Фақат унинг ўзи ўзгарганди. Илгариги Саодат ҳар бир гапни юрагига яқин олар, кимнингдир ноўрин қараши ёки пичинги билан тун бўйи ўйланиб чиқарди.

Энди эса кўп нарсани ичидан ўтказиб, сиртга чиқармасликни ўрганганди. Инсон баъзи оғриқларга кўникмайди. Балки уларни кўтариб юришга одатланади.

Унинг учун энг катта хотиржамлик – фарзандларининг соғлиги ва уйидаги осойишталик эди. Ўғли ўз йўлини топиб борар, қизи эса болалар шифокори бўлиш орзусида ўқирди. Саодат қизининг нозик кўнглини яхши биларди. У бировнинг қаттиқ гапидан кўра, унинг овозидаги совуқликдан ҳам ранжиши мумкин эди.

Бир куни қизи касалхонага ётқизилди. Касаллиги жиддий эмасди, аммо бир неча кун шифокорлар назоратида бўлиши керак эди.

Саодат ҳар куни уни кўргани борар, уйдан тайёрлаб борган овқатини олиб кирар, ёстиғини тўғрилардек, қизининг пешонасини силаб қўярди.

– Ўзингни яхши ҳис қиляпсанми?

– Ҳа, ойи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Ростини айт.
– Рост.
– Иштаҳанг қалай?
– Яхши.
– Демак, тезда уйга чиқасан.
Қизи жилмайди.
– Сиз шифокор бўлиб кетдингиз.
– Она бўлган одам ҳамма касалликни билади, – дерди Саодат.
Қизи куларди. Шу кунларда палатага турли одамлар кириб-чиқиб турарди. Баъзилари беморларнинг яқинлари, баъзилари таниш-билишлар эди.
Бир куни қизи ёлғиз қолган пайтда унга телевидениеда танилган актрисалардан бири келди. Унинг қадам ташлашида қандайдир ишонч, овозида эса ўзини бошқалардан устун қўядиган оҳанг бор эди.
– Бир танишимни кўргани келгандим. Сени ҳам шу ерда ётганингни эшитиб, бирров кўриб кетай дегандим, – деди у.
Қиз мулойим жилмайди.
– Раҳмат.
Аёл курсини суриб ўтирди.
– Отанг-онанг яхшими?
– Яхши.
– Адангни яхши кўрасанми?
Қиз ҳайрон бўлиб унга қаради.
– Албатта.
Аёлнинг лабида тушунарсиз табассум пайдо бўлди.
– Ҳали кўп нарсани билмайсан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қиз индамади.

– Сенга бир муҳим гапни айтишим керак.

Қиз унинг юзига қараб турди.

– Айтинг.

Аёл бироз эгилиб, овозини пасайтирди.

– Мен адангни илгари яхши кўрганман. Аданг ҳам мен учун жонини беришга тайёр эди.

Қиз аввал эшитганини англамади.

– Нима?

– Аданг мени жудаям яхши кўрган. Фақат онанг уни ўз томонига оғдириб олган. Шунда отанг номардлик қилиб, мени ташлаб кетган.

Қизнинг юзидаги табассум сўнди.

– Нималар деяпсиз?

– Ростини айтаяпман.

Қиз бир неча сония унга тикилиб қолди.

– Адам сиз билан...

У гапини тугата олмади.

– Ҳа, – деди аёл. – Лекин бу гапларни сен ҳали тушунмайсан. Бизни севгимиз Тоҳир-Зуҳра, Лайли ва Мажнунникидан ҳам кучли бўлган!

Қизнинг бармоқлари кўрпа четини маҳкам чангаллади.

– Менимча, сиз адашяпсиз.

Аёл елкасини қисди.

– Вақт ўтса, ҳаммасини тушунасан.

У ўрнидан турди.

– Майли, мен энди борақолай. Тезроқ тузалиб кет.

Қиз унинг ортидан қараб қолди.

Эшик ёпилди. Палата яна ўз ҳолига қайтди. У ёстиққа суяниб ўтирди. Дераза ортидаги дарахт шохлари шамолда тебранар, йўлакда кимдир шо-

www.ziyouz.com kutubxonasi

шиб қадам ташлар, палатадаги соат эса бир маромда чиқилларди.

У отасини яхши биларди. Отасининг қандай инсон эканини бировнинг гапидан эмас, йиллар давомидаги ҳаётидан англаганди. Уйдаги оддий кунлар, онаси билан отасининг бир-бирига бўлган ҳурмати, бирга ишлашлари, фарзандлари учун қилган меҳнатлари – буларнинг барчаси унинг кўз ўнгида эди.

Шундай бўлса-да, бировнинг оғир гапи инсон қалбига кириб олса, уни дарров ҳайдаб чиқариб бўлмайди.

Қиз шу кеча ухлай олмади. У бир неча бор телефонни қўлига олди. Онасига қўнғироқ қилмоқчи бўлди. Кейин тўхтади.

Отасига айтмоқчи бўлди. Яна қўйди. "Нега мен уларни безовта қилишим керак?".

"Бу гап рост эмас". Шу фикрни қайта-қайта такрорлади.

Аммо инсон бировнинг гапини ёлғон деб билса ҳам, унинг юракда қолдирган изини дарҳол ўчира олмайди.

Эртаси куни Саодат қизининг олдига келди.

– Қалайсан?

– Яхши.

– Кеча ухладингми?

– Ҳа.

Саодат қизининг кўзига қаради. Бир лаҳза нимадир сезгандек бўлди.

– Нега кўзларинг қизарган?

– Кечаси китоб ўқидим.

– Қайси китоб?

www.ziyouz.com kutubxonasi

Қизи стол устида турган китобни кўрсатди. Саодат жилмайди.

– Шифохонада ҳам ўқишдан қолмайсан-а.

Қизи ҳам жилмайди. Аммо онаси чиқиб кетгач, кўзларига ёш келди. У ўша гапни айтмади. На ўша куни, на кейинги куни.

Орадан вақт ўтди.

***

Қиз уйига қайтди. Ҳаёт яна ўз изига тушди. Аммо ўша гап унинг хотирасида қолди. У баъзан отасига қараб, ичидан: "Мен сизга ишонаман", дерди. Буни овоз чиқариб айтмасди.

Бир куни Саодат қизининг ёнида ўтириб, ўтмиш ҳақида гаплашиб қолди.

– Сен кичиклигингда жуда нозик эдинг, – деди у.

– Ҳозир ҳам шундайман.

– Ҳа, – деди Саодат. – Шунинг учун ҳам сени асрашга ҳаракат қилганман.

Қизи бир муддат онасига қараб турди.

– Ойи...

– Ҳа?

– Сиздан бир нарсани сўрасам майлими?

Саодатнинг нигоҳида жиддийлик пайдо бўлди.

– Нимани?

Қизи ўша кунни эслади. Палата. Ўша актриса хотин. Ёпилган эшик. Унинг ранги ўзгарди.

– Мен шифохонада ётганимда, бир актриса олдимга келганди.

Саодатнинг қўлидаги пиёла ҳаракатсиз қолди.

– Ким?

Қизи исмини айтди. Саодат бир неча сония жавоб бермади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Нима деди?

Қиз бошини эгди.

– Сиз билан адам ҳақингизда...

У гапини тугатди. Саодатнинг қўлидаги пиёла столга секин қўйилди. У қизига қараб турди.

– Нега буни ўшанда айтмадинг?

Қизи кўзларини олиб қочди.

– Чунки у гапнинг туҳматлигини билардим.

– Унда нега ичингда олиб юрдинг?

– Сизга оғир бўлишини истамадим.

Йиллар давомида бошидан кечирган ноҳақликлар, туҳматлар, миш-мишлар, мажлислар, совуқ нигоҳлар – барчаси бир лаҳзада хотирасида уйғонди. Уларнинг бирортаси бу қадар оғир туюлмаганди. Негаки улар унинг ўзига тегишли эди.

Бу гап эса қизининг қалбига кирганди.

Саодат ўрнидан туриб, дераза ёнига борди. Ташқарида кун ботиб борар, ҳовлида болаларнинг овози эшитиларди.

– Нега менга аввалроқ айтмадинг? – деди у яна, аммо бу сафар овозида эътироз йўқ эди.

– Адамга ишонардим, – деди қизи. – Сизга ҳам.

Саодатнинг елкалари бир лаҳза титради. У дераза олдида турганича кўзларини юмди. Қизи орқасидан келиб, унинг елкасига қўлини қўйди.

– Ойи...

Саодат ўгирилди. Қизини бағрига босди. Унинг қўллари қаттиқроқ қучоқлади.

– Катта қиз бўлиб қолибсан, – деди у паст овозда.

Саодат қизининг сочларини силади.

У аввал ўзи ҳақида айтилган ёлғонларга чида-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ганди. Кейин эри ҳақидаги гапларга ҳам. Аммо фарзандининг юрагига ташланган бир оғиз гапни кечириш қийин эди.

Бир пайт у ўзини тўхтатиб қолди. “Нима қилмоқчиман?”. Қасос олишми? Жавоб қайтаришми? Йиллар олдин айтилган гапни яна бир гап билан кўмишми?

У ўзининг энг оғир жангини энди тушунди. Бу бошқалар билан эмас. Бу – ўзида қолган аламлар билан эди.

Эртаси куни у одатдагидек ишга борди. Студияда чироқлар ёқилди. Режиссёр камерани тайёрлади.

– Саодат, тайёрмисиз?

– Тайёрман.

У камера қаршисида турди. Чироқлар унинг юзини ёритди. Саодат табассум қилди.

Бу сафар унинг табассуми аввалгиларидан фарқ қиларди. Унда ғам ҳам бор эди, кечириш истаги ҳам, ўзини енгишга мажбур қилаётган бир куч ҳам.

Камера ишга тушди. Саодат яна бошқаларни кулдириши керак эди.

У кулди. Аммо шу гал у кулгининг ортида ўзининг энг катта ғалабасини яшираётганди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

VII ҚИСМ
Экран ўчганда

Эфир куни Саодат студияга одатдагидан бироз эртароқ келди. Йўлакда одамлар ҳали гавжум эмас, эшиклар ортидан паст овоздаги гаплар эшитилар, кимдир саҳна жиҳозларини жойига қўяр, кимдир қоғозларни варақлар эди. У ҳаммасини илгаригидек кўрди.

Аммо бугун уларнинг ҳеч бири унинг кўнглида аввалгидек из қолдирмади.

У стол ёнига ўтириб, сценарийни очди. Матн таниш эди. Бир неча марта ўқилган, уйда эри билан машқ қилинган, баъзи жойларига белгилар қўйилган. Саодат варақларни секин айлантирди. Бир вақтлар шу қоғозларни қўлига олганида, “Яхши чиқармикан?” деган хавотир туғиларди. Кейинчалик эса “Кимдир яна гап қилмасмикан?” деган ўй устун келганди. Бугун эса у иккала саволни ҳам ўзидан узоқлашганини сезди.

У дераза ёнида бироз турди. Йиллар кўз олдидан бирма-бир ўтди. Касалхонадаги оқ деворлар. Қўлидаги дори қутиси. Унинг касаллигига ишонмаган нигоҳлар. “Сафардан қочиш учун...” деган гаплар. Мажлис хонаси. Олдида ётган қоғозлар. Ўзини оқлашга мажбур бўлган кунлар. Раҳбарнинг елка қисиши. Лифтда ёлғиз тушиб келган лаҳза.

Сўнг уй. Стол устидаги сценарий. Эрининг вазмин овози. Бош муҳаррирнинг “Қўлингдан келганини қил” деган гапи.

Бир неча сўз, холос. Лекин баъзан инсонга узун

www.ziyouz.com kutubxonasi

нутқлар эмас, бир оғиз ишонч керак бўлади.

Қизининг овози ҳам хотирасида янгради: “Адамга ишонардим. Сизга ҳам”. У шу жумладан кейин узоқ вақт ўйланганди.

У йиллар давомида ўзини бошқаларнинг гапидан ҳимоя қилиб келганди. Кимдир ишига шубҳа қилган, кимдир ниятини нотўғри талқин қилган, кимдир унинг меҳнатини эмас, ким билан бирга ишлашини муҳокама қилганди. У эса ҳар сафар ўзини оқлашга, ҳақлигини исботлашга уринганди.

Аммо энди бир нарсани тушунганди: одамнинг ҳақлиги ҳар доим ҳам бошқаларнинг розилигига муҳтож эмас.

Саодат сценарийни ёпди.

– Опа, тайёрмисиз? – деган овоз уни хаёлдан қайтарди.

У ўгирилди.

– Тайёрман.

Гримхонада унинг юзига енгилгина пардоз берилди. Сочлари тартибга келтирилди. Кийими тўғриланди. Саодат оромкурсидан туриб, эшик томон юрди. Йўлакдан ўтар экан, студиядан таниш овозлар эшитиларди.

– Камера тайёр!

– Чироқни бироз баландроқ қилинг!

– Ҳамма жойидами?

Саодат эшик олдида тўхтади. Кейин ичкари кирди. Студия чироқлари ёқилди. Олдинда камера. Қаршисида ҳамкасблари. Бир четда эри.

У Саодатга қараб, бош ирғади. Бу оддий ҳаракат эди. Аммо Саодат унинг маъносини биларди. “Мен шу ердаман. Ёнингдаман.”.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Тайёрмисиз? – деди режиссёр.

Саодат камерага қаради.

– Тайёрман.

– Бошладик!

Чироқлар юзини ёритди. Бир неча сониядан кейин Саодат табассум қилди. У яна ўша таниш аёлга айланди. Томошабин яхши кўрадиган, бир оғиз гапи билан кулдириб қўядиган, нигоҳида шўхлик, овозида илиқлик бор актриса.

Камера унинг юзини яқиндан олди. Саодат саҳнадаги шеригига қаради. Бир оғиз гап айтди. Студияда кулги кўтарилди. У ҳам кулди.

Бу кулги аввалгиларидан фарқ қилмасди. Аммо Саодат энди кулгининг нархини биларди.

У табассум ортида яширилган оғриқнинг ҳам таъмини тотганди.

У инсоннинг бир оғиз гапи бошқа бировнинг юрагида йиллаб яшаши мумкинлигини англаганди.

У ишончнинг қанчалик нозик, аммо қанчалик кучли эканини ҳам биларди.

Саҳна тугади.

– Бўлди! – деди режиссёр.

Кимдир қарсак чалди. Саодат эрига қаради. Унинг кўзларида илиқ табассум бор эди. Саодат бош ирғади.

Камера ўчирилди. Чироқлар бирин-кетин пасайди. Студиядаги одамлар тарқала бошлади. Кимдир қоғозларини йиғди, кимдир декорацияларни жойига қайтарди. Овозлар секин-аста узоқлашди.

Саодат эса жойидан қимирламади. У бўшаб бораётган студияга қараб турди. Боягина бу ерда

www.ziyouz.com kutubxonasi

кулги бор эди. Энди эса фақат аппаратларнинг паст шовқини эшитиларди.

Охирги ходим ҳам эшикдан чиқиб кетди.

– Саодат опа, сиз ҳам кетасизми? – деб сўради у.

– Ҳозир.

Эшик ёпилди. Саодат ёлғиз қолди. У саҳна ўртасига секин юрди. Камера турган жойга қаради.

Чироқларнинг иккитаси ҳали ёниб турарди. Уларнинг нури полдаги кичик бир доирани ёритиб қўйганди. Саодат ўша доира ичига кирди. У ерда туриб, атрофига қаради.

Бир вақтлар шу чироқлар унинг учун нажоткордек эди. Чунки улар ёқилганда у ўзининг оғриғини бир четга қўйиб, бошқа бир инсонга айланарди. Кейин эса чироқлар ўчгач, ўша оғриқ яна қайтиб келарди.

Бугун эса у ўзининг экрандаги табассумини ҳақиқий ҳаётдаги табассуми билан таққослаб кўрди.

Экрандаги табассум – томошабин учун эди.

Ҳаётдаги табассум эса кимнингдир розилигига муҳтож эмасди.

Саодат секин, енгил нафас олди.

У ўзини оқлашга энди эҳтиёж сезмасди.

Ким нима деганини ҳам. Ким нима ўйлаганини ҳам. Ким унинг меҳнатини тан олгани ёки тан олмаганини ҳам. Унинг ҳаётида ҳақиқатни билган одамлар бор эди.

Эри бор эди. Фарзандлари бор эди. Унинг ролларини кўриб, бир лаҳза бўлса ҳам кулган мухлислари бор эди.

Шу пайт студиянинг четида турган бир чироқ

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам ўчди. Саодат қоронғулашиб бораётган саҳнада бир муддат қимирламай турди. Кейин энг сўнгги чироқ ҳам ўчди.

Қоронғиликда у камеранинг шаклини энди кўра олмасди. Аммо у бундан қўрқмади. У энди чироқ ўчганда ҳам ўзини йўқотиб қўймаслигини биларди.

У эшик томон юрди. Қўли тутқичга етганда тўхтади. Ортига қаради.

Бўш студия. Ўчган чироқлар. Жим турган камера. Бир неча дақиқа олдин унинг кулгисини қайтариб турган деворлар.

Саодат жилмайди. Бу табассум камера учун эмасди. Томошабин учун ҳам эмас. Ҳеч ким уни кўрмасди.

Шунга қарамай, у табассум қилди. Сўнг эшикни очиб, ташқарига чиқди.

Студия ортида қолди. Аммо унинг ичида ўзига бўлган ишонч, умид шуъласи экрансиз ҳам ёруғ эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi



www.ziyouz.com kutubxonasi

ЧЎКМАГАН ҚИЗ

I ҚИСМ. СУВ БЎЙИДА

– Тайёрмисиз?

Режиссёрнинг овози Ферузани хаёлларидан қайтарди. У бир неча қадам наридаги сув ҳавзасига тикилиб турарди. Саҳна учун ҳамма нарса муҳайё: камера ўрнатилган, ёритиш мосламалари соз, суратга олиш гуруҳи ўз жойини эгаллаган. Сценарийда эса бор-йўғи бир неча сатр бор: она боласининг ортидан сувга отилади ва уни қутқаради.

Оддий саҳна. Аммо актриса учун эмас.

– Тайёрман, – деди Феруза.

Овози хотиржам чиқди. Фақат ўзи кафтларидаги намликни сезди. У сувдан қўрқарди.

Бу қўрқувини деярли ҳеч ким билмасди. Билганлар ҳам эҳтимол, унинг нечоғли чуқур эканини тасаввур қилмасди. Чунки экранда Феруза бутунлай бошқа аёл эди: матонатли, дадил, оғир вазиятларда ҳам ўзини йўқотмайдиган, фарзанди учун ҳар қандай синовга тик бора оладиган қаҳрамон. У йиғлар, кулар, курашар, мағлуб бўлгандек кўринган пайтларида ҳам қайта қад ростларди. Томошабин унинг тақдирларига ишонарди.

Камералар ўчгач эса Феруза чуқур сувдан ўзини олиб қочарди.

Бугунги сценарий уни айнан анча йиллардан бери четлаб ўтган қўрқуви билан юзлаштириб қўйганди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Кадрга тайёрланамиз! – деган овоз янгради.

Феруза яна сувга қаради. Шу заҳоти ҳозирги ҳавза кўз олдидан чекиниб, унинг ўрнини йиллар олдинги Бухоро шаҳри эгаллади.

Қуёш қиздирган кўча. Пешин. Холасининг уйи. Ва дарахтнинг энг баланд шохида ўтирган шўх қиз. Феруза эди у.

Ўша кезларда дунё унинг учун жуда содда ва қизиқарли эди. Холаси ухлаб қолса, секин кўчага чиқишар, уй яқинидаги ариқ бўйига боришар, сувга тушиб, мазза қилиб чўмилишарди. Қиз бола экани Ферузанинг шўхлигига асло тўсиқ бўлолмасди. У дарахтларга тирмашишни, энг баланд шохларга чиқиб олиб, пастдагиларга кулиб қарашни яхши кўрарди.

Холаси уни яна қочиб кетганида топиб олса:

– Туш пастга!

– Тушмайман!

– Ҳозир тушириб оламан!

– Урасиз!

Феруза ўша пайтларда пўписанинг ўзидан ҳам завқ топарди. Болаликда қўрқувнинг умри қисқа бўлади: бир дақиқа олдинги хавф кейинги дақиқада-ёқ кулгига айланиб кетади.

Ариқ эса уларнинг севимли маскани эди. Сувнинг шарқиллаши, иссиқ кундан кейинги салқинлик, болаларнинг қийқириғи, дарахт баргларининг шовуллаши – буларнинг барчаси Ферузанинг хотирасида бир бутун манзара бўлиб қолган.

У дарахт тепасидан ариққа сакрашни ҳам яхши кўрарди. Ўша қиз сувдан қўрқмасди. Аксинча, сув унинг болалик қувончларидан бири эди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Фақат бир кунгача...

– Феруза!

Режиссёрнинг овози уни яна ҳозирги лаҳзага қайтарди. У кўзларини юмди.

Болаликдаги сувнинг ҳиди, илиқ ҳавоси, ариқ бўйидаги шовқин-сурон ҳали ҳам хотирасида эди. Аммо хотиранинг энг чуқур жойида бошқа бир манзара ҳам бор эди.

У манзарани Феруза йиллар давомида эслашни истамади.

Бугун эса у яна қайтиб келганди. Феруза камера томон юрди. Оёқлари олдинга қадам ташлар, хаёли эса ортда – болаликда қолган эди. Уни яна сув кутиб турарди.

Бу сафар сув бўйида шўх бир қиз эмас, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб улгурган аёл турарди.

У бир лаҳза тўхтади. Сувга қаради. Сўнг чуқур нафас олди. Бугун у бир қарор қабул қилиши керак эди: қочишми ёки сувга киришми?

II ҚИСМ. СУВ ОСТИДАГИ ҚЎРҚУВ

Ўша куни ҳам Бухоро осмонида булут кўринмас, жазирама иссиқ ердан нафас олгандек, ҳавони дим қиларди. Пешиндан кейин кўчага чиқишнинг ўзи одамни толиқтирар, аммо болалик иссиқни ҳам, чарчоқни ҳам тан олмайди. Феруза учун ҳар бир куннинг ўз завқи бор эди.

У болалар билан кўчама-кўча юрар, кимдир бирор янги ўйин ўйлаб топса, биринчи бўлиб қўшиларди. Дарахтларга тирмашиш, ариқ бўйида чўмилиш, ким баландроқ сакрай олишини синаш

www.ziyouz.com kutubxonasi

– унинг учун оддий машғулотлар эди. Кеча холасидан пўписа эшитган бўлса, бугун уни аллақачон унутган.

Ўша куни болалардан бири ҳавзага боришни таклиф қилди.

– Юринглар, у ерда чўмиламиз!

Феруза ҳам уларга эргашди. У ҳавзанинг четида туриб, сувга қаради. Уйи олдидаги ариқ кўзига ундан ҳам чуқурроқ туюларди. Шу боис у ердаги сувнинг таги кўринмай қолгани унга хавфли эмас, аксинча, қизиқарлидек сезилди.

Болалар сувга тушиб, бир-бирларини сувга чўмиштиришар, бақиришиб кулишарди. Феруза эса четда туриб уларни кузатарди.

– Сен ҳам туш!

– Мен сузишни билмайман.

– Ҳеч нарса қилмайди. Қўрқма!

Феруза бошини чайқади.

– Йўқ.

Унинг "йўқ" дегани болаларга жиддий туюлмади. Кимдир орқасидан келди. Кейин яна бири.

Феруза нима бўлаётганини англаб улгурмасидан, бир неча қўл уни кўтарди.

– Эй, қўйворинглар!

Унинг овози кулгига аралашиб кетди.

– Қўрқма!

– Қўйворинглар, дедим!

Аммо кеч бўлганди. Феруза сувга отилди. Бир зумда кулги ҳам, осмон ҳам, атрофдаги одамлар ҳам ғойиб бўлгандек бўлди.

Фақат сув қолди. У пастга тортилаётганини ҳис қилди. Қўлларини силкитди. Оёқлари билан тепи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ниб кўрди. Сув юзаси қаердалигини англай олмас, кўзларини очса ҳам атрофи хира кўринарди.

Бир лаҳза тепада осмоннинг бир парчаси кўринди. У юқорига интилиб, қўлини чўзди. Етиб бўлмади. Яна ҳаракат қилди. Танаси оғирлашиб борар, нафаси қисиларди.

У бақирмоқчи бўлди. Овози чиқмади. Оғзига сув кирди. Шунда шу чоққача болалик қўрқуви нима эканлигини билмай келган қиз биринчи марта ҳақиқий ваҳимани ҳис қилди.

"Мен чиқолмайман..." Бу фикр миясида чақмоқдек пайдо бўлди. У холасини эслади. Уйини. Дарахтни. Ариқни. Ҳатто ҳар куни эшитадиган "Туш пастга!" деган пўписани ҳам. Ҳаммаси бир зумда қадрли бўлиб қолганди.

Феруза қўлларини яна тепага чўзди. Кимдир унинг сочидан ушлади. Қўллари билакларга ўралди. Уни юқорига тортишди.

Феруза сув юзасига чиққан заҳоти қаттиқ йўталди. Нафаси бўғзига тиқилиб, кўзларидан ёш чиқди. У ҳавони тўйиб-тўйиб ютишга уринар, аммо ҳали ҳам ўзини сув остида қолиб кетгандек ҳис қиларди.

– Тинчлан, чиқдинг, – деди кимдир.

Феруза жавоб бермади. Унинг бутун танаси титрарди. Атрофида турган болалар энди кулишмасди. Улар бир-бирларига қараб, нима дейишни билмай қолишганди.

Феруза эса биринчи марта сувга бошқача қарарди.

Сувнинг ранги ҳам, ҳиди ҳам, товуши ҳам ўзгариб кетгандек эди. У сувни эмас, сувнинг тубида

www.ziyouz.com kutubxonasi

қолиб кетиш эҳтимолини кўрарди.

Ўша куни у тирик қолди. Аммо болалигининг бир қисми ўша ҳавза тубида қолгандек бўлди.

Вақт ўтди.

Феруза катта бўлди.

У театрга ишга кирди. Саҳнага чиқди. Кейин камералар қаршисида турди. Бошқа одамларнинг тақдирини ўз тақдиридай ҳис қилди. Қайсидир саҳнада фарзанди учун курашди, бошқасида ёлғиз қолган аёлнинг дардини яшади, яна бирида қийинчилик олдида тиз чўкмади.

Томошабинлар экрандаги Ферузани жасур деб билишарди. Лекин ҳаётда унинг битта заиф жойи бор эди. Сув.

Чуқур сув кўриндими – юраги беихтиёр сиқиларди. Ҳавза ёқасида турса, оёқларини сувга туширишдан олдин бир неча марта ўйларди. Дарё бўйидан ўтганда сувнинг ўртасига қарамасликка ҳаракат қиларди. Сузишни ўрганиш ҳақида ўйлаб кўрган пайтлари ҳам бўлди. Ҳатто бир неча марта ўзини мажбурлаб кўришга уринди. Аммо ҳар сафар ўша бир неча сония қайтарди.

Сув юзи. Қўллар. Тепадаги осмон. Нафас етмай қолган лаҳза.

Шунинг учун Феруза сувдан қўрқишини ўзининг оддий бир одати деб қабул қилиб яшайверди.

У қўрқувнинг одамни қанчалик узоқ вақт бошқариши мумкинлигини билмасди.

Баъзан инсон бир воқеадан қутулиб қолади, аммо воқеа инсондан қутулмайди.

Феруза ҳам ўша кундан қутулганди. Лекин ўша кун унинг хотирасида яшаб қолганди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Энди эса йиллар ўтиб, ўша хотира яна унинг қаршисида турибди.

Суратга олиш майдонидаги ҳавзага қараб турганида, Феруза болаликдаги ўша қиз билан ҳозирги аёлнинг орасида қанча масофа борлигини ҳис қилди.

У қиз ҳеч нарсани танлай олмаган. Бугун эса қарор унинг қўлида. У қиз сувга бошқаларнинг хоҳиши билан тушган. Бугун эса сувга кириш ёки кирмасликни ўзи ҳал қилиши керак.

Феруза кўзларини очди. Сув ҳали ҳам жойида эди. Унинг юраги эса аввалгидан бошқача урарди.

III ҚИСМ. ОНА

Феруза сув бўйида туриб, бир зум кўзларини юмди. Ҳозиргина болалик хотираси унинг қалбини яна титратиб ўтган, аммо шу лаҳзада хаёлига бошқа бир манзара келди: уйда уни кутиб турган ўғлининг чеҳраси.

Унинг боласи борлиги Феруза учун оддий бахт эмасди. Бу – ҳар куни ҳис қилинадиган масъулият, ҳар бир қарорнинг ортида турган жавобгарлик эди. У ўғлини ёлғиз тарбиялар, уйда ҳам ота, ҳам она вазифасини бажарарди. Шунинг учун боласининг ҳар бир саволига оддий жавоб беришдан олдин унинг ортида қандай эҳтиёж турганини англашга ҳаракат қиларди.

– Ойижон, нега менга ука олиб келмайсиз?

Ўғли бу саволни кўп такрорларди.

– Нима қиласан ука билан?

– Мен билан ўйнайди. Ука бўлмаса, сингил олиб ке-

www.ziyouz.com kutubxonasi

линг.
– Биттасини танлайсанми?
Бола бир зум ҳам ўйламади.
– Йўқ. Иккита ўғил, иккита қиз бўлсин.
Феруза кулиб юборди.
– Шунча болани қаерга жойлаймиз?
– Уйимизга.

Унингча, масаланинг энг осон ечими шу эди. Болалик дунёсида катта одамларнинг мураккаб ташвишлари бўлмайди. Хоҳиш борми – демак, уни амалга оширишнинг ҳам йўли топилади.

Феруза эса бу саволнинг оддий кўриниши ортида боласининг бошқа болаларга бўлган эҳтиёжини сезарди. Унинг ёнида ака-ука ёки опа-сингил йўқ эди. Шунинг учун ўғлига тушунтиришга ҳаракат қиларди:
– Биласанми, болам, баъзи нарсалар одамнинг хоҳиши билан бўлмайди.
– Нега?
– Чунки баъзи нарсалар тақдирга боғлиқ.

Бола бир муддат ўйланиб қоларди. Кейин яна савол берарди:
– Тақдир нима дегани?
Феруза унинг кўзларига қараб жилмайди.
– Сени мен Худодан тилаб-тилаб олганман. Тақдиримда бор экансан, узоқ йиллардан кейин дунёга келдинг.

Бу жавоб болани ўйга соларди. Унинг чеҳрасидаги жиддийлик Ферузани ҳар сафар ҳайратга тушираарди. Ёши кичик бўлса-да, айрим нарсаларни катталардан ҳам теранроқ қабул қиларди.
– Демак, мен сизга керак бўлганман?

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Сен менга жуда керак бўлгансан.
– Ҳозир ҳам керакманми?

Феруза уни бағрига босарди.

– Ҳар доим кераксан.

Она учун баъзан битта сўзнинг ўзи бутун бир дунёнинг ўрнини босарди.

У ўғлига меҳрини яширмасди. “Сени яхши кўраман”, деб айтишдан чарчамас, бу сўзни боланинг қалбига сингдириш зарурлигини яхши биларди. Чунки меҳрни ҳис қилган бола ўзини дунёда ёлғиз сезмайди.

Бир куни Феруза яна одатдагидек:

– Сени яхши кўраман, ўғлим, – деди.

– Ишингизни-чи?

Феруза кулиб юборди.

– Аввал сени, кейин касбимни яхши кўраман. Сенчи?

– Мен ҳам сизни яхши кўраман. Ишламасангиз оч қоламиз, тўғрими?

Бу гапда болаларча самимият бор эди. Аммо Феруза унинг ортида ўзича бир тартиб, бир ишонч борлигини сезарди.

У ўғлининг шундай фикрлашидан қувонарди. Боласи ҳаётда ҳамма нарсани тайёр ҳолда олишга ўрганиб қолмаслиги учун унга қаноатни ҳам ўргатарди.

– Ҳар доим хоҳлаган нарсангни олиш шарт эмас. Бор нарсанинг қадрини билиш керак.

Бола баъзан индамай қоларди. Баъзан эса савол бериб, онасининг фикрини янада чуқурлаштирарди. Феруза унинг кўзларидаги ўзгаришларни кузатиб, боласи улғаяётганини сезарди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Унинг ўзи ҳам она бўлгач, қўрқув деган туйғуни бошқача англаб қолганди.

Болалигида сувдан қўрққан эди. Энди эса фарзанди учун ҳаётдан хавотир оларди. Бола касал бўлмасин. Йиқилиб тушмасин. Кўнгли оғримасин. Нотўғри одамларга ишониб қолмасин. Бир куни нотўғри йўлга кириб кетмасин...

Она қалбидаги хавотирларнинг охири йўқ эди.

Аммо Феруза бир нарсани яхши тушунарди: болани ҳимоя қилиш билан уни ҳаётдан асраш ўртасида катта фарқ бор. Агар она ҳар қадамда боласининг ўрнига йўл танласа, унинг қўлидан ҳеч қачон ушламаса бўлмайдиган қилиб қўйиши мумкин.

Бола бир куни ўз йўли билан юради. Бир куни ўзи қарор қилади. Бир куни ҳаётнинг чуқур жойларига ҳам тушиши мумкин.

Шунда унинг ўрнига ҳеч ким қўрқиб, ҳеч ким курашиб бера олмайди.

Феруза буни ўйларкан, ўзининг болалигини эслади.

Ўша куни уни сувга бошқалар отиб юборганди. Унинг қўрқуви, илтимоси, "қўйворинглар" деган бақириғи ҳеч ким учун жиддий аҳамият касб этмаган.

У сувдан чиқиб кетганди. Аммо қўрқувини ўзи билан олиб чиққанди.

Шунинг учун у ўғлини бошқача тарбиялашга ҳаракат қиларди. "Қўрқма", деб қўя қолишнинг ўзи етарли эмаслигини биларди. Болани қўрқуви билан ёлғиз қолдирмаслик, аммо уни ҳар бир қийинчиликдан олиб қочмаслик керак.

Балким, оналикнинг энг оғир вазифаси ҳам шу

www.ziyouz.com kutubxonasi

эди: болани асраш билан унга мустақил яшаш имконини бериш ўртасидаги нозик чегарани топиш.

Феруза сувга қаради.

Бир зумга ўғлининг қиёфаси яна кўз олдига келди. У боласига ҳаётда қўрқмасликни ўргатмоқчи эди. Аммо бунинг учун аввал ўзи қўрқув билан юзлашиши керак.

– Феруза!

Режиссёрнинг овози уни хаёлларидан қайтарди.

– Кадрга тушамиз!

У бошини кўтарди. Сув ҳали ҳам ўша ерда эди. Феруза эса энди унга бошқача қарарди.

Унинг ичида бир фикр равшанлашган эди: болангни ҳаётнинг барча тўлқинларидан асраб қололмайсан. Лекин унга тўлқин келганда ўзини йўқотмасликни ўргатишинг мумкин.

Бугун у шу сабоқни ўзидан бошлаши керак эди.

IV ҚИСМ. ҚЎРҚУВ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

– Мотор!

Камера ишга тушди.

Майдондаги шовқин бир зумда тўхтади. Ҳар ким ўз вазифасига шўнғиди: оператор камера ортида қотиб қолди, ёритувчилар четда жим турди, режиссёр эса мониторга энгашиб, кадрнинг ҳар бир лаҳзасини кузата бошлади.

Феруза сув бўйида эди.

Сценарийдаги она учун бу лаҳзада қўрқув деган нарса йўқ. У фарзанди сувга тушиб кетганини кўриши билан ўзини ўйламайди, бир лаҳза ҳам иккилланмай, ортидан отилади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Феруза бу ҳолатни тасаввур қилишни биларди. У ҳам она эди. Аммо экрандаги жасорат билан унинг ичидаги ҳақиқий қўрқув бир-бирига тўқнашганди.

У сувга қаради. Кўз олдида яна ўша ҳавза пайдо бўлди.

Болалик. Қўллар. Сув. Юқоридаги осмон. Нафас етмай қолган дақиқа. Феруза кўзларини юмди.

"Мен энди ўша қиз эмасман", деган фикрни ичида такрорлади. Юраги эса бу гапга ишонгиси келмасди. Қўл бармоқлари совуқ тортиб, кафтлари намланди. Сув эса ҳеч нарса бўлмагандай сокин жилваланарди.

У биринчи қадамни ташлади. Оёғи сувга тегди. Салқинлик этини жимирлатди. Феруза беихтиёр нафасини ушлаб қолди.

Бир зумда болаликдаги ўша манзара яна жонланди: унинг бақириғи, сувга ботиб бораётган танаси, юқорида қолган осмон парчаси...

У иккинчи қадамни ташлади. Сув тўпиғидан юқорилади.

Яна бир қадам. Тиззасига етди. У ортга қарамади.

– Қўрқманг, Феруза, – деган овоз эшитилмади.

Ҳеч ким уни овутмади. Бу сафар у ўзи билан ўзи қолиши керак эди. Сув белигача кўтарилди. Феруза чуқур нафас олди. Унинг хаёлига ўғлининг овози келди:

– Ойижон, мен ҳам сизни яхши кўраман. Ишламасангиз, оч қоламиз, тўғрими?

Бола бу гапни оддий ишонч билан айтганди. Аммо бугун онаси учун у сўзлар таянчдек эди. Феруза ичидан: "Мен сени асрайман", деди. Сўнг ўзи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

ни ҳам шу гапга ишонтирди: “Ўзингни ҳам асра”.
– Қизингиз!

Режиссёрнинг овози янгради.

– Сувга тушиб кетди!

Сценарийдаги ишора.

Феруза бир зумда югурди. У сувга отилди. Салқинлик бутун танасини қамраб олди. Сув юзи ёпилди.

Бир неча сонияга ташқи дунё йўқолди. На овоз, на камера, на режиссёр бор эди. Фақат нафас олиш истаги. Фақат олдинга интилиш. Фақат бир бола. Феруза қўлларини олдинга узатди.

Сув остидаги болага етиб, уни маҳкам қучоқлади.

Шу лаҳзада болаликдаги қўрқув яна бир бор унинг қаршисида пайдо бўлди. Аммо бу сафар у қўлларини бехуда силкитмади.

У бировни қутқариш учун ҳаракат қиларди. У болани бағрига босиб, юқорига интила бошлади. Сувдан боши чиққан заҳоти нафаси оғирлашди. Кўзларида ёш қалқди.

Бу ёшни камера ҳам, режиссёр ҳам, атрофдагилар ҳам бошқача қабул қиларди. Улар буни образнинг ҳисси деб ўйлашлари мумкин эди.

Феруза эса бу ёшнинг қаердан келганини биларди.

У болаликда сув остида қолган қўрқувини йиллардан кейин биринчи марта кўз ёши билан юзига чиқарганди.

– Стоп!

Камера тўхтади.

Бир неча сония ҳеч ким гапирмади. Режиссёр

www.ziyouz.com kutubxonasi

монитордан кўз узиб, Феруза томон қаради.
– Зўр чиқди...

Феруза жавоб бермади. У болани ҳали ҳам қучоқлаб турарди. Сўнг уни эҳтиётқорлик билан қўлидан ушлаб, соҳилга чиқарди. Бола кулди.
– Яхшими?

Феруза бош ирғади.
– Яхши.

У сувга қаради. Сув аввалгидек чуқур эди.

Аммо Феруза унинг чуқурлигидан қўрқмаётганини сезди. Қўрқув ҳали бор эди. Фақат энди у Ферузани бошқармаётганди.

Феруза шу лаҳзада бир ҳақиқатни англади: инсон қўрқувини бирданига йўқотмаслиги мумкин. Лекин унга қарамай қадам ташлашни ўрганса, қўрқув унинг тақдирини белгилай олмайди.

У бир умр сувдан қочиб келганди. Бугун эса сувга кирди. Уни сув енгмади.

Аксинча, у сув остида қолиб кетган болалик хотирасининг бир қисмини ўз бағрига олиб, яна ёруғликка чиқди.

V ҚИСМ. ЧЎКМАГАН ҚИЗ

Тасвирга олиш ишлари тугагач, майдондаги шовқин аста-секин тарқала бошлади. Камералар йиғиштирилди, ёритиш мосламалари ўчирилди, суратга олиш гуруҳи бирин-кетин тарқалаётганди. Бир неча дақиқа аввал одамлар билан гавжум бўлган ҳавза бўйида энди ҳеч ким қолмагандек эди.

Феруза эса шошилмади. У сув ёқасида бир ўзи

www.ziyouz.com kutubxonasi

қолди.

Ҳўл сочлари елкаларига ёпишиб турар, кийими ҳали қуримаган, аммо у бунга эътибор бермасди. Кўзлари ҳавзанинг бир нуқтасига қадалган, хаёли эса йиллар ортига кетган эди.

У болаликдаги ўша кунни яна эслади.

Аввалларида у воқеани фақат бир нарса билан боғларди: сувга тушиб кетгани ва чўкиб кетишига сал қолгани билан. Бугун эса хотиранинг бошқа томонини кўрди.

У чўкмаган эди. Уни қутқаришганди. Демак, ўша куни ҳаёт уни тақдир измига ташлаб қўймаган.

Фақат қўрқув қолиб кетган. Феруза бир лаҳза кўзларини юмди.

Шу йиллар ичида у қанча роллар ижро этди. Қанча аёлнинг тақдирини ўз юраги орқали ўтказди. Экранда қанча марта йиқилди, йиғлади, яна турди. Неча бор фарзанди учун курашган оналарни тасвирлади.

Аммо ўзи болалигидаги бир неча дақиқадан қочиб юрган экан.

Балки инсоннинг баъзи қўрқувлари шундайдир: воқеа тугайди, аммо унинг сояси одам билан бирга ўсиб боради.

Феруза сувга қаради. Унинг кўз олдида дарахт тепасига чиқишдан қўрқмайдиган ўша шўх қиз пайдо бўлди. Ариққа сакрайдиган, холасининг пўписасига ҳам парво қилмайдиган, дунёда ҳеч қандай хавф йўқдек яшайдиган қиз.

Сўнг ҳавза. Сув. Ваҳима. Нафассиз қолган лаҳза.

Феруза ичидан жилмайди.

– Сен чўкмаган экансан...

www.ziyouz.com kutubxonasi

Бу сўзни овоз чиқармай айтди.

– Фақат қўрқувинг чўкиб қолган экан.

Телефони жиринглади. Экранда ўғлининг исми кўринди. Феруза дарҳол жавоб берди.

– Ойижон, қаердасиз?

Боланинг овози унинг кўнглига илиқлик олиб кирди.

– Тасвирга олиш майдонидаман, болам. Ҳозир тугади.

– Қачон келасиз?

Феруза бир лаҳза сувга қараб турди.

– Ҳозир йўлга чиқаман.

– Ростданми?

– Ростдан.

– Унда сизни кутиб тураман.

– Майли, болам.

Қўнғироқ тугади.

Феруза телефонни қўлида бироз ушлаб турди. Кейин ўрнидан туриб, ҳавзага сўнгги бор қаради.

Сув ҳали ҳам ўша сув эди. Чуқур. Тиниқ. Хотиржам.

Фақат унинг сувга қараши ўзгарганди.

У машинага ўтириб, уйи томон йўл олди.

Шаҳар кечга яқинлашган, кўчаларда чироқлар бирин-кетин ёна бошлаганди. Феруза ойна ортида сирғалиб ўтаётган манзараларга қараб бораркан, бугунги кун ҳақида ўйлади.

У сувни енгмаганди. Сузишни ҳам ўрганмаганди. Ҳатто чуқур сувга тушишга ҳали ҳам тайёр эмасди. Лекин бир нарса ўзгарганди. Энди у сувдан қочмасди.

Йўл четидаги каттароқ сув ҳавзаси кўринганда,

www.ziyouz.com kutubxonasi

Феруза беихтиёр:
– Тўхтанг, – деди.

Машина секин четга чиқди. У тушиб, сув бўйига яқинлашди.

Кечки шамол юзига тегди. Ҳавза юзида шаҳар чироқларининг титроқ акслари сузар, сув гўё осмонни бағрига олгандек жилоланарди.

Феруза анча вақт индамай турди. Ичида аввалгидай ваҳима йўқ эди. Фақат хотиржамлик.

У ҳали ҳам ўзини сувдан эҳтиёт қиларди. Балки бир умр сузишни ўрганмас. Балки чуқур сувга тушишдан олдин ҳамиша иккиланар.

Аммо энди бу қўрқув унинг ҳаётини бошқармасди. Феруза шунда англади: инсон ҳар доим ҳам қўрқувини йўқотиши шарт эмас. Баъзан унинг борлигини тан олиб, шунга қарамай олдинга қадам ташлашнинг ўзи кифоя.

Унинг ҳаётида ҳам шундай бўлган. Болалигида сувга бошқалар отиб юборган эди. Бугун эса сувга ўз хоҳиши билан кирди.

Ўша пайтда у сувдан чиқиш учун курашганди. Бугун эса қўрқувидан чиқиш учун. Феруза яна бир бор сувга қаради. Сўнг ортига ўгирилди. Уйда уни ўғли кутаётганди.

Онасининг эшикдан киришини интизорлик билан кутаётган бола. Унинг овози. Унинг саволлари. Унинг беғубор меҳри.

Феруза машинаси томон қайтар экан, кўнглидан бир фикр ўтди: болалигидаги ўша қиз сувга чўкиб кетишига сал қолган. Аммо чўкмаган. У тирик қолган. У улғайган. У она бўлган. У ўз йўлини топган. У қўрқуви билан ҳам яшашни ўрганган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Энг муҳими – у қўрқувига қарамай олдинга юришдан тўхтамаган.

Феруза машинага ўтирди. Йўл яна олдинда эди.

Орқада сув қолди.

Олдинда эса уйи, фарзанди ва ҳали яшалмаган кунлар бор эди. У сувни енгмаганди. Лекин сув ҳам уни енголмаганди.

Чунки ўша куни ҳам, бугун ҳам у чўкмаган эди.

***

Уйда уни ўғли кутарди.

Феруза машина ойнасидан ташқарига қараб бораркан, болаликдаги ўша кунни яна бир бор эслади. Аввалларида у бу хотирани фақат қўрқув билан боғларди: ҳавза, чуқур сув, нафас етмай қолган дақиқалар, ёрдам сўраб чўзилган қўллар...

Энди эса ўша воқеанинг бошқа маъносини кўрарди. У ўша куни чўкмаган. Уни қутқаришган. Ҳаёти давом этган.

Фақат қўрқуви сув тубида қолмай, ўзи билан бирга улғайган. Бугун эса у биринчи марта ўша қўрқувга четдан қарай олди.

Инсон баъзан бошидан кечирган воқеани эмас, унинг қалбида қолдирган изини йиллар давомида кўтариб юради. Воқеа бир кун тугайди, аммо унинг сояси одамнинг ортидан эргашиб юраверади. Феруза ҳам йиллар давомида сувдан эмас, ўша соядан қочиб келган экан.

У бугун сувга кириб, ўтмишини ўзгартирмади.

Фақат унга муносабатини ўзгартирди. Телефони яна бир бор жиринглади.

– Ойижон, келяпсизми?

Феруза жилмайди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

– Келяпман, болам.
– Сизни кутиб ўтирибман. Соғиндим, ойижон.
– Мен ҳам сени соғиндим.

Қўнғироқ тугади.

Феруза телефонни секин сумкасига солди. Кўнглида ғалати бир енгиллик пайдо бўлганди.

У энди ўғлини ҳамма хавфдан асраб қолиш мумкин эмаслигини биларди. Аммо унга ҳаётнинг тўлқинлари келганда ўзини йўқотмасликни ўргатиш мумкин. Балки оналикнинг энг катта маъноси ҳам шундадир.

Феруза уйига яқинлашганда, йўл четидаги сув ҳавзасига яна бир бор кўзи тушди.

Бу сафар машина тўхтамади. У фақат ойна ортидан сувга қараб қўйди. Сув ҳали ҳам чуқур эди.

Феруза эса ундан энди қочмаётганди. У сузишни билмасди.

Балким, ҳеч қачон яхши сузувчи бўлмас. Аммо бунинг аҳамияти қолмаганди.

Чунки у бугун бошқа бир нарсани ўрганди: қўрқувни енгиш – уни йўқотиш эмас, унинг борлигини била туриб ҳам олдинга дадил қадам ташлаш экан.

Машина уйи олдида тўхтади.

Феруза эшикни очиб тушди.

Уни қаршилаш учун эшикдан ўғли югуриб чиқди.

– Ойижон!

Феруза эгилиб, уни бағрига босди. Бола унинг бўйнидан қучоқлади.

Она бир лаҳза кўзларини юмди.

Ўша қучоқда болалиги ҳам, бугуни ҳам, эртаси

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳам бордек эди.

У ўғлининг сочларини силаб, ичидан бир гапни такрорлади: “Сени ҳаётнинг барча сувларидан асраб қололмасам ҳам, улардан чўкмай чиқишни ўргатаман”.

Феруза ўша куни болалигидаги қиз билан хайрлашди.


У қиз энди сувдан қўрқиб яшамайди. Чунки у катта бўлди.

Она бўлди.

Энг муҳими – қўрқувига қарамай яшашни ўрганди.

У сувни енгмади. Сув ҳам уни енголмади.

Чунки у ўша куни ҳам чўкмаган эди. Бугун ҳам чўкмади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

МУНДАРИЖА

Сўзбоши 3
Юрак ҳис этса, қалам сўзлайди 4
Парда ортидаги ҳаёт 9
Сўнгги парда 42
Моҳларойим 67
Дўмбоқ актриса 118
Ўн иккинчи баҳор 161
Актрисанинг ўлимига ким айбдор? 181
Саҳна ортидаги соя 244
Экрандаги табассум 274
Чўкмаган қиз 316

www.ziyouz.com kutubxonasi

Адабий-бадиий нашр

МУЗАФФАР МУҲАММАДНАЗАР

ПАРДА ОРТИДАГИ ҲАЁТ
Ҳикоялар

Сўзбоши муаллифлари:
Мунаввара УСМОНОВА
Замира БЕГИМҚУЛОВА

Муҳаррир:
Амирқул КАРИМОВ

Масъул муҳаррир:
Абдуқаюм Йўлдошев

Техник муҳаррир:
Адҳам КАРИМОВ

Мусаҳҳиҳ:
Назиржон ТОШТЕМИРОВ

Дизайнер:
Абдурасул АБДУҒАНИЕВ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Лицензия рақами: № X-25201.
26.01.2026 йилда берилган.
Босишга 14.08.2026 йилда рухсат этилди.
Бичими 84x108 1/32.
Гарнитура “Cambria”. Офсет қоғози.
Босма табоғи 9,0. Шартли босма табоғи 15,12.
Адади 1000 нусха. Буюртма № 22.
Баҳоси келишилган нархда.

“Oltin meros press” нашриётида тайёрланди.
“Oltin meros press” босмахонасида чоп этилди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8,
Қатортол кўчаси, 21.

Мурожаат учун телефон: +998 97 7032944



www.ziyouz.com kutubxonasi